

Комил Аваз

## **ТОНГ ЭПКИНИ**

(Ҳикоялар, эсселар, мақолалар,  
суҳбатлар, хатлар)

А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти  
Тошкент – 2006

*Истеъдодли адиб Комил Аваз 1942 йилда Хоразмнинг Хива туманида таваллуд топган.*

*Унинг ғазаллари, рубоийлари, ғрамалари, «Қўналға» романи, «Сухбатларда сараланган сатрлар», «Олис оҳанглар», «Хива дилбағди», «Тонг эпкини» каби йирик асарлари алаҳқачон китобхонлар қалбидан чуқур ўрин олган.*

*Қўлингиздаги китобда адибнинг ҳикоялари, мақолалари, суҳбатлари, эссе ва хатлари жамланган.*

© Комил Аваз. “Тонг эпкини”

# ҲИКОЯЛАР

## ТОНГ ЭПКИНИ

Кечаси билан майдалаб ёққан ёмғир тонгга яқин тинди. Дераза дарчаси очиқ турганиданми, Мухтасар жунжикиб уйғонди ва хиёл очилиб қолган кўкраги устига эринибгина кўрпани тортди. Вужудида соғинчи бир талпиниш сезди. Қўллари беихтиёр қулоқ сирғаларини сийпалай бошлади. Сийпалаган сари оромли лаззатдан яйради. Назарида эри Шуҳратжон мана саккиз ойдан ошдиким, Россияда, иш қилади. Заруратдан, албатта. Йўқса, заводда техника хавфсизлиги бўйича муҳандис бўлиб бинойидек ишлаб юрган эди. Дастлаб, маошини ўз вақтида ололмаганидан, шалдир – шулдур «Москвич»га бензин тополмай хуноби ошиб юриши ҳам ҳақ эди. Энг муҳими – уни йўлдан урган нарса, жўраларининг таваккал хомхаёллари, доллар деган ёсуманнинг авраши бўлди. Бунинг устига, Мухтасарнинг ҳомиладорлиги Шуҳратжонни жадалроқ ҳаракат қилишга ундади.

Мухтасар заводда оддийгина ҳисобчи. Эри билан шу ерда танишиб, турмуш қурган. Ҳомиладорлиги сабаб, уч йил уйда ўтириб қолди. Бу орада иқтисодий ўзгаришларга бардош беролмай чўкиб қолган завод яна оёққа тургач, Мухтасарни қайта ишга чақирди. Шу йиллари Шуҳратжон ишини ташлаб, ўзини бизнесга урди. Топди, йўқотди – топди, йўқотди. Ота – оналариям ўзи йиқилган бола йиғламайди қабилида индашмади.

Шуҳратжоннинг бизнеси юришмагач, аввалига уялиб – нетиб, кун – кунора, оёнда – сонда киракашлик қилиб кўрди, бўлмади. Таниш – билишлар учраса пул олишдан ийманди, нотанишлардан кира ҳақиға бунча берасан дея олмади. Хуллас, машинани гаражга қамаб, уч – тўртта жўрасига қўшилиб Россияга кетди.

• • •

Мухтасар оёғини каравотдан пастга осилтириб хийла вақт ўтирди. Сўнг аста туриб, ёнида ухлаб ётган қизчасига меҳри товланиб қаради, устини ёпган бўлди ва керишибгина даҳлизга чиқди. Торроққина даҳлиз деворига маҳкамланган қўловғичда юз – қўлини чайди. Қадини тиклаб, тепасидаги мўъжазгина кўзгуга қаради. Сочларини турмаклаган бўлди. Кўча эшигини

қулфидан олиб, қия очганча ташқарига бошини чиқариб, беихтиёр у ёқ — бу ёққа аланглади. Уйлари унчаям катта бўлмаган чорраҳада жойлашган. Кўча юзи ҳамиша ҳаракатда.

Энди оқариб келаятган тонг уни кутиб олаётгандай, алланечук навозишда эди. Мухтасар аста бўсагадан хатлаб ташқарига чиқди. Тонг эпкинидан энтикиб — энтикиб нафас олди. Момосидан кўп эшитган Хоразмда саҳар — субҳи содиқдан то чошпоҳгача тоғ ҳавоси бўлармиш. Тонг эпкини руҳиятни шундай аллалайди, жунбушга келтиради, ҳавойи хаёллар дунёсига чорлайди. Боз устига, бутунги тонг бир бошқача, кеч куз бўлишига қарамай, япроқлари сарғайган дарахтлар ёмғирдан сўнг баданини артишга ҳафсала қилмаган нозаниндай, енгил эса бошлаган шабадага тўшларини тутиб аста силкинар эди.

Мухтасар йўлакча бўйлаб чорраҳа томон аста одимлай бошлади. Уйда ўраб юрадиган дуррачасини бошидан олди. Енгилгина турмакланган узун қора сочлари елкасига тушгани замон жиловви бўшатишга отдай бошини қимирлатиб, ютоқиб — ютоқиб нафас олди.

У кимсасиз чорраҳадаги светофорнинг яқинида ёмғирдан ҳўл бўлган асфальт устидаги ранглар ўйинига қараб дафъатан ҳайратланди: шиша синигидай сонсиз томчилар қизил рангдан сариқ рангга, сўнг кўк нур тушиши билан қоронғулашиб, олислаб кетади. Сўнг яна бошдан бошланади. Бу сафар Мухтасарнинг наздида кимдир асфальтга олов пуркади, кейин ундан қониқмай, сарғимтир — кўкиш нур селди, кетидан яна қизғиш нур билан йўлнинг билинар — билинмас ўйдим — чуқурларини тўлдириб ўтаётгандай бўлди.

Оламда бу янглиғ фараҳбахш лаҳзалар борлигидан Мухтасарнинг юраги ҳаприкиб кетди. Ёшлигида шеърлар ёзарди, сувратлар чизарди. Биров билар, биров билмасди. Эри адабиётга қизиқсаям, уни бу ишда рағбатлантирмасди. Шу — шу, хонаки шоир, хонаки рассом, хонаки танқидчи бўлиб қолаверди...

Кўчанинг чап томонидан узун тунчиروқларини ўчирганча светофор тагига «Тико» машинаси келиб тўхтади. Мухтасар орқасига қайрилиб, дарвозаси томон аста одимлай бошлаганди. «Тико» ям бурилиб, Мухтасарга ёнма — ён туриб қолди. Машинадан балаңд бўйли бир йигит тушиши билан ичкаридан Оғаҳийнинг мухаммаси янгради.

*Саводи зулфини кўргач, юмар Огаҳий тун деб куз...*

Мухтасар шу кетишда бориб зулфини туширилган эшигини очди — да, ўзини ичкарига олди.

— Қора сочини кўргач, Огаҳий тунмикан дея кўзини юмибди — я! — деб пичирлади — да, юрагига яна гулгула тушди. Кейин ҳеч нимага алахсимамай, ётоққа кирди. Дераза олдига бориб, йўл четида қорайиб турган «Тико»га қаради. Кўшиқ охирлаб бормоқда эди:

*Кўнгул ҳайратда қолма, кўрмас они не учун деб кўз...*

Мухтасарнинг юраги дукурлаб ура бошлади. Бу тиниқ, салоҳиятли кўшиқдан, наинки хобхона, балки бутун олам тўлиб, жаранглаб кетаётгандай эди. Мухтасар шу тобда борлиқни унутгуси келар, отилиб — чиқиб анови «Тико» ёнига тушишни истарди.

Аммо, нима у? — Қўрқувми, андишами, бошқа нарсами, оёғини тушовлаб турарди.

*Ҳар кун, ҳар тонг аҳвол шу.*

Бугун ҳам осмон аста ёришиб, одам — одамни танийдиган вақтда «Тико» ўрнидан аста кўзғалиб, кўздан ғойиб бўлди. У ким бўлдиёкан? Урусияга кетиб, беш — ўн доллар ишлаб келган «янги бойвачча»ларданмикан? Тўхта, тўхта... Балки ҳозир эри Шуҳрат ҳам, ким билсин, қайси бир маржанинг кўйнидадир.

Мухтасарнинг ҳозиргина шодлиқдан оламга сизмай, қанот чиқариб осмонларга учмоққа шай турган қалби аста — секин маъюсланди, энди отаётган тонг ҳам тундлашиб — рангсизланиб, сайқалини йўқотди.

• • •

Мухтасар қизчасини боғчага ташлаб, ишга борди. Кечкурун яна боғчадан олиб, уйга қайтди. На боришда, на қайтишда бирор кимсанинг унга эътибор қилиб қарамаганидан шод, тонгги «Тико»ни ҳам унутгандек эди. Лекин у унутмаган эди. Наинки уни — бу ҳам қулоғи остида жаранглаб турарди:

*Кўнгул ҳайратда қолма, кўрмас они не учун деб кўз...*

Эртаси. Тонг чоғи. Яна ўша «Тико» деразаси рўпарасида

тўхтади. Ичидан ҳеч ким тушмади. Очиқ ойналаридан тагин ўша кўшиқ:

«Саводи зулфини кўргач...»

Мухтасар ҳам ташқарига чиқишни истамай қолди.

Истамай қолди — ю, эри Шухратжонга илтижо қилди: «Мен сенга бевафоликни ҳар қандай тубанликдан тубанроқ кўраман. Лекин шу пайтгача бирон марта ҳол — аҳвол сўрамадинг — а! Икки — уч ойда бир пул жўнатасан, холос. Одам ҳаёти фақат пул билан ҳаётмас — ку! Кейинги ойларда қўнғироқ ҳам қилмай қўйдинг. Ё биров билан топишиб... Дарвоқе, пули тўланмаганидан телефон ҳам ишламаяпти. Бугуноқ қарзни тўлаб, телефонни ишлатаман...»

У йўл четида қилат этмай турган «Тико»га қараб — қараб, тонгни оттирди.

Телефон ҳақи тўланди. Бироқ... жим. Ўзи эса қаерга қўнғироқ қилиб эрини суриштиришни билмайди.

Мухтасар ўйлаб — ўйлаб, ўзича ажойиб бир қарорга келди. Заводада кадрлар бўлимида ишлайдиган йигит билан қишлоққа, қайинсинглисига хабар юборади. Куёви билан келиб, бир — икки кун меҳмон бўлиб кетишсин, дейди. Зудлик билан борармишсиз, жуда зарур гапи бор экан, деб айтса — ку, қайин синглиси сал ҳовлиқмароқ, эри билан жўжигини етаклаб эртагаёқ етиб келади.

Худди ўйлаганидай, уйи меҳмонга тўлди, улар боғларидан насибаларинг деб икки тугунда олма, узум, анор, деҳқончиликдан ушур — кавсан деб бир қопда пиёз, бир қопда картошка кўтариб келишибди экан. Уйлари бирдан кенгайиб, нурланиб, Мухтасарнинг кўзлари ёлқинланди, юраги ҳапқириб, тўлқинланиб кетди. Ярим кечагача қайинсингил билан суҳбатлари адо бўлмади. Бироқ деразадан кўчага қараб қўйганини ўзи ҳам сезмади: «Тико келмадимми?» Куёвдан дераза тагидаги мўъжазгина жойни чопиб ва жайдари гуллар уруғидан селиб беришини илтимос қилди. Мухтасар билади: куёв деҳқон боласи, ерни сайратади.

Куёв кеннойининг бу гапидан гурурланиб кетди. Эртаси қиладиган ишларини нонушта маҳали режалаштирди: кетмон, белни эговлаб олди. Сўнгра майкачан бўлиб дераза тагига чиқди.

Мухтасар уни завқланиб кузатар, бироқ бир кўзи йўлда эди: «Тико»га нима бўлди. О, Худога шукур, «Тико» таниш кўшиқни варанглатиб, муюлишдан бу томонга қайрилди ва дераза тагида

гайрат билан ишлаётган йигитни кўрган заҳоти, кўшиқни пасайтирди. Сўнг у ёқ – бу ёққа қараб олиб аста тезликни оширди – да, ўтиб кетди.

Шу куни кечқурун меҳмонларнинг ҳам сафари қариб, жўнаб кетишди.

. . .

Беш йил институтда ўқиб, муҳандислик дипломи билан уй қурадиган усталарга лой қориб, гишт узатиб, рўзгорини тебратиб юриш ҳам Шухратжон учун бир давлат экан. Бу Россияда хор бўлди: ўзидек мардикорлар сон – саноксиз, дача қурилишига ёллаган бой ўрислар ҳам аҳдида турмас – «еган – ичганинг, ётиб туришинг фалон пул», деб ҳафта – ўн беш кун охирида арзимаган «рубл» беришади. Энг ёмони – камситилиши эди: ишбошлар унга қулдек муомала қилишарди.

Шундай кунларнинг бирида бир кафе – ошхонада малласоч қиз билан танишди. Яхшигина кайфи бор эди.

Қиз унга ҳақиқатан ҳам «доллар» билан ҳақ тўлайдиган иш ваъда қилди.

Аммо... туш кўрса, узоқ йили вафот этган отаси оқ эшақда эмиш, яна бир оқ отнинг жиловидан ушлаб турганмиш: «Туринг, ўғлим, юз – қўлни ювинг. Сизни келиним Мухтасар кутяпти. Кўчадан кўзини олмайди. Қизинг...» дермиш.

Ит ётиш, мирза туриш қилиб юрган квартирасида уйғониб кетган Шухратжон беихтиёр йиғлаб юборди. «Мухтасар! – деб қолди бирдан. – Мен сенга ҳеч хиёнат қилдимми? Мени авфу эт, жоним... Ўз юртингда гадо бўлсанг, тузук экан...»

Бу ерда эса шу тобдаёқ гадо бўлиб қолди: чўнтагида сариқ чақа ҳам йўқ, бор пулини қаерда йўқотганини билмас эди...

Буни қарангки, шу куни ўзи билан бирга бу юртларга келган, аммо «кўк»ига зор бўлиш у ёқда турсин, «рубл»дан ҳам ёлчимай, аламзада бўлиб юрган ҳамқишлоғи Шухратжонни ларзага келтирган ушбу гапни айтиб қолди:

– Дўстим, деразангиз остида бўш ер бор – а? Гул экиладиган?

– Ҳа, бор. Бор! Ўзим шу кунларда...

– Ўша ерни бир полвон ағдараётганини кўришибди.

– У қандай «полвон» экан?

– Билмадим, уйга телефон қилувдим. Айтишди...

– Ким?

– Э, анаву «Хушрўй» лақабли «Тико»чи бор – ку? Ўша айтиб кетибди.

– Ҳм, у даромини биламан...

Мухтасарнинг уйида телефон жиринглади.

– Алло! Яхшимисан?! Гули яхшими?

– Вой! Шуҳрат ака? Ассалом айлайкум! Биз яхшимиз, ўзингиз яхши юрибсизми?

– Дераза тагидаги гулжойда ким ишляпти?

– Вой, сиз дарров қаёқдан эшита қолдингиз?

– Эшитясанми, Мухтасар? Ким деяпман?!

– Ким бўларди, куёвим!

– Қанақа куёвинг?

– Ахир...

– Мени кут!

Шуҳрат телефон гўшагини қўйди. Мухтасар не гап бўлганини англай олмай, гарангсиб қолди. Қани энди у яна телефон қила қолса! Йўқ, ҳеч қандай қўнғироқ бўлмади. Мухтасарнинг ороми бузилди. Ўзини қаерга қўйишини билмай зор қақшади. Қариндошжонлигини намойиш қиламан деб қаёқдан ҳам Собиржонни куёвим деди – я.

Икки кундан кейин тонг саҳарда уйлари олдида тўхтаган машина сасидан уйғонди ва деразадан қараб, не кўз билан кўрсинки, яна «Тико» қорайиб турибди. Унинг юкхонасидан бир одам юкларини туширяпти. Мухтасар халатини эгнига олганча чиқиб, даҳлиз чироғини ёқди. Дарвоза қўнғироғи жиринглади. Мухтасар ташқарига чиқиб, дарвозани очди.

– Вой! Шуҳрат ака!

Шуҳратжон индамай юкларини ичкарига киритди. Даҳлизга кирганларидан кейин Мухтасар эрига илтижоли боқди.

– Соч – соқолингиз ўсиб кетибди. Яхши келдингизми? Хуш келибсиз! Саламалекум!

– ...

– Ҳар хил хаёлларга борманг! Синглингиз Гуласал жиянингизни олиб, эри Собиржон – куёвингиз... билан келиб бир оқшом ётиб кетдилар. Барака топсин, куёвимиз гулотизни чиройли қилиб ишлаб бериб кетди.

Шуҳратжоннинг кўзлари нурланиб кетди. Ётоққа кириб,



сокингина ухлаб ётган қизчасининг пешонасидан ўпди – да, ваннахонага ўтди. Мухтасар орқасидан эргашиб юрганча, ҳаяжонини босолмай гапирарди:

– Шу куни телефон узилиб қолмаганида, батафсил тушунтирмоқчи эдим. Сиз қаёқдан эшита қолдингиз?

– Ёмон хабарнинг қаноти учқур дейишади. Бир жўрамиз бу ёққа телефон қилган экан. «Шухрат қора терга ботиб ўрисда ишляпти – ю, бу ёқда гулжойига бегоналар гул экиб юрипти», дейишипти. Шу. Ҳаммасини ташлаб келавердим. Ўзимни қанча қийнамай, барибир сенга ишонардим, лекин аламзада жўрамнинг қочириғи жонимдан ўтиб кетди.

– Яна кетасизми?

– Йўқ. Фойдасиниям, зарариниям, барисининг падарига лаънат!

– Қандай яхши! Завод ишлаб кетди, сизни кўп сўрашди.

– Бир – икки кун нафасимни ростлаб олай, бораман. Заводдан, сизлардан қўймасин!

Шухратжон Мухтасарнинг пешонасидан ўпиб: «Кирларимдан фориғ бўлай» деб ваннахонага кириб кетди.

Мухтасар ташқарига чиқди. Беихтиёр чорраҳага, липиллаб ёниб – ўчаётган светофорга қаради. Жимираётган турли ранглар ҳис – туйғуларини аввалгидек жунбушга солмади. Бир неча сония давом этадиган тонг эпкени руҳига ларза солган дамларни эслади, ўзича мийиғида кулиб қўйди...



## ЎЗҒИТ

Шошқалоқлик Қурбонназарга ота мерос. Шу боисдан ҳам ҳамма ишлари чала. Ҳатто ўлимиям чала бўлди. Аммо унинг ўлганини одамлар чала дейишга улгуришолмади. Шундаям отаси Сапо мулла шовди: «Бугун жумага чиқариш керак, савоби бўлади». Агар қария андак ўзини босиб «жума»ни пеш этмаганида, балки Қурбонназар кўмилмасмиди...

Нафсиламрини айтганда, Қурбонназарни ўлган заҳоти гўрга тиқишгани йўқ, салкам ўн етти соатдан кейин жанозаси ўқилди. Тирилса – шу вақтгача тирилар эди. Сапо мулланинг қавми учун тавқи лаънат катта ўғли Элтазарнинг жаноза тарқамай айтган бир оғиз гапи бўлди:

– У мендан икки кун олдин тўқсон минг сўм қарз олган эди.

Сапо мулланинг бошига гурзи билан ургандай эгик қадди баттар эгилди. Бир палақда ҳар хил ҳомак деганлари тўғри экан. Элтазар одам ўғли қилмайдиган ишни қилди.

Ичкаридан, Қурбонназар аёлининг фарёди кўтарилди:

– Тўхмат қилганларнинг тили танглайига ёпишсин! Кўзи кўр бўлиб, кўприқдан учиб кетсин анҳорга! Ҳаром ўлсин! Кўприқда тиланчилик қилиб ўлтирганларини кўргайман!

Сапо ота ҳам Элтазарни узиб олди:

– Уялмайсанми?! Жигарингга қип – қизил тўхмат қилипсан – а? Тагин тани совумай шошганингга юрт кулмайдами? Хўп, тўқсон минг сўм берган ҳам бўл. Аммо тўқсон минг сўмингга нари борса ўттиз килолик битта қўй беради. Учидами, еттисидами, битта қўй сўйишинг керак – ку, ахир!

– Қўй сўймайман деганим йўқ, аммо қўйнинг йўриғи бошқа, қарзнинг йўриғи бошқа. Мен ҳам олти жонман.

– Ҳали укангнинг болалари ёш, булар ҳам озчилик эмас! Шу қўйга ўтиб қўяқол, қарз берган бўлсанг. – Сўнг ички бир дард билан ўзига – ўзи дашном бераётгандай эзилиб нолаланди, – Ҳаҳ, жигарим – а! Ҳаҳ, Қурбонназарим – а! Уятсиз оғангдан қарз олгунча, мени кул қилиб сотсанг бўлмасмиди!

Элтазарнинг барибир дийдаси юмшамади: «Айтиб тўғри қилдим», дегандай у ёқ – бу ёққа хўроз қараш қилди. Қирчиллама ёшда вафот этган укасининг жанозасидан кейиноқ қарз олгани ҳақида айтмаса, кеч бўладигандай, укасининг аҳли аёли

тонадигандай бирор туки қимирламади. Одамлар ҳам бу сулоланинг андак шошма – шошарлигига кўникиб қолганиданми «Сал ҳовлиқмасанг бўларди», дейишмади. Фақат Элтазарнинг бўлари шу, койишининг фойдаси йўқ, дегандай тарқалишди.

Кечки фотиҳага келиб кетувчилар оёғи тингач, ўлик ювилган хонада «ҳавл» намози ўқилгач, қолган энг яқинлар ҳам тарқади. Уйга оғир сукунат чўқди. Сапо мулла якка ўзи узоқ тиловат қилди. Нафаси қайтгандай боши айланганди, хонани шамоллатиш учун кичкина дарчани очди. Бирдан кузнинг салқин шамоли билан майдалаб ёға бошлаган ёмғир томчилари юзига урилди. Сапо мулла бу ўтқинчи дунёнинг номардликларини кўп бошидан кечирган, кўп тўю жанозаларда қатнашган, лекин ўйнаб – кулиб уйдан чиқиб кетган забардаст ўғлининг ўлигини кун ботмай эшиқдан кўтариб киришганда бу янглиғ даҳшатни туймаган эди. «Ток урди» дейишди, вассалом. Шундай билимли, уста боланиям ток урадимиз, ҳў, яхшилар?! Эй, Худоё Худовандо!

Сапо мулла бирдан Оллоҳга шак келтиргандай «Астағфуруллоҳ», «Ўзинг кечир», деди. Нафаси қайтганча: «Ўзи беради, ўзи олар экан – да», деди ниҳоят.

Қишлоққа нур улашувчи монтер ўғлини ҳар мақташганда бир паҳса ўсиб, яйраб кетарди. Ёқимтой, дилкаш, меҳнаткаш фарзанди борлигидан гурурланарди. Оиласи ҳам ўзига тинч – тўқ. Тўй берувчилар икки – уч кун олдиндан хабарлашиб, алламбалоларни кўтариб келиб, айниқса базм маҳали чироққа кўз – қулоқ бўлишини илтимос қилишарди.

– Тўйингизни ташвиши озми сизга? Бу ёғидан хавотир олманг! Свет ўчса, ўзим машғала ёқиб, тўйхонангизни кундуз кунидай қилиб бераман, – дерди Қурбонназар астойдил.

Худо беҳабар Элтазарнинг гапи куппа – кундузи тош ёққандай бўлди – я. «Эҳ, бадбахт ўғил, эҳ, касофат!» Ота оғир хаёлларга берилди. Бўғзига недир тиқилгандай нафаси қайтиб кетди. Дуо ўқиди, калима қайтарди, нафаси ростлашгандай бўлди. Нечанчи бор Яратганга илтижо қилди:

– Савол – жавобларини осон қилгайсан, эй Парвардигоро! Ётган жойини шойистаи жаннат, гўрини пурпур, иймонини ҳамроҳ эт! Болаларимга инсоф бер! Кўрпа – тўшақда ётқизиб ўғил – қизимга зор этма мени! Сендан бошқа суюнадиганим йўқ! Билиб – билмай этган гуноҳларимни ўзинг кечир, поки

Парвардигоро! — Сапо мулла Қурбонназарни ўйлаб, ўзига шафқат тилаётганидан ўнғайсизланди ва бирдан ўзини ёмон кўриб кетди. Энди кўзёшларига эрк берди. Овоз чиқариб нолаи фигон қилди: — Совуқ тупроқда ётган Қурбонназарим — а! Гўрда сен ётгунча, мен ётсам бўлмасмиди! Айрилиққа нетиб чидайман энди. Ўйлаб кўрсам, у жой — Элтазарни... — давомига тили айланмади. — Ўзинг кечир, отанинг қарғиши — ўқ.»

• • •

Бу пайтда Қурбонназар зах тупроқда аста кўзини очиб, бу қадар қоронғи зулумотда ётганига ҳайрон бўлди. Қоронғи тушибди — да, деб ўйлади. У ҳали ётган жойи қабр эканини билмасди. Қаерда ётибди ўзи? Бу не кийим, иштонсиз ётмаган эди — ку? Бошининг чап томонига тупроқми, қумми уйимидан юзи ўнг томонга анойи бурилиб қолган. Тушми бу, ё ўнгими? Билмай, яна бирпас тек қолди. Ҳа, уйга ўхшамайди бу. Лекин тепада ёғаётган ёмғирнинг шиддат билан томга урилишидан, том жудаям яқин, худди пешонаси устида тургандай эди. Ёпирай, шамолда узилган электр симларини улаган эди — ку? Наҳотки хато улаган бўлса? Йўқ, хатолиғ бўлмади: чироқ туман марказидан ўчирилган, демак. Қўнғироқ қилиб билиш лозим. У ўрнидан кўзғалмоқчи эди, қўллари ёнига қўндоқлангандай қимирлатолмади. Нима бало, бешикка белашганми? Оёқ — қўллари чандилган мато боши устидан ошиб, юзига тушиб турибди. Шунда электр симини улаётиб, симёғочдан пастга қулагани кўз олдига келди. Ҳа, кўриб тургандай. Э — ҳа, болнисадаман! Ўзим ҳам узоқ учдим — да! Лекин осмонга учгандай эдим. Ерга бўлса дарров тушардим — да, бирор ерим синар эди. Балки, сингандир? Йўқса, нега чандиб ташлашган? Нега оғриқ йўқ — а? Демак, осмонга учганим рост. Шошма, жинни — пинни бўлиб қолдиммикан: осмонга қанотсиз учиб бўлар эканми? Ундай десам, осмонда туриб пастда алланарсаларни кўрдим — ку? Ёки шундай туюляптими? Худо ҳақи, ақддан озаман.

Қурбонназар бақирдими, йўқми, англолмади, аммо овози чиқмаганини аниқ билди. Ҳа — да, боғичи ечилгани билан матога ўроғлаки ияк бақиршига қўярмиди?

Ёмғир қабр томини қаттиқроқ савалай бошлади. Қурбонназар у ёқ — бу ёғига айланмоқчи бўлди. Айлана олмади. Сўнг жон ҳолатда ўнг қўлини кафандан тортиб чиқарди. Аммо эгнидаги

матохни кафан деб билмас, худди ҳаммомдан чиқиб, чойшабга ўралиб ухлаб қолгандай эди. Сўнгра бу жойни ҳаммомнинг совуб қолган саунаси деб ўйлади ва бирдан кўрқиб кетди, устидан эшик бекилиб қолгану газ ўчиб, хона совиган. Акс ҳолда дўзахга тушгандай аллақачон жизганак бўлиши тайин эди. У қўлини бўшатиб, деворни пайпаслади. Ғадир – будир шувоқ – и гишт девор. Ўридан даст туриб ўтирди – да, ёмғир беаёв савалаётган томга қўлини чўзди. Қўли етинқирамади. Ўмганини сал кўтариб, пайпаслади: гиштин том. Бош томонини сийпалади – гиштин девор. Оёқларини ечиб, узатди: гиштин деворга тегди. Тўрт девору томни итариб – итариб кўрди. Қайда! Мустаҳкам сандиқ. Унинг бошидан ҳуши учди.

Қурбонназар қандайдир мудҳиш тушидан уйғонолмаётгандай талвасада қолди. «Балки босиринқираб ётгандирман?» дея у яна ўзининг қўл – оёқларини сийпалаб кўрди: бус – бутун, демак туш эмас. Бўлмаса не бу?! Ўзи қаерда ётибди? Нега чойшабга ўралган? Эрталаб уйидан чиқиб эди. Хўш? Кечаги шамолда электр сими узилганидан қишлоқнинг Эгрилар ўрамида «ток йўқ», дейишди. Қурбонназар борди. Узун шоти қўйиб, симёғочга чиқди ва чаптастлик билан узилган симни улади – ю... қоронғилик қаърига учиб кетаётгандай бўлди. Демак, келиб шу ерга тушган... Бу – гўр – ку, сағана – ку! Мени ким гўрга тикди экан? Мен кимга ёмонлик қилган эканман? Қурбонназарнинг ақли тиниқлашган сайин қўл – оёғидан жони чиқа бошлади. Ҳа, бу чойшаб ҳам – чойшабмас: кафан!

У даҳшат ичра иккинчи қўлиниям кафандан чиқариб, бор кучи билан қабр деворини ҳар томонга итара бошлади. Яшасин ёмғир! Ташқарида ҳаёт борлигидан ёрқин нишона! Қурбонназар бирпас тин олгач, ақли – ҳушини жамлади. Шошган билан иш чиқмаслигини, ўзини қўлга олмаса, бу гўрда қолаверишини ҳис этди. Совуққонлик билан оёқ учида гўр оғзига терилган гиштни тепа бошлади.

• • •

Қурбонназар орқаси билан сурилиб гўрдан чиқди. Қора булутли тонгнинг маъшум қаърида пасту баланд қабрлар баттар қорайиб, ёмғир тагида хору нотавон эди. Шундай ҳам мискин, ғарибу – ғуробо ўликлар мамлакати кузнинг рутубатли изғиринида яна

ҳам ваҳимали эди. Қачондир яна шу ерга келиш даҳшатидан Қурбонназарнинг юраги орқага тортиб кетди.

Шалаббо бўлган кафанда қалтирай бошлади. Худди ён қабрлардан ҳам ўзига ўхшаган кимлардир чиқиб келаётгандай, у олазарак бўлиб ҳар тарафга қаради. Қўрққанга қўша кўринади деганларидай, сал наридан итми, шоқолми ўтгандай бўлди. «Тонг ёришгач, чиқсам ҳам бўларкан, барибир энди тирикман» деб ўйлади.

Сўнгра вужудига кирган титроқ миясини кемира бошади: «Хўш, тирилдим, энди нима қиламан? Ахир мен ўлган одамман — ку! Энди одамларга қандай кўриниш бераман? Уйга қандай кириб бораман? Йўлда кўрганлар кўрқиб кетмасмикан?» Бетизгин ваҳимали хаёллар таъсирида қайтадан ўлиб қолиш ваҳимаси Қурбонназарни оёқлантирди. У ўрнидан туриб, бедарвоза қабристоннинг кириш йўли қай тарафдалигини аниқлай олмади.

У биринчи қадамидаёқ қурий бошлаган қамишу тиканак устига йиқилди. Ёмғирда хомшувови ивиб ётган бир қабрга суянибгина ўрнидан турди. Кундуз куни одамнинг киришга юраги бетламайдиган бу ваҳшат қўйнида яхшиям тириклик муждаси — ёмғир бор, совуқ бўлсаям шамол бор.

Қурбонназар қабрлар аро суяниб, сурилиб — йиқилиб аста — аста юраркан, рўпарасида қўлларини осмонга кўтариб, «Қаёққа?!», деяётгандай пайдо бўлган баҳайбат қора кунгурани кўриб, орқага тисарилди. Қора кунгура ҳаракат қилавермади. Шамолнинг шиддати зўрайгандан булутлар ҳар ён сочилиб, ёмғир энди майдалаб ёға бошлади. Осмон юзи бироз ёришди. Қурбонназарнинг жонига сал ором киргандай бўлди. Не кўз билан кўрсинки, қора маҳлуқ — шохлари синган тўронғил экан. Қурбонназар кафанини хиёл очиб, кўкрагига икки — уч бор туфлади. Отаси мулла бўлсаям калима қайтаришни билмаганидан ўзини сўқди.

У тўронғилни айланиб ўтди. Қабристон четида қорайиб турган пастак уйга кўзи тушди. Уйнинг кунчиқар томонида ўрта бўйли бир одам кўринди. Бошида шляпа, этнида қўш тутмали, белбоғли плашч, фақат оёғида этиксимон махси — калиш. Уни кўрган одам ҳеч ҳам гўрков деб ўйламасди. Шу гўристоннинг бошлиғи, ё яқинларини зиёрат қилишга келган қай бир амалдор дейиши мумкин эди. Ўзининг юриш — туришида ҳам қандайдир ҳайбат

бор. Ким билан гаплашса ҳам унга ўз мулким деб қарайдигандек, негаким, Азроил одамларнинг жонини ола беради, у — амалдорми, беамалми, бойми, гадоми бариси келиб, унинг қўлига тушуви ҳақдек. Хоҳласа, мурданинг тагига тўшаладиган қумни чўп — чордан тозалаб ёяди, хоҳламаса, тозаламай ёяди. Мурданинг юзини қиблага қаратиб қўйиш учун боши тагига қумни авайлаб, хоҳласа кўтаринкираб уяди, хоҳламаса, бепарво буриб қўяди. Кафан боғичларини хоҳласа равон ечади, хоҳламаса, сал бундайроқ. Гўрнинг оғзини бекитишда ҳам — маҳкамлашу қаттиқ маҳкамламаслик, ўликнинг товонига бигизни бир, ё икки тиғиб олиш ва ҳоказо унинг измидадек. Тирик жон борки, бир кунмас — бир кун унинг қўлига тушади, у гўрга тикади. Унинг салтанати билан тириклик салтанати ўртасида дарвоза йўқ, равоҳ — очик.

У ҳақиқатан ҳам гўрков эди.

Гўрков Қурбонназарни кўриб эшик олдига тўхтади. Қурбонназар яқин боришга ийманди. Унинг гўрков эканини билмасди. Қўрқитиб қўймайин деб берироқда салом бериб, тўхтади.

— Кел, келабер, Қурбонназар, — деди гўрков.

Қурбонназарнинг ақли бошидан учди: «Ё, тавба! Мени таниркан — а? Ё бу мен эмасмиканман?»

— Салом, — деди Қурбонназар яқин боролмай, ҳалиям қўрқув ичра.

— Ваалайкум ассалом. Эсон — омон чиқдингми? Қани, ичкарига кир. Тани — баданинг музлаб кетгандир. Ҳайрон бўлма, — деди ичкарига кириб ўтиришгач, гўрков. — Кеча сени лаҳадга қўйган мен бўламан. Шунинг учун ҳам мен сендан қўрқмадим. Қани, еч кафанингни, мана буларни кийиб ол, нафасингни ростла, кейин борарсан уйингга. Ҳозир чой қўяман, очикқандирсан, ўлганингтаям бутун икки кун бўлади.

— Шунча ухлабманми, а?

— Буни русчасига клинический смерт дейдилар, ўзбекчасини билмайман. — Сал тумшугини кўтариб, билағонлик билан қўшиб қўйди: — Кўп кўрдим. Тирилгач, урина — урина қабрни бузолмай яна ўлганларга ҳам гувоҳман. Азонлаб келганларида қабри дарз кетганини кўриб қариңдошларининг эси оғиб қолган. Лекин сендан умидим бор эди. Бигизни товонингга икки суққанимда танинг жиндай «дирр» этгандай бўлди. Шунинг учун кафанинги боғичларини ечаётганда қўлларингни сал бўшатиброқ бошингни

кўтариброқ кўйдим. Гўрингнинг оғзиниям лой билан юпқа шувадим. Оллоҳ умр берса, чиқарсан дедим.

Қурбонназар худди у дунёдан келиб ғаройиб сўзларни эшитаётгандай бошини осилтириб ўтирарди.

– Осмонга учганимда бир ажиб шаффоф ёруғликни кўрдим. Пастга қарасам, тубсиз қоронғулик. Кейин кўкимтир нурлар ичига шўнғидим, ер кўринди. Мана шу қабристонни кўрдим. Энди англаяпман, сизни кўрдим... Демак, мен ўлган одам эдим – ку... Энди қандай қилиб кўчага чиқаман, қандай қилиб уйимга бораман? Отам, хотиним, болаларимнинг юраги ёрилмайдими? – дея сўради бошини хиёл кўтариб.

– Мана бу гапинг дуруст, Қурбонназар. – деди гўрков Қурбонназарнинг ҳайрат тўла кўзларига қараб. Бу бандаи гофил олдинда нималар кутаётганини, бу тирилишнинг офатларини билмайди. Қариндошлардан бирининг юраги ёрилиб ўлишидан ҳафсираётган гўрков бундай тирилишларни озми – кўпми кўрган. Бари фожиа билан тутаган. Азалдан ёзғит шундай. Лекин ҳозир буни Қурбонназарга айтиб бўлмайди. Гўрковнинг чуқур ўйга толганидан ташвишланган Қурбонназар ғалати бир ҳолда қириниб кўйди. Гўрков бошини кўтарди: – Сенинг ўрнингда бошқа бўлса, – яна вазмин давом этди гўрков, – ҳаммани ҳайратга соламан деб кафани билан уйига чопар эди. Нега мени ўлмасимдан бурун гўрға тикдингизлар, деб яқинларининг жонини олар эди. Аммо лекин, Қурбонназар, сенга айтсам, шу ўлиб тирилганидан кейин сипо тортибсан, шошқалоқлигинг йўқолибди. Отам: «Шу шошқалоқлар тухумини кўмсанг, огоҳ бўл, булардан кимдир тирилса, ҳайрон бўлма. Буларнинг ёзиғида бор» деб айтгувчи эди. Мана, кўрдим. – Ота бир зум жим қолди – да, шунчаки лаб учида сўради: – Менга қара, Қурбонназар, сен аканг Элтазардан тўқсон минг сўм қарз олибмидинг?

– Нима? Тўқсон минг сўм? Нега ундай деяпсиз?

– Ҳа, энди айтдим – кўйдим – да, парво қилма.

Қурбонназар гўрков яна бир нима демоқчи эканини туйди, бироқ у чайналиб қўя қолди, бошқа сўз демади.

– Энди мен кетсам, нима дейсиз?

– Сенга бир маслаҳатим бор. Қабул қилсанг айтаман.

– Айтинг, бемалол. Нима десангиз, шу.

– Ундай бўлса, сен ҳозир уйингга борма. Аканг Элтазарникига



бор. «Икки — уч кун уйингизда сақланг, бизникиларни тайёрланг» дегин. Отангининг мазаси йўқ эмиш. Тўсатдан кириб борсанг...

Қурбонназар гўрков олдидан чиқаётиб бу ҳайбатли қабристонга янада ваҳима билан қаради — да:

— Амаки, қўрқмайсизми? Битта ўзингиз зерикмайсизми? — деб сўради.

— Нимадан қўрқаман, — деди гўрков хотиржамлик билан, — зерикмайман ҳам. Менинг ҳам улфатларим бор. Улар — гурковлар, мурдашўйлар. Қизиқ бўлади бизнинг гурунгимиз. Афсуски, одамлар эшитмайди. Уларнинг иши тушганда бизни сизлаб, папалаб олишади, иши биттач, биздан ҳазар қилишади, ўғлим. Бор, йўлдан қолма.

• • •

Қурбонназар одамлар сийрак вақтда пана — паналаб акасининг уйига борди. Эшикни Элтазарнинг ўзи очди — ю, донг қотиб қолди. У кўзларига ишонмади ва бирдан шайтонлаб бақириб юборди:

— До — од! Арвоҳ!

Элтазарнинг беўхшов бақиршига, қайинукасининг мотами бўлса ҳам, бозорга кетиш учун ясан — тусан этган хотини ичкаридан отилиб чиқди.

— Ҳа, нима бўлди?! — деди — ю, кеннойининг кўзи Қурбонназарга тушиши билан унинг ҳам эси оғиб, дудуқланиб қолди.

— Тинчланинг ака, мен арвоҳ эмасман. Мен ўлмаган эканман, кеннойи!

— Тириклай кўмдингизлар деб даъво қилиб келдингми? Ахир сен ўлган эдинг — ку! — Элтазар ҳамон нималар бўлаётганига тушунмай эшикни тўсганча бақирарди. — Агар тўқсон минг учун келган бўлсанг, мен сенга тўқсон минг берган эмасман! Йўқ! Тамом — вассалом!

— Ака! Нималар деяпсиз? Қанақа тўқсон минг?!

— Мени кечир! Тавба қилдим!

Эшик олдида бўлаётган шовқин — суронга кўни — қўшнилари, якшанбада бозорга ўтаётган айрим томошатаалаблар йиғила бошлади.

— Ака, кеннойи! Ичкари кирайлик. — ялинди Қурбонназар.

— Бермадим дедим — ку, яна нима дей? Бизни йўлдан қўйма!

Мен сенга тўқсон минг сўм қарз берган эмасман! — У эшикнинг ён қозигидан қўлларини олиб, сермади. Қилаётган ишларига ҳисоб бериш тизгинини йўқотгани сари кўзлари ола — кула бўлиб, оғзидан кўпик сочганча бозор томонга илдам кета бошлади.

— Тўхтанг, ака! Мен тўқсон минг учун келганим йўқ!

— Тўхтанг адаси! Мен оёғимга кияй!

Элтазар ҳеч кимга қулоқ солмай жадал кетиб борар, йўлда гандираклаб йиқилар, Қурбонназар нималар бўлаётганига тушунмай, унинг орқасидан югурарди. Дадаларининг бу беҳаловот боришига ақллари етмай болалари қий — чув қилиб орқасидан чопишди. Ҳамма балони бошлаб келган Қурбонназарни қарғаб Элтазарнинг хотини халлослаганча эрига етмоққа интилар экан, Элтазар бозорга ўтадиган кўприкка яқинлашган эди.

Бозорга ўтаётганлар ҳали оз бўлишига қарамай анҳор устига қурилган осма кўприк ваҳимали чайқалиб турарди. Анҳорнинг бурилиш жойига қурилган бу кўприкни одамлар «Пулсирот» — «Қилкўприк» дердилар. «Ҳалолланиб ўтмасанг, пастга тушиб кетасан» деб қўрқитишарди. Кўприқдан пастга қарасангиз, беш — ўн метрлар чамаси пастга сув шовқин солиб тушар, сўнг саксон — тўқсон метрларга бориб, сокин, ёйилиб оқарди.

Кеча ёққан шиддатли ёмғирдан сувнинг юзи лойқаланиб, ўзанига сигмай, тепага сачрамоқда, кўприк ёни ёмғирдан сўнг янада сирпанчиқ бўлган, шундай ҳам ундан ўтаётганда ўта эҳтиёткор бўлишликни ёшу қари яхши биларди.

Элтазар шу «Қилкўприк»дан эсон — омон ўтса, укаси олдида, эл олдида юзи ёруғ бўлажагига ишонади! У кечирим сўрагани учун шиддатини пасайтирмади. Шитоб билан кўприкка қадам қўйди. Қадами шошилишда қай бир сантим ёнроқ томонига тушдимми, оёғи тойганча пастга ағанади — сув гирдобига тортиб кетди. Қурбонназарнинг қўли акасига бир қаричгина етмай қолди. «Эй, Худо! Бу не кўргулик?!» Унинг юрагидан отилиб чиққан нолани кеннойисининг фарёди босиб кетди.

Одамлар анҳор ёқалаб чопишиб кетишди. Унинг сокин оқадиган саёз жойидан Элтазарнинг ўлигини олиб чиқишди. «Гўрков қандай пайдо бўлди?» Қурбонназарнинг ақли бовар қилмади. Ўртада акасининг ўлиги, ён — верида турган таниш — нотанишлар не қиларини билмай бир — бирларига анқовлангача қараб туришарди.

— Бунни ювмоқ даркор эмас, ўзи ювилиб чиқди. — Гўрковнинг ҳукмфармоси барчани сергаклантирди. — Ҳаром ўлганга жанозаям ўқилмайди. — Кимдир: «Шаҳид» деди. Гўрков унинг гапини эшитмагандай ўз қарорини айтди: — Гўр ҳам тайёр! Ана, шох — шаббадан кўтарадиган нарса ясанг, шунинг ўзи тобут бўлади!

Худди шу буйруқни кутиб туришгандай уч — тўрт йигит тол пояларидан тобут ясадилар.

— Ахир бунни дадасига хабар қилиш керак. — деди кимдир.

Яна биров:

— Уйдан чиқариш керак! — деди.

Гўрков индамай орқасига бурилиб, қабристон томон кетди. Майитни уйига олиб бориш учун чатма тобутни кўтараётганларида мўйсафидроқ бир одам овозини баландлаб сўради:

— Халойиқ! Бу қандай одам эди?

Ҳамма:

— Яхши, яхши одам эди, — деди.

Одамлар ўзлари айтган гапга ўзлари мийиғида кулиб, бозорга шошилиш тарқалишди. Уч — тўрт йигит тобутни кўтариб, Элтазарнинг уйи томон илдам чопқилаб кетишди. Бу улкан офатнинг тағ — тубига ҳали тўла етиб улгурмаган хотин, бола — чақа фарёд кўтариб, тобутга эргашди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу маъшум даҳшатдан ўзига келмаган Қурбонназар не қиларини билмай, бироз гарангсиб турди — да, муғрайганча уйи томон кетди.

• • •

Сапо мулла ҳали катта ўғлининг ҳалокатидан беҳабар Қурбонназар ўтида куйиб, ичкарига сиғмай, эти увишаётган бўлса ҳам ташқаридаги гужумдан тушиб турган олачалоқ ҳуёшламада пастқам деворга беҳолгина орқасини бериб ўтирибди. Қариган чоғида олдидаги мўмин — қобил, суянчиқ тоғидан айрилиқ, бир оқшомда букик белини синдирди. Ота ичкин бир илинж билан беҳосдан кўча бошига қаради: «Қурбонназарми?» «Йўғ — е!», «Ё тавба!» «И — и — и!»... Сапо мулланинг кўз олди хиралашиб, вужудига қалтироқ кирди. Бошини осилтириб келаётган Қурбонназар илдам келиб, отасига юкинди. Музлай бошлаган бармоқлари билан ота ўғлини кўкраги томон тортди ва астагина бир «уф», дедию жон берди.

Бу мудҳиш воқеа шундай тез содир бўлдики, Қурбонназар не

қиларини билмай аланглаб қолди. Ичкаридан чиққан хотини «дод!», дея ўзини яна ичкарига урди. Ҳали у қайнотаси оламдан ўтганидан беҳабар, эрини арвоҳга йўриб ўзидан кетди. Бирпасда кўни – қўшни йиғилди. Қурбонназарнинг тирилиб келганига биров ишонса, биров ишонмайди.

Одамлар кўзидаги совуқ ётсирашдан, у тирилиб келганигига шодланмади, аксинча, ўзидан нафратлана бошлади. Бу дунёга ортиқчалик қилдимми, бу не даҳшат? Ярим кунда иккита ўлик – ҳам акаси, ҳам отаси умрига зомин бўлди. Ҳали яна қандай кўргиликлар кутяпти экан?

Қурбонназар билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Ҳамма Сапо мулла билан андармон – кимдир докторга чопган, кимдир оқсоқолга югурган. Қурбонназар на ичкари кириб билади, на бу бўлаётган ишга аралашиб, бирор юмуш қилолади.. Болаларининг кўрқув аралаш ундан ётсирашларидан сўнг, бу дунёи арзда буткул яккаланиб қолгандай, бошини осилтирганча гуноҳқорона ғариблашиб қолди...



## СУҲБАТДОШ

– Илон билан сўзлашганимга ишонасизми?

– Имон билан ҳам сўзлашса бўларканми?

– Имон эмас, – жилмайди Субҳидил, – илон билан.

– Илон? Қанақа илон?!

– Бўйни атрофида маржондай кўкимтир нуқталар оқ танига ярашиқли бир қулоч илон.

– Чининг биланми?

– Ойим ҳам кўзингга кўрингандир дейдилар. Лекин тақдиримда шу илон пайдо бўлмаганида ўша куни ўзимни ўлдиришга шайланган эдим.

– Қўйсанг – чи? Кўз олдимдан ҳайвонот боғида кўрганим – куён еган илон кетмайди, – деди Равшан.

– Вой, сиз ҳам илондан кўрқасизми?

Равшан Субҳидилга завқ билан қаради. Фаришта. Сутга чайилгандай оппоқ юзларидан нур ёғилиб турибди. Камондай қайрилма қошлари остида мулойим қулиб турган кўзларига қараб, наҳотки ўн гулидан бир гули очилмаган шундай гўзал қиз ўлими ҳақида лаб учида беписандлик билан гапирса! Тагин унинг суҳбатдоши, дардақиши, сирдоши бир қулоч илон бўлса?!

Субҳидил Равшаннинг хаёлларини бўлди:

– Вой, менинг кўрққаним! Уни биринчи кўрганимда тилим калимага келмай, қотиб қолганман. Бақриб кўрдим: «До – од!», овозим чиқмади. У бўсағада қандай пайдо бўлганини сезмадим – да. Ташқарига қочай десам, йўлимда, тамом бўлдим. Шу туришида қанча турганимни билмадим. Ойимнинг олис – олислардан овозлари келади, аммо жавоб беролмайман. Юзимга сепилган совуқ сувдан ўзимга келдим «Вой, айланай қизим, сенга нима бўлди? Нега қалтирайсан?», дея ойим атрофимда гирди – капалак. Бир бўсағага, бир ойимга қарайман. Бўсағада У йўқ. Шу – шу хасталаниб, ётиб қолдим. Ойим бечоранинг жони ҳалак. Қани ўша яна пайдо бўлсаю чолиб ташласа! «Қоронғи тушганда келиб бўлса, нима бўлади? Битта ўзингни ёлғиз ётқизмайман» деб, хонанинг нина тешигидай тешиги бўлса, бекиттирди. Эшикниям зичлаб ёддилар – да: «Бизнинг ёнимиздаги хонага ўтиб ётгин»

дедилар. Мен йўқ, бир – икки кун Шабнам билан ётаман дедим. Рози бўлмадилар.

– Икковингниям чақса – чи? Бировнинг қизи – я.

Чўрткесарлигим бор – да, оймларни рози қилдим.

– Отанг ўлдирган илоннинг жуфтидир.

– Қўйинг – чи, ойи, қаердаги чўпчак гапларни топасиз, – дея хаёлларини тўзғитиб юбордим. – Аслида, – дея менга тушунтирди Субҳидил, – Отам деворга тикка қапишиб турган бир қулоч чамаси келадиган оқиш – кўкимтир илонни бел билан чошиб ташлаганидан кейин қўллари оғриб, кечалари додлаб чиқарди. Қаратмаган доктори, қилмаган эми қолмади, ахийри озиб – тўзиб, вафот этди.

– Илонлар қасоскор бўлишади, – деди оғир тин олганча Равшан, биолог ўқитувчининг гапини такрорлаб.

– Шабнамга билдирмадик. У жудаям ваҳимачи. Йўқ ердан чанг чиқаради. – У яна Илонга қайтди. – Биласизми? Илон бўсағада пайдо бўлганида индамай, ўзимни Унинг ихтиёрига топширганимда мени бўғиб ташласа, яхши бўлармиди. Бундай азобда яшагандан кўра илон чақиб, ё бўғиб ўлдиргани минг маротаба афзал – ку, ахир! «Дод»лаб бекор қилдим... Хастадан нафасим қайтиб, бўғила бошладим. Шунда ажаб бир қизиқ ҳодиса рўй берди. Ойим знамнинг зеби гардонини сандиқдан олиб : «Энангнинг нафаси сиқилганда мана шу зеби гардонни бўйнига осса, нафаси равонлашгувчи эди», дея бўйнига осди. Ажабким, бирор дақиқаям ўтмай, нафас олишим енгиллашгандай бўлди. Ойим бирам қувондиларки. Мен эса, хафаландим. – У Равшанга сал қиймириб қаради – да, ҳамишагидай бир нафасда кўнглини тўкиб солди, – Шу кунлари Шабнам руҳиятимни кўтармоқчи бўлиб, Сиз тўғрингизда яхши гапларни эслади. Биламан, уям Сизни севади. Кўркамлироқ бўлганимга ҳасадиям келади. Бўйнимдаги зеби гардонни кўриб – ку, эси оғиб қолай деди. Мен нима дарддаю у нима дардда! Бу воқеа бироз бўлсаям ташвишларимни орқага сургани билан фалокатим яқинлашиб, мени тубсиз жар сари етаклар эди. Яна ёлғиз қолгим келаверди. Сиримни Шабнамга айтиб, маслаҳатлашмоқчи ҳам бўлдим. Аммо уни аввал унчалик яхши билмас эканман, бирга ётганимизда унинг сергаллиги, Сизни гоҳ мақтаб, гоҳ ёмонлашлари, пойма – пой гапиришлари жонимга тега бошлади.

Равшан жимгина суқланиб, унга қулоқ қўяди.

– Яна якка ўзим қолдим. Дадам ўрнатган илгак билан эшикни ичкаридан маҳкамладим. Деразадан тушиб турган ой нуридан хона ичига сепилган оқимтир рангдан дилимга ғарибу ғориблик ийнди. Гурунбашлик, аламзадалиқ қалбимни жунбушга келтирди. Қанчадан – қанча орзуларим бор эди. Мактабни битиришимга икки – уч ойлар қолганда бу кўргулик бошимга тўфон янглиғ тушганидан гангтиб қолдим. Бариси саробга айланди. Балки, Илон ёрдамга келгандир? Қўрқув билан балодан фориг бўлсам – чи? Йўқ, отам ўлдирган илоннинг жуфти бўлса, қасос олиш учун келган! Барибир ёрдам – ку!

Субҳидилнинг кўзлари андак намланди. Ўйчан нигоҳларида қандайдир қавийлик ярқ этиб кетди. Равшанга таниш мулойим нурдан киприкларидаги шабнам янглиғ томчилар ажиб товланиб кетди. Ва бирдан, Равшан буни авваллари сезмаган эканми, унинг кўзлари ёлқинланиб кетди.

– Илгакни олиб, эшикни қия очдим: «Келсин, ё чақсин, ё бўғсин!» Йўқ, у бир неча кун кўринмади. Кейин тўсатдан ўз этимни ўзим еб, адои тамом бўла бошлаган, кенг жаҳонга сиғмай, чорасиз қолган лажарам кунларим У яна пайдо бўлди. Аввалига бир дафъа гарангсиб турдим – да, кутган мақсадимга зришишим мумкиндай, кўнглимга таскин бердим. Бироқ У чақадиган, ё бўғадиган илонга ўхшамади, қандайдир беозор кўринди кўзимга.

Субҳидил яна доимги мулойимлигига қайтди ва секивгина ўзига – ўзи дегандай ўйчан гапирди:

– Шундай қилиб, менинг дардли ҳаётимга У кириб келди. Унинг табиати ҳам ажабтовур. Мен ёлғиз бўлганимдагина чиқади. Қандай чиқиб келганини сезмайман. Кейин, У ҳамиша бир жойда – бўсағанинг чап томонида, девор тагида, бошини полнинг четига қўйганча жим ётади. Нафас олгани сезилмайди, сўзларимга собитлик билан қулоқ қўяди. Унинг бир ҳолатига жуда ажабланаман. Биров келишидан сал аввал ғойиб бўлади. Шу боисдан оилада ҳеч ким, ҳатто ойим ҳам, Шабнам ҳам, унинг борлигини билишмайди. Уни ҳеч қачон атайин чақирмайман, ўзи чиқади, ўзи кетади. Нима ейди, қандай кун кечиради, булар менга қоронғи.

Унга ажаб ном ҳам қўйдим – СУҲБАТДОШ. Мактабдан кела солиб, Унга бирор егулик тайёрлайдиган ва сўзлашишга шошадиган бўлдим. Сеҳрли тўрга тушгандай, унга андармон бўлиб, боғланиб қолдим. Йўлида бир қулоч арқон кўрса, шайтонлайдиган қизнинг сирдоши бир қулоч илон бўлди. «Сухбатдош, – дедим бир куни, – менинг гуноҳим севганимми? Менинг ёшимда ким севмаган, ким севилмаган? Ахир у ҳам мени кўрмаса туролмасди – ку. Не бало бўлдики, мендан Равшан қочади. Ахир икковимиз орамиздаги сирни унга айтмай кимга айтишим керак эди?

Сухбатдошимга энди юрагимни очаётган эдим, Шабнам шошиб кириб келди. Бўсағада илон йўқ эди.

– Эшитдингми, Гулрухсор Равшанга хат ёзибди?

Шабнамнинг саволига савол қилдим:

– Қачон? Ким айтди?

– Ўзи?

– У сенга айтган бўлса, мен қандай эшитаман?

– Сени эшитсин деб менга айтди – да.

– Хўш, ёзса, нима бўлибди?

– Вуй, ановини, эсинг жойидами? Равшан унга илашиб кетса – чи?

– Сенга илашмади – ю!

– Шунақа! Бировга яхшилик қилиб ҳали ҳеч ким обрў топмаган дейишлари тўғри экан!

Шабнам қандай тез кирган бўлса, шундай тез, аммо жаҳл билан чиқиб кетди. Салдан кейин илон пайдо бўлди. Унинг митти кўзларида дардкашликни кўриб ҳайрон бўлиб қолдим. Демак, У бўсаға тагида эшитиб ётган экан.

– Эшитдингми, Сухбатдош! – дедим, – энг яқин дутонам, ўн йилдан бери бир синфда ўқийдиган қадрдоним юрагимга туз сепади! Аслида уям Равшаннинг ишқида беқарор. Бироқ, Равшан Шабнамни ёқтирмайди. Бу ҳақда менга ўзи неча бор айтган. Мен Шабнамнинг ёнини олиб, унинг билан аразлашган вақтларим ҳам бўлган. Равшандан мен хафа эмасман. У менинг баъзан жунбушга келган ҳаяжонларимга қўшилиб ақлини йўқотмади, номусимга тегмади. Шунчаки, тўйдан кейин деганимга рози бўлди, лекин нега менинг бўйимда қолди? Мен буни Равшанга айтганимда



аввалига у ишонмади, онт ичганимдан кейин феъли ўзгарди.

Деразада кимнингдир сояси кўринди. Мен сўзлашдан тўхтаб Сўхбатдошимга аста разм солдим: У сирғалиб бўсага остига кириб кетди. Унинг қаерга яширинишини энди кўрдим. Ойимнинг қистови билан дадам ҳамма тешикларни бекитдим деса – да, бўсага остида ёриқ қолган экан. Деразада кўринган ойим ичкарига кирмай, овоз бердилар:

– Субҳидил! Молларга сув бер, қизим! Бу ёққа чиқ! Чой – пой ичайлик!

Сўхбатимиз қизгин палласида бўлиниб қолганига андак афсусландим. Лекин на чора, молларга қараш керак. Ўрнимдан туриб, қорнимни сийпаб ойнага қараб у ёқ – бу ёққа айлангириб кўрдим. Йуқ, қорним ҳали билинмайди. Лекин, бутунми – эрта ошкор бўлади – ку! Шабнам билан маслаҳатлашсәммикан? – деган ўй хаёлимдан ўтади. Ахир уни ҳар нарсанинг иложини тополадиган бало дейман.

Энди янада оғирроқ кунларим бошланди. Юрагим ўйнар, бирор ёғлиқ нарса есам, қайт қилгим келар. Ойим буни илондан кўрққанимга йўяр. Сиз учрашувдан қочасиз. Шабнамга ишонмаганимдан дардимни яна Илонга айтаман.

– Севишганлар ойдин оқшомларда кўл ушлашиб сайр қилишни, сўлим боғлар қўйнида ишқ лаззатидан бошлари айлангунча арғумчоқларда учишни қўмсасалар, биз Равшан билан эл назаридан четда, дўсту – душман кўзидан панада, фақат мол боққанда, пичан ўриладиган кўлнинг овлоқ қирғоғида учрашардик. Икковимизнинг юрак уришимиздан кўл тўлқинланарди...

Субҳидил жимгина кулоқ қўйиб турган Равшанга қиймириб боқди.

– Эсингиздами, Равшан, кўлнинг суви салқинлигидан танларимиз қиздирилган темирдай «жаз – жаз» этар эди. Ярим ялонғоч бўлиб пичан ўра бошладик...

– Пичанга ўраб сени ўзимга тортдим...

– Айтманг! Осмонларга учиб кетдим... Қандай қирғоққа чиқдик, қандай тамом ялонғочландик... Беҳушлик, беҳушлик...

– Қоронғи тушганини сезмабмиз – а... Лекин, барибир, мен сенинг номусингга тегмадим!

– Ҳамма гап шунда – да. Қандай бўйимда қолди? Ақлим

етмайди. Ушбу фарёдимни Суҳбатдошимга айтиб йиғладим:

— Суҳбатдош! Нима қилай? Равшан — ку, ток ургандай сакраб тушди. У ҳам ўзича ҳақ. Эҳтиросли очомлашувлардан бола туғилишини ақлига сиғдиrolмади. Менинг — ку, беш баттар. Лекин унинг гумони бошқада. Мен тарих муаллимимизни келишимли, билимли эканини бот — бот мақтаганим рост. Жонимни беришга тайёр бўлган илк муҳаббатимнинг кўзи кўр, қулоғи карлигидан диалгирман. Ахир менинг бокиралигим бузилмаган, Суҳбатдош! Равшан дарсдан чиқибок ғойиб бўлади. Молларини укаси боқади, мени кўришни истамайди. Балки... ўлсам қутуларман бу азоблардан! Сен менга бир яхшилик қил, кел мен ухлаганда бўйнимни бўғ, лекин менга сездирмай жонимни ол, илтимос!

Суҳбатдошим индамай инига кириб кетади. Бир куни ноиложликдан Шабнамга ёрилдим. Лекин унинг юзида ташвишдан ҳам кўра, ғолиблик рамзини кўргандай бўлдим. Шунда бирдан кўзим бўсаға остига тушди. Илон яширинган жойидан ғазаб билан қараб турганини кўриб, таним жимбирлаб кетди.

• • •

— Мени кечир, Суҳбатдош, бутун энг оғир куним, — дедим танғиб боғласам ҳам билинаётган қорнимни сийпаб, — бутун сен билан хайрлашмоқчиман. Ортиқ чидолмайман. Нима қилай? Равшанни бир кўрай дедим, иложи йўқ. Менинг ҳам бошқа иложим қолмади. Ўзимни бутун анҳорга ташлайман. Қарорим қатъий! — Томоғига бир нима тикилгандай сўзломмай қолдим. Кўзёшларимни артиб, аста давом этдим, — ҳали замон Шабнам келади. Унинг ниятлари ёмонга ўхшайди. «Бўйнингдаги зеби гардонни бермасанг, ҳомилангни ошкор қиламан» деяпти. Майлин, нима бўлса — бўлар, энди мен бу дунёнинг одами эмасман. Энди бора қол. У ҳали замон келади, жойингга кетақол.

У аста ғойиб бўлиши билан юзида ғолиблик нашидаси ял — ял ёнганча Шабнам кириб келди.

— Қалайсан, дугонажон, орқангдан шунча чақирсам ҳам тўхтамадинг — а! Худди илон қувгандай, бунча чопмасанг? — деди хафалангандай Шабнам.

— Сенинг билан орани очиқ қилганмиз — ку, яна нима дейсан?

– Қачонгача яширмоқчисан? Яна бир ойми, икки ойми? Сен яширганинг билан, қорнингнинг ўзи гапиради.

– Нима қил дейсан?

– Зеби гардонингни берсанг, ҳеч кимга айтмайман.

– Нима, зеби гардонимни сенга берсам, бола қорнимдан ғойиб бўладими?

– Ғойиб бўлади.

– Қандай қилиб?

– Қандай келган бўлса, шундай.

Шабнамнинг бепарво гапиришидан Субҳидил рози бўлай деди. Шундаям яна бир марта жиддий сўради:

– Чинингми?

– Ҳа – да, опамни яқинда аборт қилган шаҳарлик хотинни танийман. Ими – жимида олдирамиз, ташлаймиз.

Шабнам худди бармоқ учидан зирапчани олдириб ташлашдай белисандлик билан бирор туки ўзгармай гапириши менга малол келди. Чунки Шабнамнинг опаси бир ўлимдан қолди. Аммо, абортдан кейин майиб бўлиб бўлди. Шабнам мени мажруҳ қилмоқчи. Бирдан:

– Йўқ, дугонажон, пешонамдагини кўрарман, – дедим.

– Демак, зебигардонингни бермайсан, шундайми?

– Шундай. Ахир тушунсанг – чи, бу зебигардон энамнинг зналаридан ўтиб келаётган ёдгорлик бўлса, қандай қилиб бераман! Наҳотки шунга ақлинг етмаса?!

– Сендай бузуқ ақлидан, ҳалол аҳмоқ бўлганим афзал. Майли, ундай бўлса, ўзингдан кўр. Ҳозир чиқиб ойингга айтаман, кейин бутун мактабга ёяман! Хайр, ақлли расво!

Шу пайт кутилмаган даҳшат юз берди. Яшин тезлигида пайдо бўлган илон Шабнамни оёғига ўралашиб, унинг белига чирмаша бошлади. Шабнам ўзини йўқотиб «Дод!» дея чинқирди. Бирдан Унга:

– Раҳмат сенга, Сухбатдош, бас! Тегма унга! Худодан топсин! – дедим.

Илон Шабнамни аста бўшатиб, кўздан ғойиб бўлди. Шовқинга ойим югуриб келдилар. Беҳуш ётган Шабнамни касалхонага жўнатдик. Мен яна ётиб қолдим. Сухбатдошимнинг Шабнамга

ташланганига хафа бўлдим. Ахир у менга ташланиши керак эди – ку. Шабнам касалхонада ўзига келгач, мен тўғримда бор гапни айтибди.

• • •

Илон жойидан чиқмай зада бўлиб ётган кунларим, мана, сиз кириб келдингиз. «Тузукмисан, Субҳи?» дедингиз ҳамишаги эҳтиросли овозингизда. Шу биргина «Субҳи»ни эшитиш учун ҳам бу дунёда яшагим келиб кетганини бир ўзим, бир Худо билади. Балки, Сиз ҳам биларсиз, йўқса, бу қадар дилтортар оҳангда демасмидингиз?

– Мени кечир, Субҳи, – деди Равшан мулойим, ўзига хос уялинқираб. – Биология ўқитувчимиз, шундай... – ҳомиладорлик деёлмади, – ҳолатлар ҳам бўлади, – деди ва аста қўшиб қўйди, – Фақат... севишганлар ўртасида шундай бўлади деди. Сени шунчалар шармандали озорга қўйганимга ўзимни кечиролмайман. Шабнамни боллаб жазосини бергани учун Сўхбатдошинга раҳмат. Ҳа, айтганча, ойимлар келмоқчи. Сени яхши кўришини айтдилар...

Субҳидил аста бўсага тагига разм солди. Сўхбатдош қандайдир мамнуният билан қулоқ қўйиб, мўралабгина қараяпти.

Шундан кейин У кўринмай кетди...



## КИРАКАШ

Бу ишга биринчи кундан Исмоилжоннинг оёғи тортмади. Лекин уй, оила, рўзгорчилик, билагида қуввати бор, ўттиз икки мучали соғ, хотини Дилфузанинг эрталабдан гингшиши жонига тегди. Ҳали пиёз йўқ, ҳали картошка йўқ. Ёғ тамом бўлди, гўштсиз нима пишираман, сиз ҳам бошқа эркаклардай рўзгорингизни бошқаринг. «Боқмаганининг моли, қарамаганининг хотини кетади», деган гап бор. Анави гўрсўхта хотинининг бўйнидаги тилло занжир, қандиллар нури билан тенг талашади, менинг у ёқимсиздан қаерим кам?

Хуллас, Исмоилжон яқин бир дўстини ўртага қўйиб, ижарага тузуккина «Тико» олди ва аста — секин бекатлар оралаб, киракашлар дашномига чидаб, иш бошлади. Биринчи ойда ҳеч гурури йўл қўймади. Бир неча марта удалолмаяпман, дея машинани эгасига топширмоқчим бўлди, лекин дўсти кўнглини кўтариб, йўл қўймади.

— Ҳали бир ишлаб кетгин, наинки бировларни, ҳатто меням кўзинг кўрмай қолади. Ўзимдан қиёс. Яна беш — олти ойга ижарам муддати тутади, гижинглаб турган манави «Тико» акангники бўлади.

Дўсти дуруст башорат қилган экан, Исмоилжон киракашлик ҳавосини анча — мунча олди. Сўнг — сўнг пулга ўрганиб, муккасидан шинникиб ҳам кетди. Энди олдингидай фақат кундуз кунлари эмас, энг даромади мўлроқ соатларда ишлайдиган бўлди. Шу боришда борса, икки йилдан кейин машина ўзиники бўлади. Ана унда одамлардай ейилиб — ёзилиб, (эмин — эркин) яшайди. Дуруст, ҳозир ҳам рўзғорида камчилик йўқ, бироқ кейинги вақтларда оёқ узатиб, жужуқлари билан телевизор қаршисида ўтириб, осойиштагина чой ичганини эслолмайди. Вақтиям зиқ, Дилфузанинг ателье хархашасидан бўлак иддаси йўқ. Улиб — тирилиб ишлаганинг, уйда кам бўлганинг сайин гина қилиш ўрнига рағбатлантиради. «Ойимда (кунимда) бўлса оларман, оямда (кафгимда) бўлса яларман», қабилида ақли гап топади.

— Кулчали ўғил арзанда, эржон, гайратингизни сусайтирманг. Ота — оналаримизниям сизга қарашлари бошқача бўлиб қолди.

Мана Дилфузанинг гап тутуми. Авваларидай нега тесқари ётибсиз ҳам йўқ, костюм ҳидлаш ҳам йўқ. Тархон қорози қўлида,

шаталоқ отиб юрибди. Барибир, куни — кунида итдай чарчайди. Баъзан эрталаб машина рулига ўтиргиси келмайди. Сўнг яна пул, кўкиш, қизил сўмлар ўз домига тортиб, икки кўзи йўлда олазарақ, киракашлар тили билан айтганда «клиент» қидиради. Бирда тушади, бирда бойиб қолади. Ўйнашиникидан чиққан бақалоқни саҳарлаб уйига обориб ташлаганида, раҳмат ҳам демай, бир қисимғижимланган пулни ўриндиққа ташлаб кетганида жирканганча сўкиниб, кейин бекатда эринмай текислаб, тушим мўмайлигидан суюниб, яна шунақа йўловчи йўлиқмасмикан, дея орзуланганини, пул тушими пасайган кунлари хуноби ошиб, егани сингмаган кунлари беқарорлигидан куйиблар кетганиям бор гап.

Пуллари йиғаверди — йиғаверди. Рўзгорни гўштсиз қолдирган кунлари ўзига тасали берди. Лекин қандай оқиб келса, шундай оқиб кетади. Топари бор, тутари йўқ, пул ортидан қувиб, дали — девона бўлаётгани ҳам тўғри.

Исмоилжон турфа ўйлар билан шундай муюлишдан бурилиши билан костюм — шими сал — палғижимланган бўлса — да, ўзига ярашиб турган бир йигит яқин қолганда қўл кўтарди. Исмоилжон шартта тўхтади. У ўтира солиб, гапирмай қўли билан тўғрига дея кўрсатди ва олдидаги машина ғаладонини очиб, Исмоилжон ҳар эҳтимолга қарши керак бўлар деб ташлаб қўйган суяк сопли пичоғини олиб, қўлида ўйнаганча, унга анойи қараб:

— Бугун мен билан юрасиз, — деди.

Исмоилжон шундагина кўрдик, йигитнинг ёқалари равороқ очик, маст. У тўппа — тўғри кеча оқшом бошланган ўлтиришдан чиқиб, машинага қўл кўтарган экан. Кайфи тароқ одам билан ўчакишиб бўлмаслигини Исмоилжон жуда яхши билади. Шу боисда сиполик билан:

— Мен иш одамиман. Қалтис жойда ишлайман. Шу йўл — йўлакай киракашлик ҳам қилиб тураман. Бирор жойни айтсангиз, сизни туширсам — да, яна айтган вақтингизда келсам, — деди.

— Майли, — деди у бирдан ва бозор олдига яқинлашганларида буюрди, — шу ерда тўхтатинг. Менга ҳужжатингизни беринг.

Исмоилжон нега дея сўраб улгурмай у шоферлар ҳужжат сақлайдиган жойдан керакли қоғозларни суғуриб олди. Қўлида пичоқ, ҳужжатлар билан машинадан тушди — да:

— Менинг сизга берадиган пулим йўқ! Сизга шимимни ечиб бераман! — дедию турган жойда шартта шимини ечиб,

машинанинг очик эшигидан ичкарига улоқтирди. — Бир соатдан кейин шу ерга келин! Бозорда ошнам бор, пул олиб чиқаман!

Маст йигит эгнида костюм, оёғида турси иштон билан бозор ичкарисига қараб кетди. Исмоилжон не қиларини билмай бирпас гарангсиб ўтирди ва машинасини қулфлаб, бозор оралаб кетди. Оломон орасида маст йигитни ахтариб юриш ўзига эриш туюлди. У мелиса таянч пунктига кирди — да, бор гапни участковойга тушунтирди. Исмоилжон ярим соат ҳам кутмади, мелиса ҳалиги маст йигитни ушлаб келди. Протоколга қўл қўйдириб, Исмоилжоннинг ҳужжатларини қайтариб берди.

Эҳ, йўлда нималар бўлмайди. Аммо Исмоилжон бекордан — бекорга кунни ярим қилганига юраги ачишди. Пешинда уйга келиб бироз мизгиган бўлди. Кечки пайт яна иши юришмади. Ўзи шундай, эрталабдан дови келмадими, шу кун иши ҳеч юришмайди, уёқдан — буёққа бўшадан — бўша ғизилаб юраверди. Бирон — бир йўловчи минди — ю, арзимаган пул ташлаб, устига — устай яна норизо бўлиб тушиб кетишди. Кунлик ижараниям тўлдирилмади. Ёнидан бензин солиб, уйга келса, Дилфуза қизчасини қарғаяпти:

— Ҳе, ўқишинг бошингда қолсин! Бир кун мактаб ременти дейсан, оласан, бир кун цирк дейсан оласан, ҳаммалар буфетдан пирожки олиб ейди, мен қараб тураман дейсан, оласан! Мен нима, пул босадиган идорада ишлайманми, ўзим бир котиба бўлсам! Ҳе, башаранг қурсин, олим бўлиб олиб берадиган қалъанг керакмайди!

Қизи пиқ — пиқ йиғлаяпти. Кичкина ўғилчаси оғзини очганича ҳайрон бўлиб, бир ойисига, бир опагонисига мўлтираб қарайди. Эшиқдан кириб ҳангу — манг қотиб қолган дадасини кўриб негадир йиғлаб юборди. Исмоилжон шундаям дили хиралигидан индамай ўғилчасини кўтариб ўзини ичкарига олди. Ечинди, қўл — юзини ювган бўлди.

Дилфуза ошхонага ўтиб, чой қўйди шекилли, газплитага қаттиқроқ урилган човгумнинг саси яна аллақандай тақир — тукурга қўшилиб кетди. Исмоилжон овқат устидаям бир оғиз нимага қизимизни қарғадинг, демади. Фақат саволларига истар — истамас жавоб берди. Шунданми, Дилфуза яна ловвуллаб берди.

— Сиз чарчадим баҳонасида оғзингизга талқон солиб, индамайин ўтираверинг! Бир мен бу уйнинг ҳам супургиси, ҳам

хоқандози! Нима, шуюм турмушми?! Пулни тийинма – тийин санаб берасиз! Уни олсам, бу қолади, буни олсам, у қолади. Ана, акамлар тўй бошлади, янаги шанбада суннат! Ҳамма сизни очиқ қўл, мард деб ўйлашади. Бари айбни менга тўнкашади! Қўли қисик, эиқна ҳам мен! Сизни қариндош туққаннингиздан айириб, кечаю – кундуз тиним бермай ишлатиб қўйган ҳам мен! Мен ҳамма нарсага балогардон!

Исмоилжон индамай ишга чиқиб кетмоқчи эди. Қизи билан ўғлига раҳми келди.

– Чарчадим, Дилфуз, барисидан чарчадим...

Исмоилжон бошқа сўз демай хобхонага кириб кетди.

Кеча жаҳл устида ҳаммаси ухлаганларидан кейин ҳам Дилфуза анча юмуш қилиб ярим тундан ошганда ётганидан кеч, аммо кўнглида алланечук ҳавл аралаш уйғонди. Туриб, дераза дарчасини очди. Кеч кузнинг совуқ шабадаси билан намчил ҳаво кирди. Юраги баттар гашланди. Қизи ётган хонага кириб, дераза дарчаси очиқми – йўқлигини кўрди, унинг устини ёпган бўлди. Не қиларини билмай у хонадан бу хонага ўтиб – қайтди. Сўнг ваннахонага кириб, йиғилиб қолган кир уст – бошларни шитиб билан ювишга бошлади.

Тонг гира – ширасида ҳамишаги тўхташ жойида Исмоилжон одам кутаётган эди, машинанинг икки томонидан учта йигит келиб худди отасининг машинасига мингандай салом – алиқсиз ўтириб олишди.

Исмоилжонга бу йигитларнинг турқи – рафторлари ёқинқирамаган бўлса – да, кори юзасидан ноилож

– Қаёққа? – дея сўради.

– Тўғрига, – деди у орқада ўтиргани таҳдидирок оҳангда, – Кунботарга қараб суринг!

– Кунботарнинг уфқи кенг, аниқроқ айтинг, – деди босиқлик билан Исмоилжон машинани жойидан қўзғаб.

– Гапни кўп айлантирма, офиқинг нимаси?! Борганда биласан!

Яна орқадан чиққан совуқ товушдан Исмоилжоннинг аввалига энсаси қотди, лекин қандайдир мавҳум дағдағадан вужудига нохуш ҳавл ийнгандай бўлди. Тезда ўзини қўлга олиб, машина тезлигини оширди.

– Музикангиз бўлса, бир варанглатиб юборинг, ака!

Орқадаги иккинчи овоздан Исмоилжоннинг ҳадиги, пешинги



тумандай тезда тарқади. У магнитофон лентасини келган жойидан баладлатиб қўйди.

*Кўнгул ўз чарх золидин фирибин емаким, ахир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунига каманд этмас.*

– Ҳа, оқа! Жуда ажални ўртага олиб келдингиз, жонингизда қасдингиз борми?!

Бу совуқ товуш соҳибининг андишасизлик ила «сувора»га, ҳазрат Навоийга қилган беҳурматлиги учун Исмоилжон машинани шартга тўхтатиб бир аламини олмоқчи бўлди – ю, киракашлик аъмоли боис, тили қисиқлик қилди, қолаверса, икки киши бир кишининг худоси дейдилар, булар эса, уч киши. У ҳеч нима демай магнитофон овозини ўчирди.

– Нима, гапимиз ёқмадимиз? – киноя билан тегажоғлик қилгандай бошлаган сўзини у қўрслик билан давом эттирди. – Қани, шўхидан қўй! Савдолашмагандан кейин нима қиласан ноз қилиб! Э, ўргилдим сендақа классикдан!

Исмоилжон орқасига қарашга ботинмади, ботинолмади. Ҳалигина ўзи суйган «Сувора»ни эшитиб, керилиб ўтирган Исмоилжон бирпасда кичрайиб, ожизлашиб қолди. Ўлар кунидан магнит тасмасини алмаштирди. Шўх, эстрада куйи янгради.

– Бор экансан – у, братан!

– Менга қара, – ўзаро гаплаша бошлади орқада ўтирган иккови, – ади – бади айтишиб ўтирмаймиз, бари муҳлати битди, бермаса...

Иккинчи йигит шеригининг гапиниям бўлмади, жавоб ҳам бермади. Исмоилжоннинг ёнида ўтирган йигитга бу гапларнинг гўё алоқаси йўқдай, магнитофондан чиқаётган хиргойига қўшилиб, билса – билмаса қўшилишиб келяпти.

– Унинг ҳақи – бўғзига пичоқ!

Ҳеч биридан садо чиқмагач, ўша йигит совуққина ҳукм қилди қўйди.

Исмоилжон кимларни олиб кетаётганига энди тушунди, на чора, киракашлик. Негаям шу корга илакишди? Бу корми ўзи? Исмоилжон бундай гапни неча марта аҳволи танг пайтларда кўнглидан ўтказди – ю, яна иши бароридан кела бошласа, тақдирдан қувониб, машина радиосини, магнитофонини

варанглатиб, тезликни ошираверади. Бугун эса қарори қатъий: агар шу кун омон – эсон уйга борса, тамом, қайтиб киракашликка чиқмайди.

Кун кўтарилиб, вақт пешинга яқинлашдики, буларнинг иши ҳеч битинқирамади. Кирмаган кўчаси, бормаган гўри қолмади. Бир жойда аввал бирови кириб кетди, иккови машинада қолади. У чиқиб, орқада ўтирган турқи совуқни ичкарига олиб кириб кетди. Анчадан кейин қўлларида тугун билан чиқишди. Машинага апил – тапил ўтиришдию ҳукм қилишди:

– Кетдик, ҳали нари ёққа ўтиб кетишимиз керак. Йўл олис, кеч қолмайлик.

– Ҳаммаси ундими?

Турқи совуқ уни жеркиб ташлади:

– Сен ҳижжилар бирор ишнинг уддасидан чиққанмисанлар ҳеч?!

Йигит беўрин савол берганига пушаймон бўлдим, бошини елкасига тортиб жим қолди. Демак, ҳали йўл олис, қорин ҳам очикди, бензин ҳам тутай деяпти. Исмоилжон шуларни ўйлаганча

– Тамадди қилиб олмайсизларми? – дея сўради ийманибгина.

– Нима, қоринлари очикдимми? Бир тепки билан тўйғизиб қўямиз!

– Менинг қорним тепки билан тўяр, лекин машинанинг қорни...

– Гапни айлантирма, бу машина бир қултум мой билан дунёни у чеккасига боради! Сенингдай очофат эмас.

Демак, булар менинг гап қайтаришимни кутишяпти, жанжалга ҳозирлаяпти. Исмоилжоннинг хаёлларини бошқа бирови бўлди.

– Даминг ичингга тушиб кетди! Қани, жадаллаб ҳайда! Йўқса, энгсангдан дарча очиб қўяман! Бизнинг айтганимизни қилсанг, мўмай пул ҳам оласан, жонинг ҳам омон қолади! Ўзинг ёмон йигитга ўхшаймайсан! Жадаллаб ҳайда!

Турқи совуқ бўлсаям, кейинги меҳрибонона оҳангда айтган сўзидан Исмоилжоннинг танига андак илиқлик югурди, анча оромланди.

Улар машинани навбатдаги хонадон олдида тўхтатишди. Орқада ўтирган югурдак йигит лип этиб тушди – да, кўп ҳаялламай қўлида целлофан халтачага ўроғлик нимадир кўтариб чиқди. Турқи совуқ қаҳр билан сўради:

– Боши эмасми?

– Оёғи, – деди югурдак бад киноянишин жилмайиб.

Шундан кейин ҳам магнит лентаси неча бор алмашди, қош қорайди.

Исмоилжон ёнида ўтирган йигит орқасига анойи қараш қилди. Шундан кейин турқи совуқ йигит Исмоилжонга қараб:

– Энди, гап бундай оғайни, биз катта анҳордан нариги томонга ўтиб кетишимиз керак. Сен ҳамма ишимиздан огоҳ бўлдинг. Биз сенга тегмаймиз, йигит сўзимиз. Фақат оғзингга маҳкам бўласан. Пулни тушган пайтимиз, сен кутгандан ҳам зиёда қилиб берамиз.

Бирор марта гап ташлаганини ҳисобга олмаганда куни бўйи жим ўтирган ёнидаги йигит бир сўз билан Исмоилжон ишини чигаллаштирди:

– Кеча бозорда бир бенавотни ўн беш суткага қаматган бу акам бизни сотмаслигига ким кафолат беради!

Ўртага оғир жимлик чўқди. Буларга бегаразлигини Исмоилжон нетиб тушунтиради.

– Шунақами?! – турқи совуқнинг қўлида паккиси ярақлаб кетди. – Бизни сотгудай бўлса, гулдек хотини бордир, ўғил – қизи бордир...

Унинг сўзлаш оҳангида сал юмшоқлик акс этган бўлса – да, таҳдид ва қатъий бир мубҳамлик ҳукмрон эди.

Қуюқлаша бошлаган қоронғуликда икки томони чакалакзор катта анҳор бўйида тўхтаб, пастга тушдилар. Турқи совуқ қўлидаги паккисини ялтиратганча, бир сермаб, Исмоилжонга қараб ўшиқирди:

– Нима қилиб ўтирибсан талтайиб, туш пастга!

Минганларидан бери биринчи маротаба уччалоғи барабарига тушганларидан фойдаланиб Исмоилжон машинани тезлик билан олға сурди, лекин узоққа боролмади. Олди катта тупроқ уюми билан берк экан. Орқага қайтиш учун бурилишгайм имкон йўқ. «Аблаҳлар! Билиб машинадан тушишган экан – да!» Яшин тезлигида нима қилмоқ керак деган савол миясини пармалаб ўтди. Улар орқадан аста юриб кела бошлашди. У апил – тапил ҳужжатларини олиб, машинадан тушди – ю, пастак чакалакзордан ўтиб, ўзини анҳорга отди. Улар машинага яқинлашгунча, Исмоилжон анҳорнинг ўртасига келиб қолди.

Анҳорда сув оз оқаётгани билан қай жойи унинг тиззасидан келса, қай жойи белидан ошиб, бўйнигача келди. Исмоилжон

сувнинг совуқлигига парво қилиш ҳолатида эмас эди. Ҳўдим – чуқурдан ҳатлаганча, қанча уринмасин нариги қирғоққа яқинлашолмади. Йигитлардан бири ундан кўра ёш эмасми, тезда қувиб ушлаб, тагига босди.

Ҳаллослаб турган Исмоилжоннинг бошини сув остига тикқани билан у муздек сувнинг илиганини, нафаси қайтиб жон ҳолатда типирчилаганини ва аста – секин ҳавога уча бошлаганини пайқади, бироқ пастда «Тико»си кўринмаганига ҳайратланганча парвоз этиб кета берди. Қип – қизил уфқда унга қараб Дилфуза қанот қоққани сайин яқинлашиш ўрнига узоқлаша – узоқлаша бир нуқтага айланиб, кўздан ғойиб бўлди. Дил – фу – уз!..

Энди уни олис манзилга йўллаётгандай «Сувора» қалтис бир авжлангандай бўлди...

*Кўнгул ўз чарх золидин фирибин емаким, ахир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунига каманд этмас...*



## ҚОРАКЎЗ

Қоракўз билан танишган одам унинг кўзига қарайди. Буни Қоракўз билади ва хиёл кулимсираб, «кўзингиз қора бўлмасаям, исмингиз Қоракўзлиги ажаб экан, дея ўйлаяпсиз – а», дегандай қиймириб қарайди. У кўзининг қорамтир кўкишлиги сабабини яхши билади.

Мақтабни битириб, Тошкентга ўқишга келган кунлари баъзи курсдош қизлар, айниқса ётоқдаги ҳамхоналар унинг юриш – туришига, хусни латофатига, ҳеч кимникига ўхшамаган мулойим нигоҳига ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилишди, лекин ҳеч ким «кўзингиз бунча сеҳрли – ю, нега исмингизга монандмас», дея сўрамади.

Барибир одам ким биландир ичкилик қилади. Қоракўз кўқонлик Кумушбиби билан дўстлашди. Кумушбиби ҳам ўзидай камгап, ёқимтой, сочлари узун, қошлари пайваста. Унинг ҳам кўзларидан ҳамиша сокиний ним табассум ёғилиб туради. Бўйлари қарийиб бир хил, ўртачадан келган, беллари бир тутам. Ишқилиб, диққатни тортмай қўймайди.

Улар кўп вақтлари сўзлашмай «суҳбатлашишади», бир қараганда бир – бирларини тушунади, шундан бахтиёрлар. Ва ажабким, икковиям деярли йигитлар ҳақида шивирлашишни унчалик хуш кўрмайди. Хуллас, ҳар қандай қиз улардан андоза олса, ўзларини қиёсласа бўлади. Ҳаётнинг ўз қонун – қоидалари, тақдир деб аталмиш мўъжизанинг инсонга кўрсатмиш турфа кирралари бор, ундан ҳеч ким қочиб қутулолмаган.

Қоракўз университетга илк қадам қўйганидан унга ҳавас билан боқадиган йигитлар нигоҳини сезмай қолгани йўқ, фақат ўзига хос вазминлик билан уларни кўрмаганга, сезмаганга олди.

Қоракўзнинг ички дунёси, ботиний қуввати бирор йигитга кўнгил қўймасликка, фақат ўқиш билан машғул бўлишга етади. Аммо, «Сизга икки оғизгина гапим бор», дегувчиларни мулойимлик билан четлаб ўтишга, муҳаббатли нигоҳларга чап беришга унинг қурби қачонгача етаркан? Ахир у ҳам одам, тирик жон. Севиш – севилишга қодир. Лекин... Ҳаётидаги айтиб бўлмас бир сир боис туйғу жиловини тортиб юришга мажбур. Буни ўзигина билади. Кечалари дутоналарга сездирмайгина юм – юм йиғлайди. У бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто Кумушбибига ҳам айтолмайди. Шу тахлит биринчи курсни туталашди. Ёзги таътилда у тўрт – беш кунга

Қўқонга, Кумушбибиникига меҳмонга борди – ю, Кумушбибини уйига қаттиқ туриб таклиф этмади. Кумушбиби бунга унчалик эътибор бермади, чунки олда ҳали ўқиш даври сероб, насиб қилганда борарман деб ўйлади, қолаверса, у Қоракўздай бемалолроқ ҳаммас, уйдагилар рухсат бериши қийинроқ, уни узоқроқ қариндошлари бўлмиш ҳунарманда йигитга узатишмоқчи. Кумушбиби бунга ёшлигидан кўникма ҳосил қилган, шу боис Тошкентда бирор йигитга қайрилиб қарамайди. Ўқишни битиришларига оз қолганда тўйлари бўлишини билади, шунга розилик берган. Йигити билан хат олишиб туради. У хатларини Қоракўзга кўрсатади – ю, аммо ўқиб беришни эп кўрмайди. Хат олган кунлари кўзлари порлаб кетади.

Қоракўз ич – ичидан дугонасига ҳавас қилади, суюнади, ўзи учун эса, куйинади, чорасизлигини билади. Ниҳоят, ўзиям илк бор хат олди. Юқори курсда ўқийдиган Латифжон тўрт энлик хат тутқазиб кетди.

Қоракўзнинг юраги дукурлаб, не қиларини билмай, хатни апил – тапил дафтар орасига солди. Бу ҳол дарс бошланиши олдидан шундай тез содир бўлдики, Қоракўз қандай қилиб хатни олди – ю, қандай қилиб дафтар орасига яширди, билолмай ҳам қолди. Нафсиламбирини айтганда, Қоракўз Латифжоннинг не вақтдан бери орқасидан юрганини, Кумушбиби орқали сўзлашмак ниятида эканлигини яхши билади. Кумушбиби унга илмоқли гаплар билан неча бор айтиб кўрди. Қоракўз рўйхушлик бермади. Нега у билан учрашишни, сўзлашишни истамаяпти, нега унинг севгисини рад этишга, бирор аниқ жавоб айтишга қийналяпти? Узининг ҳам кўнгли Латифжонда йўқ эмас – ку, йигитмисан йигит, пешонаси кенг, сувратлардаги Нажмиддин Кубро бобонинг қошларидай ўскин, нигоҳлари мулоим бўлиши баробарида қандайдир ичкин, ботиний шиддат кишини бир зумда ўзига ром қилади. Худди Қоракўзнинг хаёлидагидай йигит, бироқ... Яна шу «бироқ».

«Қоракўз! Кўзингиздаги хавотирга ўхшаш, одам юрагини эзувчи аллақандай ғамгинлик, хавотир дилимни қон қилди. Нега мендан қочасиз? Ахир мен сизни «таъқиб» этаётган бўлсам, яхши ниятлар билан «таъқиб» этяпман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Сизни учратмаганимча севги, муҳаббат ҳақида сал бошқачароқ фикрда эдим. Қайсининг Лайли учун жунунлигига шак келтирмаган

ҳолда, адабиётда, аниқроғи, улкан аллома ёзувчилар бундайин муҳаббатни улуғлаб, илоҳийлаштириб, худди бир – бирлари билан мусобақалашгандай, қаламлари ўткирлигини намойиш этишгандай бўлиб туюлгани, мана, неча асрлардан, балки одамзод ёзувни кашф этгандан бери шундайин дostonлар, ҳикоятлар, эртақлар машҳурдан – машҳур бўлиб келаётгани мен учун гўё орзумандга ташбеҳдай туюларди. (балки «ташбиҳ»дир, бу сўзнинг маъносига унчалик тушункирамайман, бироқ қоғозга шундай ёзилиб кетди, майли ўчирмайман, эҳтимол, тўғридир).

Хуллас, Қоракўз, шу кунлардаям яхши кўрганига етолмай ўзини оston, сувга ташлаган, уксус ичган, ҳатто ўзига ўт қўйган қизлар, йигитлар тўғрисида гапиришади, ёзишади, лекин улар саноқли Жульетталар, Ромеолардир. Менинг наздимда шундай эди. Яна қайтариб айтаман, токим Сизни учратганимча. Энди ўзим ўз ёғимга қовурилиб юрибман. Ёниб кетишим ҳам ҳеч гапмас. Бу, албатта, баландпарвоз, Сизга ёқиш учун айтилаётган сўзлар эмас, ишонинг, ҳақиқийси шу.

Қоракўз, агар йигитингиз бўлса, ё унаштирилган бўлсангиз, мени ўлди деяверинг. Бу ёруғ дунёда яшашнинг мен учун маъниси қолмайди. Агар хатимга жавоб бермасангиз, жавоб берганингизча ёзавераман. Тутқич бермасангиз, уйингизнинг адресини олиб, дадам билан ойимни юбораман, улар тушунган, зиёан одамлар, қолаверса, уйлантирамиз деб ҳоли – жонимга қўйишмаяпти.

Мана, кўряпсиз, қаламдан не тушса, қоғозга битиляпти. Ушбуни бир зарб билан ёздим, қайта ўқиб, хатолариниям тузатмайман. Агар ўқигудай бўлсам, у ер – бу ерини тўғрилайман деб хатнинг пачавасини чиқариб, неча қоғозларни йиртиб, хат юбориш борасида иккиланиб қолишим мумкин. Ҳозир имзомни қўяман – у, конвертта солиб елимлайман – да, қўлингизга тутқазаман, тамом, вассалом.

Салом билан... нима деб ёзсам экан? Ошиғи беқарорингиз десаммикан? Ие, нега беқарор бўларкан, аксинча, қарорим қатъий, демак, барқарор. Лекин бу ҳақда Сиз билан ҳали бирор оғиз гапиришиб кўрмай, дабдурустан ошиғи барқарорингизман десам, жуда осмондан келгандай бўлмасмикан? Сиздан жонини ҳам аямовчи девонаи қаландар, бир мушфиқ дўстандан деб билгайсиз... десам – чи? Ўҳў, оддийгина бўлақолсин, латифу лутф ила Латифжон.

**Учинчи минг йиллик биринчи асрининг  
иккинчи, мувофиқи от йили, 16–ланжи  
душанба оқшоми.**

P.S. Хатингизни интизорлик билан кутаман. Нега хатлар охирига одамлар бир нималар ёзиш учун P.S. деб қўйишади, ишонинг Қорақўз, тушунмайман, лекин чиройли, худди хатга салобат бағишлагандай. Шунданмикан, мен ҳам шу тақовул ёздим, гарчи хатингизни интизорлик билан кутиш борасида юқорида қайд этган бўлсам ҳам. Энди тамом».

Хатни титроқ билан ўқиб бўлган Қорақўз беихтиёр ички бир нидо билан «ҳа, энди тамом», дея хўрсиниб, гўё ҳозироқ яширмаса, қўлларидан чиқиб, қайларгадир учиб кетишидан хавфсирагандай, уни апил – тапил сийнабанди ичига яширди. Юраги томонга солган экан, чинданам жонлангандай, потирлаб кетди...

Неча кунлар қалбида жўш урган тугёнлар гирдобида ўзи билан ўзи олишди. Бу ёруғ жаҳонга сифмай, Кумушбиби билан ҳар намозшом ётоқхона рўпарасидаги хиёбонда бирга кезишди – ю, юрагида кечаётган сирли галаёнларни ичига ютди. Кумушбибиям неларнидир сезса – да, ўзи индамагач, ботиниб сўрамади.

Шу тақовул Қорақўз неча кундуз, неча тун ўзи билан ўзи андармон бўлди ва ниҳоят, дилига келган ҳазин нидони қоғозга тўқди:

«Ассалом, Латифжон ака! Мендан жонини ҳам аямовчи, девонаи қаландар, эй мушфиқ дўст! (албатта ҳозирча жонини аямовчи) Хатингизни ўқиб, мана, неча оқшомки, ҳаловатим йўқ. Мен орзу қилганим, кечалари хаёлимда тирилатира – диганим, қўлим етмасаям интиладиганим, очигини айтай, Сиздай йигит эди. Тасаввурим рўё эмас, ҳақ бўлганига ишонгим келмайди. Эй Худо, мени ниятларимга етирмакни сўраб этган илтижоларимни қабул этдинг, мингга бир розиман! Юрагимга муҳаббат уругини сочдинг, шукр, минг бора шукр. Муҳаббатнинг ўлчами – беўлчов севмак, деган экан бир донишманд. Ахир, мен ҳам ана шундай беўлчов муҳаббатнинг гадосиман. Ахир мен ҳам одамман, менда ҳам юрак бор, дард бор. Бироқ... бироқ, бари ҳаяжонларим, юрагим қувончлари ичимда қолиб кетади. Мен уни ташқарига чиқаролмайман, одамларга ошкор этолмайман. Шу сабабдан Сиз айтгандай, мен ҳам ўз ёғимга ўзим қовурилдим ва ниҳоят, ушбуни ёзишга жазм этдим.



Латифжон ака, мен Сиз билан яқинроқ танишишдан эмас, балки ўзимдан қочиб юрибман. Нима деб тушунтирсам экан... Мен сизга муносиб эмасман. Сизга мендан – да гўзал, аввалам бор, Сиз таъриф этганингиздай, мен соҳибжамол ҳам эмасман, қолаверса... Қолаверса, сиз мени яхши билмайсиз. Мен сиз ўйлаётгандай бой – бадавлат хонадоннинг фарзанди ҳам эмасман, балки буниям эътиборга олмаслигингиз мумкин. Энг даҳшатлиси, бизни яқин билганлардан совчи келмайди. Қўрқишади. Ҳа – ҳа, ҳар кимнинг ўз тақдири, ўз ризқи...

Дадам ойимга уйланганларида худди Сиздай, билмаганлар. Уйланганларидан кейин ташлаб кетолмаганлар, фақат бошқа жойга, бизни биладиганлардан узоқроққа кўчиб кетишган. Барибир, ҳар бир оиланинг сири неча қулфли сандиқда сақлансаям, орқасидан эргашиб юравераркан. Ойимнинг ойилари ўлик ювғучи – мурдашўй бўлганлар. Энамнинг отасиям, онасиям мурдашўй ўтганлар. Энамнинг лақаби мурдашўй эди. Аждодимиз лақаби ойимнинг исмларига тақалганча биз фарзандлар кетма – кет туғилиб, дадам ойим билан яшаб қолганлар. Балки мен бўрттириб мушоҳада қилгандурман, негаки, дадамни ойимдан ранжиганини эсломайман. Каттайгач, бу борада ўйлай – ўйлай шундай хулосага келган эдим. Зўрама – зўраки кўникиб кетгандир деб ўйлайман.

Ойим авваллари вафот қилган қариндош – туққанларни ўзлари ювганлар, бунга ҳар ким ўз суягини ўзи тозалашни лозимлиги иш берган, кейин – кейин сал ошиқча – яширин ёт мавтларни ҳам юва бошлаганлар. Ва ажабки, ойим ўлик ювиб келган кунлари руҳлари енгиллаганиданми, кўзлари нурланиб, юзлари очилиб кетарди. Ойимнинг азбаройи чиройлари очилиб кетганидан дадам ич – ичларидан севингандирлар, лекин ойимнинг ўлик ювишларига рози эмаслар. Ойим эса, ўлик ювмасалар хасталанаверадилар. Дадамнинг кўникишга мажбур бўлмай иложлари йўқ. Ана шундай кўникиб яшашни ўзимга раво кўрмаганимдан, Сизни, ишонинг, яхши кўрганимдан, учрашишга рўйхушлик бермаялман. Бунинг мен учун нақадар оғир эканлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Энам жуссаси кичикроқ бўлсаям, жуда келишимли, бениҳоя чиройли, фариштали аёл эдилар, раҳматлик. Мени знамга ўхшатишади. Энамнинг ёшлиқдаги сувратларини кўрган одам бу сенмисан, дейди. Мен знамга ўхшаганимдан беҳад қувонаман.

Латифжон ака, энди мен Сизга яна бир сирни айтай. Тушларимда улик ювган оқшомларим зртасига ўзимни қушдек енгил сезаман. Балад – баландларга учиб кетгим келади. Ҳаммани яхши кўраман. Бир сўз билан айтганда, чаққонлашиб, кенг жаҳонга сизмай кетаман. Лекин мен ҳеч кимга ўлим тиламайман, Худо сақласин. Сизга руҳиятимдаги ўзгариш ҳақида айтяпман. Бу нима, эна касблигиданмикан, билмадим...

Сизнинг хатингиз юрагимни алғов – далғов қилганини яширмайман. Ташаккур, ёзган илиқ гапларингиз учун минг бора ташаккур! Лекин Сиз мени унутинг, илтимос... Мени севсангиз, мени қийнаманг. Жоним Сиздан айлансин, юрагимда неки дардим бўлса, сизга тўқдим. Адресимниям олманг, совчиям юборманг, мени учрашишгайм таклиф қилманг. Барибир бормаيمان, боролмайман...»

Қоракўз қоғоз намдан чапланганини кўриб, ёзишдан тўхтади. Кўзидан томган ёшни сезмаганидан ҳайратланди. Қоғознинг икки учини аста бир – бирига туташтирди – да буклаб, секин иккига бўлди, яна буклаб, яна иккига бўлди ва бирдан бўкириб йиғлай бошлади. Ширин уйқуда ётган дугоналарининг уйғониб кетишларидан андиша қилмади. Йиғлайверди – йиғлайверди. Сўнг ўрнидан туриб, йиртилган хатини панжалари орасида гижимлаганча дераза олдига келди. Аввал дераза юқорисидаги дарчани очиб хатни ташламоқчи бўлди, сунг деразанинг бир томонини ланг очди. Юзига қиш охирининг аёзли шамоли урилди. Қўлларини аста очди. Шамол шиддат билан қоғоз парчаларини учириб кетди. Шамол бирдан пасайиб, ёмғир томчилари деразанинг очиқ ойнасига уриларкан, майдалаб бошланган ёмғир салдан кейин шиддат билан шовуллаб қуя бошлади. Оқариб келаётган тонг нафаси энди яна майдалаб ёға бошлаган ёмғирдан мусатфолашиб, Қоракўзнинг юзларини юва бошлади...



## ТОБУТ УСТИДАГИ МУШУК

Зарнигор қанча жон куйдирмасин, Исфандиёр жаҳлдан тушмади. Шу кунлари унинг миясида биттагина ўй чарх уради, ўғри мушукдан ўч олиш — на кундузи ҳаловати бор, на кечаси. Ўзиям бир нарсага аҳд қилса, бирёқли қилмагунча тинчимайди.

Зарнигор эрининг майдачилигидан куйиб, бирор кимсага дардини ёзолмай фиғони фалак кунлари ойиси унга кўнғил беради.

— Қўй, куйинма қизим, чекмаса, ичмаса, бирор суюқоёқларга илашмаса, рўзгорим деса, яна нима керак сенга? Шукур қил, қизим.

— Чеккани, ичгани яхши эди. Иштон бити! Ошхонага ҳам аралашган, уни тежамадинг, буни исроф қилдинг. Босган қадамингни санайди. Болаларни зир титратади. Помидор тузлаб, банка босишларига ўлайми? Менга ишонмайди. Қиши билан ейдиган салатларгача, ичадиган компотларгача ўзи қилади. Ўтган йилги тайёрлаганларини ҳали еб адо этганимиз йўқ!

— Яхши — ку! Рўзгоринг бут, бозор — ўчар билан ишинг йўқ. Зорланма!

Зарнигорнинг зорлангани билан нимаям ўзгарарди. У эрининг феълени яхши билади. Ҳар бир тийин ҳисобда бўлиб қолган бу қалтис замонда эрнинг шундай бўлгани балки маъқулдир... Барибир Зарнигор эрини бошқа эркаклардай уйнинг ички майда — чуйда ишларига аралашмасдан, кўчадан гурсиллаб кириб келишини қумсайди.

Исфандиёр Зарнигор ўйлаганчалик хасис эмас, айтарлик даражада қўли очиқ ҳам эмас. Бари нарсанинг ўлчамли бўлишини, тежаб ишлатилишини, бор экан деб исроф қилавермаслак кераклигини, рўзгорда камчилик бўлмаслигини истади. Мол боқиб кўрди, емини етказолмай қийналди. Қараса, уйда чиқинди кўп, товук боқса зарар кўрмаслигини, етти хазинанинг бири деб товук боқишга хуруж қилди. Лекин пешонасига товук боқиш битмаган эканми, ўзининг таъбири билан айтганда, зотдор товук тухумидан сайлаб ўн бир донани бир бостирди. Эрталаб товукхонадан хабар олса, она товук муғрайганча дийдираб бир чеккада турибди. Бир донаям тухум йўқ. Исфандиёр ҳайрон бўлди, негаки, кеча ўзи қулфлаган, эрталаб ўзи очди. Товук остидаги тухумлар йўқ. Кимдан сўраб, ким билан урушишини билмай дилтанг бўлди. Қўшниси

Марайим ота тухумларингни илон ютган деди. Исфандиёр ишонқирамади, лекин товуғи тагига яна тухум бостириб пойлади. Тутса мажақлаб ташламоқчи эди. Йўқ, илондан дарак бўлмади.

Унинг илонни пойлаётганидан хабар топган Марайим ота «чакки қиласан, Исфандиёр, ҳар қайси маҳлуқ ўз ризқини ейди, магарам кўрсанг, илонга озор берма, хосяти ёмон, бадбахтлик келтиради, ёшлигимда кўрганман, қўшнимиз уй илонини чопиб, машина авариясига учраган, уйига ўғри тушди, хонадони таназзулга юз тутди», деди. Исфандиёр, отанинг сўзларини шунчаки, расмиятчилик юзасидангина эшитди. У бундай ирим – сиримларга ишонмайди, чўпчак дейди.

Ниҳоят, жўжалар эсон – омон дунё юзини кўрди. Исфандиёр ўзида йўқ шод. Жўжаларга қараб ҳавас қилади, бири – биридан чиройли, кун – кунора санаб – санаб қўяди. Бироқ, Исфандиёрнинг қувончи узоққа бормади, уларнинг сони кундан – кунга камайиб борди. Барча ишини йиғиштириб, жўжаларига қирон келтираётган, унинг орзу – ҳавасини поймол этаётган маҳлуқ тўғрисида бош қотира бошлади. Ушласа бас, одамми у, илонми, мушукми адабини беради, дунёга келганига пушаймон қилдиради, бўғиб ташлайди, бир алаמידан чиқади. Тамом, вассалом.

Бошқа бир ҳовли эркаси бўлмиш Қора мушук бугун эрталаб ёнида Арслонини кўрмай бироз ҳайратланди. Қаерларда қолди экан? Кечаси дайдиб, бирор гўшада қолиб кетган эмасди. Қора мушукнинг уйқусини биров бузмаслиги учун ёнидан бир қадам жилмас, айниқса унинг қорни қаппайиб, кўриққа муҳтож вақтида бу янглиғ йўқ бўлиб кетиши унинг сира ақидасига сигмади.

Кўзларидан кундуз кунлари ҳам ўт чақнайдиган, борлиқ вужудидан куч ёғилиб, урғочи мушук зоти борки, бир қараганда эс – ҳушини оғдириб ташлайдиган Арслон янглиғ шижоатли бу ёш мушук билан ўрталаридаги яқинликдан, ўзига мустаҳкам суюнчиқ борлигидан Қора мушукнинг ҳам юриш – туришида киброналик, ўзга бир жозиб навозишлик пайдо бўлди.

Суюкисининг оқ оралаган кўкрагига бошини қўйиб қуёшламада эркалаб ётишини кўрган қай бир ғаламислар ҳасаддан ўзларини қўярга жой тополмай, тонггача миёвлашганлари сари Қора мушук аввалгисидан ҳам кўркамлашиб, наинки ўз ҳудуддаги, балки олис – яқин ўрамлардаги эркак мушукларнинг юрагига ўт

солар, уларнинг бу ўрамга яқинлашишга юраклари бетламаганидан ўзини янада маснади маъво сезар, ташқари боғ – роғларни суюклиси билан айлангиси келар, негаким, у ҳар қандай ман – ман деган мушукниям бир ҳамлада ғажиб ташлашга қодир. Чиройли, келишган, қувватлини севиш ҳаммиша иккинчи томонни азобга солган. Қора мушукнинг хўрлиги келди. Унинг бевафолигини юзига солишга аҳд қилди.

Бу вақтда Арслондай шижоатли мушукнинг аҳволи чидаб бўлмас даражада хароб эди. Аралашмаса, балки ҳеч гап йўқ эди. Ақли ноқислик қилди. Суюкли қора муштути олдида тинчгина мизғиб ётган эди. Не бўлди – ю, ён девор тепасида ўзидай чайир, бироқ сал ёшроқ мушук унинг оромини бузди. Аввал ҳам уни бир – икки бор кўргандай эди, аммо бу ерда нима қилиб юрганига онгги етинкирамай, хириллаб қўйди. У кекирдагингни кўпам чўзаверма дегандай анойи хириллади. Арслондай шижоатли мушук аста ўрнидан туриб, хўмрайганча унга яқинлаша борди. У девордан тушиб қочди, бу қувди. У эски уйнинг томи усти билан қочиб қай бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлди. «Ҳаҳ, қўлимга тушарсан», дея бўйнини осилтирганча қайтаётган эди, бошқа бир пастак том устида оғзида жўжа билан барваста бир мушук пайдо бўлди. Демак, жўжа ўғирлаб, қавмига иснод келтиряпти.

Арслон шижоатли мушукнинг ҳайвонлик қонида ўғри мушукка нисбатан ғазаб уйғонди ва беҳосдан унга ташланди. Ўғри мушукнинг кучи етмаслигига кўзи етдими, оғзидаги жўжани ташлаб қочди. Жўжа потирлаганча том устида чийиллай бошлади. Ана шунда бизнинг қаҳрамоннинг баъзи махлуқларга хос бўлмаган раҳмдиллиги тутиб кетди ва жўжани оғзига қисганча ўғри мушук чиққан том тешигидан пастга, товукхонага тушди. Жўжани ўз қавмига қўшиб энди томга ирғайман деганида Исфандиёр неча кунлардан бери ўғри мушукни тутиш учун тайёрлаб қўйган мосламаси билан хиппа босиб ушлади.

Одамнинг қўлига тушган ҳар қандай ҳайбатли ҳайвон ҳам бирпасда таноби тортилиб, мулоиймлашиб қолади. Қазноққа тортилишидан беҳабар арслон шижоатли мушук қилган яхшилиги учун мукофот олиши ўрнига бу қадар оғир жазога тортилиши етти ухлаб тушига кирмаган эди.

Исфандиёрнинг кўзлари қонга тўлди. Мушукни тўрга солиб

товуқхонадан ташқарига олиб чиқди — да, ҳар эҳтимолга қарши керак бўлиб қоларсан дея деворга суяб қўйган болтани қўлига олди. Жон ҳолатда типирчилаётган, дарғазаб мушукни кўз очиб юмганча тўрттала оёғиниям чопқилаб ташлади ва боғ девори ортидаги ялангликка улоқтирди. Шундаям унинг кўнгли жойига тушмай, қаттиқ — қаттиқ сўкиниб ўзини ҳовурдан туширолгани йўқ.

— Чакки қилибсиз, бир — икки жўжани деб мушук бечоранинг жонини қийноққа солибсиз. Қайси бир авлиё этагида ухлаб ётган мушукни уйғотмаслик учун, пешини кесиб ўрнидан турган экан, дейдилар. Чакки қилибсиз, дадаси.

Зарнигорнинг бу нолинишин сўзлари оғзида қолди.

— Ўғри мушукнинг жазоси шу! Мен авлиё эмасман.

— Биратўла ўлдириб қўяқолсангиз ҳам бўларди.

— Бировнинг молига кўз тикканга бу ҳам оз.

Зарнигор эрига гап уқтириш бефойдалигини билганидан бошқа индамади. Юрагининг туб — тубидан мушукка ачиниши баробарида қандайдир нохуш ғамсиришглиқдан унинг эти жунжуккандай, андак саросималаниб турди.

Исфандиёр улкан савашда катта бир жасорат кўрсатиб қўйгандай жўжаларга дон сепди, ненидир хиргойи қилиб, ҳозиргина содир этган хунрезликда ҳақиқат у тарафида эканлигига ўзини ишонтирмоқчи бўлар, жўжаларини кўз қорачиғидай асраш, улар жонига қасд қилувчи ҳар қандай душманниям янчиб ташлашга камарбасталигини намойиш этиш учун анчагача товуқхонадан чиқмай айланиб юрди.

Қора мушук суюклисини ортиқ кутишга тоқат қилолмай, керишибгина ўрнидан қўзғалди. Кўча бошида қай бир жинсдошининг анойи миёвлашидан сесканиб, асаблари тараңлашди. Унга бошқа бир мушукнинг фарёдли миёви қўшилишидан қавмига оғирроқ фалокат оралаганидан юраги гурсилаб ура бошлади. Эгалари эшиklarини очган бўлсалар ҳам ичкарига киришга, бирор нарса тамадди қилишга рағбати бўлмади, бир — бир одим ташлаб кўча томон кетди. Ташқарига чиқибоқ бир қарашда англадики, нотинчлик шунчаки сабукмас, улкан фожеанинг ҳиди келаётганидан қадамини тезлатди. Қавми орасида энг кекса Ола мушук йўлида пайдо бўлди — да, бошини

осилтирганча уни фожеа содир бўлган жойга эргаштириб кетди.

Дунёда биз билиб – билмаган сир – синоат бисёр экан. Ҳар тарафдан йиғила бошлаган катта – кичик мушуклар бошларини осилтириб, ҳар ер – ҳар ерда чўккаладилар. Тўрт оёғидан қон оқиб, у ёқдан – бу ёғига зўр бериб ағдарилишга уринаётганидан хижолатланибми, Арслон шижоатли мушук бу мудҳиш фожеада ўзининг бегуноҳлигини қавмига англаймоқ учунми, талвасага тушмай, ҳар қайсига ёлворинишин боқмай, аста кўзларини юмди. У ожизлигини кўрсатмаслик учун не қиларини билмай, кўзларини қайта очиб осмонга тикилди. Атрофида дўсту душман баравар, қай бирлари ун чиқармай, қай бирлари энди ҳис – ҳаяжонига эрк бериб, уввос солиб йиғлаётганидан хўрлиги келди. Қора мушукка мен беайбман дегандай жовдираб боқди.

Қора мушук учун ҳозир унинг айбли, айбдормаслиги эмас, оёқларидан тинмай қон оқаётган вафодорининг бу аянчли аҳволига кўмаклашиш дарди устун эди. У жон ҳолатда суюклисини ялаб, юлқай бошлади. Унинг тўрт оёғини бараварига ялаб, дардига малҳам бўлмоқлик илинжида ўзини ўнғайлади, кейин оғирини ташламай бағрига босди. Кекса мушук ишораси билан бари мушуклар тарқала бошлади. Ёшроқ, жаҳлдор мушуклар Исфандиёрнинг товўқхонаси устига чиқиб, бири олиб, бири қўйиб, намоёншкорона чинқирашди, бир нималар деб таҳдид қилишди.

Қора мушук майиб суюклисини беозоргина юнгидан тишлаб, овлоқроқ жойга судраб борди. Энди қон аста сизаётган оёқларини ялади, ўпди. Қон бироз тўхтагани билан оғриқ зўридан инграй бошлаган ёрига қандай ёрдам қилишини билмай тўрт тарафга аланглайди, нажот излайди. Кўмак истаб, эгалари олдига кетса бунинг ҳоли не кечишига ақли етмайди. Унинг қулоғига нелар деб шивирлади. Мушук тилини мушук тушунади. Арслони бошини ирғагандай бўлди. У аста уйи томон кетди. Ҳамишаги батартиб уйда унинг афтода ҳолига эътибор қилишмади. Ҳар кимнинг олдига бориб, ёрдам истар қарашлари билан боқди, лекин одамларнинг ҳам наинки ҳайвон зотига, балки ўзи – ўзлигига ҳам ҳа деганда қайишавермаслик дардига гирифтор бўлаётган бир вақтда Қора мушукнинг одам насладан ҳафа бўлиши бироз ноўрин эди. Ўзининг ризқидан бир тишламгина нонни оғзига қисганча Арслони олдига шошилди.

Ҳолдан тойганча хириллаб ётган муҳаббатига тик боқолмади. Кўзларидан ёш ўрнига оқаётган қонни тўхтатолмай, унинг оқ оралаган кенг кўкрагига бошини қўйди. Унинг чўммиқ оёқлари беўхшов қимирлагандай бўлди. Қора мушук бирдан бошини кўтариб унинг оёқлари қолдиғини яна бир – бир ялай бошлади. Шунда Арслонининг кўзларидан илк бор ожизлик ёшлари сизиб чиқа бошлади. Қора мушук учун энди бу энг оғир жазо эди. Осмонга қараб одам товушида нидоли ҳайқирди у. Унинг оташин нидосидан замин – зумон бир бўлди, олис – олислардан анчагача акс – садоси келиб турди.

Ўғри мушукдан қутулдим, энди бирор махлуқот товуқхона тугул, боғ девори олдига яқинлашолмайди, деб Исфандиёр нотўғри ўйлаган экан. Қайтага энди унинг ҳаловати батамом бузилди. Ҳар тусдаги мушуклар дастидан боши балога қолди. Ҳар куни қоронғу тушгандан тонг оқаргунча улар навбатма – навбат келиб қулоқларни батангга келтириб чинқирришади. Томдан – томга сакрайвериб қўни – қўшнилариным озорга қўя бошлашди.

Бир оқшом Исфандиёр ёмон туш кўрди. Ёнида кимсасиз тандир гуриллаб ёниб ётибди. Олови осмонларга ўрлаб, қоронғу дунёни ёритиб, ён атрофга қутқу солади. Қаердан ҳам кўкракларига оқ оралаган чайир бир мушук пайдо бўлди. Оғзида недир бор. И – е! Исфандиёрнинг ўзи – ку! Англолмади, мушукни биров қувдими, ё биров унга тош отдими, бирпас тандир устида муаллақ турди – да, Исфандиёрни олов ичига ташлаб юборди. «До – о – од!», деганча уйғониб кетди.

Исфандиёр ўрнидан оғир кўзгалди. Нохуш туши таъсириданми, ўзини ёмонроқ ҳис этганча аста турди ва ҳар кунгидай эрталабки одатини тарк этмади. Товуқхона тарафга йўл олди. Иккита жўжанинг бўғизланганини кўриб фиғони фалакка ўрлади. Энди у чўқмор таёқ ясаб мушук зотига қирон келтириш учун тайёргарлик кўра бошлади.

Мушуклар бунга сезишдими, қасдма – қасдига кўпайгандан – кўпайиб, Исфандиёрнинг батамом тоқатини тоқ қила бошлашди. Шу оқшом қоронғи тушиши билан Исфандиёр чўқморини кўтариб жадаллик билан томга кўтарила бошлади. Фалокат оёқ остида деганлари тўғри экан, шу оқшом аксига олиб, Ой булутлар ортига яширинди. Шошганда лаббай топилмас деганларидай, бир ёнда



мушукларнинг чинқириги, бир ёнда жўжаларнинг безовталиги, ён қўшнининг итиям игга ташлаб вовуллай бошлади, Исфандиёр томга чиқдим – чиқдим деганда шоти қийшайиб, тик бўйи бетон йўлакчага йиқилди. Жон ҳавлида «До – о – од!», дея қичқирди. Мушукларниям, итниям овози ўчди. Худди унинг йиқилишини кутиб тургандай гир атрофга оғир жимлик чуқди.

Мана неча кундирким, Қора мушук Арслони олдидан кетмай азобларини тенг тортяпти. Қай бир мушуклар келиб далда бергандай айланиб – айланиб кетишади, бирлари узоқ ўтириб қолади. Бу оқшом Қора мушук учун энг оғир кечди. Арслони узоқ ингради ва батамом ҳолдан тойди. Булутлар орасидан бир кўриниб, бир кўринмай кетаётган Ой шуъласидан унинг нурсиз кўзларига боқиш неқадар оғирлигидан қаттиқ эзилди. Суюкли вафодори охирги марта бир «хиҳ» деди – ю, жон берди. Уфқ юзи бир ёришиб, сўнди.

Исфандиёр бақириб – бақириб, гоҳ ҳушига келди, гоҳ ҳушидан кетди. Ичкарида телевизорни қаттиқ қўйиб ўтиришган бўлишса керак, унинг фарёдини ҳеч ким эшитмади. Бир вақт қараса айвон ўртасида ётибди. Оқ халатли эркаку аёл устида парвона бўлиб, укол қилишяпти. Зарнигор, болалари атрофида гирди капалак. Кўп қон йўқотибди деганларини элас – элас эшитди. Исфандиёр яна ўзидан кетди.

Шу оқшом Исфандиёрни шифохонана олиб кетишди. Бировлар тўртинчи қабатдан йиқилиб лат емаганда, Исфандиёрнинг бир қабатчаям келмайдиган, бешоти деворга мингашиб чиқиб бўладиган томдан йиқилиб, ўнг қўли билан ўнг оёғи синганганига, чап қўли билан чап оёғи қаттиқ лат еганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмади.

Азалдан жонсарак, ҳовлиқма одамга дард ёпишмасин, бир азоби ўн чандон бўлиб бораверар экан. Бир оёғи, бир қўли гипсда осиглиқ, бир оёғи билан бир қўли бинт билан чандиб боғланган Исфандиёрнинг кўргилиги олдинда экан. Қон сия бошлади. Йиқилганда пастки орқа суяги синиб, сийдик халтасини йиртиб юборгани боис пешоби қизарганини кўрган шифокорлар уни жарроҳлик устарига ётқиздилар.

Операциядан кейинги оғриқ азобига чидолмай, ўлимини истаган кунлари Зарнигор унга қандай далда беришни билмай

жони ҳалак, тенг озор чекади, дунё кўзига тор кўринади, на чора, сабр ва тўзим тилайди. Утириб бораётган рўзгорни эмас, эрининг бир нафас ором олишини истайди. Пешоби чиқадиган сунъий трубка атрофи йиринглашиб, иссиғи тушмагани устига, зотилжамлик дарди энди тамом уни исканжасига олиб, мажақлай бошлади. Иссиғи баландалагандан баландалаб, алаҳсай бошлади.

Таянадиган тавбаси, суянадиган эътиқоди бўлмаган одамга иймон ўқилсаям қор қилмас экан. Муздек сув сўрайди. Ютоқиб ичмоқчи бўлади, ичидаги олов бир қултумгина сувниям ёндириб юборади, нафаси ичига қайтиб, анчагача ўзини ростлай олмайди. Илик – милиқ бир қултумгина сувдан лаблари намланади, холос. Унинг жон талвасасида қийналаётганини кўрган аҳли аёли қандай ёрдам беришларини билмай тўрт тарафга бошини урадилар. Бир қилда қолган жони узилмайди. Қайтанга, тубсиэ қора жар оғзида чидағисиз азоблар тўфониди муаллақ осилиб турган Исфандиёрни бу қил таранглашиб, қўйиб юбормаяпти. Эй Азроил! Бор бўлсанг, жонимни ол! – дея хитоб этишга энди унинг ҳоли қолмади. Ва ниҳоят, олти ой деганда у хириллаш – хириллаш жон берди. Шу оқшом қаро тун қўйнида кўтарилган шамолнинг қаттиқ гувламаси Исфандиёр хонадонидан чиққан йиғи сасини олис – олисларга олиб кетди...

Унинг жанозасига кўп одам йиғилди. Таниш – билиш, қариндош – туққан, ёру – биродарлар мотам тутишди. Ёш кетганига ачинишди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлишдан беҳабар оломон ичкаридан майитни олиб чиқишларини кутиб ўтиришди. Бола – чақа уввос солиб дарвозадан ташқарига, жаноза ўқилиши лозим майдон саҳнига кузатишди. Майит қўйилгач, имом орқасига ўтрилиб, азадорларни сафда туришга даъват этиб, жанозани ўқиш учун олдига қаради – ю, ҳайратдан тили калимага келмай, очик қафтларини қулоқлари орқасига олиб борганча, қўллари тепада муаллақ қолди. Тобут устида ўтирган Қора мушукни кўриб эсдан оғишига бир баҳя қолди.

Оломон аввалига не гап бўлганига тушунмади. Бирдан бошланган шивир – шивир, бир – бировини туртиб англаётган бу даҳшатли хунталаблиқда, Исфандиёр тобути устида ҳукмдордай ўтирган Қора мушук важоҳатини кўрган одамлар ҳайратдан ёқаларини ушладилар. Билҳақ, Қора мушук осмондан тушдими,

ердан чиқдими, бирор киши кўрмаганига баттар ҳайратланишди. Оломон «астаффурулло», деб оғир гувранди. Бирор киши Қора мушукни майит устидан ҳайдашга ботинмади.

Қора мушук барчаларга «қайтар дунё бу», дегандай биррав боқиб турди – да, тобут устидан аста тушиб, қибла девор томонга бир – бир оёқ босиб кетди. Муқолишдан бурилиб, кўздан ғойиб бўлди. Майдон бўйлаб имомнинг зори нолони янгради:

– Аллоҳу Акбар!..



## КҮЗЁРИШ

У бугун ҳар кунгидан барвақтроқ турди. Кайфиятида бирор ўзгариш сезмади. Ой — куни яқинлашиб қолган бўлсаям, хотиржамгина қўл — юзларини ювди, чой қўйди. Ҳар қачонгидай ундан — да эртароқ уйғониб, ишга кетгунича ҳар қанча уринса ҳам адо бўлмас уй юмушларини бажариб юрган ойисиям худди атайлаб шу куни ҳол сўрамадимми, ё ўзи эътибор бермадимми. Ишқилиб, ҳар тонги умргузаронлик ўз маромида бошланиб кетди. Фақат ярим тунгача безовталаниб яхши ухламаган ўғли боғчага бормайман дея анчайин ҳархаша қилди. Назиранинг унга раҳми келади, ҳали беш ёшигаям тўлмаган норастани ширин уйқусидан уйғотиш қайси онага ёқади, дейсиз. Лекин бир марта кўнгилчанлик қилсангиз тамом, кейин юрагингиз эзилиб, қатъиятли бўлишингиз қийинлашиб бораверади...

Назиранинг раҳми келгани билан ойиси қаттиққўл, невара қийинишда қанча азоб бермасин, барибир ўзи билан олиб кетади.

Неварасини етаклаб эшиқдан чиқаётганида ойиси ажаб гап қилди:

— Юзларинг қизарибдими?

Назира беихтиёр юзларини силади — ю, барибир ойисининг андак ташвишлироқ саволига жўяли жавоб ҳам қилмади, ҳадиксирамадиям, фақат:

— Йўқ, ҳеч гап йўқ, — деди.

Шу икки оғизгина лутфдан она кўнгли салгинага бўлса — да, қаноатлангандай бўлгани билан кўзёриши яқинлашиб қолган қизини шундай ташлаб кетишга юраги дов бермай турди, сўнг беихтиёр йўлга равона бўлди. Тўғри, Назира уйда ёлғиз эмас, қари отаси бор. У ҳар тонг саҳардан боғда ивирсиб, нималар биландир ўзини машғул этади, кун ёйилгандагина чойга ўтиради.

Назира ётоқдаги кўрпа — тўшакларни йиғиштираркан, бирдан турмушининг ўзига хос оғирлиги, ёлғончи дунёнинг бевафолиги, бахт талпингани сари бадбахтликка юз тутаверишидан руҳиятида аллақандай ҳазинлик, юрагида гаш уйғонди. Негадир ҳеч кимга ёмонлик истамагани билан унга яхшилик кулиб боқмайди. Қари отаси нафақада, ойиси эртадан кечгача ишлаб рўзгорини зўрға тебратади. Идораси катта бўлгани билан вазифаси кичик, маоши

оз, лекин нолинмайди, шукр қилади, тўнғич неvara билан овунади. Ҳгай дада қўлига бермоқчи эмас, қанча қийналсам ҳам ўзим катта қиламан, ўзим уйлантираман, дейди. Назира қанча тушунтиришга ҳаракат қилмасин, у барибир ўзини айблайверади. Биноидек эридан ажралишига ҳеч қандай жиддий сабаб йўқ эди. Шундай келишган, кўрганнинг ҳавасини келтирадиган, адабли, хушмуомала, суюкли йигит билан қурган турмушлари икки йилгаям етмади – я...

Бирдан пешоб келгандай бўлди. Боғ тўридаги ҳожатхонага борайин деса, боғда отаси ишляапти, чиқишга уялди. Ҳғилчасининг горшоғига ўтириб қўя қолай деб ичкарига, хобхонага кирди. Куйлагини кўтариб ўтирган чоқда сонлари орасига нимадир чиққандай бўлди. Унинг биринчи туғиши эмас, ахир тўлғоқ тутиши, оғриқ бўлиши керак эди – ку. Бирор сезгисиз бола туғилаверарканми? Оғриқ бўлмагани билан болани боши кўриниб қолди.

Назира аввалига унча эътибор бермагани учун на ўрндан туриб билади, на одим отиб. Ичкари хонадан бақирганини эшитадиган бирор кимса йўқ. Отаси додини эшитолмайди, боғ тўрида, олис. Дераза ва эшикларнинг пардалари бахмадан, оғир, ҳар қандай сасниям ютади. Телефонда кўнғироқ қилишга имкон йўқ, кўзғололмайди.

У жон – жаҳди билан кучанди, қайда! Боланинг боши озгина қисми чиққанидан ташқарига тортолмади, ичкарига итариб кўрди, қилт этмайди. Қараса, аҳволи жиддий. У энди чинакамга кўрқа бошлади. Ё қаттиқ кўрқувдан, ё бирдан бошига тушган, биров эшитса ишонмайдиган ғайритабиий ҳодисаданми, кўзларига ёш келмагани ажаб... Не қилмоқ керак? Эсидан оғиб қолмаса бўлгани.

– Ҳай! Ким бор!!!

На сас, на самар! Кўча томонда икки қат ойнали кичкина дераза чанг кирмасин, хона салқин бўлсин деб ташқарисидан бўз тутулиб, маҳкамланган. Чертай деса, узоқда.

– Ҳай! Ким бор!!!

Овозини ўзиям эшитмади... Чоти орасидаги боши кўринган боласи билан бирга ўлиб кетса – я! Тавба, ўзи жон ҳолатида – ю, кўз ўнғидан илк турмуш қурган дақиқалари лоп этиб ўтди. У гўзалликда ҳамкурсларининг олди, фақат бахт учун яралгандай, барчанинг ҳавасини, гўзалроқларнинг ҳасадини келтирар эди.

На бир йигитлар унинг кетидан юрмади дейсиз, лекин у вилоят марказида ўсганиданми, туманлардан келиб турли ўқув даргоҳларида таҳсил олаётган тенгдошларини «қишлоқи» болалар деб қаради, менсимади. Йўқ, унда такаббурлик ёхуд бойроқча, амалдорнинг ўғлига тегаман, деган аниқ бир мақсад ҳам бўлган эмас. Фақат юрагига жиг этадиган йигит йўлиқмаганидан аросатда қолди ва йиллаб кутгани, ўзидан бир курс юқорида ўқийдиган, одмигина кийинадиган, ўртамиёна йигитни танлади. На қомати, на ҳусни билан бировнинг эътиборини тортмаган йигитнинг нимаси шайдо этди экан, дея ҳамма ҳайрон. Чиройли қизлар ўзаро кўз қисишди, «ҳа, бу Назира дегани бир офат, ўзидан пастроқ, етим йигитни танладими, ё бир «ишкали» бор, ё бир умр уни ўзига патак қилиб, даври — давронини сурмоқчи».

Бу янглиғ узук — юлуқ гапларга Назира аввало эътибор қилмади, чунки тонгдаги шабнамдай тоза, ҳеч қандай «ишкали» йўқ, шу кунгача бирор йигитга қиё боқиб қарамаган, қолаверса, оилада етакчилик, биринчилик учун унда рағбат ҳам йўқ. Кўнгли шу йигитни, Тиловбердини тилади, қолгани бари ўткинчи.

Йўқ, бари ўткинчи эмас экан. Тўйлари ёзда бўлди. Оддийгина, беҳашам. Назира етти ухлаб тушига кирмаган қишлоқ, чоғроққина боғчали пастаккина уй, кичиккина деразалик ним қоронғи хобхона. Жуссаси кичик қайнонаси унчалик севинмадиям, ўкинмадиям, худди шундай бўлиши керакдай ўз юмушлари билан овора бўлаверди. Тиловберди институтни битказгани боис қишлоқда ишда қолди, Назира яна бир йил ўқишини давом эттириш учун қайдасан Тошкент дея жўнаб кетди. На хурсандчилик, на ғам. Бошда ўқишлари билан бўлиб Тиловбердидан хат келмаганига унчалик эътибор бермади, лекин бора — бора ҳайрон бўла бошлади: хат ёзди, бежавоб. Шу ўртада, бўйида қолган экан, кўнгли айниб, ўзини беҳол сеза бошлагани сари зридан ранжий бошлади.

Отаси бир оғиз «қизим, ўзимизнинг шаҳарда йигит қуриб қолдимики, бунча олисга кўнгли қўйибсан», дея андаккина дил изҳори қилганиданми, «ўзинг пиширган ошни ўзинг ейсан, лекин чидамассан — ов», деб гина аралаш кўзёш қилган онасига раҳми келдими, ҳеч кимга маслаҳат солмай болани олдириб ташлашдек беаёв қароридан этлари увишиб кетди.

Назира ўзини қўярга жой тополмай, осмон олис, ер қаттиқ кунлари ичида стипендияга тенгроқ пул билан зридан тўрт энлик

хат келди. Назира бирам севинди, бирам севинди. Йўқ, пулга эмас, иккигина оғиз, ширин бўлмаса – да, суюкли хотинига аталган бирор сўз тополмасаям, кўнгил сўраганига севинди. Болани олдириб ташлаш фикридан қайтди.

Институтни битказиб келиб, узоқ ишламади, ҳомиладорлик таътилига чиқди. Тавба, тўнғичини туққандаям, бетўлғоқ, оғриқ сезмай туққан – қўйган эди. Ундаям ойисиникида кўзи ёриган. Бирдан туғилган боладан қўни – қўшнилар ҳайрон бўлишганди. Ҳозир беш ёшга кириб қолди. Лекин ота меҳрига зор. Айб кимда? Бу дунёи арзда ҳали бирор кимса ўзини айбдор қилмаган, ҳамиша бошқа бировлар айби билан умргузаронлик деб аталмиш хилқат дарз кетган бўлади. Йўқса, Назиранинг Тиловбердидан ажрашишига, ўғлининг тирик етим бўлиб қолишига нега ўзлигини айбдор қилишмайди? Ахир Тиловберди уни урмади, сўкмади, айби – кўпроқ меҳнат сафарига бўлди. Ҳориб – чарчаб келганида Назирага тузукқур эътибор қилолмади. Назира Тиловбердидан талабалик давридагидек муҳаббатни кутди. Кўниколмади.

Боласини кўтариб ҳар келганида ойиси Назиранинг юз – кўзига қараб, ҳа, нима бўлди деб сўраса, ҳўнграб йиғлаб юборадигандек, эзилганини сездирмасликка тиришди. Охири, бўлмади. Назира кун – кундан эриб бораверди.

– Қизим, ким янглишмайди дейсан, қийналаётган бўлсанг, беш – ўн кун уйда бўла қол, дардингни олай.

Ойисининг шу бир оғиз сўзи Назиранинг тўлиб турган паймонасини тошириб юборди.

– Ортиқ чидолмайман! Мени одам ўрнида кўришмайди.

Назира бу гапни шундай вазминлик билан айтдики, ўзиям чиппа – чин ишонди. Шунда ойиси унинг турмушидаги икир – чикирни таг – томири билан суриштирганда, балки яшаб кетармиди. Ахир, на Тиловберди, на қайнонаси, на қайин укаю қайин сингиллари бирор сўз айтиб дилини оғритганини эслолмайди – ку. Иш билан сафарда узоқроқ қолиб кетганида эрини соғингани рост – ку. Ўғилчалари туғилгандаям у олисда эди. Сафардан келибоқ, ўғилчасини қўлига олганча ўзига хос танглик билан бирваракайига икковинингда мартабасини улуғлаб қўйган эди:

– Шаҳзода туғилишидан олдин подшоҳ қирқ кунлик шикорга

кетар экан. Фарзанд туғилганда чопар бориб суюнчилар экан.

Назира ўзининг аҳволини ҳам сўрашини кутди, бироқ Тиловберди ҳамишаги лоқайдлик билан болани унга бериб, устки кийимларини алмаштирди. Бари оддийгина: бола туғилишим, Назиранинг кўзёришим.

«Ортиқ чидолмайман! Мени одам ўрнида кўришмайди...» Шу биттагина дил ўртар калима юрак – бағрини кемира – кемира вужудида илдири отиб, шохалаб бораверди. Бечора ойиси унинг нима сабабдан ортиқ чидолмаслигига тушунмай хуноб бўлгани – хуноб бўлган.

Назира ота уйига боласи билан келиб беш – ўн кунлаб яшаб юрди. Эридан хабар келмагач, қайтиб бориб ҳам кўрди. Нега кетдинг, нега узоқ қолиб кетдинг, нега келдинг, дегучи бўлмади. Ахийри қадрига йиғлай – йиғлай турмуш тарзига кўникмоқчи бўлди, бўлмади, ўз уйига батамом қайтди.

Қасби бўйича ишга кирди. Биноидек ишлаб юрган эди. Яна... яна ҳеч кимникига ўхшамаган муҳаббат савдосига мубтало бўлди. Шу кунлари у яна учиб – қўниб юрди. Иккита фарзанди, хотини борлигини билсаям, у хотинидан ажравшадими, ажрашмайдими, унга барибир. На Худо урдик, кўзи кўр, қулоғи қар, бежавоб суюб қолди. Албатта, бу оташин муҳаббатга авваллам бор у. Севдиёр кўпроқ сабабчи. Тавба, пешонасига қимки битса, исмлари антиқа – Тиловберди, Севдиёр... тинчгина ишлаб юрган эди. Севаман деди. Билсангиз, оилам билан бахтсизман деди. Кўп қийналган экансиз деди, ваҳоланки Назира унга қийналдим, деган эмас, фақат эрим лоқайдлигидан зада бўлдим деган. У деса бу деди, бу деса у. Хотинидан ажради. Икки ёрти – бир бутун бўлайлик, деди. Хуллас, бир ёстиққа бош қўйишди.

Янги келинлик нашидасини сурмай, боши қоронғи бўлиб, кўнгли айний бошлади. Яна безовта тунлар. Эри сменада. Бир кеча – кундуз навбатчилик қилади. Ишдан келибоқ, уйқу билан аңдармон. Ойисига арз қилолмайди, чунки у кўп қаршилиқ қилди, Тиловбердидай эр тополмайсан деди, кўзингни оч, тақдир билан ўйнашма деди. Қулоқ солмади. Уйнинг арзандаси бўлиш дегани ҳали бахтли дегани эмас экан. Назира ҳаётдан беза бошлади.

Нимаям бўлди – ю, Севдиёр сменадан бўшаган куни ҳадеганда келавермади. Ўтириб – ўтириб Назирага алам қила бошлади ва



бир томони – келмаганидан хавфсираса, иккинчи томондан, қандайдир мубҳамлик тинч ўтиришга қўймади, эринг идораси томон тортқилаб кетди. Борса, хотинимнинг мазаси йўқ, уйга бормасам бўлмайди, дея ўрнига шеригини қолдириб кетган экан.

Назиранинг ичини ит таталасаям сездирмай қайтди. Уйда ойисигаям индамади. Болани олдириб ташласаммикан деган хаёлга борди. Севдиёрнинг собиқ хотини бирор дардга чалиниб, аҳволи оғирлашган бўлса – чи? Кутиш керак.

Пешинга яқин ҳеч нима бўлмагандай Севдиёр келди. Ишда тутилиб қолганини баҳоналаб ечинди. Назира индамади. Наҳотки аёлининг ташвишли юзига қараб, ҳа, нима бўлди, нега безовтасан, тобинг йўқми, дея сўрамаса – я?! Лоқайдлар дастидан дод!

Назира гапни нимадан бошлашни билмай ошхонадан гарангсиб чиқса, Севдиёр хурракни отиб ухляпти.

У уйғондиям, Назира индамади. Севдиёр яна жим, ҳатто, нега гапирмайсан, деб ҳам сўрамади. Ниҳоят, Назира бамайлахотир сўради:

- Ишларингиз яхшими?
- Ёмон эмас.
- Кайфиятингиз йўқроқми?
- Нега? Ёмон эмас.
- Ким билади, чарчаганга ўхшайсиз...
- Иш кўп.
- Ҳа – а...

Эр – хотин ўратасидаги бу зайил суҳбатдан ҳаво оғирлашиб, дилларини вайрон қила бошлади. Севдиёр яна бир кун уйда бўлиши керак, навбатчилиги индинга, чиқиб кетишга баҳона йўқ.

Назиранинг вужудидаги аламли тўфон бирдан жунбушга келди.

– Кетинг! Сизни кўрарга кўзим йўқ! Кетинг! – Севдиёр нимадир деб гўдранмоқчи эди, Назира гапиртирмади, – Кетинг!

Назиранинг ёниб турган кўзларидаги нафратдан Севдиёрнинг тили калимага келмади. Қаердан ҳам миясига шу гап келди:

– Уй сеники бўлгач, ҳайдайсан – да! Майли, кейин пушаймон бўлиб юрмасанг бўлди. Ҳозир аҳволим танглигини бир ўзим, бир Худо билади. Сенга айтолмайман.

Назира бирдан яна юмшади. Тўғри – да, Севдиёр недандир сиқилиб юрган бўлса – чи? Назиранинг юзидаги хотиржамликдан

Севдиёрнинг юрагига андак хотиржамлик ийнгандай бўлди. Лекин ҳозирча индамагани маъқул, балки бир йўлини қилиб, ҳаёт измини аввалги изига тушириб юборар. Яна худо билади. Биноийдек ишлаб юрди.

Бир навбатчилик чоғи пост ёнида машинадан биттаси тушди – ю, Севдиёрга қиймириб қаради. Севдиёр бунақа учарларни яхши билса – да, шу сафар қармоққа илингганини сезмай қолди. Назира эса икки қат, қолаверса, кўп ҳам суриштиравермайди.

Қайдан ҳам илашди бу жодугар, алвасти, бузуқига?! Аслида, воқеа Севдиёр ўйлаганчилик чигал ҳам эмасди. Аввалига у унчалик ташвиш қилмади. Навбатчилик кунлари маишатини қилиб юраберди. Идорасидан берилган шахсий гувоҳномасини олдириб қўйганидан бери ҳаловати бузилди. Энди у қўрқитиш йўлига ўтди. Қутилишнинг эса иложи бўлмаяпти. Унинг устига, гувоҳнома учун катта пул сўраяпти. Гувоҳнома йўқолганини билишса, органдан ҳайдашлари турган гап. Буларни Назирага қандай тушунтиради?..

Ахийри юрак ёриб айтди. Назира «ҳа, энди бир аёл топиб олган бўлса, пул сўраши табиий», деб ўйлади. Аввалига биргалашиб пул йиғмоқчиям бўлди. Воқеанинг аслини кейин билди, лекин кеч эди. Севдиёрни уйга киритмади...

Бир шаллақи, кўчакезар манжалақига тан маҳрам бўлганидан бери уни еру кўкка ишонмай, Тиловбердини мутлоқ кўнглидан узиб, фақат унинг учун яшаётган, иккинчи бор турмуш қуриб, биринчи кундаёқ бўйига қолганидан келинлик лаззатидан мосуво бўлган жуфти ҳалолини алмаштирган эр Севдиёрдай бўлса, эр номига ўт тушсин!

Назира тирноқ учича ҳам жилмаган бола бошини жон – жаҳди билан тортқилай бошлади. Эй, худо! Бу не кўргулик?!

– Ҳай! Ким бор!!!

Даҳлиздан ҳасса товуши келгандай бўлди. Ё Назирага шундай туюлдимикан? У бутун нафасини ичига ютиб қулоқ тутди. Ҳасса саси энди иккинчи бўлмадан эшитилгандай бўлди.

– Назира.

Энаси! Кун оша ундан хабар олиб тургувчи, лекин кейинги бир – икки ой ичида хасталаниб келолмай юрган энасини бутун Худо етказди.

– Эна! Сизмисиз!?

- Қаердасан?
- Бу ердаман, ичкарида, ётоқдаман.
- Нима қилиб юрибсан? Чиқ буёққа.
- Тезроқ келинг, эна! Ҳозир ўлиб қоламан!

Назира жон – жаҳди билан қичқирганидан энанинг шошадиган вазоҳати йўқ! Намунча имилламаса! Саксондан ошган хаставаш, бир қўли билан ҳассага суянса, иккинчи қўлини букчайган белига қўйганча, тўғри йўлда зўрға юрадиган бу муштипар энадан ниманиям кутса бўлади, лекин «ҳайт» деган туяга мадад..

Дуржон момо чотларини бесўнақай айирганча энгашиб, илоҳдан бўлак ҳеч кимдан нажот кутмаётган неварасини кўрди – ю, ҳассасини улоқтириб у томонга отилди.

– Вой, сен ўлгунча, мен ўлай! Ҳа – а! Агар ойнинг йўл – йўлакай кириб, хавотирини айтмаганида келмас ҳам эканман – а! Уям астойдил айтмади – да, шунчаки бир хабар олинг деди – я! Вой, жоним сенга қоқиндиқ! – Момо қаддини тиклаб, ёш аёллардай чаққонлик билан Назиранинг ён томонига энгашди: – Қани, ўзингни орқага ташла! – дея ҳукм қилди.

Худо етказган ҳалоскори энасидан бўлак ҳеч ким унга доялик қилмаслигини, фақат шу энажониси унинг жонига оро кириши мумкинлигидан Назира мувозанатини бошқаролмай ўзини энаси томон ташлади.

– Аҳ, орқага ташла ўзингни дедим сенга, эй, нодон қиз! Энди шошма, ҳозир ўнглайман.

Дуржон момо нечоғлик уринмасин, уни орқага қайиролмади, унинг устига, ўзи Назиранинг остида қолди. Яна ҳолсизланди. Аввалига яна кучи бироз етмайдигандай кўринган эди, йўқ, қаердан куч ийнди, бир Оллоҳга аён, момо унинг тагидан чиқиб, боланинг бошини тортишга ўнғайлади.

– Тиловберди! – Назиранинг қичқириғи бўғзида қолди. ҳушидан кетди.

Дуржон момо тақдирга ишонади, насибага ишонади, боланинг умри бўлса, иншооллоҳ, бекаму – кўст туғилгай. Қизидан яккаю – ягона шутина неварасини Яратган бахти билан бермади. Эрга тегиб рўшнолик кўрмади. Мана, бу ёқтирганиям куйдирги чиқди. Биринчи кўз очиб кўрганинг билан турмушинг бузилса, тузалмоғи душвор дейишганлари тўғри. Утганлар, «ўғлим умуртқам, зрим

қобурғам», деб бежиз айтишмаган, қобурғангни этингдан айриб, иккинчисини қандай қобурға қиласан?! Ҳай, нодон қиз, урмаган, сўкмаган эрни ташлаб, қаердаги суюқоёққа насибанг кўшилармиди – а!

Дуржон момонинг хаёллари нечоғлик учқур бўлса, ҳаракатлариям шунчалар тезоб, шунчалар чаққонлашиб, юз – кўзидан шовуллаб қуйилаётган терми, кўзешларими, англамас, бутун хатти – ҳаракати Назирада. Унинг қўл – оёқларини уқалар, бошини босар, юзига сув сепар, атрофида парвонаи палак бўлиб, зўриқишга уңдар, дуолар ўқир. Назира билан тенг талашди, тенг қичқиришди.

– Энажо – он!

– Ингга – ингга!...

– Ҳай ким бор! Суюнчи! Қиз туғилди!

Дуржон момонинг яшариб кетганини раҳматлик бобойи кўргандами ҳозир!

Куёш анча баландлаганига қарамай боғ тўрида имиллабгина ишлаб юрган Назиранинг отаси, бутун негадир қизи зрталабки чойга чақирмаганига бироз хафаланиб, хотини ҳалиям ишдан қолмай, идора ташвиши билан аңдорманли – гидан ранжиди. Очиқ кўча эшигидан ҳассасини беозор тўқиллатиб ичкарига кириб кетган қайнонасини кўрмаганидан, ичкарида бўлиб ўтган ҳаёт – мамот талашувидан беҳабар, қўлини пешонасига қўйиб уй томонга бир қараб, кетмонини пастак деворга суюйи дея ҳали қадамини ердан узмаган эди, айвончадан аёлнинг ҳам хавотирли, ҳам шодон товуши келгандай бўлди:

– Суюнчи! Суюнчи!..

Қодир ота нима гаплигига тушунолмаб гарангсиб турди. И – е. Дуржон момо – ку! Қайнонасини беҳасса, қўлини сермаганча унга бақираётганидан баттар ҳайронланди.

– Ҳой, куёв! Буёққа келинг, неварангиз туғилди! Газни ёқиб, иссиқ сув қилиб беринг!

И – е, қачондан бери кўрпа – тўшак қилиб, хаста ётган кампирнинг овозими бу? Қодир ота қайнонасини яқин ўн йилда бу янглиғ алфозда кўрмаган.

– Нега анграясиз? Келинг тезроқ, болани қўндоқлашим керак!

Қодир ота қўлидаги кетмонини ташлади – ю, илдам юриб

келганча саломниям унутиб, опхонага ўтди. Газплитани ёқиб берди, лекин бола тўғрисида қайта сўрашга ийманди. Шу ёшга чиқиб бетўлағоқ бола туғилишини эшитиб кўрмаган одамга эриш туюлар экан. Бир ишонса, бир ишонмади, негаки Назира ўғлини туққанида у уйда йўқ эди, тафсилотини эшитмаган.

Назира бу янглиғ «ҳе йўқ, бе йўқ», туғиб кўйганига уялишиниям билмайди, уялмаслигиниям. Балки у ҳақда ўйлашга ҳали қудрати етмаётгандир. Асосийси – тирик қолди, боласи тирик. Ана, энаси тоғни талқон қилгандай, нималарнидир қилиб юрибди. Пешиндан кейин чопқилаб ойиси келди. Қўни – қўшнилар. Кўзойдинлар.

Исириқ билан чақалоқ ҳиди Назиранинг бутун ҳаёт ташвишларини учуриб юборгандай эди...



## ИБРИҚ

Ибриқ Изомнинг лақаби. У дуч келган, сал бундайроқ одамни белисандлик билан «ҳей, Ибриқ», деб чақиради. Лекин унга ҳеч ким ўзинг Ибриқсан демайди, деёлмайди. У сил касалликларини даволаш диспансерининг бош враччи. «Ўҳ – ҳў» этиб йўталган одам бу диспансерга оёқ қўйса, эти дириллаб, суяги зирқирайди.

Изом ибриқнинг хотини Бибигул лаборантка. Диспансерга келган одамнинг биллагига учи ўткир перо билан бир чизади – да, анализ варагини эрига беради. Изом ибриқ бешафқат ҳукмини эълон қилади:

– Сал кечикиб келганингда тузалмас силга мубтало бўлар экансан.

Ибриқ «бемор»нинг кўкрак қафасиниям қора қоғозга сувратини оддиради. Магарам ишкали бўлмаса, бошқа бир касал кўкрак рентгенини «бемор» кўзи олдида ёруққа тутиб, қайси бир қора нуқталар тўғрисида узоқ гапиради. Даволанмаса, ўпкасидан ажрашини таъкидлайди. Шундай мудҳиш ташхисни эшитган ҳар қандай иродали одамнинг ҳам қўл – оёғи бўшадади, бирпасда бинойидек беморга айланади қўяди. Ана энди Изом ибриқ уни соға бошлайди. «Даволаб» бўлгач, қуюққина зиёфатини ҳам олади. Яна кўрганда: «Ҳа, Ибриқ, бормисан, кўринмайсан», дея қўл учиди сўрашиб ҳам қўяди.

Таниш – нотаниш бари унинг бу дашвомига куникиб кетган. Йўқса, ибриқ, ҳар кимга сабаб – бесабаб тақалавериши аввалам бор белисандлик, қолаверса, ҳақоратдай гап, негаки «Ибриқ» дегани – обдаста, қўл ювдирадиган сулопча. Лекин одамлар Изом ибриқнинг бу ўхшатмасига чидашади, иссиқ жон, хасталаниши табиий.

Одамлар, айниқса, кўча – қўй Изом ибриқнинг яна бир беъмани одатига кўникишган. У ҳеч кимни на меҳмондорчиликка, на тўй – маъракага, на ифторлигу, на бирор хайрия садақа бериб уйига таклиф этмайди. Ўзи эса, ҳеч қаердан қолмайди. Ис чиққан ер бўлса, ҳозиру – нозир. Яна ҳаммадан аввал, эртадан келиб, тўрда панд – насиҳат қилиб ўтиради. Бу икки карра икки – бешдай, барчага аён гап.

Изом ибриқнинг олтмиш ёшдан ошганигаям ўн йилга

яқинлашиб қолди. На бирор қариндош — туққан, балки ён девор — дармиён қўшниллар ҳам яқин беш — ўн йилда оёқ босиб ичкари кирмаган сирли ҳовлида эр — хотин икков эл кўзидан пинҳон умргузароналик қилади. Ўғли билан қизи катта бўлишгач, замона зайли билан ҳар томонларга учиб кетишди. Қўнғироқ қилиб ҳол — аҳвол сўрашсалар, эҳтимол, лекин кетганларидан бери келиб хабар олганларини ҳеч ким кўрмаган.

Ибриқни — ку, тўй, маърака — маъжозда учратиб салом — алик қилиб туришади, аммо хотини Бибигул деярли кўринмайди. У бирор марта қўшниллар тандирида нон ёпмаган, на туз, на гутурт сўраб чиқмаган. Қўшниллар ҳам булардан ҳеч нима сўрашмайди. Бу хусусда гап — сўз ҳам қилишмайди, худди шундай бўлиши керакдай.

Энг ажабланарлиси, Изом ибриқ пенсия ёшидан анча ошиб кетган бўлса — да, катта бошлиқлар курсини бўшатиб беринг деёлмайди. Ўзи: «бир лўли кафтимга қараб тўқсон ёшга кирасан деган, пенсиядан оғиз очмаларинг», дермиш. Шу, унинг ошиғи олчи — бор дегани ботмон, кел деган си сари. Бир одам мушутини, пишт демайди.

Юсуфали бообрў одам. Савлатидан от ҳурқади. Ибриқ шундай одамниям шохини синдирди. Ибриқ касалсан деганидан кейин Юсуфали шаҳарга бориб бошқа болнисда рентген қилдирган экан, у ердагилар соппа — соғсан, дейишган. У рентген қоғозини кўтариб Ибриқнинг олдига келса, Ибриқ: «Мен ўзимни аппаратимдан бошқасига ишонмайман, бу алоҳида, сил касаллигини аниқлайдиган аппарат», дея шовқин кўтарган. Ибриқ:

— Бор, ишонган одамларингга даволат! Иккинчи бу ерга оёқ босма! — деган.

Бечора Юсуфали:

— Тавба қилдим, қайтиб олдим. Сиздан бошқага даволатмайман, — дея кечирим сўраб, Ибриқни зўрға эпақага келтирган. Кўп нарсалар совға қилган.

Шундай беҳосият одамлар ҳам яралар экан — да, дея одамлар ёқа ушлайдилар. Ҳа, хўш, бегоналарни қўлидан келганча аямай талайди, бетаъма бир қадам ташламайди. Яқинларига — чи? Бари безор. Яқинига йўламайдилар. Бундан на Изом ибриқ, на хотини зигирдай азоб тортганини, очик кўнғил билан бирорта

қариндошига қайишганини ҳеч ким кўрган эмас. Қишлоқдан паноҳ излаб келган сингласининг ўғли, туққан жиянининг қўлига қараган ибриқ, ётга холисанбилло хизмат қилармиди.

Балки бу янглиғ такаббурлиғу, иззатнафслик Ибриққа ота меросдир. Ахир унинг катта бобоси Ҳайдарбойнинг подшо ҳукми билан озод бўлган қули зртаси йўлда кўриб, салом йўқ, алик йўқ, осмондан пўстин ташлагандай: «Ҳа, биродар, қалайсан энди, омонмисан?», деб сўрагани учун уйига келиб, кампирига бундан буёғига яшашимдан маъни йўқ деган – у, ичкари кириб ётганича жон берган экан.

Қулим ўзини менга тенг тутди, деб оламдан кўз юмган шуҳратпараст одамнинг невараси Изом ибриқнинг ҳоли не бўлар эди? Хўш, ибриқ ота – бобосига тортган экан, хотини – чи? Хотини Бибигулни не Худо урган инсонки, муомалада Ибриқдан қолишмайди. Қовун – қовундан ранг олади деганлари шумикан? Эр – хотиннинг лойини бир жойдан олади, деб бежиз айтмаган машойихлар. У эрини ўзининг Худоси деб билади. Бу яхши, аммо унинг қусри билан болалари ота уйини тарк этиб кетишганига наҳотки, аёл бўла туриб бирор туки қимир этмаса – «бу қандай яшаш, уйига ўт тушсин бундай турмушнинг», деб аюҳаниос солмайдимми? Балки ичидан исёни бўғзигача келиб, ташқарига чиқишига кучи етмаётгандир. Балки шундан юзлари сариқ, кўзларида мунгдир. Унинг эзилиб юришида қандайдир номукаммаллик борким, юрагини очиб, дардини тўкиб солмайди. Буни тушунтириш қийин, ҳар на билгани ичида.

Яқинда Бибигул кетиб қолибди дейишди. Ёлгон экан, анчайин хасталаниб ётиб қолганидан кўринмай кетганига шундай ўйлашган. Уни шундай дажжол эр билан мувоса яшашига сабаб не? Ана бу жумбоқни у ўзи билан қабрга олиб кетса эҳтимол.

Бу воқеага салкам қирқ йил бўлади. Бибигул хушсуврат, келишган келинчак эди. Ой деса ой, кун деса, кун. Уни илк муҳаббатидан мосуво этиб, Изомга бердилар. Қандай сархуш эди у тонглар. Баҳор шалоласидай серзавқ, субҳи сабодай шўхчан, қанот чиқариб учишга шайланган бетизгин асовга тушов урдилар. Тақдирга тан бермоқчи бўлади – ю, Уни ўйлайверди. Эрининг кўйнидаям Уни тасаввур қилаверди. Кетиб қолишга юраги дов бермади. Отасини ўйлади. Онасини ўйлади. Ўзини ўйлай олмади.



Барибир, Уни кўз олдидан кеткизолмади.

Йил ўтди, Бибигулнинг бўйида қолмади. Ҳамшираликни тамомлаб, эри билан бирга ишлай бошлади. Уни ёдидан чиқараёзган эди, армия хизматига кетишидан олдин биррав олдига кирдию, ўтини янгилади. Қандай қилиб қучоғига отилди, қандай қилиб бўйнига осилди, бир Яратганга аён. Унинг таниш ҳидидан маст, кечқурун чиқишга рози бўлди.

Бибигулнинг кўзидаги безовталиқни Изом сезди, лекин бу қадар бевошлиги ҳақида ўйлашга ғурури йўл қўймади.

— Онамниқига бориб келаман, — деди кечроққа бориб Бибигул синиқ овозда.

— Яқинда бориб келган эдинг — ку? — синчковлик билан сўради Изом.

— Кеча ёмон туш кўрдим.

— Тушнинг ёмони бўлмайди, яхшига йўриш керак. Эртага ўзим олиб бораман, вақтим бор. Бугун навбатчиман, биласан.

— Майли.

Бибигул тил учида «майли» деган эканми, қоронғи тушиши билан уйдан қандай чиққанини билмади. Уни муҳаббати судраб кетди. У шу оқшом илк бор сезди: — аёллик лаззати не, эркаклик қудрати не. Яна тағин оппоқ чойшабадамас, кўздан пана, сув оқмай қолиб кетган, кесаклари яккам — дуккам заҳкаш ичида, кўйлаги ичидаги маммаларининг учларидан ўт чиқди, беҳуш бўлди. Тонгга яқин уйига келди. Уйқуси келмади. Сув қиздириб оппоқ баданини сийпалаб — сийпалаб, севиб — севиб ювди. Наридан — беридан чой ичиб ишига жўнади.

Навбатчиликда чарчаб, кўзлари қизарган Изом хотини юзларидаги хушҳолликдан эти бир сесгангандай бўлди, аммо беморларга андармон бўлганича, сўнг эътибор қилмади. Кечда ҳаммасидан ошиб тушди. Бибигул қоронғи тушар — тушмас кўрпага кириб, донг қотганича ухлаб қолди. Чироқниям ўчирмабди. Изом сочлари кўкрагига ёйилиб ётган хотинига бир суқланиб қаради — да, эрталабки дил ғашлиги бош кўтарди. «Бу недан бунча хушҳол ухляпти?» Гуноҳи бешарм Изом ибриқнинг қалбидан миясига ўрмалаб аста пармалай бошлади.

Шундай ҳам одамовироқ ибриқ аста — секин ҳаммалардан четлана бошлади. Гумондорлик бошини тамом гаранг қилди. Ўзи

хоҳлаб уйланган Бибигулни ҳар қадамидан ишкал топа бошлади. На ишида унум бор, на уйда ҳаловат.

Бибигул эса, вужудда уйғонган яралиш ҳиссиёти билан учиб юрибди. Бир тонг у суюниб эрига юзланди:

– Суюнчи беринг! Бола кўрамиз шекилли!

Ибриқнинг юзи бир ёришдию тезда тундлашди.

– Тугилсин кўрамиз, – деди.

Бибигулнинг қувончи ҳавода қалқиб кетди. Кейин хат устида қўлга тушди. Уша кун иш билан марказий шифохонага кетган Изомнинг борганидан келгани тез бўлди. У хотинини биров кирганини сезмас даражада эшикка тескари ўтириб, ўқиётган хатига орқадан келиб кўз ташлади. Йўталдиям, Бибигул сезмади. Сўнг аста қўлини тўзиб, хатни унинг қўлидан аста суғуриб олди. Хатни нафас чиқармай бир бошдан ўқиди ва ҳуши бошидан учди. Эшикни ичидан қулфлади. Сўнг яшин тезлигида сочидан товлаб, калтаклай бошлади. Бибигул нафас чиқармади. Изом оёқлари оғригунча тепкилади. Болани тушишини хоҳлаб тепкилади. Бибигул кўкармаслиги учун имкони етганча қўллари билан юз – кўзларини бекитди, холос.

Бибигул қаҳрланиб онасиникига кетмади. Отаси касалманд, чидай олмайди деди. Эрининг бари дашномларига чидади, ҳеч нимани бўйнига олмади. Қорнига тепки еганида биррав қайғурган эди, йўқ. Оллоҳ бераман деса, ҳеч гапмас экан – кўчқордай ўғил туғди. Ибриқ одамлар кўзича туғруқхонага борди, аммо эл йиғиб кўзойдин қилмади. Ҳар не билгани ичида. Баъзан «балки бечакки гумонсираб, азобланаётгандирман», дея ўйлайди. Ўғлига қараб, ўзини кўргандай бўлади. Барибир, Бибигул бўйнига олмагани, хат шунчаки ҳамсинфлик, ёшлик ҳаваслари дегани билан, эл – элчилик, орқаваротдан эшитган, юрагининг тубида бегузар гумон бор. Болани кўпам эркалаб қўлига олавермайди. Лекин Бибигул аниқ билади – нораства муҳаббат фарзанди.

Бибигулнинг севиқлиси армиядан қайтгач:

– Изомдан чиққин, ўзим оламан, ахир ўғил мени – ку, – деди.

– Йўқ, ўғил эримдан, бу фикрни бошингиздан чиқариб ташланг, – деди Бибигул. Рози бўлмади. Аммо ўрганган кўнгили қўймас экан, яна ўзини Унинг қучоғида кўрди, ақлини йўқотди, қизини туғди. Икки учрашганда икки фарзанд. У қанча зорланса

хам Бибигул қайтиб учрашмади. Ҳаёти ҳам бир тақовудда – зерикарли, бемуҳаббат ўтди.

Изом ибриқ ҳам тақдирига тан берди. Аммо, хотинига хотиним деб қарамади. Аламини ишдан, одамлардан олди.

Ёшлиқдаги ҳавасли кунларини эслабми, Изом пайгамбар ёшига етганда эл – элатни яна бир бор ҳайратга солди. Неча йиллардан бери сув келмай кўмилиб ётган эшиги олдидаги ариқча бўйига бирваракайига 10 – 15 туп чинор экди. Ичкаридан, водопровод сувидан олиб чиқиб чинорлар тагига қуйиб турди. Енгил машинаси бор чап ён қўшниси – ку, Изом ибриқни одам бўлиб қолганига боши осмонга етибми, кунора соҳиби кўзидан пинҳона чинорларга сув қуйиб, тагига оз – оз гўнгу ўғит солиб, уларни қулоқларидан чўзгандай парваришига кўмаклашди. Чинорлар ҳам тез ора бўй чўзиб, бўйрадай жойга соя бера бошлади. Қўшни чет чинорнинг шапалоқдай соясига машинасини ҳар гал қўйганида Ибриқнинг ота – бобоси руҳига дуолар қилиб юрди.

Бахилнинг боғи кўкармас, деганлари беқор экан, беш – олти йилда Ибриқнинг чинорлари бир кунда икки мартагина очилиб – ёпиладиган кўкимтир ранги ўчиб кетган, бир ёни сал қийшанқираган дарвозани, неча йиллардан бери оҳак юзини кўрмаган пастак деворни кўзга кўримли, йиллаб супурги тегмайдиган эшик олдини сўлим гўшага айлантирди. Ён қўшни – ку, машинаси сояда турганидан, болалари чинорлар тагида яйраб ўйнашларидан вақти чоғ.

Бироқ, кейинги кунларда Ибриқ қўшнининг хуш кайфиятидан таъби тирриқ бўляпти. У эккан чинорлар тагига бемалол машинасини қуйиб, уйига керилиб кириб – чиқиб юрибди. Ибриқнинг ҳаловати бузилди. Айниқса, кўчанинг майда – йирик бари болалари шу жойга йиғилиб, шовқин – сурон кўтаришларига чидами етмади унинг. Бу қандай бедодлик. Бировнинг чинорини ўзиникидай қилиб, тагида яйраб ўтиришса – я! Йўқ, бунга чек қўйиш лозим!

Ёзнинг жазирама иссиқ куни Ибриқнинг қўлида арра, болта кўрган одамлар аввалига ҳайрон бўлишди, кейин у эшиги олдидаги чинорларни бирин – кетин чопа бошлагач, баттар ҳайратланишди. Энди гуркираб ўсиб келаётган чинорларни тубидан болталаб, кескилаётган Ибриқдан ижирганишди, лекин унинг жанжални

текин сотиб олиш феълени билганлари учун бир оғиз индашмади.

Ибриқ еттита чинорни кесганидан кейин алланечук ҳолсизлангандай бўлди. Эгнидан эски қорамтир кўйлаги ёқаларини ечиб, деворга астагина суяниб ўтирди. Муздаккина сув ичкиси келди. Аксига олиб хотини Бибигул юраги хасталаниб, кечадан олдинги куни марказий касалхонага тушган. Унинг орқасидан ҳам боролгани йўқ. Ўзиям сал кам дўхтир, шунча йил диспансерда ишлаб келяпти. У ердаги врачлар билан тил топишиб кетади, овқатгаям зор бўлмайди деган тасалли билан ўзини оқлагандай бўлди.

Танидаги тер совуғач, Ибриқ ўрнидан туриб, ичкари кирмоқчи, бир ҳўплам сув ичмоқчи бўлди. Бироқ, оёқ – қўллари деганини қилмади. Ўрнидан қўзғалолмади. У ҳали бошига тушган оғир юк салдомини тўлиқ англаб етмади, балки англагиси келмади. Чинорга суяниб турай деса, рўпарасидагини ҳам туби билан кесган. Наригиси, ҳали, кесилмагани олисроқда. У тирсагини деворга бериб турмоқчи бўлди, қўли ишламади. Етмиш ёшга кириб, ҳали қўлига ҳасса олиш у ёқда турсин, тиззасига суянмай ўрнидан даст туриб юрган одам бир нафасда ожиз, нотавон ҳолга тушиб қолганига ақли бовар қилмади. Наҳотки?.. Йўқ, сал дамимни ростлаб олай, ўрнимдан туриб кетаман, дея ўйлаб яна пича ўтирди. Аммо шу ўтиришида юраги ўйнаб, қайт қилгиси келди. У ёқ – бу ёққа аланглаб қаради. Кўча бўм – бўш, ҳеч ким кўринмайди. Қўшнининг болалари ҳам кўриниш беришмаяпти. Унинг хўрлиги келди. Ҳеч ким кўринмаса – да, қичқирмоқчи бўлди. Қайда, нафаси қайтиб кетди. Сўнг бир томонга қийшайётганини пайқади. Уёғини эслолмайди...

Одамлар кечга томон Ибриқнинг қуёш юзида мудраб ётганини кўришди. Бироқ ҳеч ким унинг фалаж бўлиб қолганини билмасди. Ниҳоят ён қўшни нима бўлса бўлар деб, сал берироқдан овоз берди:

– Изом ака, Изом ака!

Ибриқдан садо бўлмади.

Шундан кейингина у бошқа қўшниларга хабар берди. Кўплаб – кўмаклаб, Ибриқни ичкарига олишмоқчи бўлишди. Не кўз билан кўрсинларки, дарвоза орқаси катта хандак қилиб ковланган экан. Тилдан қолган Ибриқни девор ичкарисини ёқалаб, сўқмоқ оёқ йўли

билан зўрға ётоқхонасига олиб киришди. Бир – бировидан Бибигулни суриштиришди. Диспансерга қўнғироқ қилишди. Уни марказий касалхонада даволанаётганини шунда билишди. Ўғли – қизига хабар қилай дейишса, уларнинг турар жойини билишмайди. Шаҳардаги узоқ қариндошларига хабар беришни чап ён қўшни ўз зиммасига олди.

Қўни – қўшнилари кўримсиз, қаровсиз боғ саҳнига қараб эзилишди. Ҳамма ёқда кераксиз темир – терсак уюми, катта – кичик харсанг тошу – қум, тупроқ, ёввойи ўт босган йўлакларда қурт еган олмалар чириб ётибди. Одамларни қон қақшатиб йиққан мол – мулки шуми? Бетаъма бир қадам ташламаган инсоннинг у дунёдан таъмаси не экан?

Ибриқнинг кесган чинорларини санадилар – еттита экан. Кимдир ёшини қайтарди – етмиш! Кимдир уни: «тўқсонга кираман деб юрганди», деди. Маҳалла оқсоқоли бир калима билан мухтасар этди:

– Еттинчи чинорда экан – да жони.

– Ҳали тирик одамга жаноза ўқиш дурустмас.

Юсуфалининг гапи ҳеч кимга ёқинқирамади. «Тез ёрдам»ни чақирдилар. Дўхтирлар келиб, кўп қарашик этдилар, фойдаси бўлмади, лекин негадир касалхонага олиб кетмадилар. Диспансер ходимларидан қай бировлари келди. Улар ҳам қайғурибгина бош чайқашганча, бир – бир тарқалишди.

Юзлари дарддан сарғайган Бибигул касалхонани ташлаб келди. Ўғли, қизи, келини, куёви етиб келишди. Буларнинг ҳеч қайсини Ибриқ сезмади. У шу ётишида ўзига келмай, йиқилганининг еттинчи куни оламдан ўтди.

Ўликни эгаси кўмади, келганлар фотиҳа ўқиб кетади деганларича бор экан. Ибриқ – майитнинг эгаси эл – злат бўлди. Дарвоза орқасидаги хандакни кўммагунарлича тобутни киргизиб – чиқариб бўлмади. Жаноза кунигача боғни ёввойи ўтлардан тозалаб, ялаб – юлқадилар, дарахтлар тагини чопдилар, орқа қўшниникидан сув чиқардилар, эшик олдини чиннидай этиб супурдилар.

Бибигул эри билан бирга қилган ёмонликларига қайтаётган яхшиликлари олдида эзилиб, ютоқиб – ютоқиб йиғлади. Эшик олдида белини боғлаб турган ўғли бу хоксор одамларга нетиб миннатдорчилик билдиришга ожизларча кўзёшларини артади.

Унинг юрагида ота уйини обод қилиш, эл яхшилигига яхшилик қайтариш учун шу ерда қолиш нияти жунбушга келганидан, киндик қони тўкилган ерга ўзга меҳр билан боқади. Оқсоқолнинг талмовсираб тушурим тушурганига хайрихоҳлик ила жавоб қилди:

– Уйнинг чирогини учирмасмиз, ота.

– Баракалло, ўғлим, – деди оқсоқол суюниб.

Жанозадан кейин яна оқсоқол армонли донишлик қилди:

– Охиратингни берсин деганларида ҳикмат кўп экан. Лекин бу пурмаъни ҳикматни Изом ибриқ тушунмай кетди, болалари тушунар...



## ИККИ ҚЎША РЎМОЛ

Дуржон момонинг охирги васияти жуда оддий ва ҳайратомуз бўлди:

– Ҳаммангиздан мингдан минг розиман, мендан рози бўлинг.

Дуржон момо кўзларини аста юмиб очди – да, оғир – оғир нафас олганча ёнида ўтирган қариндош – туққанига бир – бир беҳолгина боқди, не деяётганиниям унутгандай яна кўзларини юмди. Кимдир кўнгила бермакчи эди чоғи, момонинг юзларидаги ажиб бир жонланишдан тўхтаб қолди. Билҳақ, Дуржон момонинг хиёл очилган кўзларида хасталигидан аввалги ҳолатига менгзар ғаройиб нулланишдан, анчадан бери исирик дуди аралаш дори – дармонлар ҳидидан димиққан хона ичи андак ёришгандай бўлди. Бу янглиғ хушҳолликдан ўтирганларнинг ҳам кайфияти бирданига кўтарилиб, қандайдир лаҳзалар ичида яқинда туширилаган келиннинг оёқ – юзи ярашиб, тўй орқага сурилмасдан вақтида ўтажағи, момонинг соғайиб кетишидан кутлуғ муждадай барчани хушмавзун илинжга солди. Бироқ, бу ҳолат қанчалик тез содир бўлган бўлса, шунчалик тез сўнди. Дуржон момо катта ўғли билан ўздан икки ёш кичик бўлган укасига бирпас йитти қараб турди – да, тили сал патикланиб:

– Сандигимда иккита қўшарўмол бор. Шуларни мен билан бирга қўшиб... – деди – ю, «кўминглар», дея олмади. Нурсизлана бошлаган кўзларини аста юмди – да, беҳолгина «ух», деди. Тамом.

Ҳали нима содир бўлганига тузукқур англашилмай турганда, момонинг етмишлардан ошган тўнғич қизи биринчи бўлиб жимликни бузди. Унинг беўхшов чинқиригидан худди момо уйғониб кетадигандай ёш – яланг қўрқув аралаш момо томонга қарашди ва уввос солиб хонани бошларига кўтаришди. Хона ичи қий – чув бўлиб кетди. Қўни – қўшниллар йиғилди. Одам бир аср умр кўрсаям видолашишдан оғир нарса йўқ дунёда. Момонинг кичик невараси садр уриб йиғлайверганидан ўздан кетиб қолди. Кимдир «тез ёрдам»га хабар қилди. Кимлардир кимларнидир тинчлантиряпти, кимлар айтимчилик айтиб юракларни эзляпти.

Эртасига жанозадан бурун, мурдашўй майитни қўлга олгач, Дуржон момонинг укаси Матёқуб сода жияни Матасан билан опасининг охирги васиятини бажо қилиш учун сандиқни очилди. Иккита тутунчада ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсаларни кўриб, яқин турган одамларнинг ҳайратдан оғизлари очилиб қолди. Бир қўшарўмолда момонинг умр бўйи тараганда тушган сочлари

билан йиллар силсиласида силлиқланиб, ялтираб кетган ёғоч тароғи, иккинчисида мўъжазгина қайчиси билан олинган тирноқлари...

Буларни кўриб, оппоқ соқоллари кўксига тушиб турган Матёқуб соданинг кўнгли алланечук бўлиб, кўзларига ёш қуйилиб келаверди. Ахир опаси эридан уч нафар боласи билан тул қолганида ҳали ўттизгаям кирмаган ёшгина жувон эди. Чиройда ҳам қишлоқ қизларининг олди эди. Колхозлаштиришнинг оғир йилларида ҳам, бир бурда нон учун одамлар ҳар недан қайтмайдиган қимматчилик йилларида ҳам ўзини олдирмаган, мушфиқ опажониси «дебсан» қатағонида эридан айрилди. Яратганининг бу синовлари камлик қилгандай, иккинчи жаҳон уришига кетган икки акасидан қора хат келди. Отасидан ёш қолгани устига, бу айрилиқларга чидамаган онаси бу ёруғ дунёдан эрта кетди. Қайнотаю, қайнонаси, эрта букчайишди, бирин – кетин улар ҳам ўтдилар.

Дуржон ҳаётнинг бари талатўпларига бардош берди, иродаси букилмади, болаларини инжитмади, ҳалол ишлади, эл қатори тиззасидан сувга кириб қазув қазди, дарс чиқарди, чопиқ чопди, сув очди. Уйининг ўти билан кириб, кули билан чиқди. На қорни тўйиб овқат еди, на ғийбатдан қулоғи тинчиди.

Матёқубнинг ҳеч эсидан чиқмайди, урушдан аввалги очарчиликда, поччаси қамалиб, емакка бир бурда нон қолмаганида касалманд ойиси совуқ уйда мўлтираб ўтирган болаларига, бири – биридан ушоқ неваралари кўзига қаролмай эзилиб ўтирганида, ташқаридан бир ёши ўтинкираган аёл оқ бўз тутунга ўроғлик икки буханка ўрис нони, тўрт калла оқ қанд, бир бўлак тумалоқ чойни ўртага қўйиб, табассум ила ойимга, сўнг Матасанни эмизиб ўтирган Дуржон опасига маънодор қаради.

– Насибангизни олиб келдим, эгачи. Дуржоннинг бахти бор экан, шукур қилинг.

Болалар тутунчакка талпиндилар. Дуржон Матасанни оғзидан маммасини тортиб олди – да, болани йиғлаганига қарамай ёнбошига ётқизди ва ўрнидан даст туриб, ўртадаги ёзиқ тутунни тўрт учини маҳкамлаб тугди. Қай бир лаҳзалар бошини осилтирганча жимгина ўтирди – да, тутунни олиб келган аёлга узатди.

– Раҳмат, опажон, бериб юборган одамга қайтариб беринг, илтимос. Бизни хўрламасинлар, айтинг. Шундай ҳам ғамимиз ўзимизга етиб ортади.

– Вой, у киши сизга буларни илиндилару сиз бурнингизни



жийирасизми. Бир бўлак қандга онаси ўлмаган қиз беришяптию...

– Онаси ўлмаган қизниқига олиб бора қолинг, – аёлниң сўзини шарт кесди Дуржон.

Кўзларини ялинчоқ жовдиратганча Дуржонга қараб ўтирган ойсининг мунгли нигоҳлари то ҳануз кўзи олдидан кетмайди.

Аёл кетди. Эрини қамагани етмагандай, шу тиканак мўйлов келгинди одам Дуржоннинг бошига кўп ёмонликлар солди. Номини қаро қилди. Лекин Дуржон эгилмади, иродасини букмади. Қўшнилар Дуржоннинг чиройи эрининг қабри дейишди. Авваллари Матёқуб бу гапнинг сирига тушунамасди, сўнглада билдики, ГПУ одамининг Дуржонга ишқи тушиб, эрини халқ душмани қилган экан. Уруш бошланмаса, Дуржоннинг ҳоли не кечиши бир Оллоҳга аён эди. ГПУ ходими урушга кетиб нафаси ўчди.

Матёқуб ёш бўлсаям суюғи эрта қотди, қумга ўтинга киради, рўзгорга елкасини тутди. Бир айби, ҳозиржавобмас, соддалиги бор. Шунинг учун ҳам кўп дакки ейди. Бироқ бир қизса, тўхтатиб бўлмайди. Нимаям бўлди – ю, оғзига кучи етмаган бирди – ярим галамислар Дуржон опасини ёмон ғийбат қилишди.

Матёқуб умрида биринчи марта урушдан кейин мактабни битириш арафасида раиснинг ўғли шарофати билан зирал нон еганда оғзидаги хуштаъм ҳидни искаган яна бир синфдоши уни қаерда еганидан беҳабар «опангни хушторлари ўлмасин, зирал патирлар еб институтлардаям ўқийсан», деганида қандай қулочкашлаб тарсаки урганини билмай қолди.

– Эй, ҳароми, сен опамнинг шаънига туҳмат қилишга қандай ҳаддинг сизди, – дея ҳолдан тойгунча калтаклади. Аслида Матёқуб биров билан уришиб кўрган боламасди, лекин, бегуноҳ опасининг ғийбатига чидалмаганиданми, бир бу эмас, орқаваротдан шунга ўхшаш гаплар юрагида йиғилиб, вулқон янглиғ отилиб чиққаниданми, ўлган – қотганини билгани йўқ, зурға ажратишди. Уйга келиб паншахани олиб синфдошининг ҳовлисига борди. Синфдошининг армиядан яқинда майиб бўлиб келган катта акаси унинг қўлидан паншахани олиб, кетига ўхшатиб тепди ва опангни... деб қаттиқ сўқди. Унгаям кучи етарди, урушдан келганига ҳайиқди.

– Опамга иккинчи марта тил теккизсанг ўлдираман!

Матёқуб ҳозир шер йўлиқсаям писанда қилмайдиган ҳолатда эди. Ҳаётдан безиб, кўзларига қон тўлиб турганидан ўзидан анча катта одамни сенсиради. Аммо унинг тилини томоғига тикди. Орқасига шиддат билан қайтиб опасини топди. Эл орасидаги миш – мишларни айтиб, бутун заҳрини опасига сочмоқчи бўлди.

Кўзи кўзига тушиши билан борлиқ гумонлари шамолда тарқаган тумандай бирпасда ғойиб бўлди. Опасининг қуёш янглиғ чарақлаб турган юзига қараб: «Қуёшга қараб ҳеч ҳам ёмон фикр қилиш мумкин эмас», дея сўзи оғзида қолган эди.

Тан олиш керак, опаси Дуржоннинг кўзларида ёлинг бор эди. Бир қараганда эркак зотининг юрагини қинидан чиқариб юборар, лекин на хушомадга, на гина — қудуратга ён бермас, юракларга ўт солгани билан бирор йигитга изн бермас эди. Тўйлардаям баъзи тенгдошларидай ўзига оро бермас, бошига матир рўмол эмас, оддийгина оқ таканадан бежиримгина дурра қилиб ўраганча бир чеккада томоша қилиб турарди.

Тўйлар ҳам ҳозиргидай дабдабали эмас, номигагина тўй — ўн беш килолик қозонда ош дамланади, бировга етса, бировга етмайди. Жияни Матасандай болаларнинг кафтларига бир сиқим ош солиб беришади. Зўрроқлари ожизлар қўлидаги ошни илиб қочишади. Бир сафар Матасан қўлидаги ошини олдириб, яна қозонга яқинлашганда, қозон бошида ошни назорат этиб турган тўй катхудоси унинг қўлини ҳидлаб, «ош ебсан, яна келдингми, бадбахт!», дея қаттиқроқ итаргани билан Матасан жонсарақлигидан йиқилиб, қаттиқ лат еган. Матёқуб сода бир амаллаб бир сиқим ош олиб берди, Матасан ошга тескари қаради. Соданинг кўнгли шунда ёмон бузилган, жияни кўнглини кўтариш учун елкасига миндириб, тўй бўлаётган қурга олиб киргани худди кечагидай кўз ўнгига.

Матасан бир оғиз ойисига дийдиё қилмади: «фалонкас мени ҳақорат қилиб, ансамга қаттиқ урди», демади, читдан тикилган, сиёҳ тўкилавериб, бурчаклари қотиб кетган китоб — дафтар халтасини бўйнидан ўтказиб, гоҳ чап ёнига, гоҳ ўнг ёнига ташлаб мактабга бориб, келар, уй юмушларига қарашган бўлар, «оҳ қолдим нон беринг», деб онасининг юрагини эзганини тоға эшитган эмас.

Опасидан гумондор бўлган кезлари кўп бўлди. Ахир уям одам, эридан ёш қолди. Қоронғи оқшомларда, совуқ ёстиққа ёшларини тўккандир. Ким биландир кўз уриштиргандир. Фақат Матёқуб уни юзига солган эмас, аммо баъзан — баъзан Матёқубнинг айрим тенгқурлари жаҳл патига тегишади. Матёқуб нимаям десин, ахир опасини табелчи қилишди, бригад қилишди, орден, медал беришди. Уни бир сафар Тошкентда бўладиган катта қурултойга сайлашди. У рад қилди, бормади. Ўшандаям Матёқуб опасига ишонқирамаган эди. Баҳонаси жўн эди: «Сигиримнинг куни яқин, кетолмайман», деган...

Йил уч юз олтиш кун тонг саҳардан қош қорайгунча бир эркакча меҳнат қилди. Минг шукрким, опасининг сўзини то бутунга қадар икки қилган эмас, бир оиладай яшаб келишяпти. Ўзининг ҳам рўзғори бут, ўғил – қизлари ҳам опасини ўз оналаридай яхши кўрардилар. Тоға – жиянлар аҳил. Бу жипсликни у опасининг донишлигидан деб билади. Мана шу бир оғиз «жипслик» миясида ярқ этдию ўнсиз йиғлаб турган одам ҳўнграб юборди: «Бир умр наинки гийбат қилган одамларга, балки туғишган жигарига ҳалолликдан сабоқ берган опаҷоним, алвидо!

Эшик олдида турган Матасан кўзёшларини артиб, тоғасининг олдига келди. Тоғасининг қўлидаги қийиқчаси ҳўл бўлиб кетганидан, чўнтагидан чиқариб янги дастрўмол узатди. Матёқуб сода қўлидаги ҳўл дастрўмолни устига қўйиб, куруқ рўмол билан юза – кўзларини артди ва аста беихтиёр ён – верига кўз ташлади. Вой – бўй! Жанозага йиғилган одамларга қараб юраги ҳаприқиб кетди, бутун қишлоқ эниб келган эди. Эъзоз бўлса, шунча бўлар. Раҳмат, тўйларингизда тик туриб хизмат қилгаймиз, азиз одамлар! Қаерданам бунча сел келяпти унинг кўзларига. Оқавер кўзёшлар, дарё бўлиб оқ, қуриб қолганмикансан деб хавотирда эдим.

Мурдашўй чиқиб, тобутни ичкарига олиш учун бошланган бесаранжом ҳаракат Матёқуб соданинг бетизгин ўйларини бўлди. Хотин – ҳалажнинг фарёди остида майитни жаноза ўқиладиган майдонга олиб чиқишди. Матёқуб сафда туриб жаноза ўқиди. Йигитлар юғириклашиб тобутни елкаларига олиб кетиб боришяпти, Матёқуб сода оломон ўртасида не қиларини билмай каловланиб турганини кўриб, кимдир унинг билагидан аста ушлаганидан кейин баттар ғариблашиб қолди.

Елкалардан – елкаларга бетўхтов ўтаётганидан, одамлар тўлқинида тобут ажиб чайқалади. Оломон елкасидаги тобут ичида момо билан ёнма – ён, қарийб минг ой умрининг тирик гувоҳлари – икки қўшарўмол, бирида сочлари билан ёғоч тароғи, бирида тирноқлари билан қайчиси чайқалиб бормоқда...



## БИР НАФАС ҲУЗУР

Дуп... дуп, дуп, дуп... дуп. Бу ўтган тунги ғаройиб дуп – дуп. Бу оқшом сал бошқачароқ – дуп – дуп, дупур – дуп... дуп – дуп, дупур – дуп... Яқин икки – уч оқшомдан бери тинчлик бермаётган бу дилўртар товущдан Дилшер қарийб ухлай олмаяпти. У бу «дуп – дуп»га аввал унчалик эътибор бермади, лекин бу тундагиси миясини пармалаётганими, ундан осонликча қутулишнинг иложи бўлмаяжаги ҳиссиданми, мавҳум ҳавл аста – секин тани – баданига ўрмалай бошлади.

Бу қандайдир фантастика ё алаҳсираш ҳам эмас, балки, бу сас гоҳ олислаб, гоҳ яқиндан, гўё болға билан ургандай, тўхтайин демайди.

Дилшер ўрнидан оғир қўзғалди. Орқаси билан ўгрилиб ётган хотинини уйғотиб юбормаслик учун электр чирогини ёқмади. Кейинги пайтларда тез – тез электр ўчиб турганидан ошхонанинг кўзга яқинроқ жойида шам туради. Оёқ ўчида ошхонага ўтди. Шамни топди. Гугурт ҳамишаги турадиган жойида йўқ. Не қиларини билмай, ошхона бўсағасида бирпас серрайиб турди. У «дуп – дуп»нинг биррав йўқолганига эътибор бермади, кейин диққатлироқ қулоқ қўйди. Йўқ, ҳеч қандай сас – самар йўқ. Шамни ёқолмай жойига келиб ётди. Ёстиққа бош қўйиши билан яна дуп – дуп, дупур – дуп... Дуп – дуп, дупур – дуп...

У бу дил пармаловчи сасни тонгга яқин англади. Бу – юрагининг беором уриши эди. Дилшер оғир хўрсинди. Хотини Қувонч бунга сезмаганга олди.

Одамзоднинг тақдир деб аталмиш муъжаз сирли дунёси қай бир лаҳзаларда ўзгариб, бахту бахтсизлик сари судраб кетишини ҳеч ким ҳеч қачон на тасаввур қилолади, на ўзгартириш қудратига эга. Бахтлилик уфқининг чароғонлиги табиий, бироқ бахтсизлик қоронғулигида эса, ўзини оқлаш учун ана шу тақдир деб аталмиш ёзғитга суюнади. Алоҳозал – қиёс насиба ҳар қандай чигал ҳолатлардаям чўкиб, гумроҳликда ичкарилаб кетмасликка, ғайритабиий кўмаклар пешига осилиб, бузуқлик ботқоғидан ҳаминқадар юқорилашга қодирдай, руҳиятига тамкинлик бахшида этгувчи юпанч излайдилар.

Дилшер киракашмас, йўл – йўлакай бирор чиройлироқ жонон йўлиқса, ширин таъмага менгзар танишув илнжида сут рангли

нол етти «Жигули»сини секинлатади, олиб кетайми маъносида билинар – билинмас ишора қилган бўлади. Рўйхушлик берса, тўхтайди, йўқса, йўлда давом этаверади. Борингки, бирор гўзал минди ҳам дейлик, Дилшер дарров гапга солмайди, қармоқни узун ташлайди. Бироқ шу сўнгсиз жимлик асносида Гўзал манзилига етиб ҳам келади. Тахминан шундай савол – жавоб бўлиб ўтади.

– Қанча?

– Нима қанча?

– Кира ҳақи?

– Ҳеч қанча. Мен киракаш эмасман.

– И – е, савоб талабмисиз? Яхши, раҳмат.

Гўзал тушиб кетади. Тамом, вассалом. Дилшернинг ҳам тарвузи қўлтигидан тушади. Ва ажабким, бу ҳолатга кўпам қайғурмайди, аксинча, кимгадир яхшилик қилганидан суюнади. Нима бўпти, дейди, танишганимда нима қилардим, дейди, ўзини овунтиради, ҳожатбарор одамлар сирасига кирганидан ҳузурланади.

Аммо бир сафар... Дилшер ҳар неларга бинойидек етадиган ақли бу қадар тез чалғиб кетишини ҳеч идрок қилолмади. Унинг осуда ҳаётидаги бу кучли тўфон жуда оддий, юракни аллаловчи энгил шабададан бошланди.

Чорраҳанинг нариги бетида турган ўрта бўйли, сочлари ўзига яраша тўзғиганроқ, замонавий услубда тикилган чарм курткаси бўлдамай кўкрагига алоҳида кўркамлик бахшида этиб турган бир қиз қўлини кўтардим, сочларини тузатдим, Дилшер яхши англолмай қолди – ю, барибир, машина тезлигини анчайин секинлатди. Қиз ён – атрофга қарамай бир – бир босиб, аста юриб кела бошлади. Дилшер беихтиёр машинасини тўхтатди. Қиз бирор сўз демай орқа эшикни очди – да, майин табассум билан астагина ўтирди. Дилшер ҳам ҳеч нима демай секин машинанини йўрғалатди.

– Йўл бўлсин?

– Бирга бўлсин.

– Йўлимиз бир томонгамикан?

– Сизникини билмадим – у, меники ҳозирча тўғрига.

Жимлик узоққа чўзилмади. Дилшер сал овозини кўтарди:

– Манзилингизни аниқ айтинг, балки йўлимиз бошқа – бошқадир, мен киракаш эмасман.

– Илтимос, шу ерда тўхтатинг, янглишиб минибман, узр.

Парирўй машинадан тушишида ним табассум ила бир қиймириб қаради – да, олдинги ўриндиққа бир қанча сўм пул ташлаб, қандай беилтифот минган бўлса, шундай беқаҳр тушди. Бу янглиғ муомалани кутмаган Дилшер не қиларини билмай каловланиб қолди.

Қиз орқада келаётган бир машинага қўл кўтарди. Хайрият тўхтамади. Дилшер ўриндиққа ташланган пулларни олиб пастга тушди – да, қизнинг олдига борди.

– Мен сизга тушинг демадим – ку. Мана пулларингиз, олинг, мен киракаш эмасман.

– Киракаш бўлмасангиз нега тўхтадингиз?

– Чиройингизга мафтун бўлиб.

Қиз бирпас анграйиб турди – да:

– Тангилик ҳам эр кишига ярашади – да, – деди.

«Шилқимлик» қилманг, дейиш ўрнига топиб айтганини қаранг: «Тангилик ҳам эр кишига ярашади – да...»

– Ўтиринг машинага, илтимос, исмингизни сўраган номард, элтиб қўяман. Қайтиб кўришамизми, кўришмаймизми, худо билади. Шу вақтгача сиз мени танимасдингиз, мен сизни. Ўтиринг, элтиб қўяман. Беминнат.

Қиз ўзига хос самимий тавозе билан машинага ўтирди. Дилшер уни айтган жойида тушириб орқасига қайтди. Йўлда энди у ҳеч кимга эътибор бермай, машинани аста ҳайдаб бораркан, Парирўйдан қолган, мушки анбар ҳидидан сармаст, гўё бод устига қурилган тахт узра ўтирган сайри Сулаймондай ширин хаёллар оғушида дунёни бўйлади. Чорраҳадаги қизил нур боис машинани беихтиёр тўхтатди ва ўзига келди.

• • •

Дилшернинг ҳаловоти бузилди. Ўшанда ваъдасига кўра Унинг исмини сўрамаган эди. Ўзи исм қўйди – Ойбарчин. Мана, неча кунким, уни тушириб кетган жойга уч марта – эрталаб, пешинда ва иш охирида келади. Баланд иморатлар деразаларига, бекатга, четки дом ёнидаги бозорчага аста разм солади. Қай бир гўзални Унга ўхшатади. Энди гапираман деганида бошқа эканини кўриб, сўзи оғзида қолади. Уни учратолмаганидан хомуш бўлиб қайтади.

Дилшернинг камгаплигига кўниккан Қувонч эридаги сўнгги

кунлардаги кўз илғамас хомушликка кўп ҳам эътибор бермагани билан аёллик ҳисси сўраб – суриштиришга даъват қилар, лекин ўрталаридаги беғубор садоқат ришталарига ишониб индамади. Дилшер ҳар кунгидай каттасини мактабга, кичигини боғчага мунтазам олиб бориб, олиб келаяпти. Худо уриптими? Мендан эўрини топса, қандини урсин. Қувонч ўзини тошойнага солиб, керак бўлмасаям узун бармоқ учларида назокат билан сочларини кулоқлари орқасига ўтқазди ва ҳуснига маҳлиё бўлиб бир нафас суқланиб турди. «Тф – у, тф – у» Қувонч аста кўкрагига туфлади. Ўзига ўзининг кўз тегишиям бор. Неча бор шундай бўлганини билади. У кулимсираб тошойна олдидан ошхонага ўтди.

Бу пайт тақдирнинг ажиб ўйинлари назарида Дилшер исмини сўрамаган Ойнури тўрттинчи қабатда, хонасининг бекатга қараган деразасидан гоҳ – гоҳ пастни кузатади. Исмини сўрамагани сўрамаган, ҳеч бўлмаса ўзининг исмини айтиб кетсам бўларди – ку. Ойнури унга ўзи исм қўйди – Далер. Нега Далер? Шундай исми синфдоши бўларди. Камгап, ўйчан. Бошқага уйланиб кетди. Ойнури уни севарди, лекин айтолмаган. Далер унга эътибор бермаганидан аввалига газабланиб юрди, кейин мактабни битиргач, йўллари бошқа – бошқа бўлиб кетгач, унутди. Демак, чинакам севмаган экан. Энди яна ўти тозаланди. Ўзи исм қўйган Далерни кўрдию тинчлигини йўқотди. Худди Далернинг ўзи. Балки буюм ўтиб кетар, деди ўзига – ўзи неча бор. Вақт ўтса, балки... Йўқ, кунлар ўтгани сайин кўзлари йўлда. Жинни бўлмаса, ўша машинасига минган кунидаги жойга бориб пойлайдимиз?

У бир – икки кун қизлик эҳтиросига берилиб, қаёқларга парвоз этмади. Ахири яна ўз қиёфасига қайтди. Менинг кимлигимни билса, яқинимгаям йўламайди, дея кайфияти бузилди. Мен ит теккан ялоқ! Энди фақат пулдор тепакаллар, қориндор бит кўзлар...

Ана шундай локалому ложарам куни иш охирлаб, ҳаммалар уйларига қайтаётганда, пастда бекат яқинида Уни кўрди. Ойнури деразадан бошини чиқариб чақирмоқчиям бўлди, бироқ ўша андиша, ўша тамга оғзини очик, қўлини муаллақ қолдирди. Далери кўп кутиб турмади, салдан кейин машинасини орқага қайириб, жўнаб қолди.

Ойнури биринчи марта ҳўнграб – ҳўнграб йиғлади. Аввалиям йиғлаган, лекин бугунгидай юраги увишиб йиғламаган. Не кунларга қолди. Шаҳарга ўқишга келганда нияти шумиди? Ҳусн

десанг — зебои зевар, қомат десанг — сарву шамшод, ақл десанг... Балки, мана шу баркамоллик бахтсиз қилдимми? Унда буларнинг нима кераги бор?!

Ойнури авваллари бу ҳақда унча ўйламаган экан, энди қаттиқ ботаяпти. «Ётоқхонада нима қиласиз, бирга квартирада яшаймиз», деб ўқишга кириш чоғи танишган дугонаси ҳоли жонига қўймади. Ота — онасиям ётоқхонадан квартирани афзал кўришди. Айниқса, ўқишга яқин домнинг бир қават пастада яшайдиган квартира эгаси Наргиз опани кўришганидан кейин қувониб, рози бўлишди.

Опа ниҳоятда сўзамол, фариштали, кўй оғзидан чўп олмайдиган болажонли аёл бўлиб кўрингани билан илонни ёғини ялаган, пул деса ўзини томдан ташлайдиган бир ялмоғиз экан. «Қизим — қизим»лаб ўзига яқинлаштирди ва аста — секин меҳмонларга хизмат қиладиган дастёрига айлантирганини қизлар асло сезишмади. Қайтанга қўли тўрт, оёғи саккиз бўлиб, югуриклаб хизмат қилишаверди.

Бир маротаба хизматлари учун дастурхон атрофида ўтириб, базмга қатнашишга рухсат этди. Ана шу ўтиришда ичилган бир култум шампон, буларнинг тақдирини батамом ўзгартириб юборди. Эртасига уятдан ер ёрилмади — ю, булар ерга кириб кетмадилар. Йиғладилар, сиқтадилар, опанинг аврашлари билан кўниқдилар. Қафасга тушган шердай бирравига жон — жаҳдлари билан темир панжарини синдиришмоқчи бўлишди, кейин гайришуурий лаззатга шинникиб, қафасни ичидан маҳкам бекитишга одатландилар.

Ҳали қишлоқдагилар билишмайди. Опа аввалроқ уни бир марта аборт қилдирди. Бўлдамлигидан ҳеч нима бўлмагандай, ўқишга қатнайверди. Ишратдан топган олтин тақинчоқларини яшириб қўйибди. Институтга тақиб бормади. Аммо яхши кийина бошлаганидан курсдош қизлар ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қарашлари баробарида ачинишгами, қаҳргами менгзар қарашлари ҳам йўқ эмас.

Ҳа — ҳу дегунча икки йил ўтиб кетди. Опа Ойнури билан бирга яшаб турган ҳамхона курсдошини яқинда бир бойваччага узатди. Ресторанда катта тўй бўлди. Қиз базми қишлоқда ўтди. Тўйни бойвачча қилиб берди. Лекин ўзи охириг кунни бир ишни баҳона қилиб бормади. Куёвнинг ота — онаси йўқми деганларга чет элда, иш сафарида деди. Ота — онасиям чиппа — чин ишонди. Бойвачча унга марказдан икки хонали квартира олиб берди. Мебеллари,



жиҳозлари четники. Афсонавий келинчаклардай ясан – тусан билан ўқишга келиб кетади. Битта машина беркитиб қўйган эри. Ойнури билади – курсдоши бойваччанинг иккинчи хотини. Бироқ бу билан Опанинг обрўйи қизлар наздида баландлашгани йўқ, аксинча, итнинг ялогини ялаган бу ялмоғиз бировларнинг бахтсизлиги эвазига бойиди, жарақ – жарақ пул ўйнайди.

Опа Ойнурига навбат энди сеники деяпти. Лекин у ўлсам ҳам иккинчи хотин бўлмайман дейди. Албатта, мени уйланмаган йигит олмайди деб ҳам ўйлайди. Яна ким билсин, Опа, дўхтирлар онадан туққандай қилиб қўяди дейди. Гўзал бир хонадоннинг эрка келинчаги бўласан дейди. Ё насиб, айтгани келсин.

• • •

Ойнури ахири Опага дардини ёрди:

– Энди ҳеч кимга мени қўшманг, бир йигитни севиб қолдим, – деди.

– Севсанг нима? Севавер. Лекин кечагидай бойвачча йўлиқса, Худонинг бергани.

– Йўқ, Опа! Кечагидай шармандаликка энди тоқатим йўқ! Бутун вужудим қақшаб огрияпти. Умрида аёл кўрмаганми нима бало, ҳайвоннинг ўзи.

– Ҳа, энди ўзингам кўзга яқин, дўмбоққинасан – да. Эҳ, мен ҳам сендай вақтимда сутга чайиб олингандай оппоқ, кўрган йигитнинг ҳирсини кўзгатиб юборадиган офатижон эдим – а... Ёшлигингда ўйнаб қолсанг – чи, Ойнури.

– Ҳаром – ҳариш булғаниш жонимга тегди. Ҳалиям мени аямасдан бошим билан наҳс ботқоғига ботирдингиз. Шу бутундан бошлаб, бегона эркак қўйнига кирмайман, тамом – вассалом! Йўқ десангиз, ётоқхонага кетаман. Ёмонлик қилсангиз, ўзимни – ўзим ўлдираман. Бошқа чидолмайман! Неча бор айтдим. Қулоқ бермаяпсиз. Ўзингизнинг қизингизни шунчалар хор қилармидингиз? Раҳмингиз келсин, ахир, Опажон!

Опа қараса, иш оғирроқ тус олаяпти, сал юшамаса бўлмайдиганга ўхшади. Дарҳол мулойим табассум билан сўради:

– Қаерда, ўша йигитинг? Исми ким? Нима иш қилади? Уйланмаганми?

Опанинг бирор саволига Ойнури жавоб беролмади. Билмаганидан кейин қайтиб жавоб берсин.

– Ана, кўрдингми? Севиб қолдим эмиш. Бир кўргандан севиб бўларканми?

Опанинг дунёқарашини ўзгача, барибир, севги деган сирли мулкка ишонмайди. Ойнури хазинлик билан:

– Яна келса, кўрсатаман, – деди холос.

Ойнури Опага Дилшерни узоқдан, деразада туриб кўрсатди. Опа аста пастга тушиб, бекатга келди. Дилшернинг машинаси олдига бориб бепарвогина:

– Икки – уч кундан бери келиб, ҳеч кимни миндирмай қайтиб кетасиз. Бировни кутяпсизми? – деди. Дилшер бу хушрўйгина Опага бир нима деёлмади. – Мен шу ўртада яшайдиган одамларнинг қарийб барисини танийман. Уялманг, айтинг, кимни излаб юрибсиз?

Дилшер яна жавоб бермади. Машинасини ўт олдириб кетмоқчиём бўлди – ю, Опанинг кейинги гапидан кейин фикри ўзгарди.

– Йигитчилик, бирортаси кўнглингиздан урган бўлса, унинг нимасидан уяласиз? Худди ўғирликда қўлга тушган одамдай чўчиб қолдингиз? Қани, тушинг, машинадан. Бизникида бир пиёла чой ичинг. Майли, айтмасангиз, туз – намак бўлиб қайтиб кетарсиз.

Дилшер машинасини ўнғайроқ жойга қўйди – да, индамай Опага эргашди. Опанинг учинчи қаватдаги квартирасига кириб олганга очилиб қолди. Узининг ҳам топиш – тутиши ёмон эмасу, лекин бу қадар бойликни қандай қилиб қўлга киритди экан бу Опа? Балки, ўғиллари топарман – тутармондир, балки ўзи ўта билгир тадбиркордир. Ҳа, омадини берсин. Опанинг сўзлари унинг хаёлларини бўлди.

– Қандай чой ичасиз, кўкми, қорами?

– Фарқи йўқ, опа. Қайси бўлсаям бўлаверади.

Опа бирпас кўринмай кетди ва салдан кейин ташқаридан кириб келди.

– Ҳали замон қизим ҳам келиб қолади. – Опа худди бир нарсани эсидан чиқаргандай, – Айтмоқчи, исмингиз нимади? – деди.

– Дилшер. – Опа тушунмаганга солиб анграйди. – Дилшер, – дея қайтарди яна Дилшер.

– Ҳа, жуда ажойиб исм экан.

Шу пайт ташқари эшик кўнғироғи жиринглади. Опа эшикни очиб:

– Келдингми, қизим. Қани кийимларингни алмаштир, меҳмон бор, – деди.

Кейин даҳлизда икковиям жимиб қолишди. Дилшерга худди улар бир нималар дея шивирлашгандай бўлди, лекин у эътибор қилмади. Опанинг ўзи чойни кўтариб кирди. Ширинликлар қўйди устарга. Бироздан кейин Дилшер исмини сўрамаган Ойбарчин чўғдай хонатлас қўйлақда хонага кирди. Жияклари зардўзли лозимда – ку, кеча тушган келинчак янглиғ ибо билан кириши хонага ўзга бир файз, ўзга бир шукуҳ бахш этди, худ қуёш чиққандай, бурчак – бурчакларгача ёришиб, борлиқ нурга тўлиб кетгандай бўлди.

– Қизим, Ойнури, институтда ўқийди. Учинчи курс, – кейин ўз навбатида анграйиб қолган Дилшерни унга таништирди, – Дилшер, бизнесмен экан.

«Бизнесмен эканимни қаёқдан билди экан?» – Дилшернинг миясига келган фикр қанчалик тез келган бўлса, шунчалик тез тарқади. Кутганига етиши бу қадар жўн ва бемалол бўлганига ақли бошидан учаёзди.

– Келинг, – деди Ойнури ўзга бир латофат билан.

Қизнинг овози енгил шабада қанотида олислардан келгандай Дилшернинг вужуди қулоққа айланди.

– Ташаккур. Мана, ойингиз, олиб кирдилар. Мен билмай...

– Вой, унақа деманг, – Опа сўзга аралашди, – Насибангиз етаклаб келган, мен бир воситачиман, холос.

«Ана бу гапинг тўғри лекин, сен ялмоғизнинг. Воситачилигинг ҳақ» – Ойнури кўнглидан кечганларни тилига чиқазмади, аксинча, Дилшерга мулоим юзланиб:

– Хуш келибсиз, хуш кўрдик, – деди.

. . .

Дилшер оромини тамом йўқотди. Ойнурининг оҳуга ўхшаш кўзларидаги тилсим, уни кўрганида бирдан порлаб кетишлари, сўзларини тинглаётганида қиймириб қарашлари бари – бариси дилини ром этди.

Опа кўнглини очиб, уларнинг якка суҳбатлашишларига ҳалақит бермайди. Ўзлари хон, ўзлари султон. Дилшернинг ишиям анчайин ўнгланиб кетди. Унинг лойиҳалари билан хитойлар, корейслар қизиқиб қолишди. Бу борада у Пекинга бориб, шартнома тузиб

келди. Учиб — қўниб юрган кунлари биров унга яқинда турмушинг чаппасига кетади, кўзингга қара деса, ўлдир Оллоҳ ишонмас эди.

Кечаги кун — ку, Дилшернинг то ўлгунгича ёдидан чиқмаса керак. Ҳам ҳузур — да, ҳам... Бу шундай бошланди. Ҳамишагидай, болаларининг бирини мактабга, бирини боғчага бериб, офисига ўтди. Бирор соат ишладими, йўқми қўнғироқ келди:

— Бугун кечгача ойим уйда бўлмайдилар...

Ойнури Дилшерга келинг, қўйинг демади, фақат оддийгина ахборот берди. Танишганларига, тўғрироғи дастурхон атрофида бирга ўтириб чой ичганларига бир ойча бўлиб қолди, аммо ҳали ҳануз баъзан якка қолганларида ҳам Опанинг назари таъқиб этиб тургандай, бемалол, бафуржа кўнгил ёзиб ўтирганлари йўқ.

Дилшер қўнғироқ сасидан маст бўлди.

— Салдан кейин етиб бораман, — деди Ойнурига ичкин бир яқинлик билан.

— Кўп кутдирманг, а...

Дилшернинг этлари жимирлаб кетди. Мева — чева, ароқ — шампон кўтариб тезда етиб келди. Ҳаммаёқ саранжом — саришта, имиқ учрашувга мос ҳолат. Дилшер юмшоқ гиламларни аста босиб, ёнбошдаги маҳобатли чарм диван четига секингина ўтирди.

Хобхонаданмикан, ичкаридан Ойнури чиқди. Устида оппоқ харир кўйлак, бошида худди «Ўтган кунлар»даги Кумушниқидай кўк дурра, ўнг қўлида Дилшер Хитойдан олиб келган нафис елпиғич. У ҳар сафаргидай ором курсига эмас, тўғри келиб Дилшерни ёнига ястанибгига чўқди. Қизил гул ҳидига менгзар иффордан ажиб бир хушбўй ҳаволанди. Дилшер сўрашмоқ ниятида унга юзланди — ю, тили калимага келмай қолди. Унинг муҳаббат тўла нигоҳларидаги бўлиқ ҳирсдан юраклари ҳаприқиб кетди.

Дилшер даст ўрнидан туриб, олиб келган майда — чуйдаларини унга берди.

— Би — ир маз — за қилиб, шоҳона ўлтириш қилайлик...

— Бугун жаҳон ҳайронда қолсин.

Ойнурининг суюклиси оҳангида қўллаши дилхуш базми Жамшиддан дарак берди. Ҳа — ҳу дегунча стол безатилди. Қадаҳлар тўлдирилди. Ташқи олам борлиги унутилди. Дилшеру Ойнури бисотида неки яхши тилаклари бўлса, айтдилар. Мусиқани пастлаб қўйиб, бир — бирларига суянишганча «Танго»га туцдилар. Худди олдиндан келишиб қўйгандай, рақслари маромида ётоқхонага ўтдилар.

Ойнури дарров ечинмади. У Дилшернинг ечинтиришини кутди. Дилшер ҳали ечинтиришни ўйламай, ёнида чўрдай бўлиб ётган паривашни ёноқларидан, юз – кўзларидан ютоқиб – ютоқиб ўпа бошлади. Ойнури шернинг қўлига тушган қуёнчадай типирчилар, тотли инграр, ундан – да сайин Дилшернинг қони кўпириб, олма янглиғ бўртиб турган кўкракларини эзганча, унинг оппоқ бўйнидан маржон шодасини юлиб, ўпа бошлади. Ойнури қўлларини Дилшернинг бирор жойига теккизмай фақат инграганча нозланади. Дилшер эҳтирос билан шивирлайди:

– Бошқасини олиб бераман, гўзалроғини олиб бераман, жоним.

– Йўқ, керакмас... Ҳали сизга айтадиган гапим кўп. Мен яна алданишни истамайман...

– Мен сизни алдамайман...

– Йўқ, сиз тушунмадингиз... илтимос, менга тегманг... Мен ҳеч ким билан учрашмасликка оғт ичганман. Лекин Сиз... Сиз... учраганингиз ёмон бўлди -

Ойнури илтимос, тегманг дея кўзларини юмиб оғир – оғир нафас олганча, неларнидир унинг қулоқларига шивирлар, ўзининг ҳам, Дилшернинг ҳам қонини кўпиртирарди. Дилшер ўзини тамом йўқотди. Диркиллаб турган қуймучини эзгилаши асносида унинг куйлагини этагидан аста юқорига тортиб, еча бошлади. Ойнури беозоргина қаршилиқ кўрсатибгина биринчи марта някларини унинг бўйни остига суйкади ва ечинтирилишига рози эмасдай нозли тўлғаниши баробарида беихтиёр кўмаклашиб юборди. Дилшер энди унинг оппоқ сийнабандини ечолмай бироз қийналди.

– Бунча шошқалоқсиз...

Ойнури иккала қўли билан юзларини беркитиб унинг қулоқлари остида уялгансимон яна сирли шивирлашидан Дилшернинг қўллари қалтираб кетди. Унинг сийнабандини елкаларидан туширганда Ойнури иккала қўли билан оқ мрамардай маммаларини бекитди. Дилшер унинг иккала панжасини кўкрагидан айириб ўзининг бўйнига солди. Ойнури ажиб бир инграб, бошини унинг қўлтиғи тагига яширди. Ечилиб кетган дуррага бош бермай кўкракларини қоплаётган сочларидан таралаётган мушки анбар бўйидан маст Дилшер унинг нозик нуқталарини қитиқлай бошлади. Уёғи Дилшер кутганидан ҳам лаззатлироқ бўлди...

Дилшер бир неча кун учиб юрди. Қувонч унинг бу ҳолатини ишининг бароридан келганига йўйди. Бирга қувонди. Барибир, ёстикдош аёл эрининг кўнглида ўзга бир сирли кайфият ҳукмронлигини туяди, лекин тан олгиси келмайди. Иши кўп, вақти йўқ, қолаверса, мендан гўзалроқни тополмайди деб ўйлайди.

Шу ўртада хитойлик мутахассислар келди. Дилшер эрта — кеч иш билан банд бўлди. Меҳмонлар кўнглини кўтариш учун турли меҳмондорчиликлар уюштирди. Уларни кузатиб қўйгач, дам олиш ўрнига багтар эрта кетиб, кеч келадиган бўлди.

Орадан кўп вақт ўтмай Дилшер чарчаб, синиқиб келадиган бўлди. Оиладан хуш кайфият кўтарилди. Қувонч сўраса, Дилшер ҳар доимгидай «ҳеч гап бўлгани йўқ. Иш оғир», дея жавоб беради.

Аслида Дилшернинг ичидаги дард ишининг оғирлашишида эмас, Опанинг ножўя хатти — ҳаракатида, гап — сўзида. Дилшер чет эллик меҳмонларни кузатгач, Ойнури билан бир неча бор учрашмоқчи бўлди. Фойдаси бўлмади. Кўнғироқни фақат Опа олади ва совуқина сўрашиб қўяди, холос. Ниҳоят у Ойнур ўқийдиган институтта борди. Сўради, суриштирди. Касал, ўқишга келмаяпти дейишди. Дилшер келганидан бохабар Ойнурининг курсдош дутонаси унинг кимлигини, Опадан бир қават юқорида ижарада яшашини айтди. Дилшер келиб яна Опага дучор бўлди. У Дилшерни гирибонидан олди:

— Қиз бечорани нима қилиб қўйдингиз? У сизнинг иккита болангиз борлигини, гуддай хотинингиз борлигини, исми Қувонч эканлигини, қилаётган ишларингиз қинғирлигини барисини аниқлаб, қишлоғига кетди. Ота — онамни олиб келаман, шарманда қиламан деди. Шунча йўқ бўлиб кетмаганингизда бу ҳадар газабга минмасмиди...

— Қўлим тегмади. Бир неча бор кўнғироқ қилдим, хабарингиз бор, ўзи билан гапириша олмадим — ку.

— Келиш керак эди. Қилгиликни қилиб қўйган одам ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Мени қизим бўлса — ку, йўлга солардим — а, бировнинг арзандаси. Бошини айлантириб чатоқ қилдингиз.

— Биламан.

Опа «қаердан биласиз», деб сўрамади.

— Билганингиз учун айтаяпман — да, — деди.

Дилшер «Ахир ўзингиз — ку, бизни қўшган» деёлмади, фақат:

– Ҳа, чакки иш бўлди. Ўзим ҳам пушаймонман.

Дилшернинг ана шу бетаъма сўзи бошига гурзи бўлиб тушди.

– Сўнги пушаймон ўзингга душман дейдилар, йигит. Ҳалиям йигитчилик, ҳа энди бир янглиш бўпти, беайб фақат Парвардигор деявериш мумкин эди, агар бўйида бўлмаганида.

Опанинг тил учуда, шунчаки беписандлик билан айтган бу даҳшатли сўзи Дилшернинг ақлини шоширди, тили калимага келмай қолди.

– Уни қандай кўрсам бўлади, – деди Дилшер сал ўзига келгач.

– Мен қишлоғига бориб кўрган эмасман. Келгач, сизга хабар берарман.

– Жон опа, мен оиламга содиқ, ишимга садоқатли одамман. Дадаму ойимлар билиб қолишса ёмон бўлади. Мени шарманда қилманг. Бир йўлини топинг, ахир бир ёнда ўзингиз...

Дилшернинг гапи оғзида қолди.

– Мен сизга қизни бузинг, ҳомиладор қилинг дедимми?

– Йўқ – йўқ, мен унақа демоқчи эмасдим.

– Бир эшитдим, иккинчи эшитмай, қайта бу гапни оғзингизга олманг. Мен ҳам биламан қайга боришни, қайга келишни.

– Хўп – хўп, Опажон, тавба қилдим, кечиринг.

Икки кундан кейин Опа Дилшерга кўнғироқ қилди:

– Бир келиб кетасизми?

Дилшер Опа билан учрашиб таъби тирриқ бўлиб қайтди. Ойнури икки хонали битта уй олиб берса, даъво қилмайман дебди. Ўзи билан учрашолмади. Опа менинг номимга олиб бераверинг, ўзим унинг номига кейин ўтказаман деди. Не кетса, кетсин, обрў кетмасин дея Дилшер «Жигули»ни сотиб, ёнига қўшиб «Нексия» оламан деган пулини сарфлаб, Опа номига икки хонали квартира олиб берди. Ойнурига учрашиб, иши битганини айтмоқчи эди, учрашолмади. Ишим ривожланса, ҳали машинаям оларман дея ўзига тасалли берди. Лекин хом ўйлаган экан, Опа яна кўнғироқ қилиб чақирди.

– Бу қиз яшшамагур ёмон чиқди. Билмадим, ким гап беряпти, битта «Тико» машинаси олиб бермасангиз бўлмас.

– Нималар деяпсиз, Опа?! Қани мен бир кўрай у қанж...

– Унақа деманг, ўргилай, бугунми, эрта қўчқордай ўғил туғиб бермоқчи – я.

– Шунча йилдан бери йиққан пулимга ана квартира олиб

бердим. Энди менда бошқа ортиқча маблағ йўқ!

– Кўп куйинманг, бўйидан. Йигитнинг бахтини берсин. Нима қиласиз, бир бедаво қиз чиқди бу яшшамагур. Бажармасангиз етти қозига ошно қилишдан ҳам тоймайди.

– Қўлидан келганини аямасин!

– Ундай деманг, ўргилай. Бебурд, гапида турмайдиган одам деб ишгарларингизга, чет элик ҳамкорларингизга ёзиб юборса, уларниям қўллари совиб, ишингиз орқага кетса, яхшими, айланай?

Дилшер бошини чангаллаб, ўтириб қолди. Аввалги шерсифат шаштидан асар ҳам қолмади. Икки хонали уй олиб бердим деб гердаиб юргани бир пул бўлди. Энди нима қилиш керак. Ранги ўчиб уйига қандай келганини билмади. Шундай ҳам камгап одам, баттар тилдан қолди. Ўзи истаган ҳузур касрига гирифторм бўлди. У ҳамisha ўлтиришларда кўп тинглар, кўшилиб кулар, лекин ҳали айтганимиздай кўп гапирмас, фақат туриш чоғида бир гапни такрорлашни хуш кўрарди: «Як нафас ҳузур, тахти Сулаймон аст» Унинг бу сўнгсўзига ҳамма ўрганган. Таржимаям даркор эмас, шундай ҳам тушунарли – бир нафас ҳузур Сулаймон тахтида ўтиргандай роҳат. Агар Дилшер тарқалиш вақтида шу сўзни айтмаса, ҳамманинг бир ёни кемтиқдай, ўлтиришнинг қай бир нуқталарида қусур бордай, унинг оғзига қарашади. Дилшер ўзига хос майин жилмайиб, шу машҳур нақлни айтади ва ҳаммалар маъқуллашгач, тўп тарқайди.

Лекин шу пайтгача бирор улфат шамол устига қурилган Сулаймон тахтининг роҳат, роҳат эмаслиги борасида ўйлаб ҳам кўрмаган. Улфатлар ўртасига бу нақлни олиб кирган Дилшернинг ўзиям бу ҳақда ўйлаб кўрмаган экан. Бу роҳатдан кўра, неқадар беҳалавотлигини Дилшер энди англаб етди. Бироқ бировга айтолмайди. Бир ўзи билади, бир Дардисар билади. Худои таолонинг гоҳ – гоҳ томошагарлигига ҳам қойил қолмади, йўқса уни шу бедаво Дардисарга йўлиқтирмасмиди. Албатта, бу чиққусиз дардга аввалам бор ўзи сабабчи, қолаверса Ойбарчин. Ҳалиям уни Ойнури деб атагиси келмайди. Энди – ку, умуман, на Ойбарчин, на Ойнури номини тилга олгиси йўқ.

Бир нафас ҳузур деб неча вақтдан бери боши гаранг, асаблари таранг. Ҳаёт калавасини чувалаштирди. Ишида унум йўқ. Кеча аварияга учрашига бир баҳя қолди. Нақадар пасткаш одамлар кўп – а, дейди ўзига – ўзи. Ўзи қақириб, ўзи қўйнига солиб, яна туҳмат қилишига бало борми?



Ойнурунинг бу машамшалардан хабари йўқ. У қайтанга Дилшер акасининг кўринмай кетганига ҳайрон. Гўрига ўт қалаб ётибди. Опа унга касаллиги ҳақида қоғоз олиб бериб, квартирадан ташқарига чиқармаяпти. Дилшерга телефон қилма, қизингиз бузуқ экан, эр кўрган экан деб мени шарманда қилди деди. Ойнури рости, шу кун и эҳтиросга берилиб, анчайин ошириб юборгани учун ўзини койиди. Аммо лекин, гап йўқ, йигитмисан – йигит экан. Эҳ, барини йигиштириб қўйиб шуни севмоқчи эдим, Худо кўп кўрди, дея кўнглига тасалли берди, ўзини босишга уринди.

Бу пайтда опа, Дилшерни қистокқа олиб, қирқ қийиқдан ўтказиб, исканжага солмоқда эди: «Тико»ни тезлаштирмасангиз, қиз даъво қилмоқчи, остирмоқчи, чоптирмоқчи ва ҳоказо. У кундан – кунга озиб – тўзиб бораверди.

Қандай бўлмасин Дилшер Ойнурини учратмоғи шарт. Қувонч билиб қолса нима бўлади? У тушунгани билан аёл – да. Шу хаёллар билан у бутун ҳам ҳамма вақтдаги жойдамас, бекатдан берироқда, одамлар кўзидан панароқ жойда Ойнурини пойлай бошлади. Наҳотки, бирон марта эшик – қолига чиқмаса. Майли, ўз оғзидан эшитай, етса мол, етмаса жон. Агар у шу қадар разил бўлса, «Тико» деса, «Тико» Ана шундай қатъий қарор билан қанча бўлса, кутишга шайланди. Худо бераман деса, ҳеч гапмаскан. Ана, келяпти Паризоднинг ўзлари. Ясан – тусан жойида. Дилшер машинасидан тушиб унинг истиқболига юрди. Ойнури кутилмаган учрашувдан анграйиб қолди.

– Бормисиз, Дилшер ака?! Қаерларда қолиб кетдингиз? Юринг уйга чиқамиз. Сизни Опа энди қайтиб келмайди деб бутун орзуларимни чилпарчин қилди.

– Аксинча сиз менинг ҳолимни хароб қилдингиз, – деди Дилшер унга беихтиёр эргашиб.

– Вой, анави кишимни қаранг. Мен нима қилибман?

– Йўқ, сиз ҳеч нима қилмадингиз! Қўй оғзидан чўп олмаган мусичасиз!

– Кесатманг, шунча алданганим етар. Мен Сизга айтдим, қулоқ бермадингиз. Мен бирор эркак юзини кўришдан ҳазар қиламан!

Тўртинчи қаватга кўтарилиб, хонага киришгач, бир лаҳза жим қолишди.

– Менинг ижара жойим.

– Янги квартирага ҳали ўтмадингизми?  
– Қанақа янги квартира?  
– Опангиз, сизни айтиб, квартира олдирди. Икки хонали. Шу ерга яқин домда. Сизга квартира олиб бермасам, мени шарманда қилмоқчи бўлибсиз – ку.

Ойнурунинг лаблари қалтираб, рангидан қони қочди.

– Нималар деяпсиз, Дилшер ака? Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ.

– Ҳомиладорлигингиз ҳам ёлғонми? – шаштидан тушиб, бўшашибгина сўради Дилшер.

Ойнурунинг икки юзи қизариб кетди.

– Ҳали ҳайз кўриш вақтим етгани йўқ. Қолаверса, бирор бир аломатиям йўқ. Шундан ҳадиксираб келмай юрибсизми?

– Опангиз айтдилар. Сиз мени кўришга тоқатингиз йўқ экан. «Тико» машинаси олиб бермасам, хотиним устига бориб шарманда қилармишсиз.

Ойнурунинг катта – катта кўзлари ёшга тўлди. Анчайин гапиролмай турди.

– Сиз мени эркак кўрган бузуқ деганингизни эшитиб, Сиздан кўнглим совиган эди. – Кўз ёшларини артиб, салдан кейин чарчоқ овозда кўшиб қўйди, – мени хонавайрон қилган Опа гўрида тикка ўтирмай. Ўдираман уни!

Умрида бировга бечакки қаттиқ гапириб ранжитмаган Дилшер Ойнурунинг вазоҳатидан қўрқиб кетди.

– Ўзингизни босинг, Ойнур.

Дилшернинг Ойнури демай, ўзига яқин олиб Ойнур деганига қалбининг туб – тубида пайдо бўлган илиқ туйғу кўзларига нур бўлиб ийнди. Меҳри товланиб Дилшерга мулойимгина боқди.

– Хавотир олманг, Дилшер ака, ҳаммасига ўзим айбдорман. Сизнинг бирор тола сочингизга зиён етказмайман. – Ойнурунинг кўз ўнгидан дақиқалар ичида болалигию, қадрдон қишлоғи, маъсума ёшлигию янглишлари ва ниҳоят, сўнгги сафарги гўзал муҳаббатли, ширин лаззатли онлари бир – бир ўтди ва ички бир қавий куч билан – Не – не фариштадай қизларнинг бахтсизлиги эвазига мол – дунё йиғадиган бу ялмоғизнинг жазосини ўзим бераман, – деди.

Гапирмоқчи бўлган Дилшерни гапиртирмади. Узоқ тикилиб, хайрлашди.

• • •

Дилшер ёстиққа бош қўйиши билан яна «дуп – дуп», «дупур – дуп»... «дуп – дуп», «дупур – дуп»... У оғир хўрсинди.

– Нега ухлолмаяпсиз? – тиниқ овозда сўради Қувонч.

– Уйғоқмидинг?


– Дардингизни айтинг, ё бирор..

– Қизиқмисан, Қувонч, ишим бошимдан ошиб – тошиб ётибди.

Сев бўлсанг...

– Э, йўқ, – уни кайфиятини сал бўлсаям ҳазиломуз кўтармоқчи бўлди, – бу дард ишники эмас, ишқники бўлмаса. – Икковиям бир лаҳза индашмай қолди. Қувонч сокин жимликни бузди: – Эшитдингизми, кеча ижарада турган бир талаба қиз уй эгасини ҳам, ўзини ҳам ўлдирибди... – У яна бирпас жим ётди – да, ички бир хўрсиниқ билан қўшиб қўйди. – Энди кўп оилалар тинч, болалар етим бўлмайди. Жойлари жаннатда бўлсин...

Қувонч Дилшернинг кўнглидагини топиб айтди. Фақат Ойнурига тегишлиси учун хотинидан миннатдор бўлди. Юраги бирдан соғинчдан увишиб сас берди – «дуп – дуп», «дупур – дуп»... «дуп – дуп», «дупур – дуп»...



## ИТ

Ойимжон аввал негадир эътибор бермаган экан, бутун эрталаб, беихтиёр унинг кўзларини кўрди — ю, юраги алланечук сесканиб кетди. Йўғ — е, наҳотки... чорак аср ўтиб — ўтмай — а? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. У яна унинг кўзига қаради. Тавба! У биолог. Ўлган одам бошқа бир маҳлуққа айланиб қайтади, лекин бу қадар тез ва ўз феълида келади деб ўйламаган эди.

Ойимжонга эргashiб келган бу Итни қанча ҳайдашмасин, барибир, кетмади. Адаштириб келишди. Яна қайтиб келди.

Ойимжон жониворлар табиатини, феъл — атворини яхши билади, аммо итга рағбати йўқ. Уям, балки раҳматлик эри, Қосимбек сабабдир. Ўлганлар тўғрисида ёмон гап айтиб бўлмайди — ю, Қосимбек итфеъл одам эди. Бўлса — бўлмаса қопиб олишга шайлангандай, хириллаб турарди.

Итнинг кўримсиз, кўз атрофлари қизарган, туклари хасталиқданми, сийрак, беўхшов. Унинг ётоқ жойи эшик олдидаги чўммиқ тол таги. Ҳар қандай хўрликка чидади. Берсалар еди, бермасалар, йўқ. Гингшимайдиям, қотиб ухламайдиям. Ичкаридан ким чиқса, дарров ўрнидан кўзгалиб, бошини кўтаради. Эътиборига қараб, ҳаракат қилади. Лекин бу уйдагилар итни севмайди. Буни Ит яхши билади. Улар бунинг ўзларига таллинганини тушунимайди. Нима қилса, яқинлашиш мумкинлигини тополмай Итнинг жони ҳалак. Қани тили бўлса — ю тушунтирса, ичкарига қадам кўйса... Чорасиз, бошини кўкрагига қўйганча эшикка қараб ётади.

Болалар чиқса безоргина яқинлашмоқчи бўлади. Қўлларига тош олиб ҳайдашади. Неваралар — ку, унинг яқинига йўламайди, кўрқишади. Ялтоқланиб кўрди, бўлмади. Фақат Ойимжон сал ён босгандай. Ташқарига чиқса, орқасидан эргашади. У ҳайдаса ҳам аста қоралаб бораверади.

Кейинги кунларда Ойимжон кўз ўнгидан Итнинг мўлтираб боқиши баробарида, қандайдир қаҳр йилтиллаб кетиши хаёлларини ўтирлади. Энди у умр деб аталмиш хилқат сир — синоатига, тақдир қисмат кароматларига уя бошлади.

Ит аста ранг олиб, ўзига андак келгандай бўлди. Ойилари сабабми, уйдагилар унга ўрганишди, қолган — қутган нону суякларни ташлашади. Итнинг ўзига келиш сабабини ҳеч ким

англамаса — да, Ойимжон ичкин бир сирли туйғу билан сезади, лекин, барибир, итнинг онгли махлуқлигига йўяди, бошига келган хом хаёлларни ҳайдайди. Бўлиши мумкин эмас деяверади.

Ит буни сезди. Фақат тушунтира олмаганидан хуноб, холос. Лекин, уйга ёт эркак кириб, чиқмаётгани, болаларни эмин — эркин ўқиб, ўсаётгани, шўх — шодонликлари, неваралар ҳовлида бежавотир чопқиллаб юришлари уни кўркамроқ ҳолга келтиргандай эди. Ойимжонга қараб тўймайди. Буни Ойимжон илғади. Ҳаммасидан ҳам Итга шу керак эди.

Яқинда Ит яна итлигига борди — ҳовлига Ойимжоннинг қайинжияни Мирзо келганида ёмон хирилади. Анча улғайиб, тўлишиб, забардаст бўлиб кетган Мирзо, ташланишга шай тишларини гижирлатиб турган, кўримсиз бедаво Итни кўриб:

— Қаердан топдиларинг бу рўдапони? — дея жеркиб берди.

Ойимжоннинг тағинда кўркамлашганидан гаши келиб юрган Ит оғзидан кўпик сачратиб, Мирзога ташланди. Унинг ҳайбатли сакрашидан кўрқиб кетган Мирзо ўзини ўнгломай эшик олдига йиқилди Шовқинга Ойимжон чиқмаса, Мирзонинг ҳоли хароб эди.

— Тинчлан! Жойингга бориб ёт! — деди Ойимжон овозини кўтариб.

Ит бошини осилтирганча мунғайиб орқасига қайтди.

Ойимжон ўзи билар сабаб голиблигидан мамнун Мирзони ичкарига олиб кетди...

• • •

Болалигидан шаддод, кўча болалари билан тенг талашиб ўсган Ойимжон бир фарзандлик бўлиб ҳам сулугини чайнаб турган айғирдай, аршга киргиси йўқ эди. Қосимбек унинг бебошлигига ошиқ бўлди.

Дугоналар:

— Сен не қадар бесўнақай, қовоғидан доимо қор ёғиб турадиган, ман — ман тасқаранинг нимасини ёқтириб қолдинг? Кўкрагингни кўкартиради — ку! — дея ҳам куйинишди, ҳам кулишди.

Ойимжон эса, ана шу «касовдай қўлларидаги қўпоп бармоқларга», қаҳрли кўзларидаги эрлик ёлқинга, тенгдошлари ичида эртароқ улғайиб, юрар йўлига қадамларини қаттиқроқ қўйганига ийди ва хандон отиб:

— Қучоқлаганда белимни қисирлатадиган йигит шу, — деди.

Ойиси ҳам кўп қаршилиқ қилди, фойдаси бўлмади. Буни қарангки, қайнонаси ҳам қарши экан. Ўзига сингисининг қизини олиб бермоқчи экан. Бу қаршилиқларга басма — бас Ойимжоннинг енгилмаслик олови авжлангандан — авжланди ва жонини бахшида этишга тайёр йигитга тегди. Ойимжон тасаввурдаги шаҳзода шу Қосимбек эди.

Бироқ, Ойимжоннинг бу маликалик хаёллари узоққа чўзилмади. Жонини бахшида этишга тайёр йигит, «болани ёшдан, хотинни бошдан» тарбиялаш қабилида уни силтаб, камсита бошлади.

Ойимжоннинг шўхчанлигига қарама — қарши бу янглиғ беўрин кўрслик, эрта баҳорда эсанг бевақт совуқ елдай, энди шоналаётган муҳаббат гулларини хазонрез этди ҳисоб. Шунда ҳам у саҳардан эшик олдини супуриб, сув сепиш, ўтган — қайтган кўни — кўшнилари адаб билан салом бериш, нонушта тайёрлаш ва ҳоказо келинлик дастуру — амалларини бекаму — кўст бажараверди. Бир ҳисобдан у эрнинг қаттиққўлигини суюди, лекин тез орада мулла минган эшақдай сипо тортиб, жиловланишига чидай олмади. Ҳалиям кўча — кўйда ўзини шўх — шодон кўрсатишга ҳаракат қилди, ойисига ҳасрат қилмади, ўзи пиширган ош...

Қайнонаси — ю, Қосимбек қанчалик қаршилиқ қилмасин, ўқишини сиртқиға ўтказмади. Эгачилари ҳархашасига — да, қулоқ қўймади, Шаҳлони ойисиникига ташлаб, ўқиди, институтни тамомлади. Ишламайсан, дейишди, рози бўлди, эр боқса, унинг нимаси ёмон, деб ўйлади. Аввалига унинг табиатига қарши, қафас бўлиб кўринган уй, қизи Шаҳло билан тасаввурини ўзгартирди, бир гап билан айтганда, аста — аста бесаранжом, тилла қафасга кўниқди.

Бироқ, Қосимбек унинг отган қадамини санайди, тинчлик бермайди. Уни ҳаммадан қизғанади, ҳатто ўз жияни, Мирзодан ҳам. У эса, Ойимжондан тўрт — беш ёш кичик. Мирзо амакисининг рашқларидан беҳабар янғасига суйқанар, институтдаги дарсларини кенгашар, курсдошлари, севги, муҳаббат тўғрисида соатлаб гаплашишни хуш кўрарди. Ойимжон бу сирлашувлар эрининг гашини келтиришини билади, аммо қайинжиян — укаси ҳисоб, ҳаётга, яшашга ташни, зиндалиқ ғаламисликларидан ҳийли йироқ йигитнинг кўнглига тегишни, уни ўзидан узоқлаштиришни хоҳламасди. Баъзан тўнғич қизи Шаҳлони боғчадан ола

келаётганида дуч келиб қолса, болани кўтартириб келарди.

– Гўзалсан, Ойимжон, гўзалсан. Шунинг учун ҳам сенга эринг азоб беради.

– Кўзларингдаги ўт учун, вужудингга сигмаётган куч учун азоб беради.

Бу дутоналарнинг бир оғиздан ўзларига яраша ҳукмлари эди.

– Шу ҳусн билан сал беақл бўлганинда бунчалик хўрланмасмидинг, – дейди бошқа бирови.

Ойимжонга булар тасалли бергани билан аҳволи яхшилашай демайди. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ.

Ниҳоят пичоқ унинг устихонига қадалишига сабаб – кўшнининг тўйида бир нав шўхлигига эрк бергани. Қайинсинглисию қайнонаси аждардай ёпишишди, Ойимжон пинагини бузмади – аёлларга хос жиззалик, ўтади – кетади, деб ўйлади. Бўрон кечқурун бўлди. Индамаса, эри бошида янғоқ чақадиган.

– Нима, ўйнасам, ёмонми? Ўйнашнинг нимаси ёмон?

– Шундайми?!

Қосимбекнинг бўғиқ таҳдидига бепарвогина, гўё ишга андармон бўлгандай:

– Шундай, – деганини билади, қулоқ – чеккасидан ўт чиққандай бўлди.

Тарс! Нимага, не сабаб?! Нега бу қадар зўравонлик?! Қўшнилари тўйига файз киритиш учун илми – расмига қўл кўтариб, рақс қилгани учунми? Бир оғиз: «Бундан кейин ўйнама», деса олам гулистон эди – ку! Адолат учун хўрланишига чидай олмай исён кўтармоқ бўлгани зое кетди, жанг унинг мағлублиги билан яқун топди. Уникиям тутди у деса, у деди, бу деса, бу деди, сапчийверди, Қосимбек кўкармас жойларига тепаверди.

Цирқда энг даҳшатли шер ҳам таёқ зарбидан кўзичоқдай мулойим бўлиб қолишини билса – да, Ойимжон инсонлигини, ақлу ҳуши бор бўлиб, оёқ ости бўлишга бўйни ёр бермагани билан оила деган муқаддас айвонга путур етказишни ор билди, бошига рўмол ўради, кўйлагини этагини тўпигидан пасттача тушириб кийди. Аммо гап қайтармасликни эплай олмади.

– Менинг айбим нимада?!

– Айбингни билмаганинда!

Тарс! Ойимжон терсакидан гангиб кетади.

– Ҳайвонни ҳам бунча азобламаслар!

– Ҳайвон алақачон одам бўларди!

Тарс! Бу сафарги терсаки қаттиқроқ бўлди.

– Қўлингиз синсин!

Тарс! Ойимжон ҳушидан кетади. Беайб тайёқ еявериш унинг жонига тегди, лекин на чора, жавоб қайтарай деса, кучи етмайди.

Наинки ҳайвонларнинг, балки одамларнинг ҳам биологик тузилишини дуруст биладиган Ойимжон учун эри жумбоқ. Бу не маҳлуқким, соатда саксон ўзгаради. Эрга текканидан бери рўшнолик кўрмаганидан додини кимга айтишини билмайди. Дадасига, акаларига айтолмайди, қўрқади. Кўзим кўр, қулоғим қар экан, тавба қилдим деганига ойиси қулоқ қўймайди, эркала, йўлга сол, дейди.

Ойимжон ойиси айтганини қилолмади, тили айланмади. Кўришга кўзи йўқ одамни эркалаш, илонга кулиб боқишдай гап – у, ахир! Узоқ ўйлади, айбини тополмади. Беайбман, дея бошини баланглади. Энди унинг юрагида бу хўрликка қарши кураш истаги бош кўтарди. У эркак бўлса, мен аёлман – инсонман! Мен ҳам Оллоҳнинг бандасиман, деди. Бошидан рўмолини ечиб, иш излаб кетди.

Иш ҳам топди. Узоқроқ мактабда озроқ бўлсаям биологиядан дарс олди. Бирор ҳафта ўтмай, Ойимжон ишдан сал кечикиб келди. Бошида довул айланди. Қосимбек мактабга бориб сўради, суриштирди. Эндигина иш бошлаган Ойимжонни бир пул қилди. Унинг учун бировни камситишдан осон иш йўқ, аммо ўзига жиндай гап тегса, жаҳонга ўт қўяди. Бунча заҳар ишлаб чиққан аъзо нега эгасини заҳарламайди? Шунча хўрлик кўрса ҳам эрига нисбатан бирор марта шак келтирмаган Ойимжоннинг юраги орқасига тортиб кетди.

Эрим биров билан юриб кетсаям розиман, фақат таъкиб этмаса бўлгани дея ўзига – ўзи зорланиб юрган кунлари эри сал юмшагандай бўлди. Майли, кеч келса, индамаганим бўлсин, деди. Йўқ, сен нега мени кеч қолганимни суриштирмайсан, бошқа бировни топдингми, дея азоб бера бошлади. Уйга қўнғироқ келиб, овоз беришмаса, Ойимжон айбдор, овқат сал шўрангиз бўлса, Ойимжон бировга кўнғил берган, тузи кам бўлса, бевафо.

– Тутсам, ўйнашинг икковингниям ўлдираман! – деди Қосимбек бир оқшом қўнғироқ қилган томон овоз бермагач.

Ҳаёлига келмаган бузуқиликни ўз ёстиқдошига тақайвериш,



ҳар қандай аёлни ҳам бездириши табиий. Ойимжон ҳар кеч эрининг ухлабини кутади. Ошхонада куймаланади. Айвонда ивирсиб юради. Тун ярмидан ошганда кирсаям эр уйғоқ, азоб уйғоқ. Бўлак жой солдирмайди. Қўполлик билан тани – баданини эзгилаб ташлайди. Аёллар мақтайдиган тўшак азобига бардоши етмай озиб – тўзиб бораётганидан Қосимбекнинг хурсандлиги ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Хобхона зиндон, бари оила йиғиладиган дастурхон атрофи олов, бўйидаги бола юк, мактабда ўтадиган дарслари рангсиз – Ойимжон жонидан тўйди.

– Эй, Худои худовандо! Бу дунё азобларидан тўйдим! Дўзахингга бўлса ҳам мени ол! Мендан ҳазар қилсанг, эримни ол!

Ойимжоннинг нафаси қайтиб кетди. Нега энди эри ўлса, турмуши яхши бўлишига ишонапти? Яхшиси ўзининг жонини олсин. Ёмон бўлсаям эри яшасин, ахир ўртада бола бор. Йўқ, яна дарғазаб:

– Болаларни ўзим боқаман. Қайта эр номини тилга олсам тилдан қолай, Худо! Эримга инсоф бер, ё жонини ол! – дея нолон қилди.

Шу қарғишига сўнг кўп пушаймон қилди Ойимжон. Эри Қосимбек ўтлиғ ўттиз ёшида авто ҳалокатида ҳалок бўлди...

• • •

Ойимжон намозшомда эшик олдига чиқди. Ит «нима гап», дегандай, маъюс боқди. Ойимжон биологлигига борди. Энди фаразига тамом ишонгандай:

– Сиз, ўзингизми? – дея сўради аста «сен» дейишга тили бормай.

Итнинг кўзлари ёшлангандай бўлди. Ойимжон латиф бир нозиклик билан унинг бошини силади. Ит унинг кўкрагига талпинди. Ойимжон қаршилиқ кўрсатмади. Бироз жим ўтиришди. Ит аста бошини кўтариб, «ичкарига мени олиб киргин», дегандай имо қилди.

– Йўқ, энди сиз кетишингиз керак, Қосимбек! Яқинда эрим олис иш сафаридан қайтади. Олти ойга кетиб эди, – деди ва бирдан Ойимжоннинг кўзларида ёш филтиллади. – Ҳаёт экан, болалар етим ўсмасин дедим. Яхши одам. Ундан ҳам иккита фарзандим бор. Ўзлари жуда меҳрибонлар, Қосимбек, мени кечиринг, ўшанда сизни ёмон қарғаган эдим. Ҳалиям ўзимни кечиролмайман...

Ит «ундай дема», дегандай бошини чайқагандай бўлди. Ойимжон ўзи ўйлаб топган хаёлига энди батамом ишонди: «Бу Ит – Қосимбек! Қилмиш – қидирмиш! Эй, Худо!» У ўзини тўхтатолмай, ҳўнграб йиғлаб юборди. Ит аста ўрнидан туриб, йўл охиридаги қабристон томон кета бошлади.

Бирдан осмон юзи тундлашиб, бир – икки томчи ёмғир тушди. Кейин шамол кучайиб, булутлар бағрини тила бошлади. Майдалаб ёға бошлаган ёмғир қўюнида Ит олислаб, кўринмай кетди...



## НАРВОН

– Мен жинни эмасман!

– Мен ҳам.

– Ҳамма жинни шунақа – мен жинниман демайди.

– Мен, ҳақиқатан жинни эмасман.

– Айтяпман – ку, ҳеч ким жинниман демайди!

Қизнинг кўзларида олов ялт этди. Башимнинг асаблари таранглашиб, не деярини билмади.

– Майли, не десангиз шу, – деди мулойим тортиб.

– Ана, энди ўзингизга келдингиз, – қизнинг кўзларида бир зум алангаланган ўт сўнди ва бирдан хомуш тортиб зерика бошлади.

Башимнинг руҳий касалликлар хастахонасига келганига бутун беш кун бўляпти. Мана, рўпарасида гурунг бериб турган қиз – Малика бунда бот – бот даволаниб турар экан. Ажабким, у Маликага қараб тўймайди. Белидан пастга тушадиган сочларини чиройли турмаклаб ҳар азон юрагини ўртаб ёнидан ўтади. Гоҳ тиниқ кўзларида ўзгача бир меҳрни кўриб ийиб кетади. Худои таоло шундай гўзал этиб яратган фариштасигаям дард берадими, дея дили ўртанади. Гоҳ унинг газабли кўзларидаги қаҳрдан унинг этлари жимирлаб кетади – Астағфуриллоҳ! Ўзинг тўзим бер, Оллоҳ!

Башим бу янглиғ тўзимни ўзига сўрамайди. У жинни эмас, унинг қўлидаги ҳужжати чатоқ. Агар шу боришда борса, ҳақиқий жинни бўлиши ҳеч гапмас.

Башим яқингинада нарвондай хушқомат, забардаст йигит эди. Ўғлим бор деса, бор дегудек эди. У ўн фарзандли оилада, олти ўғилнинг бешинчиси. Шу боисдан ҳам унинг исми Башим. Оилада уни ёмон ҳам кўришмасди, эркатой ҳам эмасди.

Бировлар фарзанд ноқобиллигидан қадлари эгилса, Башим ота – онасининг «яхшиликларидан» майиб бўлди.

Бу воқеа СССР деб аталмиш улкан мамлакатнинг инқирозга юз тутиб, парчаланишига ҳали биров ишонса, биров ишонмайдиган вақтда содир бўлди.

Уша куни Ленинграднинг кўпгина туманли кунларига ўхшамаган, дилга қавий қувват бахшида этадиган беғубор ҳавода ўтириб Башим уйига хат ёзмоқчи бўлди, лекин симириб – симириб нафас олгани сайин роҳатланаётган вужудига ёлғон – яшиқ

гапларни қалаштириш малол келдими, қўли ҳеч қаламга бормади. Қандай қилиб яхши хизмат қилиб юрибман деб ёзади, қачонки, бутунгидай якшанба дам олиш кунини ҳисобга олмаганда дилида йил этган рўшнолик йўқ.

Армияда хизмат қилишни нечоғлик шараф деб биладиган Башимнинг бари орзу — умидлари чипакка чиқди. Ошхонага сафланиб бориш чоғларида қўққисдан билмайгина олдидаги аскарнинг товонини беҳосдан босиб олди. Аскар эътибор бермай кетаберсаям бўларди, лекин орқасига ярим қайрилиб, Башимнинг нақ юрагига санчиладиган сўзни айтди:

— Чурбан!

Башим бу мишиқи аскарнинг ҳақоратига чидолмади, бир зарб билан унинг қовурғасини қийшайтирди. Саф бузилди. Бунинг учун старшинадан эпитган танбеҳи бир тараф бўлди. «Дед»лардан еярини еди. Неча кунгача ўрнидан қўзғололмади. Бўлдамли кўркамлик, билакларига сигмас қуввати панд берганига чидай олмай хуноби ошгандан — ошиб, недан аламини олишни билмади.

Башим бировга шикоят қилмагани билан кундан — кунга синикиб бораверди. Кунора хўрлашлар авжланса — авжландики, пасаймади. Навбатдан ташқари нарядлардан нолимасаям, одам ўрнида кўрмай жеркишларидан эзилади. Бир — икки ҳамюртлар ҳамдардлик қилишдан нарига ўтишгани йўқ. Қани, хўрлансак ҳам бирга, шодлансак ҳам бирга, дея билакларини шимариб ёрдамга келишса — ку, олам гулистон эди.

Барибир, бундай қолдириш мумкин эмас. У йигитлик гурурини топташга изи берадиганлардан эмас. Қандай забардаст йигит эди. Унинг қадди — қомати, ақлу фаросати найинки тенгқурларнинг, балки қўни — қўшнию, элатдаги бари катта — кичикнинг ҳавасини келтирарди. Не — не қизлар суқланиб қарамади дейсиз. Башим мактабда ўқишни билди, буюрилган ишни билди. Пичан ўрди, мол боқди, томорқада ишлади, улкан орзулар оғушида яшади, ҳамма қатори армияга кетди. У ота — онасининг юзига оёқ қўймади, чизган чизигидан чиқмади. Бор «айби» шу. Бундай хароб аҳволга тушаман деган хаёл етти ухлаб тушига кирган эмас. Ёт юрт — да! Бўйнига осиглиқ қўли битсин — чи, руҳониятини синдирмоқчи бўлганлар билан бир — бир ҳисоблашишдек интиқом шаҳди қаддига суюнч, холос.

Ана шундай аламзада юрган кунлари «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, ойисининг «ғид — ғиди»сидан бўлса керак, не олис йўлларни босиб,

турли совға – саломлар кўтариб дадаси билан тоғаси келиб қолишди – ёв. Башимни илк кўргандаёқ дадасининг ранги ўчиб кетди.

– Ҳа, нима бўлди?

– Йиқилдим.

Гапга Башимнинг мужмал жавобидан қониқмаган тоғаси аралашди.

– Қаердан йиқилдинг? Қандай қилиб йиқилдинг?

Шундай ҳам юраги сиқилиб юрганидан портлади:

– Турникдан, турникдан йиқилдим!

– Алдаганинг дарров билинди. Турникдан йиқилиб кўрмагансан – да, мана мен биламан, – Поччасига яхши кўриниш учунми, ён босиш учунми, – Турникдан йиқилганда, одам қаери билан тушишини мен биламан. «Шалт» этиб орқанг тушади, жиян! – деди овозини баланглаб.

– Касал – пасал эмасмисан, ишқилиб? – Башимнинг юз – кўзларига синчков қараганча сўради дадаси.

– Йўқ, дада. Соппа – соғман.

Тоға ўз ҳукмини чиқарди:

– Командири билан ўзим гаплашаман.

Башимнинг зътирозига қарамай бир сўзли тоға бари сир – синоатдан воқиф бўлди ва поччасини ўз режаси билан оёқлантирди.

– Жиянни олиб кетмасак бўлмайди, тоға.

– Қандай қилиб.

– Исправка оламиз. Докторлар билан ўзим гаплашаман. Буни бу аҳволда қолдириб бўлмайди, почча!

Тоға у ёққа бош урди, бу ёққа бош урди – керагидан зиёда ҳарж қилди, ўзи айтмиш исправкани тўғрилади: «Башим руҳий хасталиги боис армия хизматига яроқсиз деб топилсин»

Тоға дунёдаги жамки муаммоларни ечадиган даражада талтайиб, мағрур керилди:

– Мана жиян, пул бўлса, янтоқда шўрва! Бир – икки кун Ленинградни сайр этиб, уйга жўнаймиз. Нима дедингиз, почча?

– Э, раҳмат иним, опангни бир суюнтирадиган бўлдинг. Болаларингни бахтига, тахтига суян.

Башим ҳам ҳали бу севинчларнинг бошига солмиш фожеалардан беҳабар тоғасига минатдорчилик билдирди.

Тоға – жиян учовлан қаҳрамонона қишлоққа кириб келишди.

Дарров қора қўчқор «армиядан эсон – омон қутилиб келган» аскар оёғи тагида сўйилди, элга ош берилди.

Беш кун ўтди, ўн кутди, солдатлик саргузаштлари адо бўлди. Башим бирор ишнинг бошини тутишга шайланди. Бари маш – машина ана шундан бошланди. У ерга борса ундоқ, бу ерга борса, бундоқ. Билакларидан куч ёғилиб турса ҳам, руҳий касаллиги боис армия хизматига яроқсиз деб топилган Башимнинг шўрига шўрва тўкилди – ҳеч кимга касал эмаслигини тушунтиролмади. Ҳатто қишлоқда оддийгина трактор беришмайди. Армиядан олдин шоферликка ўқигани чиппакка чиқди.

Башимнинг боши ғовлаб, асабийлашгани сари руҳи чўка бошлади ва ўзиям аста – секин бу даҳшатли ташҳисга ишона бошлади: «Демак, хасталигим ростга ўхшайди, йўқса, Ленинграддек жойда, тоғанинг беш – ўн сўми учун армия сафидан ўчиришмасди.» Ана унинг бошини кемира бошлаган мудҳиш ўй. Бу хаёлнинг рўё эмаслигига авваллари суқланиб, бир оғиз сўзига зор бўлиб юрган қизларнинг чап бериб қочишларидан батамом синиқди. Йўқса, армиядан олдин хат олишиб юрган қизнинг уйидан совчилар қуруқ қайтишармиди? Қиз эса, учрашувга келмади, қўрқармиш...

– Майли, ўғлим, хуноб бўлма, икки қўлга бир иш, танинг соғ, икки кўзинг, икки қулоғинг соғ, бир гап бўлар. Фермада ишлаб турақол.

Шу кун и кечқурун мактабни бир вақтда тамомлаган Соли совуқнинг тўйида арзимаган ҳазилдан жанжал чиқди. Ҳангома жиннихонадаги жиннилар устида бўлди.

– Жиннилар суви йўқ ҳовузга калла ташлаб юришган экан, жиннихонага келган комиссия: «Нега суви йўқ ҳовузга калла ташлаяпсизлар?», деб сўрашса, улар: «Бош врач аввал калла ташлаб, сузишни ўрганинглар, кейин ҳовузни сувга тўлдириб берамиз деди», деб жавоб беришибди.

Даврада дувва кулги кўтарилди. Башим бор кучи билан ҳангома берган йигитни бир уриб ерга қулатди. Йигитлар Башимга ташланишди: – Сени соппа – соғ деб юрсак, қип – қизил жинни экансан – ку, дея аямай дўппослашди. Башим ҳам уч – тўрт йигитдан қайтмади – ҳўкиздай кучидан қай бирлари қон туфлади, тўй бузилди. Қаттиқроқ зарба еган бир йигит билан Башимни «Тез ёрдам»да олиб кетишди.

– Соғинмайин мен ўлай эди! – Ойисининг нечанчи бор

нолишидан Башимнинг юраги эзилиб кетди, — Мен хароб қилдим, сени болам, мен хароб қилдим. Тоғангда айб йўқ, дадангда ҳам. Булар менинг кўзёшларимга чидамай бориб сени армиядан олиб келишди! Қаттиқ қувонган эканман, Худоим берди жазоимни! Нарвонимни қуритдим! Тавба қилдим, болам, тавба қилдим!

Худди хаста одамлардай Башимнинг кечаги муштлардан кўқарган кўзлари бирдан ёшланиб, ожизлик қалбига ваҳм солди, тили айланмай қолди. Ўзиям чинакамига қўрқиб кетди: «Наҳотки!..» На ўзи қила оладиган ишдан, на оила қуришдан дарак бор.

Ойисининг охириги илинжи, Башимни Ленинграддан олиб қайтган инисида эди. «Султон суюгини хўрламас», дея ўйлаб, қизига оғиз солди. Ини хотинига, хотини қизига солди — беришмади. Тоғаям ўзи тўғрилаган «хужжат»нинг ростлигига ишонди чоғи:

— Опа, Башимбойни даволатмасак бўлмайди. Кейинги кунларда кўзлари бежо, — деди.

Опасиям, поччасиям бир оғиз: «Балони ебсан, ким билмаеаям, сен биласан — ку, жиянингчининг соғ эканини», дейиша олмади. Бошларини ҳам қилишди. Шундай забардаст ўғилларини ўзлари майиб қилганларига пушаймонлар еб адо қиляпти, додини кимга айтишни билмай умргузаронлик ипларини чувалаштирдилар. Уйдан фаришталар юз ўтирдими, аввалги файзу баракат йўқолди.

• • •

Башимни авраб — авайлаб руҳий касалликлар шифохонасининг асаб хасталикларини даволаш бўлимига ётқизишди. Шу ерда даволаниб чиққач, руҳий касаллигидан фориг бўлди деб қороз беришар экан. Шундаям соғ эмас, соғайди — Башим додини кимга айтишни билмай гаранг, доктор берган дориларни бекаму — кўст ютади, уколларини олади. Бошқа чораси ҳам қолмаган эди.

Оллои таоло бандасига нендин ёмонликни раво кўрса, яхшилик учун деганларида жон бор экан — Башимнинг бошига офтоб теккандай бўлди. Мана буни қиз деса бўлади. Хирмондалими бу? Дали — жинни. Лекин Хирмонга у ошиғлиги учун тақалган. Ҳар қандай — ҳар қандай қиз ҳам Алпомишга бас келолмайди — да! Башим — Алпомиш! У илк бор хасталигидан суюнди — бу дали ким бўлди?

Бу Малика. Хипча белли, оппоқ юзли, қора кўзли, бўлиқ лабли, тўлиқ кўкракли фаришта. Бу Башимнинг биринчи кўргандаги аниқлиғи. Қиз унга эътибор бермади. Башимнинг хабари йўқ

эди, Малика наинки, унга ўхшаш оддий йигитга, ҳатто Алпомишга ҳам қарагиси йўқ. У йигит зотини кўрмасликка қасд этган. Бунни Башим билмайди.

Башим биринчи бўлиб унга салом беришга йиманади. Йигитлик гурури йўл қўймайди. Малика эса салом бермайди. Башим тасаввурида у ҳар доим бедов тулпор устида қамчинни ўйнатиб келаётгандай бўлаверади. Уям отга мингиси, қилич сермаб, майдонга тушгиси, Малика унга ҳавас билан қараб, орқасидан от солгисини истайди. Бу пайтда Малика даҳлизда хушбўй ҳидлар қолдириб хонасига қириб кетган бўлади.

Маликаниям ақли тиниқлашдими, аввалгидай гурсиллаб юрадиган шашти йўқ, Башимни кўрдим деганча маъюс тортиб, ўзини четга олади. Лекин, палатасида ётолмай тезда сиқилади. Хастанганига икки йилча бўлиб қолди, сиқилиш мумкин эмас. Қандай асов эди, қони томирларига сиғмас, чопқиллаб чарчамас, кулиб тинчимас эди.

У ўзига хос севди. Ўтга кир деса, ўтга – сувга кир деса, сувга кирадиган оловли муҳаббат билан севди. Худди берилиб ўқиган китобларидаги қаҳрамонига мангзар йигит меҳр қўйганидан боши осмон, орзулари ойдин эди. Севинчини ичига сиғдиrolмади, ҳам сирдоши, ҳам бўласи – аммасининг қизига ёрилди, совчи келишини айтди. Аммо, совчилардан дарак бўлмади. Йигит ҳам тутқич бермади. Сўнг яшин тезлигида суюқлисининг тўйи бўлди – аммасининг қизига уйланди. Мана сизга сирдош, мана сизга қариндош. Бир оғиз билдирмади – я!

Малика ойисининг дедасига қарғаганини эшитди.

– Маликагинамни бахтсиз қилди синглингиз! Илоё у дунё, бу дунё рўшноликка юзи тушмагай!

– Ундай дема, тақдирини насиб бу. Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила. Қизингниям бахти очилиб қолар, Худо атагани бордир.

Демак, амма совчиларни қайтарган. Кейин анигини билди – қизи яхши бўлгани билан, ойиси жаллод, момоси жинлаган, уруғи носоз, куйди – куйди акам куйди, акамга кун йўқ, дея совчиларни авраган ва ўзининг қизини кўз – кўз қилган. А, хўш, амма шундай деган экан, йигит деган сўфининг эшшагини не Худо урди?! Учрашишдан қочмай, сўраса бўлмасмиди? Ойисининг ойимтилоси, ҳезалак!..

Малика бу жаҳонга сиғмай, ўзини анҳорга ташлади. Нариги



қирғоқда ўт ўраётган одам ўзини сувга отиб, қутқарган. Малика уни қанча қарғади. Кейин уйқу дори ичди, сезиб қолиб, даволадилар. Ойисининг кўзёшларига чидамади. Кейин асаблари қақшайверди, шифохонага кириб даволанишга мажбур бўлди. Мана, учинчи бор даволанишида...

Энди Худо ёрлақадим деганда, соғлом танга олинган уколлар, дорилар таъсириданми Башимнинг аҳволида гайритабиий ҳоллар пайдо бўлди. Тушлари аланг – жаланг, ҳаёлида отлар дупири, Алпомиш, Барчиной, Хирмондалилар. Маликанинг қарашларида қаҳр, бемеҳрлик билан қандайдир жангга имлаш ишоралари. Башим ўзини танимай қоляпти. Нечанчи бор сўрови – «Наҳотки?..»

Башимнинг совиганини сезган Малика ҳали бир оғиз гапиришмай уни ётлашганига аввали суюнди, лекин бора – бора жаҳли чиқа бошлади. Нима бало, ёзғитим шуми, дея куйинди.

– Майли, – деди бир кун эрталаб Башим бутун кучини тўплаб, Маликага, – чиқинг майдонга! Бир бошга бир ўлим!

– Исмингиз кимдир?

– Башим.

– Башим?.. Мен – Хирмондали, Маликаман! Майли, жанг бўлса, жанг! Чиқинг майдонга! Бир бошга бир ўлим! Лекин, Мен жинни эмасман!

– Мен ҳам.

– Ҳамма жинни шунақа – мен жинниман демайди.

– Мен, ҳақиқатан жинни эмасман.

– Мен ҳам! Хўш, жангми?

– Жанг!

– Худога шукур! Бир мард йигит ҳам бор экан дунёда!

Башимнинг ярқ этиб кўзи очилди. Ҳаяжонини яширолмади:

– Худога шукур! Бир мард қиз ҳам бор экан дунёда!

• • •

Севгига ишончини йўқотган Башимнинг тонглари ёрқин, оқшомлари ойдин бўлди. Малика кўзларида ёлқин, юрагида тўлқинлар мавж уради:

*Денгиз, денгиз чўқтирма,*

*Энди азоб чектирма.*

*Қайта ҳижрон уруғин,*

*Юрагимга эктирма.*

Бирок, икки ярим бир бутун, бирми – икки учрашдиларми йўқми, шифохона кичик, ҳамма сир – асрор бир зумда кафтдагидек аён ва одамлар томошагирлиги устига ҳасаду ғайрликлар, тагин жиннихона – да – бўлди бир шов – шув, бўлди бир ғалла – ғашлик. У ҳамшира бунга айтган, бу ҳамшира унга айтган, бош врачнинг ҳукми қатъий – бу ер хилватхона эмас, даволаниш маскани, бари хуфёна учрашувларга чек қўйилсин!

Башим билан Маликани ҳар қайсисини бўлак – бўлак бўлинмаларга ўтказиб, муолажалаларига оромлантирадиган янги уколлар тайинланди. Хуллас, ота – оналар ташвишига ўн ташвиш қўшилгани бир ён, энди учрашувлари ман этилгани бир ён бўлди.

Башимнинг боши ғулаб, бу дунё бевафоликларига қарши исён кўтарди. Санитарлар тинчлантириш либосини кийдирдилар. Тамом. Башим адои тамом бўлди. Соч – соқоллари ўсиб, ҳақиқий Мажнун бўлди. Ушбу ҳолатидан руҳиятига тамкинлик оралагандек бўлди. Қани энди Малика уни шундай кўрса, ёниқ вужуди билан унга талпинса! Булар энди олис армонлар...

Маликанинг ҳам ақли жойида эмас, гоҳ тиниқ, гоҳ синиқ. Шеърлар тўқиб, қўшиқлар айтади – энди Башимни деб эмас, илк муҳаббати суюкли Йигитига нолиш этади. Ақли тинишганда, Башим кўз олдига келади. Малика кулимсирайди.

– Мен жинни эмасман!

– Мен ҳам.

– Ҳамма жинни шунақа – мен жинниман демайди.

– Мен, ҳақиқатан жинни эмасман.

– Мен ҳам...

Малика кўзларидаги ёшни кафти орқаси билан артади. Олам равшанлашиб, дили ёришгандай бўлади. Назарида Башим ҳам хиёл бошини эгганча унга жилмайиб боққандай...



## ЧИДАМ

(ҳажвия)

Соддалик ҳам Яратганнинг инояти — ю, баъзан — баъзан ҳўсторликка муҳтож бўлиб турар экан. Раҳмонберди худо берган йиғит. Забардаст, икки юзидан қон томиб туради, оқ кўнғил, бирор одамга қаттиқ гапирганини на элатда, на қишлоқда бирор киши эшитмаган. Оиласи ҳам ўзига тўқ, хотини яхши, икки ўғли, бир қизи чопқилаб мактабга қатнаб туришибди. Энди беайб парвардигор дегандай ҳаммамиздаям, бировда нисбатан озроқ, бировда нисбатан кўпроқ нуқсон бор. Беш бармоқ тенг эмас, ҳаммаям дўстликка бирдай эътиқод билан ёндошмайди, гоҳ — гоҳ йўлдан озади.

Раҳмонберди бензин сотиш билан шуғуллана бошлади — ю, одамгарчилик деган нарсадан андак четга чиқди. Буни рўйи — рост айтмасак бўлмайди. Дўстлар билан аввалгидай борди — келди баравж эмас, балки ўзига ўхшаган пулдорлар билан маишати баланд. Бироқ биз синфдошлар уни яхши кўрамиз ва ҳамиша даврамизда бурунгидай яйраб — ёзилиб юришини истаймиз. Лекин қандай қилиб даврага қайтарамиз. Ана бу жумбоқ устида бош қотира бошладик. Ичимизда, биз ақлванд ҳисоблайдиган Шерип қавак бир жўяли гап айтиб қолди.

— Мен бир зиёфат берай, кўп эмас уч — тўрт бўлиб Раҳмонбердини ўртага олиб, бир изо (изза) берайлик, қаторимизга кўшайлик. Ҳозирги юришида бир балога гирифтор бўлади, атрофидаги корчалонлар унинг соддалигидан фойдаланишади.

— Тўғри айтасан, Шерипбой, унинг попугини сал босиб, кўзини очиб қўйишимиз керак. Аммо, қандай қилиб? — сўради Назар.

— Соддалигидан фойдалансак — чи, — деди Шерип қавак.

— Қандай қилиб? — дея сўрадим, фойдаланишимиз мағзига тушунмай.

— Қандай қилиб, қандай қилиб? Сен ҳам ундан баттар соддасан, — овозини кўтарди Матмурод, — Хафа бўлма, — деди, сўнг овозини сал мулойимлаштириб, — соддалик ҳам ҳар хил бўлади. Раҳмонберди илиқма. Қавак тўғри айтяпти. Унинг соддалиги, ишонувчанлиги бизга қўл келиши мумкин.

— Масалан?

Энди мени Қалан қарға жеркиб ташлади:

— Масалан? Масалан?, Роса мижровсан — дон! Унга, мазанг йўқми, рангинг бир ҳолда, десак, дарров кўнглига яқин олади. Уёғини олиб кетаверамиз.

— Соппа — соғ юрган одам бизнинг биргина сен касалсан, деганимиз билан мулла минган эшакдай бўлар қоларканми?

— Унинг феълини яхши билиб нега гапни калнинг чўтирмасидай айлантираверасан? — Жаҳли чиқди Қалан қарғанинг, — Матмурод тўғри айтди, у ўта илиқма, ишонмай қайгаям борарди.

— Бордию бизга ишониб, чиндан ҳам кейин касал бўлиб қолса — чи? — хавотирландим мен. — Унда бизнинг дўстлигимиздан не нафъ?

— Гапни кўп чувалаштираверма, ўзинг ҳам лекин латта чайнарларнинг пири бўлибсан. Бизга қўшилмасанг, жўна, биз айтмадик, сени эшитмадинг! Касал бўлиб қолса — чи, эмиш. Биз бормиз, ҳеч гап бўлмайди. Ўзимиз даволаймиз. — Назар мунозарага нуқта қўйиб Шерип кавакка буюрди:

— Зиёфатингни бошлайвер!

Бешовимиз келишдик. Шерип кавак Раҳмонбердини уйда меҳмон қилиб ўтирадиган, фақат Назар билан мен бирга, қолганлар бирин — кетин, орани бироз очинқираб, аста — астадан кириб борадиган бўлдик.

Назар икковимиз кириб борсак, Раҳмонберди ҳамишаги Раҳмонберди, икки юзи даканг хўрознинг тожисидай қип — қизил, яйраб ўтирибди. Назар, Кавак билан саломлашгач, Раҳмонбердига хавотирли боқиб турди — да:

— Ҳа — а, санга на бўлди? — дея сўради, сал жимликдан сўнг аста менга юзланиб, — Раҳмонберди сал рангини олдирибми, ё хаёлимгами? — деди.

Мен Назарнинг гапини маъқулламай Раҳмонбердига юзландим:

— Касалландингми ё? — дея ўсмоқчилаб сўрадим.

Мени ҳазиллашмаслигимни яхши билганидан Раҳмонберди саволимга беписандлик билан жавоб берди:

— Йўқ, соппа — соғман.

— Ҳеч қаеринг оғримайдими? — унинг кўзларига маъюсгина қараб яна сўради Назар.

Бу сафар Раҳмонберди бироз шаштидан тушиб, чўзибгина:

— Йу — ўқ, — деди ва ҳар қайсимизга бир — бир илтижоли боқди.

Шерип кавак Раҳмонбердининг ваҳимасини андак юмшатмоқчи бўлди.

— Ҳа, буни ўлтиришига қаранг, икки юзидан қон томади...

Назар қўлини дастурхонга узатиб, Кавакнинг гапини бўлди:

— Ина шундай мақтаб — мақтаб, Ҳайитни жанозасига боргансизлар, — деди — да, Назар бирдан, чинакамига Кавакни узиб олди, — Нима қиласан бунга ёлғондан кўнгила бериб! Қайтага, хўсторлик қил, докторга бор, дегин!

Шерип кавак ҳам ҳазилга устамон эмасми, гапи оғзида қолгани устига, билҳақ, балки мен янглишаётирман шекилли дея гумонсираганча Раҳмонбердига анграйиброқ қаради. Раҳмонбердиям бирдан эсанкираб қолди. Ўртага нохуш жимлик чўқди. Шу пайт келишганимиздай «ассалому — алайкум», деб Қаландар кирди — Қалан қарға. Аввал Шерип, кейин бизлар билан эсонлашгач:

— Раҳмонберди, соғлигинг яхшими? — дея сўради аста.

Раҳмонберди яна ҳар қайсимизга бир — бир ҳадик билан қараб секин жавоб берди:

— Шукур, ёмон эмас... Бир — икки кун бўлди сал мазам бўлмайд юрибди...

— Дўхтир — пўхтирга бормадингми?

— Йўқ...

— Боришинг керак... Рангингнинг таги...

— Қўрқитаверма! — деди Назар таҳдид билан Қаланни «жеркиб».

— Энди, Назарбой, дўст ачитиб, душман кулдириб айтади. Ахир Раҳмонберди ҳали ёш, қирққаям бормай... Ана у... касалнинг иси келиб турибмикан деб хавотирландим — дон...

— Оғзингдан ел олсин! Душманинггаям раво кўрмайдиган хасталик Раҳмонбердидан чет бўлсин! Иккинчи тилингда олма!

— Ҳозир докторлар жонланиб кетди. Кеча газетда ўқидим У касалниям давосини топиш арафасидамишлар, — дедим, Раҳмонбердинг касали давоси топилгандай қилиб.

Бу гапларнинг бошида турган Шерип кавак ҳеч кимга қарамай:

— Исмоил гўжа шундан кетди... У касал ёш — қарига қарамас экан — да, а? — кейин бизга мўлтираб, хазин овозда, — Олти — етти ой ичида ўраб — чирмаб, олади кетади, — деди — да, бошини қуйи осилтириб хомсиқланди.

Назар энди Шерип кавакни уришган бўлди.

– Исмоил гўжа рақ бўлгани йўқ! Билмасанг гапирма, у инсулт бўлди.

– Ҳаммасиям бир гўр – да, Назарбой!

– Нима энди тобутни ўртага келтириб, емай – ичмай ўлтираберамизми?

Мен гапимни тамом қилмай «ассалому – алайкум», деб Матмурод кириб келди ва ҳаммамиз билан сўрашиб, Раҳмонбердига син солмади.

– Матмурод, Раҳмонберди билан сўрашмадинг, урушлимисан ё? – деди Назар овозига ҳамдардлик урғусини бериб.

– Қайси Раҳмонберди? Бензинчими?

– Ҳа – да, шу дўстимиздан бошқа қайси Раҳмонберди бўларди.

Батамом рангги ўчиб Раҳмонберди Матмуродга илтижоли қаради.


– И – е, и – е, ҳали бу киши ўзимизни Раҳмонбердими? – деб сўради – да, ўрнидан туриб, қўлларини кўксига қўйиб сўрашган бўлди. – На бало бўлди? Ё мени хаёлимгами, Раҳмонбердини беш – олти кун бўлди кўрмаган эдим, астаффурулло – астаффурулло, тавба – тавба, одам ҳам шунча ўзгариб кетар экан – а, ё тавба! Узр, узр... Раҳмонберди, на бўлди, жўра?

Раҳмонберди тўлиқиб турган эканми, Матмуроднинг бу янглиқ ҳамнишинлигидан бақриб йиғлаб юбораверди. Шунча кўнгиб бердик, ҳеч тинчлантиролмадик. Нафаси қайтиб кетаверди. Очиқ ҳавога олиб чиқиш керак, дедик. Шерип кавак уни суяб ташқарига чиқарди. Раҳмонберди қайтиб кирмади. Зиёфатни варанглатиб юборавардик.

Бечора Раҳмонберди докторга кўп қатнади. Қишлоқ докторлариниям қулоқларини пишитиб қўйганмиз, у доктор бунисига, буниси унисига оширди ва ниҳоят, озиб – тўзиб бораётганини кўриб ичимиз увишди ва қишлоқни катта дўхтиридан «етар» маъносига муолажани тўхтатишни ва Раҳмонбердини ўзи билмаган ҳолда бирор зиёфатга зритиш иложини қилишни сўрадик. Уям бало эмасми, дорихона қоғозига тўққиз – ўн кишига етарли бир паловлик харажатни рецепт этиб ёзиб, аввалдан Матназар доричига тушунтириб, сўнг унинг олдига юборди. Матназар доричи ҳам шўх эмасми, бу «ноёб» дориларни Тошкентдан, топилмаса, балки Масковдан олдирмаса, бу ерларда отлиққаям йўқ, деб уни кўп сарсон қилди. Кейин унинг мўмайгина

пулини олиб, дорихона идишларида икки килодай тўғралган сабзи, пиёз, ярим килоча думба ёғи, икки кило чиройли қилиб майдаланган қўй гўшти, ҳар хил витаминлардан бўшаган идишларга солиб турли – турли зираворларни оқ дока рўмолга ўраб, дўстлар билан бамаслаҳат тановул қилишини кулмасдан, жиддий, хавотирли қилиб тушунтирган. Шуларни ҳаммасини солиб бир палов пиширдик, паловмисан палов бўлди – да, ўзиям. Кулиша – кулиша анову заққимдан ҳам керагидан зиёдароқ тортиб, Раҳмонбердини бир ўлтиришда «даволаб», эгарланган отдай қилдик...

Раҳмонберди бари пандимизга чидади, сал четлашганига тавба – тазарру қилди. От тепкисини от кўтаради деб, шуни айтадилар – да...



## ҲОРДИҚ

(ҳажвия)

Мадрайим, Жумак жўшма учовимиз таътилга чиқиб, даволаниш оромгоҳига бордик. Жумак жўшманинг Мадрайимга тегишиб юрадиган одати бор. Жумак ҳам жўшма бўлгани билан бир қоп янғоқ, бирпасда кўпиги ёйилган сутдай мулойим бўлиб қолади, қолаверса, уям Мадрайимдай тишга қойим, чидайди.

Икковиям мен билан ҳазиллашмайди. Менинг зувалам бошқа, бироқ уларга мендай беозор гувоҳ керак. Шунда уларнинг тегажоқликлари салдомли, қизиқарли кечади. Лекин, оромгоҳдагиси ҳаммасидан ошиб тушди. Жумакни майиб бўлиб қолишига бир баҳя қолди — ев. Нима бўлди, дейсизми? У кунларни ҳеч кимнинг бошига солмасин экан. Бир ҳафта ичида Жумак озиб — тўзиб, лаҳаднинг олдига бориб қолди. Бир бошдан айтмасам тушуниб қийин.

Санаторийга борган кунимизнинг эртасига даволоччи докторга учрашиб, анализларни топширмаққа қарадик. Учовимиз бир хонадамыз. Эшигимиз тагига пешоблар анализи учун кичиккина шиша идишлар қўйиб, исм — фамилияларимизни ёзиб, ҳамшира такрор — такрор огоҳлантириб кетди. Эрталабки илк пешобларни ҳар ким ўз идишига солиб, яна уйқуни уравердик, дам олиб, даволаниш бўлганидан кейин, русуми шу — да.

Ҳамма алғов — далғов шу куни пешинга яқин бошланди — ку. Жумакни пешобида қанд миқдори ҳаддан зиёда кўп чиқиб кетганидан дарров уни врачлар қаттиқ назоратга олиб, биздан ажратиб, уни бўлак диета столига ўтқазиди. Суюқкина оби — ёвгон, хом карамлар, икки — уч бўлак қора нон ва ҳоказо. Уколар, дори — дармонлар тайинлашди. Жумакнинг ранги ўчиб, юзида қон қолмади. Шу кўнгил берамиз, ҳеч қор қилмайди. Мен чиппа — чин ишониб, ёнидан бир қадам жилмайман десангиз. Мадрайим ҳам хавотирланиб, уни қўрқитгани — қўрқитган. Жумакнинг шими почасини кўтариб, оёқларини кўради, нега ўзинг кун — кундан озиб, оёқларинг бунча шақа — шақ таёқ бўлиб бораётганига энди тушундим, дейди. Қанд диабетидай мохов касал йўқ! Ёмон



йўлиқибсан – ёмон йўлиқибсан, дейди, «воҳ – воҳ»лаб, у касалликнинг давоси ҳалигача топилмагани – ю, унга йўлиққан одамнинг тишлари тўкилиб кетиши, кўзи ожизлашиб, охирида кўр бўлиши, оёғи гангрена бўлиб кесилиши, хуллас, қанда диабет билан боғлиқ неки хавфли оқибат бўлса, барисини тўкиб солди. Айниқса у касаллик билан оғриган одамнинг йигитлиги сусайиб, қатордан чиқиб қолишини эшитганидан сўнг Жумак жўшманинг кеккайган жўшмалигидан «ж» ҳарфийм қолгани йўқ, тамом бўлди. Тили калимага келмай, врачлар нени буурса, бекаму – кўст бажара бошлади. Бир ҳафтада таноби тортилиб, кўзларининг таги кўкариб, сувдан чиққан шоголдай сўмпаёди қолди. Ўзимизниям ҳаловатимиз бузилди. Айниқса, менинг, ахир тиммитдай юрган забардаст йигит кўз ўнгимизда муғрайиб, ожизлашиб бораяпти.

Жумакнинг бу қадар руҳсизланиб, дами ичига тушиб кетганини кўрганим сайин эзиламан. Мадрайим эса, фақат ваҳима қилгани – қилган. Ҳавоям иссиқ. Оромгоҳнинг соя – салқин жойларидаям пешинда нафас олиш қийин. Мадрайим ана шундай ташна вақтимизда, Жумакнинг кўзларини қиздириб, муздак пиволарни кўтариб келади. Мен беихтиёр Мадрайимнинг маишатига қўшиламан, на чора.. Жумак қайтиб кетарманга тушади. Мадрайим даволанмай қаёққа кетасан, дейди. Баттар эзди.

Бир ҳафтадан кейин яна анализ учун эшигимиз тагига шиша идишлар қўйиб кетишди. Ётишимиз олдидан Жумакнинг хўрлиги келдими, ё хасталигининг ваҳимасидан хаёллар чувалашдими, кўзларида ёш айланди.

– Аслида ўзим аҳмоқман, на овқатланишимда тартиб бор эди, на ичишимда! Энди нима қиламан, – дея дийдиё қила бошлади.

Мадрайим:

– Қизиқ экансан, ҳали ёшсан, диабетдан ўлган одам йўқ, ўзингга инсулин уколени уриб юраверасан, фақат қувватинг бўлмайди, ана у ишдан қоласан, бори шу, не ваҳима қиласан, – дейди, кўнгил берган бўлиб.

– Йўқ, агар эртагаям анализим ёмон чиқса, кетаман, тамом – вассалом! Сизларниям кўп озорга қўйдим. Тинчгина дамларингизни олиб боринглар!

– Кўришмасак, алвидо, дўстим, – деди йиғламсираб Мадрайим,

яхши – ёмон гап ўтган бўлса, бизни кечир.

Ҳордиқ дегани ҳоридик, чарчадик деганимикан, том маънода Жумак икковимизнинг бўларимиз бўлди. Айниқса, Мадрайимнинг кейинги совуққонлик билан хайрлашаётганидан бирдан жаҳлим чиқди.

– Бу нима деганинг! – ўшқирдим Мадрайимга, – Ҳозиргина диабетдан ўлган одам йўқ, деб, нега энди ризолашаяпсан?!

– А, энди диабет деганинг ҳам бировда ундай кечади, бировда бундай, бир гап айтиш қийин, иссиқ жон, – деди Мадрайим сал хомсиқиб.

– Агар Жумакбой кетсалар, мен ҳам кетаман, – дедим Жумак тарафига ўтиб.

– Кетсанг, отамнинг гўридан нари, йўқолавер сан ҳам. Ўзим, бир сизларсиз орқайин дам оламан, поҳ, яхши бўлди – дон!

Мадрайимдан бу янглиғ қўпол муомалани кутмаганимдан, пешонамдан тер чиқиб кетди. Шкафдан кийимларимни олиб, жомадонимга жойлайвердим.

– Нега жониқаверасан! – деди мендан норизоланиб Мадрайим ва Жумакка тасалли берган бўлиб, менга юзланиб, қўшиб қўйди, – эртага анализи балки яхши чиқар, кейин йиғиштиринарсан.

– Ай, бир ҳафтада бирдан қандим камайиб кетармикан...

Жумакни тамом руҳи тушганиданми, Мадрайим кулимсираб:

– Эртага, анализинг юз фойиз яхши чиқади, ана мени айтди дейсан, кўтар каллангни! Пешобингга аввалги сафар бир қошиқ шакар солган эдим, агар яна жонимни ёқаверсанг, бу сафар икки қошиқ шакар соламан, – деди. Сўнг Жумакнинг анқайиб қолганини кўргач, бирён қошини анойи кўтариб, муғомбирона сўради – Тегажоқлик қандай бўлар экан?

Бир ҳафтадан бери, ҳеч бўлмаса менга шипшитиб қўймаганига Мадрайимдан хафа бўлдим.

– Хафа бўлма, деди у менга, сен ҳам мен билан гоҳ – гоҳ ҳазиллашиб турасан, сениям Жумакбойдай бир жазолайман, мулла минган эшақдай бўласан, – деди кулиб.

Жумак жўшманинг юзи ёришиб, кўзлари нурланиб, жонланиб қолди.

– Ҳа – а, сани!.. Ота – бувангни!.. – дея сўка бошлади.

Кўзимизни очирмади Жумакбой. У бу шумликдан меням хабардор деб ўйлади. Шу оқшомгидай лаззат то санаторийдан қайтганимизча ям бўлгани йўқ. Ай, бир ёзилишдик.

Эртасига Жумакнинг анализлари яхши чиққанидан врачлар, даволашдаги меҳнатлари зое кетмаганидан бирам қувондилар – бирам қувондилар, асти қўяверасиз. Жумакбой ҳам атайин уларнинг кўнглини қандай олишни билмай, оғзининг таноби қочиб, нуқул «раҳмат, раҳмат», дейди, бироқ фақат қуруқ раҳмат билан қутилмаяжagini яхши билади. Бизнинг – ку хурсандчилигимизнинг чегараси йўқ. Қизиқсиз – а, Жумак жўшма шу беш – ўн кун ичида қандай оғир меҳнатни бошидан кечирмади дейсиз. Ҳозир яна бизга сўз бермай, жўшиб, тоша бошлади. Меҳнатнинг таги роҳат, деб шуни айтадилар – да...



# ЭССЕЛАР

## КОМИЛ ДЕВОНИЙ

*(шоир таваллудининг 120 йиллиги  
олдиган ҳаёти ва ижодига бир назар)*

**Ихлос**

Айни кўклам. Ям – яшил боғлар узра кўтарилиб келаётган қуёш нурларига кўксини тутганча ноку олмаларнинг япроқлари шабадада енгил силкинишади. Асрий гужумлар салобатидан ҳовуз юзи симобий рангда аста жимирлайди. Бу янглиғ фараҳбахш тонгги тароват суруридан баҳрамандлиғ саодатига эртароқ мушарраф бўлган Комилжон (аялари Оймонжон она уни ҳар доим хоразмчалаб Маматкомил, яъни Муҳаммадкомил деб чақиргувчи бўлган, шу сабабдан биз ҳам унинг исмини Муҳаммадкомил, Девоний деган жойларимизда халқ билган ва шоирнинг ўзи қўлагани бўйича – Комил Девоний деб юритамиз – К.А.) сарҳовузга қадимий Хейканиқдан (Полвон ёздан – К.А.) оқиб кираётган ариқчада юз – қўлини чайди. Бобосининг деворорти устахонасидан (бу ерда мрамар тошларни йўнадиган темир қаламлар, (қачовлар) темирга нақш ўювчи қаттиқ пўлат асбоблари ишланарди) тарақа – туруқ болғалар сасига бир зум қулоқ қўйиб турди – да, катталар ёнига ёрдамга шошилди.

У ажиб бир нарсани кашф қилгандай устахонага кириб борди: ҳар қандай катта – кичик чўкичлар (болғалар) товушим баҳорда қулоққа хуш ёқади. Ёз иссиғида «тиқ» этган товуш оғирлик қилади. Бу қувончини отасига айтмоқчи эди, лекин ҳали ўн ёшини тўлдирмаган болага бу қадар шоироналик қилишга иймандими, ё болғалар шовқинида отаси эшитмаяжagini ҳис этдими, раъйидан қайтди. Катталар ҳам унинг кириб келганига эътибор қилишмади. Шундай бўлса – да, у бир нима қилиш керакми маъносида отасига илҳақлик билан қараб тураверди.

– Абдулла отанг сени таҳсилга келмаяпти деб хафа бўлди, – деди ишдан тўхтамай Исмоил муҳркан ўғлига.

– Болалардан анча илгарилаб кетдинг деб айтдилар – ку, – ҳайронлик ила жавоб берди Муҳаммадкомил.

– Мақтагани ўқишдан қолавер дегани эмас, бор, ўқишингга бор.

Муҳаммадкомил отасига не жавоб қиларини билмай эски мактабга равона бўлди. Ўқишга бораётиб ҳам бутунги топилигидан севинганча, кеча оқшом меҳмонлар олдига чой қўяётиб эшитган байтини ичидан такрорлади:

*Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,  
Кими булбул гурур сўзда, кими зор.*

Муҳаммадкомил Мулла Абдулла ўқитадиган эски мактабга келиб ҳам тинчланолмади ва мавриди келганда юрагига муҳрланиб қолган байтни устозига айтди ва ким ёзган буни, дея сўради. Афсус, устози айтишга қудрати етмади, фақат не кўп шоир кўп, аммо дуруст айтибди, зеҳнингга тасанно деди. Муҳаммадкомилнинг кўнгли тоғдай ўсди. Кечроқ таҳсилдан қайтгач, отасидан юқоридаги байт эгасини сўради. У ҳам аниқ бир жавоб айтмади, лекин ўғлининг зеҳнига қойил қолди.

У ёшлигида эшитган бу байтни сал улғайгач, Араб Муҳаммадхон мадрасасида Юсуф ҳожи мударрис қўлида таълим олаётганида устозидан батафсил эшитди – хоразмлик шоир Сайфи Саройиники экан.

Энди ўзи ҳам неларнидир қораламоққа қаради, лекин устозига кўрсатишга тортинади.

*Тутолмай шавқ асрорини жонга,  
Хазини музтариб бўлдим жаҳонга.*

Бу устозига тақлид, эргашиш маҳсули. Ахир, устози Юсуф ҳожи – Дой араб ва форс илмини мукамал билгувчилардан саналмиш забардаст шоир. Ҳам форсийда, ҳам арабийда хўб маъқул газаллар битганидан шогирди Муҳаммадкомилни ўқитиш борасида унинг ноёб истеъдодига алоҳида эътибор берди ва қунт билан устозлик қилди. Комилжон устоз қўлида ўн йил таҳсил олди.

### **Баъзи ихтилофлар**

Қишнинг рутубатли, аёзли кунлари бирдай оғир. Ёғиб – ёғмаган,

очилиб – очилилмаган қора булутлар кундан – кунга қалинлашиб, қалъа устида шундоққина осилганча борлиққа қутқу солади.

Ҳаётнинг пасту – баландига кўникиш, қишнинг кўнгилларни эзадиган ғамли оқшомларида Ойни, кундузлари йилт этган Қуёшни қумсаб кечни қаршилаш баробарида ўқишу ҳунар ўрганиш билан ўтаётган Муҳаммадкомилнинг болалик йиллари бирдан қора тортиб, оғир мусибат дилини яралади – ўн уч ёшида, 1900 йили отаси Исмоил муҳркан вафот этди. У амакиси Худойберган муҳркан қўлида қолди.

Худойберган муҳркан оилапарвар, ўқимишли, Хоразм олти ярим мақомини мукамал биладиган уста созанда, хуснихат хаттот, беқиёс наққош одам эди. Ўз фарзандлари қатори жияни Муҳаммадкомил устидан қуш учирмай тарбия қилди, ҳунар ўргатди. У девонда ишлагани боис хон Феруздан (Муҳаммад Раҳимхон II – 1864 – 1910) Муҳаммадкомилни ўзи билан бирга ишга келиб – кетиб юришини сўрайди. Хоннинг розилиги билан ёшига нисбатан бирдан каттайиб қолган Муҳаммадкомил амакиси билан девонга қатнай бошлайди. Ҳуснихатдан олаётган таълими девонда ярайди, амакисига ёрдам бериб хат ёзиш билан шуғулланади.

Бу орада Муҳаммадкомил ҳаётида яна бир оғир воқеа отаси вафотидан кейин, саройга эндигина амакиси билан қатнаб юрган вақтида юз берадиким, бундан унинг юраги қаттиқ жароҳатланади. Бу воқеага сабаб Муҳаммад Шариф Тарроҳ девоннинг хон ҳукми ила таёқлаб ўлдирилишидир. Бобожон Тарроҳ: «Хоннинг саройида китоб ёзиб ўтирган заррин қалам девонлар тубанда кўрсатилади: биринчи – Худойберган муҳркан, иккинчи – Муҳаммад Ёқуб Харрот девон, учинчи – Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонлар ўтирганлар. Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонни таёқлаб ўлдирганларидан кейин хон Толиб Маҳзумни юбориб, мени олдирди. Мен Толиб маҳзумга: – Акамнинг жасадини маҳрамхонадан олиб чиққаним учун, Маҳзум оға, Арк дарвозасидан кирмакка виждоним чидамайди, бормаيمان, деб айтдим. Толиб Маҳзум менга: – Биринг вафот этдинг, сен бормасанг, хоннинг бир оғзи ўт, бир оғзи сув, авлодинг бирла ўлдиришга буйруқ беради, – деди. Кейин боришга мажбур бўлдим. Толиб Маҳзум мени саройга, Муҳаммад Раҳимхон иккинчининг ҳузурига олиб кирди. Саройнинг қописидан йиғлаб кирдим, Муҳаммад Раҳимхон иккинчи: – Акангнинг ўрнига ўтир! Ундан

қолгон китобнинг давомини ёз! – деб буйруқ берди. Шу вақтда ёшим 21 да эди. Қопида йиғлаб турган вақтимда Улуғ Мамат маҳрам: – Ўзи ёш бола экан. Акасининг вафот этган еринда, сизнинг ҳузурингизда ўтира билурми? – деди. Хон Кичик Мамат маҳрамга: – Даҳлизга устал қўйиб, ёнига Болта Харротни чақир, Комилни (Комил Девонийни – К.А.) ҳам чақир! – деб буюрди. Дарҳол унинг амрини ҳозир қилдилар. Сарой қописи очиқ турар, Муҳаммад Раҳимхон иккинчи сўзлаган сўзларини эшитиб ўтирар эдик. Лекин Аҳмаджон Табибий саройда – хоннинг ёнида ўтирар эди. Бизлар: Нодим Болта Харрот девон, Комил Девоний, Бобожон Тарроҳ Ходим, Юсуф Харрот Чокар ўн йил шу тартибда сарой даҳлизида ўтирдик. Бир минг тўққиз юз ўнинчи йилда Муҳаммад Раҳимхон иккинчининг вафотидан сўнг, Ислохўжа мени махфий котиби қилиб олди.» («Хоразм навозандалари», Т: Ғ.Фулом номидаги нашриёт, 70 – 72 бетлар.)

Бобожон Тарроҳнинг бу битигини кенгроқ келтириштиришдан мақсад бир томондан муаллиф ёшига андак аниқлик киритиш, иккинчи томондан Комил Девоний билан содир бўлган юқорида таъкидланган воқеа тафсилотини эшитганимизча баён этиш. Хўш, «Хоразм навозандалари» китоби сўзбошисида муаллиф: «Мен бу китобни ёшим тўқсон бешга кирганда, қарилик чоғимда ёздим», дея 1 январ 1965 й. санаси билан имзо қўяди. Юқорида келтирилган лавҳада: «Шу вақтда ёшим 21 да эди», деб ёзади. Магарам Бобожон Тарроҳнинг «сўзбошида» ёзгани дуруст бўлса, унда туғилган йили 1870 бўлади. Унда Комил Девоний билан ўн йил бирга ишлагани нотўғри бўлиб чиқади. Чунки, Комил Девоний 1887 йили туғилган ва ўн уч ёшида отасидан етим қолгач, амакиси Худойберган муҳркан билан бир жойда, яъни 1900 йилда саройда ўтиради. Шунинг учун ҳам у Муҳаммад Шариф Тарроҳ девонни таёқлаб ўлдирганларини ўз кўзи билан кўради ва биз айтмоқчи жароҳат юз беради – Муҳаммад Шариф Тарроҳ девон охириги нафасини ёш Комилжон кўзи ўнггида чиқаради. Бундан қўрқиб кетган Комилжон хасталикка дучор бўлади. Демак, Бобожон Тарроҳнинг туғилган йили 1870 эмас, балки 1880 йилдир. Мен у кишини 1960 йил ўрталарида Урганчдаги уйи олдида ўтирганини бир неча бор кўрганман, у вақтда ёшлари тахминан саксон бешлардан катта эмас эди. «Хоразм навозандалари» китоби сўзбошисида муаллифнинг кўрсатган ёши китобни тайёрлаганлар

хатоси бўлса эҳтимол, яна Худо билади.

Шундай қилиб, 1901 йили Муҳаммад Шариф Тарроҳ девоннинг таёқлаб ўлдирилиши Комилжоннинг юрагида оғир асорат қолдиради. Муҳаммад Шариф Тарроҳ девон ғаммозлар тухматига учраганини у катта бўлгач англаб етди. Ҳисоб — китоб ишларидаги чалкашлик содир этганини, айтишларича, девон, маишат қурбони бўлган, балки шунинг учун бўлса керак, Бобожон Тарроҳ юқорида бир туғишган акасини ёзганда, фақат унинг таёқлаб ўлдирилганини айтиб, жазоланиш тафсилотини бермайди.

Бобожон Тарроҳ: «Комил Девоний бизлар билан шерик девон эди. Талабимиз ҳар куни икки танга ишлар, шунинг билан кун кечирар эдик. Девоний 15 ёшларидан шоирлик билан шуғуллана бошлаган.» («Хоразм навозандалари», Т: Ғ. Фулом номидаги нашриёт, 70 б.)

*Муҳаббат шамъини ёқдим  
вафо тухмини ёғидин*

Муҳаббат одамзод ила бирга яралган сирли мўъжиза. Асрлар давомида кимлар унга шарҳ битмади — ю, кимлар унинг йўлида жон фидо этмади.

Муҳаббатнинг масрур йўлларида сармасту сарафроз бўлган аҳли ишқ Фузулий ҳазратлари айтмиш: «Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми гофил, Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр» байтлари билан маснади маъводирлар. Ёш Муҳаммадкомил ҳам устозлар сасига ҳамоҳанг сатрлар қоралади;

*То кўриб ҳуснингни ман хуришг ёнглиғ бениқоб,  
Заррадек жунбуш била айларман эй гул изтироб.*

Девонда хаттотлик, уйда бетиним ҳунар, мадрасада араб ва форс тилларини ўрганишдан толиқмайди. Ҳаммасидан ҳам қоралаган ғазаллари устозига, дўсту — биродарларига ёқа бошлайди. Унинг шеърга, санъатга, айниқса мусиқа илмига ихлоси, ўзи интилган, орзу қилган зинапоялардан аста — секин юксалтира борди. Устозининг хайрихоҳлиги билан ўзига ДЕВОНИЙ деб тахаллус қўйди.



*Фироҳи шиграти шарҳини Девонийға бу тартиб,  
Дегай Девонийе назм аҳли девонигға салламно.*

Комил Девоний бу байтни бежиз айтмаган экан, тартиб берган девонийға назм аҳли салламно айтгани сабабли хон даъвати ила шоир Табибий томондан тузилган «Мажмуат – уш си шуаройи Ферузшоҳий»га унинг тўқсон уч ғазали кирган. Ҳаттиш шоир жамланган «Мажмуа» 1906 йилда чоп этилди. Ун тўққиз ёшида Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Дойлар қаторида тарихга муҳрланган, ҳам ҳажман, ҳам мазмунан катта «Мажмуа»га кириши ёш шоир учун улкан ютуқ эди.

Билҳақ, Комил Девоний замонасининг етук одами бўлиб етишди.

*Кишиким ишқ аро содиқ эса албаттаким шак йўқ,  
Муҳаббат шамъини ёққай вафо тухмини ёғудим, –*

дея содда, равон, теран мантиқли, Навоийёна ёзиш учун улкан талант соҳиби бўлмоғи лозимлигини Бобожон Тарроҳ илғамай иложи йўқ эди – да. Бу бир томондан, иккинчи томондан Девоний ўта сахий, одамшаванда, улфат бўлганким, кимки қарз сўраса, тўхтатмай бераверган. Бобожон Тарроҳ: «Комилжон, қарз кўпайиб кетди – ку десам, у қарз топдим – ганж топдим дер эди», деб ёзади ўша китобида.

Саховатпеша Девонийнинг ижоди, ҳаёти аста – аста яхшиланиб, эл оғзига тушади. Амакиси уни қизи Султонпошшога уйлантиради. Оила нафаси, дўсту – ёрлар қариблигида бири – биридан гўзал ғазаллар ярата бошлайди. Навоий, Мунис, Огаҳий ғазаларига боғлаган мухаммаслари бениҳоя бақувват, мухлислару ҳофизлар талашиб юрган. Шундай кунларнинг бирида нохуш бир хабардан юраги яна бир бор (нечанчи бор) узилади. Устози Дой айрим уламою фузалодан, сипоҳию маҳрамлардан мудомо адолатли шикоят қилиб юрган сўнгги вақтда Арабмуҳаммадхон мадрасаси мударрислигидан олиб, Жума масжид воизлигига ўтказилган эди. Кеча эшитса, Исломхўжа сабабли у ердан ҳам ҳайдалармиш, вазир хондан ҳожини юртдан бадарға этишни талаб қилибди.

Муҳаммадкомил бу воқеа тафсилотларини яхши билганидан чидаб туролмади, қўлидан келадиган ишни қилди – нидоли ғазал битди.

*Неча йил таҳсилу илм этди—ю, устодим эди,  
Шоир ул, доғи кўр зулматга ботди ул қуёш.*

*Олдилар мансабдин они, кесмади тил ханжари,  
Зулми бегод аҳлига жангу жадаллар қилди фош.*

Тўғри, хон Феруз Доййга кўп эркинлик берди, аммо авж олган адолатсизликдан, Лаффасий ёзганидек: «...мазлум фуқароларни бегуноҳ ҳибс этиб, зулм ситамлар бирлан пора ришвалар олиб, масжид – мадрасалар, ҳовли – ҳарам, боғ – боқчалар, бино – иморат қилганларни шикоятлар қилиб, шўрлик аҳволотларидан сўзлар эрди». («Тазкираи шуаро» 94 б.)

Албатта, «Жумамасжид» кунботар ёнбошида вазир Ислому Хўжанинг «рус – тузем» мактаби очилгани, унинг тўғрисида мадрасаси қурилгани ва Катта Минора қуриш учун шу ерда яшаб ўтирган одамларнинг-уйи, боғу боқчалари йиқилиши Доййни бефарқ қолдирмас эди. Лаффасий: «...бир жума куни Ислому Хўжа Феруз Муҳаммад Раҳимхон Фармони билан намоз жумага борадур. Аммо Отаниёз девонким, Муҳаммад девон ўғли, бир катта гилам – голи келгуриб воизга яқин Ислому Хўжанинг остига тўшайдур. Аммо бул тариқа гилам тўшалганин воиз Юсуф Ҳожи кўриб, Ислому Хўжани андағ танқид этадурки, Ислому Хўжа дунёга келганига мингларча пушаймонлар қилиб, ҳасратлар чекадур» («Тазкираи шуаро» 94 – 95 бетлар.)

Аслида, Дойй вазир Ислому Хўжа қилиб юрган ишлардан норози эди. Бу ҳақда раҳматлик кекса созанда Абдушариф ота жуда қироатини келтириб ҳикоя қилгувчи эдилар: «Исломухўжа бир сафар жума намозига кечикиб келади. У «Жумамасжид» олдида қўш от қўшилган аравасидан савлат тўкиб тушади – да, уламанинг устини босқилаб, меҳроб томон шаҳд билан келаверади. Ваъзхонлик қилиб турган «Жумамасжид» воизи Юсуф Ҳожи эшон Ислому Хўжанинг бу янглиғ беписандлигидан ғазабланиб, уни масжиднинг ўртасида тўхтатиб, қилиб юрган ишлари куфрлигини айтиб ҳақоратлайди ва унга ялтоқлик қилмоқчи бўлганларни ҳам қаттиқ қойийди. Ислому Хўжа бу ҳақоратга чидамай, хонга Дойй устидан арз қилади ва уни юртдан чиқаришни талаб қилади.»

Юқорида келтирган иккала лавҳадаям Дойй тўғрисидаги демишлар қарийб бир хил тасвирга эга. Девонийнинг бу муносабат

билан битган ғазали қўлма — қўл бўлиб кетади. Хон Комилжонга нисбатан бирор чора кўрмагани, унинг иқтидорини суйган бўлса не ажаб. Бироқ, шоир даврон сурувчиларда диёнат, шафқат йўқлигини яхши билар эди:

*Фигонким, ақли даврон ичра шафқатдин асар йўқдур,  
Бировким истагай шафқат ани ақли магар йўқдур.*

Ва яна:

*Хароб обод оламга вафо ноёб экан билдим,  
Қилибман имтиҳон, аҳбоб эли каззоб экан билдим.*

*Нечук, Девониё, гунёга қилғум орзу ишрат,  
Фалак иши саропо фитнаи қуллоб экан билдим.*

Ёхуд, ўн саккиз ёшларида эл суҳбатидин четлашиб, ком топишга харобот ичра (бу дунё лаззатларидан ўзларини тийганлар жойи) кирмоқни битиш:

*Тобғасен албатта коминг кир харобот ичраким,  
Айлабон Девонийдек эл суҳбатидин ижтиноб.*

Саройда хизмат қилиб бу янглиғ ғазаллар битиш ҳамма шоирнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қисқа вақт ичида яна бир машҳурлик, серқирра ижод соҳиби Сангар тарафни, Хивани, Хоразм мулкини музайян қилди — бу КОМИЛ ДЕВОНИЙ эди.

### Сангар

Сангар мавзеси қадимий Хива қалъаси ичидан оқиб ўтадиган, «Полвон ёпнинг сувин болдай мазаси», дея куйланмиш Полвон ёпнинг (анҳорнинг) кунчиқар томонидаги сўлим маскан.

Сангарнинг бир маъноси: ҳарбий иншоот, истеҳком, тўсиқ хандаги (рус. окоп.) Ерга қазилган хандақда ётиб навкарлар душман ҳужумини қайтарганлар. Хандақда ётиб палахмонга солиб тош, ўқ отганлар. Тўсиқ истеҳкомида туриб тўп отганлар.

Сангарнинг яна бир маъноси мўғуллар босқини билан боғлиқ

саккиз асрлик узун тарихга эга. Айтишларича, мўғуларнинг жонингизга омонлик берамиз дея алдови билан Хива катхудолари қалъа дарвозаларини очиб берганларидан кейин ёғийлар шаҳар халқини беаёв талон – тарож этадилар, не – не гўч йигитларни асир олиб, қалъа кунчиқаридан оқиб ўтадиган Полвон ёп билан туташадиган Сирчали ёп кўпригидан ўтказиб, кўҳна масжид олдидаги майдонда қатл этадилар.

Бу янглиғ ваҳший қонхўрликка чидамаган халқ, асирларнинг қариндош – туққанлари кўҳна масжид тошларини бетартиб бузганча, мўғуларни тошбўрон қилиб ўлдирадилар. Бу воқеадан хабар топган қалъа ичкарисидаги мўғул саркардалари майдонни ўраб олиб, санги гарданида қатнашган бари хиваликларни қатли ом қилади. Шу – шу бу майдон номи шаҳидлик майдони ва мўғуларни тош билан уриб ўлдирилишини «санг гардани – тош билан ур, муштла», номи билан атайдилар. Даврлар ўтиб «гардани» сўзидан «гар» қолиб, «Санггар»га дўнган, бироқ халқ тилида «Сангар» бўлиб кетган. Сангарнинг иккала маъносида ҳам тош билан уриш, отиш жарёни, ҳарбий дастурул амал мужассамлашган.

Сангар XIX асрга келиб ҳунармандлар, наққошлар, темирга ишлов берувчи позачилар, тўпчилар элати, файзиёб масканга айланади. Бу ўрамнинг бош бўғинида ҳунармандларнинг етук устаси, замона адабий муҳитига, санъат илмига доҳил инсон Пано тўпчи турар эди.

Ҳали биринчи ўрис босқинидан аввал, Саййид Муҳаммадхон (1855 – 1864) даврида хонликда «икки шохали ўн икки тўпи бор эди. Шулардан олтитаси от билан ҳаракат қилишга мўлжалланган. Тўпларни ҳаракат қилдириш Эроннинг қадимги усуллари тарзида қўриқхонасиз ҳаракатланади. Ҳарбий сафарларда тўпларнинг ўқ – дори ва снарядларини бошқа – бошқа араваларга юклаб олиб юришади.» (И.Мирпанжий «Асирликдаги хотиралар» 1997 й. 54 б.)

Эрон генералининг Хивадаги ўн йил асирлик давридаги тўп ва ўқ – дорилар тафсилотини кенгроқ ёритишимиздан мақсад Хива ҳарбий кучлари, навқару тўпчилар аъмолидан хабардор қилмоққим, Пано тўпчининг довруғи Хивани ҳимоя қилишда, шунингдек, ҳарбий юришлар силсиласида машҳур бўлган ва кўл мартаба хон томонидан тақдирланган, хиваликлар эъзозидида бўлган.

Исмоил Мирпанжийнинг янги асир тушган вақтидаги бир воқеа билан тўпчилар мартабаси неқадар қадрланганини билиш мумкин: «Биз Хиваққа келган ўша рамазон ойида хон (Муҳаммад Амин – К.А.) асир тўпчиларининг тўп отиш маҳоратларини синаш истагини билдирди. Али Султонга асир тўпчиларни келтиришни буюрди. Мен тўпчиларга яхши отинглар, мабодо уларга ёқиб қолсангизлар сизларга нисбатан яхшироқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилишади деб маслаҳат бердим. Улар ҳам менинг сўзларимни маъқул топдилар, аммо ҳарчанд ўқ отишмасин, ҳеч бири нишонга тегмади. Хон газабланди, уларни яна меҳтарга топшириб, яхшироқ (муस्ताҳкамроқ – К.А.) сақлашни буюрди.» (И.Мирпанжий «Асирликдаги хотиралар» 1997 й. 37 б.)

Юқоридаги лавҳадан кўриниб турибдики, нишонга теккизиб ўқ отиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Пано тўпчидек мерган тўпчилар хонликка ҳаводек зарур эди. Шу сабабдан ҳам уни оиласи билан қалъа ичкарисидан, ҳозирги «Амин чорсу»дан Сангарга кўчирилиши тасодифий ҳол эмас. Сангар, юқорида айтганимиздек, душман ҳужумини қайтаришга мўлжалланган тўсиқ хандаги бўлганидан тўпу снарядлар шу ерга яқин турган ва номдор тўпчининг ҳам яшаш жойининг шу жойга кўчирлиши табиий. Буям хоннинг Пано тўпчига ихлоси ва катта ишончининг инъикосидир. Шунинг учун ҳам Пано тўпчи дарвозаси олдидаги қудуқдан (бу қудуқдан ҳозир ҳам сув ичишади) хон Феруз сув ичиб, тўхтаб ўтган. Аввало Худо, қолаверса, хон назари тушган хонадон ҳамиша меҳмонлар билан, айниқса, созандаю шоирлар билан сарафроз бўлганига тарих гувоҳ.

Тарих яна бир нарсага гувоҳ – 1342 йили Испания қироли Альфонс арабларнинг Ал – ҳесирас шаҳрини босиб олмоқчи бўлиб ҳужумга ўтганда испанлар учун кутилмаган ҳодиса рўй беради – ҳавода улар устига қулоқни батангга келтирувчи шовқин солиб ўнлаган ёлингли темир шарлар ёғилиб, олд қатордаги Испан аскарлари қонга беланадилар ва қолганлари парокандалик билан орқага қараб қочадилар. Ал – ҳесирасга қилинган ҳужум барбод бўлади. Бу темир шарларни отган ўқ отиш қуроли оддийгина «Модфа» (рус. миномёт) эди. (Ж. «Моделист Конструктор» М. 1973 №3 17 б.)

Ҳунармандликка эътимодали Пано тўпчи бундай ўт сочар тўплар

ҳақида ота — боболаридан кўп эшитгани сабабли шундай оддий, лекин узоққа отадиган тўп яратиш, унинг овозасини эшитган ҳар қандай ёғий ҳам Хоразм тупроғига шум қадамини босмаган бўлар эди. Ана унда халқ тинч, осойишта, фаровон яшарди. Шоирлар булбулиғўё, созандау гўяндалар авжи фалакка чиқиб, ижод булоғи яна ҳам сарбаланд бўлар эди. Бу Пано тўпчининг ширин ўйлари. Аввалам кўп миқдорда темир йўқ, бўлгандаям уни қайнатишга катта қозон, катта босимдаги ёлинг, қолаверса, тўп қолиплари, уни ясашга асбоб — ускуна даркор. Шундаям хонликда бор тўпларни бетўхтов отишга шай қилиб қўйиш, ишдан чиққанларини тузатиш, яроқсиз ҳолга келиб қолганларини таъмирлаш ишлари Пано тўпчидек ҳунармандлар зиммасида эди.

Пано тўпчининг икки ўғли — Хударган (Худойберган) ҳамда Исмоиллар отасидан андоза олиб, даврининг етук наққошлари, моҳир созандалари бўлиб етишдилар. Улар муҳр ўйиш санъатини ҳам эгаллаганлари боис — «муҳркан» бўлдилар. Уларнинг авлодлари ҳам Хоразм олти ярим мақомининг ўткир билимдонлари, хуснихат хаттотлари, ўймакор наққошлари бўлиб етишдилар. Худойберган муҳрканнинг фарзандлари Собир, Юсуф, Карим, Матпано ва бошқалари шоир, созанда, наққош, турли соҳа ҳунармандлари, (Матпано Худойберганов Суханвар тахаллусли шоир, машҳур ҳофизлар Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзовларнинг устози, Хоразм олти ярим мақомини ўргатган табаррук инсондир) Исмоилнинг яккаю — ягона ўғли Комилжон Бобожон Тарроҳ китобида алоҳида меҳр билан таъриф берганидай: «У (Комил Девоний — К.А.) беш илмга эга эди. Аввало, агар асбоб бўлса, бешотар милтиқ тузатар, иккинчидан, олти ярим мақом соз чертмоқни билар, лекин айтмоқни билмас эди. Учтинчидан, яхши хушхат котиб эди. Тўртинчидан, яхши шоир эди. Иккинчи Навоий дейиш мумкин эди. Бешинчидан, яхши ислимкор наққош эди.» («Хоразм навозандалари» Т. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт 69 б.)

Албатта, Бобожон Тарроҳ Комилжон ака билан хон саройида ўн йил бир даҳлизда ўтириб, бирга ишлаганидан, шоирлиги ҳақиқатдаям ўша давр ижодкорлари ичида бир қадар юқори турганиданми, иккинчи Навоий деб улуғлашида дўстига нисбатан меҳрибонлиги сезилиб турибди.

Мана, қадимий «Сангар»дамиз. Хон боғи номи билан аталувчи

ҳозирги «Орқа тозабоғ» маҳалласи. Бирдан борлиқ хаёлим билан Комил Девоний яшаган даврга шўнғиб кетаман. XIX аср бошларидаги Хива. Унинг кунчиқарида қадимий Сангар, кунботарида мевастон... Матёқуб позачиларнинг, Пано тўпчиларнинг ёпга қараган кунгурали дарвозалари, боғли – боқчали серфайз ҳовлиларини қалбан ҳис этаман. «Муҳркан»лар ҳовлиси кунботар ёнбошидан ўтадиган Баротнинг кенггина солмаси, (ариғи) хоннинг боғи ёни билан қадимги Урганч – Хива йўли бошидаги Тўранинг ҳовлиси томон оқиб бораётгандай, унинг торроқ жойидан кимдир ҳатлаб ўтиб, «поза»чилар томонга ўтиб кетгандай, хаёлларимни тўзғитиб юборди. Полвон ёп бўйлаб аста қибла томон одимлаймиз. Ана, ҳозирги Феруз номли мактаб ўрнидаги кўл орқасидаги баландликда жойлашган кунгурали Маткарим сайиснинг ҳовлисидан ёшгина Мадамин (Мадамин Маткаримов, Хива туманига кўп йиллар раҳбарлик қилган) югуриб чиқандай бўлди. Олис хотиротлар гирдоби хаёлимни бир нафасда қадим элат ҳаёти кучоғига тортди.

Бу элатда ўз ҳунару усталиклари орқасидан танилган жуда машҳур кишилар яшарди. Шу кунлардаям файзини йўқотмаган бу ўрамда ўтган машҳур аждодларнинг салоҳиятли фарзандлари истиқомат қилади, баъзилар ота касби – ҳунармандчилик билан шуғулланади. Комил Девонийнинг чироғини ёқиб ўтирган неваралари Усмонжон билан, Фарҳоджонларнинг бирови қўли гул қурувчи, бирови магнитофон, телевизор тузатадиган уста.

Комил Девонийнинг ўғли Ҳамза ака, «Мевастон» маҳалла фуқаролари йиғини раиси Иноят ҳожи билан шоир яшаган уйга замонавий дарвоза орқали кирамиз. Ичқарига илк қадам қўйишимиз билан чап тарафдаги анвойи қизил гуллар эътиборимизни тортади. Гулларга қараб қолганимни илғаган Ҳамза ака:

– Ина шу ер аввал ҳам (отамлар яшаган даврда демоқчи – К.А.) гулжойи эди. Ина бу ерда икки метрча баландликда эни саккиз – тўққиз метр, бўйи ўн беш метр чамаси келадиган Чодра (усти тахта пол қилинган айвон) бор эди. Унинг кунчиқарида ҳайбатли гужумлар соясида сарҳовуз бўлгучи эди. Кунботарида Полвон ёп гумбирлаб оқарди. Ёп ҳозиргидай кичкина, кўримсиз эмасди. Унинг ўнг соҳили баланд рош. Эшигимиз олдида катта –

катта, мазали балх тутлари бор эди. Ҳозир шундан бизни эшигимизда биттаси, Хударган муҳркан бобомнинг эшигида биттаси қолган, мазаси шу – шу тотли, бўлиқ – бўлиқ... – Ҳамза ака анчайин жим қолади. Ҳайларига ҳалақит бермайман. Худди отаси дўстлари билан жамлашиб ўтиргандай бўлдим, кўзлари равшанлашиб, – Мана шу Чодрада ўтириб отам (Комил Девоний) созанда ёру – биродарлари билан мақомлардан тонготар соз қилар эди...

Сангарнинг довуғи шеърларда, қўшиқларда акс этган. Хоразм халфачилигининг етакчиларидан бири, ажойиб шоира Ожиза (Онабиби қори Отажонова) куйламиш:

*Манзил жойим Полвон ёпнинг орқаси,  
Мени ҳайрон этди Хива қалъаси,  
Полвон ёпнинг сувин болдай мазаси,  
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,  
Сангарда очилган гуллар яхшидир.*

Хивада қарийб барча халфалар бу қўшиқни соғинч ҳисси билан куйлагувчи эдилар. Одамнинг яшаш манзили, ўтирган ўрами, киндик қони тўкилган ерига бўлган муҳаббатини тараннум этгувчи бу қўшиқни қачон эшитсам, Комил Девонийнинг: «Жон борича эл ичидан чекма бошингни», дея тақдир тақозаси билан Хивадан Тошҳовузга кетиб яшаган даврида шогирди шоир Партавга ёзган шеърини мактуби кўз олдимга келаверади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, «Сангарда очилган гуллар яхшидир», дея куйланишида ўзга бир меҳр бор. Аслида, хиваликлар қадимдан гулга ўч, муҳаббати баланд халқ, аммо Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз замонида бу нарса, айниқса юрт қизил гулини ўстиришга ишғиёқмандалик жуда зўрайган. Устоз созанда Абдушариф ота ўша замонларни биррав кўз олдидан ўтказиб: «Воҳ – воҳ, насини айтасиз, Сангарни кўпригига чиққанда Хивадан келадиган қизил гулни исидан (ҳидидан) бошингиз айланар, маст бўлар эдингиз. Хиваликлар қизил гулни қулоқлари остига қўйиб юришни яхши кўрар эдилар. Хон Ферузнинг бир танобдан ортиқ ерига гул экилган экан. Ҳар замон хон саломга келган фарзандлари, невараларига қиладиган иши гул тақдим этар экан, вой – бўй!.. Хон Пишканик қишлоғида бир гулчиға



айтиб гужумга гул соптирган (пайванда қилдирган...)»

Абдушариф ота сўзларини тамом этмай туриб Огаҳийнинг ушбу мисраси лоп этиб хаёлга келади:

*Қилғил томошо қомати зебоси бирла оразин,  
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванг шамшол устина.*

Дарвоқе, гул, боғ мавзӯида бошқа шоирлар қаторида Комил Девоний ҳам кўп қалам тебратган. Ва негадир Ожиза қаламига мансуб саналиб келинаётган «Сангар» шеъри Комилжон акага таалуқлимасмикан, у жонажон Хивасидан, Сангаридан айрилиқ онлари қоғозга туширмадимикан деб ўйлаб қоламан, негаким, «Ожиза Хиванинг «Қушчи Каттабоғ» қишлоғида таваллуд топган. («Ожиза. Шеър ва дostonлар» Т. 2003 й. 6 б.)

Демак, Ожиза «Яшаш жойим Полвон ённинг орқаси» дея олмайди, лекин Ожиза Комил Девоний уйда бўлиб, ундан шеър, қўшиқ айтиш илмини ўргангани маълум. Боз устига шоирнинг ўғли Ҳамза акадан «Сангар» отамнинг шеъри, онам Қурбонжонбикадан эшитганман, қолаверса, Онабиби қори айтадиган «Манзил жойим Полвон ённинг орқаси, Мени ҳайрон этди Хива қалаъси» эмас, иккинчи қатори «Изинда айланар Хива қалъаси». Онабиби қори билан отам кўп ҳамкорлик қилганлар, баъзи шеърларини таҳрир этганлар деганидан кейин, бироз ишондим.

Яқинларда мусиқа муаллими Озод Матёқубов ҳам «Сангар» шеъри устида ўз фикр – мулоҳазаларини қоралаб юрган экан. Ҳатто шеърнинг «Савти суворий» услубида ижро қилиш нотасини ҳам яратибди. Шундаям:

*Сангарнинг боғидан олма келтирдик,  
Емадик, ичмадик, ўйнаб ўтирдик,  
Дастурхон устини гулдан тўлдирдик,  
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,  
Сангарда очилган гуллар яхшидир,—*

деган, Комил Девонийдек забардаст шоир назмидан йироқ сўзлар йиғиндисини ўқиғач, барибир анчайин жўн, бу шеър устоз қаламига мансуб бўлмаслиги керак деб юрдим, бироқ бир

суҳбатимизда Ҳамза ака Партав домланинг аламзадалик билан айтган сўзини қайд этди: «Эҳ, нендин замон бўлди, кучли газалингни газитларда босмайдилар, енгил – елпи ёзсанг чоп этадилар. Ахири ноиложликдан «Очил – очил» деган мусаддас ёзиб бердим, босдилар, афсус. Балки, ундай шеърлар ҳам керақдир, лекин жуда енгил, жўн.»

Ана шу гапдан кейин, иккиланиш фикрларимни яна устоз фойдасига йўйдим. Ахир:

*Сангарнинг боғида шиша қопилар,  
Киргандан сўнг шиша қопу ёпилар,  
Одамлари ваъдасида топилар,  
Кездим кўп жойларни, Сангар яхшидир,  
Сангарда очилган гуллар яхшидир, –*

дея, ўша замонда ойна – шিশали эшиклар яшаш расм бўла бошлаган ва буям Сангарда қурилган иморатларда ишлатилгани, янги топилдиқни содда ва теран ифодалаш Комил Девонийдек шоиргагина насиб этиши мумкинлиги бу шеър устозники бўлса ажабмас деган ўй келаверади. Ва яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, Ожиза халфа кейинроқларда шеърнинг кўп жойларини ўзига мослаб ўзгартирган бўлиши ҳам мумкин. Унинг устига оғиздан – оғизга ўтиб баъзи сатрлар анчайин ғализликка юз тутганини кўряпмиз. Адабиётнинг фидойи муҳиби, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Йўлдош Ҳажиев ўзининг «Адабиётдан ёндош дастур бўйича қўлланма» китобида Ожиза ижодига тўхталиб «Сангар» шеърининг иккинчи бешлигидаги иккинчи сатрини «Шоҳасига ишқу анбар сочилган», дея берибди, (ушбу китоб 23 б. ) ваҳоланки «ишқу анбар» эмас, «мушк – анбар». Аммо ўрнида «мушқу анбар» деб ишлатиш мумкин. УрДУ профессори С.Рўзимбоев «мушқу анбар» деб тўғри берган.

Бу Комил Девонийнинг инқилобдан кейинги даврлар ижод маҳсулидир. Унинг сермаҳсул, мантиқан теран, гўзал ғазаллари юқорида қисман айтганимиздек, ўн етти – ўн саккиз ёшларида кўзга ташланган. Бунга албатта, устози Доийнинг таълим – тарбияси, Навоий, Мунис, Оғаҳий, Комил Хоразмийга ўхшаган мумтоз адабиётимиз намоянадалари асарларини қунт билан ўқиш,

Ўрганиш, араб, форс тилларида ёзилган жаҳон адабиёти билан танишиш, тасаввуф илмидан воқифлик, Насимий, Фузулий, Машраб ғазалларидан илҳомланиш асосий таянч, фикран суянч бўлган.

Айниқса, Алишер Навоий ғазалари шукуҳи ила шеърятга қадам қўйган Комилжон ҳайрату ҳавасини яширолмас, туну – кун машқу мутолаа қилар, ёзганлари ўзига маъқул келмас, ўчириб ёзишдан эринмас эди. Навоийнинг мана шу бир байти унга неча тунлар ором бермаган:

*Гул қулоғин чун оғир қилмиш кириб шабнам суви,  
Неча, эй, булбул, ишинг доим фиғон бўлғусидур.*

Ва ниҳоят Комилжон ҳам гул бобида машқ қилиб кўрди:

*Заб ила саҳни чаманда бўлди то хандон гул,  
Боғ аро булбулни қилди хуснига хайрон гул.*

Бу байтни замонасининг етук шоири Табибий мақтагач, Комилжон давом қилдирди ва «Мажмуа»га кирди. Табибий унинг ушбу «Мажмуага кирган» тўқсондан зиёд ғазалига алоҳида – алоҳида маснавийлар ёзган. Масалан, китобдаги 3067 рақамдаги Девонийнинг «Манга то ул санам ҳуснин намоён эттию кетти», деб бошланувчи ғазалига мана бу маснавийни битган:

*Бу ҳам фазли Девонийдигур асар,  
Ки этмиш зухур анда неча ҳунар.*

«Мажмуа»га 1075 рақам билан кирган ғазалида Девоний ҳам шу мақтовга лойиқлигини таъкидлайди:

*Шарҳ этар эрсах ҳолимиз сизга ажаб эмас гурур,  
Чунки замона аҳлининг муншийи номдоримиз.*

Ҳазал маҳбубга атаб, ўзини таништириш баҳонасида:

*Сўрсангиз гарчи ҳолимиз, фурқатингизда субҳу шом,  
Хайли бало рафиқимиз, йиғламоқ ўлди коримиз. –*

дея айтилгани билан ҳали йигирма ёшга тўлмаган шоирнинг ўз қадрига етгувчи битиклари, унинг етук ижодкор сифатида шаклланишидан дарак эди.

У қунт ила изланишлари, ўрганишлари замирида Навоийга эргашиб, тақлид қилмоқчимас, фақат устознинг Ҳиротда яшаб, газалларини соф туркийда битишига ҳайрати баробарида, ўзиям араб ва форс тилларини яхшигина эгаллаган бўлса — да, фақат ўзбекча сўзларни ишлатиб гўзал мисралар яратмоқчи, ўз навбатида форсийда газаллар иншо этиш умиди ҳам йўқ эмас. Шундай ҳам бўлди — форсийда қатор газаллари яралди, бу бошқа мавзу.

Навоийнинг мана бу байти — ку, Девоний шууруни неқадар сарафроз этди:

*Қилди чун соқий лаби етган қадаҳ хушингни маҳв,  
То абад зинҳорким, ойилмагайсан, эй кўнгул.*

Навоий байтининг иккинчи мисрасида «хушёр» демасдан соф Хоразмча «ойилмоқ» сўзини ишлатганига ва ушбу лафзга нечоғлик улкан маъно юклаганига ҳойил қолган бу дилбар шоири замон, албатта, ишқий сармастлик завқини ҳам сурган, баъзан тўғри маънодаги шаробдан мастлигидан айилганда, юқоридаги устози байтини мийиғида кулиб такрорлаганча, ўзининг ҳофизлар хонишидаги машҳур «Қасам» мухаммасини яратган бўлса не тонг:

*Дўстлар, янчинг бошим санги маломатдин бу дам,  
Жойидур ушбу жазо балки манго албатта кам,  
Етмасин чунки яна бу нуктадин аҳбоба ғам,  
Ғуссайи дорғу алам ҳар нечаки ўлдурса ҳам,  
Эндилар май ичмагайман, богадин қилдим қасам.*

Қаранг, мухаммасда ўқувчи тушунмайдиган бирор сўз йўқ. Ҳайноқи, содда ва шунинг баробарида ҳамма ҳарфу нуқталари жойи — жойида. Фақат ушбу юқоридаги бешликнинг учинчи сатри: «Етмасин чунки яна бу нуктадин аҳбоба ғам,»даги «аҳбоба» сўзининг ўрнига, балки нашрга тайёрловчилар, балки босмоҳона ходимларининг хатоси бўлса керак «аҳбоби» бўлиб чоп этилган, тўғрилаб ёзишга жазм этдик. Ҳамда бешинчи сатрдаги: «Эндилар май ичмагайман, богадин қилдим қасам»ни Ўзбекистон халқ

артисти Ҳожихон ака Болтаев ҳам, у кишининг укалари машҳур ҳофиз Нурмамат ака Болтаев ҳам «*Эндилар май ичмагайман, деб бодагин ичдим қасам*», дея куйлагувчи эдилар. Уларга ишонмаслик мумкин эмас, негаким улар бу кўшиқни шоир тирик вақтида, ҳатто у қатнашган давралардаям куйлаганлар

### Мактуб

Инқилобдан яхшиликлар кутган Девоний бошида кўп ўтмай қора булутлар айлана бошлайди. Сайид Абдуллахон ва унинг авлодлари, Хиванинг мана — ман деган мансабдорлари, илм — маърифат вакиллари бирин — кетин сургун қилинадилар. Девоний ким? Сарой девони, хон хизматидаги сулола фарзанди. Лекин, эл оғзига тушган етук шоир Комил Девоний бу вақтда давр нафасини ўз вақтида илғаб, Ватан, миллат, тараққиёт борасида ўз сўзини айтмоқда эди:

*Сўрмоқ негундир бўйла тараққийдан аломат—  
Азроплан эмасму номигори тараққий.*

*Девоний, сен ҳам ватану миллатинг учун,  
Жон ила гилинг айла тарафдори тараққий.*

Бу шеър 1920 йили ёзилган. Шунга қарамасдан болшовойларнинг ашаддий тарафдорлари, тушуниб — тушунмай «янги замон» чирогига мой қуяётганлар, бошларига бирдан «Ильич нури» тушиб, босар — тусарини билмай қолган айрим бесаводлар кўзига аҳли зиё пешқадами Комил Девонийдек забардаст, етук одамлар ёмон кўринар, уларни гоҳ очиқ, гоҳ пинҳона гийбат қилардилар. Ҳаётдан зада бўлган шоир 1921 йили «Яхшидур» газалини ёзади ва бу шеър тез орада ҳофизларнинг севимли мулкига айланади.

*Гар миниб азроплан, ногон ила учсак ҳаво,  
Иккимиздан биримизни ерга урган яхшидур.*

*Сўрсалар оламда, Девоний, не яхши, ман герам,  
Сухбати ноаҳилдин бўш бўлса зиндон яхшидур.*

Ана шундай қалтис бир вақтда, яъни 1922 йили Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Хивага келади. Ҳакимзода Девонийдек созу суҳбат, назми ўткир ёшлар билан тез тил топади. Академик А.Қаюмов ёзганидек: «...Хоразм халқининг ҳаёти, тарихи, маданияти, адабиёти ва музикасини чуқур ўрганган, ўз асарига Хоразм куйларидан музика ёзган. ...Драматург Зиннат Фатхуллин ўз эсдаликларида Ҳамзадан эшитган қуйидаги воқеани ҳикоя қилади: «Ҳамза Хоразмдалигида «Хоразм инқилоби ёки хоннинг сўнгги кунлари» пьесасини ёзган. Пьесани Хива шаҳрининг бадий ҳаваскорлар коллективи саҳнага қўйган. Ҳаваскор артистлар орасида маҳаллий бойларнинг болалари ҳам бор экан. Уларга, албатта, Ҳамза яратган хон образи ёқмаган». («Танланган асарлар» 2 жилд Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1983 й., 120—122 б.)

Не бўлгандаям Ҳакимзоданинг Хивага ташрифи зиёли ёшлар бошини бир мавсум қовуштирган — меҳмондорчилик, мушоиралар, мусиқий баэмлар авж олган. Дастурхонли, одамшаванда Девонийнинг — ку, куни туққан — Ҳакимзода унинг уйида яшаган. Уни руҳан ёқтириб қолгани учун ҳам 1932 йилда туғилган ўғлига Ҳамза дея исм қўйган.

Ҳакимзода Хивадан кетгандан сўнг ҳам юраклардаги жўшқинлик, ўриснинг янги чиққан чиптали коньяги билан шаробли ўлтиришлар анча давом қилди. Бироқ, муҳит маҳсули — оғизорачилик, ҳасадғўйлик, такаббурлик бир — бирларини инқилобнинг кўз илғамас мавту маломат гилдираклари остига ота бошлайдилар. Очиқ кўнгиллиги боис ҳеч кимдан ҳадиксирамайдиган Девонийни бир зиёфатда кўпроқ мақтаб ичираверадилар. Анчайин кайфи ошиб қолган шоир ҳали замон бундай ғулу — ғашликлар бўлиб турмайди, Хоразм Республикаси алоҳида ўсиб — улғаяди, ўзимизнинг пулимизни босамиз (у хон замонида муҳрларни зарб этишда фаол иштирок этган, мадрасаю хонақоларнинг қопу, дарвозалари, зулфию ҳалқаларига шеърый парчаларни чиройли ўйиб ёзганига хусусан Хива пулини зарб қилганига ишора қилади) ва ҳоказолар деб даврада ўтирган айрим «қизиллашган» кекирдакли иштирокчиларни қаттиқ койийди.

Барибир шоир — да, 1922 йили юқоридаги машҳур «Қасам» ини битади.

*Маслик вақтида тил гуфторидин шармандаман,  
Сўз эшитмай ўз сўзим такроридин шармандаман,  
Дўст олдида забон озоридин шармандаман,  
Ҳолима санги маломат боридин шармандаман,  
Эндилар май ичмагайман, бодагин қилдим қасам.*

Шундан кейин унинг бошидаги қора булутлар янада қуюқлашади. Дўстлар унга вақтинча бўлсаям Хивадан қочишни маслаҳат беришади. Маълумингизким, инқилоб талатўми, ўттизинчи йиллар бўҳрони боис жон сақлаш илинжида баъзи шоиру созандалар Хивадан, у пайтларда кўздан олисроқ кўринган дарё ортига, Тошҳовузга, Илонлига, Чоржўйга қочишган. Гўё у ерлар тинчу қатағондан қутулиб қолиш илинжи бордек. Девоний ҳам бир кечада Тошҳовузга ўтиб кетган.

### **Устозга муносиб шогирд**

Устозга муносиб шогирд бўлмоқлик ҳам тириклик аъмолининг ноёб мулки. Бу мулк соҳиби ҳамма замонлардаям мукарраму азиздир. Девоний назарида, унинг ўша машғум йиллар ҳижронига ҳамдара, ҳамнишин бўладиган муттақо шогирд – болшовойлар тўнтариши даврида мумтоз адабиётимизнинг ёрқин давомчиси сифатида ярақлаб чиққан улкан шоир Партав эди.

Билҳақ, Матлатиф охун ўғли Ота Маҳзум Партавнинг (1903 – 1956) газалларини, мухаммасларини Хоразмнинг забардаст қўшиқчилари – Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов ва бошқа устозлар ихлос билан ижро этганлар. Замона зайли ила ўзини одамлардан четга тортган шоир сўзларини бутунги кундаям санъаткорлар меҳр билан айтиб юрибдилар.

*Ўтиб ёри панода гийдаи элдин ниҳондурман,  
Жунун тугёнидин тийри маломатга нишондурман,  
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,  
Кезарман ишқ шахристонига бир карвондурман,  
Матои ҳусн олурга жон бериб ҳар сў равондурман...*

...Айрилиқда Девонийнинг чамаси турмуши яхши бўлмаган кўринади. У Хивага, «Инқилоб қуёши» газетида адабий ходим

бўлиб ишлаб юрган Партавга бир шеърий хат йўлайди.

Албатта, Девоний, Партавга бежиз мактуб жўнатмаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, 17 – 18 ёшларида шоирлар назарига тушган Ота Маҳзумни Девоний ўзига яқин олган. Улар ўртасидаги дўстлик ва ҳурмат умрларининг охирига нафасигача давом этган. Партав ҳам шоирлардан Комил оғасига кўпроқ суянган, ёзганларини биринчи бўлиб унга кўрсатиб маслаҳат олган содиқ шоғир эди.

Ота Маҳзум Аваз Ўтарнинг жияни Саодатбикага уйланади. Девоний оташнафас дўсти Аваз ҳурмати тўйбоши бўлган, Петербургдан олиб келган янги скрипкасини тиззасига қўйиб сайратган, қувнаб – яйраб мушоирада қатнашган.

Партав ҳам устоз хатини жавобсиз қолдирмайди – ўзининг шеърий мактубини йўлайди. Девоний шеърий мактубини:

*Тақдирни ҳар толеъ вожгун эта билмас,*

деган сўзлар билан бошлайди ва «толеъ» калимаси орқали ҳеч қандай давлат иқтисодори тақдирни тубдан ўзгартириб, вожгун этолмайди деган маънини илгари суради. Бу билан у Хивадан кетиш сабабининг гўё изоҳини ҳам беради.

Албатта, Партав буни аниқ фаҳмлайди ва устоз фикрини қувватлаб ёзади:

*Хуш аҳлини дунё гами дилхун эта билмас,  
Дин тарки хирад ҳайлини маъзун эта билмас.*

Чунончи: назари очиқ, ҳушёр одамларни дунё гами дилхун қилолмайди. Зеро, дин ҳам ақл куч – қувватига суянишга чорлайди, дейди.

Девоний учун юртни тарк айлаш фақат қисмат ҳукми эмас, балки идрок иши ҳам эди. У ҳижратни Ватан ўрнида кўрганлигини таъкидлайди:

*Идрок ила ман тарки диёрни Ватан этдим.*

Партав эса ҳали ёш, шўро сиёсатининг ҳийла – найрангларини англайдиган даражада эмасди. У «шўроларга марду» бўлишдан



кўра, уларнинг сафида туриш, янги турмуш, айниқса, янги маданият равнақига ҳисса қўшишга иштиёқманд эди. Унингча, шўро муҳити одамларидан четлашиш, тарқоқликка бош қўшиш ва илм – мърифатдан маҳрум бўлишнинг айни ўзи ҳисобланарди:

*Эй гул, маданият сори тез айла хаёлинг,  
Тарқоқлик эли кашфи Афлотун эта билмас.*

Устозининг дилини оғритмай, қилган ишига норозилик билдиради – тарқоқлик илми Афлотунни кашф қилолмайди, деб жипслашишга чорлайди.

Девоний ҳам дил тубидаги ҳасрат ва андуҳини яширмайди:

*Девоний нетай эмди бало захрини ичмай,  
Май бирла ғамим чорасин афъюн эта билмас.*

Ўз навбатида Партав Жамшид давридагига монанд қурилиш, яратишлардан сўзлайди. Шуларга нисбат берилажак шодлик майдан бошқаси уни мамнун этолмаслигини айтади:

*Жам қурилиш жомини қил мўл–мўли мабрес,  
Бу журъадин ғайри мани мамнун эта билмас.*

Гап шундаки, фикр – қарашларида қанчалик фарқ бўлмасин, Партав устодига эҳтиромини сақлайди ва бир қадар худбинликка берилганини эътироф қилгандай дейди:

*Тил сақла адаб таркидин устодинга, Партав,  
Худбин сўзи зарбаси азбун эта билмас.*

Яъни, худбин сўзи зарбасини ҳеч нарса тотли – азбун эта билмас, дея куйинади у.

Барибир, Девоний қатагон қурбони бўлди. Инқилобга ихлос қўйган Партав ҳам бу ёвузликдан четда қолмади. Арзимас бир баҳона билан уни ҳам қамашган, қийнашган. Рўшнолик кўрмай у 1956 йили вафот этган. Қабри Янгиариқ тумани, Оқмачитдаги Гулхўжабува қабристонига. Аммо устози Комил Девонийнинг дафн этилган жойи маълум эмас.

Ушбу шеъринг мактубларнинг тарихи узун. Бундан ўттиз уч

йил муқаддам, яъни 1972 йилда, шаҳар шифохонасида мен билан ёнма – ён даволанаётган Райим Отажонов (Ориф) деган санъат ихлосманди, касби саядогар бўлсаям, озми – кўпми шеърлар ҳам машқ этиб турадиган, закий бир инсон ёддан шу иккита шеърни айтиб берган, мен ёзиб олгандим.

Яқинда қораламаларим орасидан анчайин ранги ўчган ўша кўчирма чиқиб қолди. Қарангки, ўша вақтда Комил Девонийни, Партавини кўрган, гурунг қилган одамлар ҳали ҳаёт эди. Турмуш гала – говурлари, умр тезравлиги, бугун сўрайман, эрта сўрайман деб, шаппотдай қорозга ёзиб олганим бошқа битикларим орасида қоришиб қолиб кетгани боис, ана – мана дегунча шунча йиллар ўтиб кетибди.

Мумтоз адабиётимизнинг бу икки забардаст шоири шеърларини ёд олган, кўшиқ қилиб айтганларга меҳринг ошиб кетади ва бадий сўзнинг боқийлигига яна бир қарра ишонгинг келади.

Ушбу шеърини мактубларни такрор ўқиб, оғиздан – оғизга кўчганиданми, мисралардаги аслият ёддан кўтарилганиданми Девонийнинг тўрт, Партавининг беш байтинигина айтиб берган эди, холос. Қолаверса, баъзи сатрларда андак ғализлик сезилдики, асл нусхасиз буни ҳам тузатиш қийин. Яқинларда Огаҳий номидаги жамғарма томонидан профессор Н.Қобулов нашрга тайёрлаган Партавининг «Созга кўчган сатрлар» китоби нашр қилинди. Унда Партавининг ушбу ғазали етти байт, бироқ сўзлари кўчирмадан айрича бўлсаям, уч байтида ўхшашлик бор.

Райим ака Отажоновдан ёзиб олган кўчирмамни адабиётшунос дўстим Иброҳим Ҳаққулга кўрсатдим. Шеърларни ўқидик. Айрим сўз ва иборалар устида мулоҳаза юритдик. Охири Девоний билан Партав мактубларини ёзиб олганимдай қолдиришни маъқул кўрдик.

Мана ўша кўчмирма:  
Девоний:

*Тақдирни ҳар толеъ вожгун эта билмас,  
Тун зулматин оқ чарх эса, собун эта билмас.*

*Идрок ила ман тарки гуёрни Ватан этгим,  
Хушёр бўлса бу шевани Мажнун эта билмас.*

*Жон барича эл ичиган чекма бошингни,*

*Хизматни ҳатто эр дема, хотун эта билмас.*

*Девоний нетай эмди бало захрини ичмай,  
Май бирла ғамим чорасин афъюн эта билмас.*

Партав:

*Хуш аҳлини гунё ғами гулхун эта билмас,  
Дин тарки хирад хайлини маъзун эта билмас.*

*Фардеки эмас гарёйи шўролага мардуғ,  
Муфлислар они гард била гархун эта билмас.*

*Жам қурилиш жомини қил мўл–мўли мабрес,  
Бу журъадин ғайри мани мамнун эта билмас.*

*Эй гул, маданият сори тез айла хаёлинг,  
Тарқоқлик эли кашфи Фалотун эта билмас.*

*Тил сақла адаб таркидин устодинга, Партав,  
Худбин сўзи зарбаси азбун эта билмас.*

### Қисмат

*Не янглиғ сабр этай, ҳажр ичра мен ёримни соғиндим,  
Юзи гул, сочи сунбул сарви рафторимни соғиндим.*

Шоирнинг ўн бармоғида ўн хунари бўлгани билан суйган еридан, тупроғи кўзларига тўтиё бўлган Хивасидан, илк муҳаббат тотини шимган Сангаридан айрилиқ уни эзар, дўстлар дийдорига ташна қилар эди. Яхшиям машҳур Матқарим ҳофиз Топқовузда унга бошпана берди, тўю – маъракаларга олиб борди, янги ташкил этилган ҳаваскорлар труппасига ошно этди.

У қўшқаноти, янги уйланган Назар маҳрам қизи Қурбонжонбикани Топқовузга олдирди. Лекин у пайтлар кўликида, (эшак, от, кема) асосан пойи – пиёда борилганидан Тошқовуз узоқ бўлиб кўринган бўлса ажаб эмас. Юрт соғинчи эр – хотин икковини бирдай беҳаловат қилиши боисидан Девоний ҳомиладор Қурбонжонбикани Хивага жўнатади ва 1932 йили ўгли Ҳамза она замин қўйнида дунёга келади.

Бу йиллар дарди, «балойи ҳажр»га мубталолиғ Девоний ижодида ҳам юксалиш, «Жаҳон қасрини пурхатар» кўрмоқ йиллари бўлди.

*Фигонким, аҳли даврондин муҳаббат орзу айлаб,  
Ки ҳар кимга вафо қилдим, баса ондин жафо кўрдим.*

*Очиб ҳасрат била кўзни томоша чоғи, Девоний,  
Жаҳон қасрин таажжуб пурхатар ваҳшат саро кўрдим.*

Бу янглиғ ҳасрат ила энди Топшовузда қололмасди. Яна дўстлар далдаси билан Хивага қайтади. Ўзбекистоннинг 10 йиллик байрамига атаб 1934 йилда «Ўзбекистон маркази», кўжам экишига боғлаб «Фасли баҳор эзур» (16 апрель, 1935), «Май байрами», Хивада чиқадиган «Инқилоб қуёши» газетасининг 15 йиллигига бағишлаб «Газет» ва бошқа шеърларини яратади.

Девоний ҳар вақт ҳам ўз ижодига содиқ қолган. Ҳатто байрамона шеърларидаям тағмаъноли, қочиримлар қилади:

*Тўйи ўн беш йилгадир, ўтди «Қуёши инқилоб»,  
Хоразмдан катта бир ному нишон этди газет.*

Ўтди «Қуёши инқилоб»нинг азобидан кўрқмасликдаги сўз ўйини шоирнинг бағоят усталиги, далерлигидан нишонадир. Яхшиям бахтига 1935 йили Марказий ташкилотда ишлайдиган Қурбон Берекин Хоразм адабий муҳити тарихини ёзиш учун уни Тошкентга оддиради.

Девоний бор маҳоратини, хотирот қувваи ҳофизасини ишга солиб, энди эмин — эркин ишлайман деганида қатағон отлиғ машъум арава ўзининг маҳобатли филдираклари билан миллат гуларини эзиб, шоирман деган зуккои замонарни янчиб кела бошлайди. У дардини газалларга, мухаммасларга тўкади.

*Ҳар жароҳат малҳамин, эл истар, аммо воқеан,  
Қон юрагимни кўринг жуз захми пайкон истамас.*

Ва яна:

*Жаҳон тўфон ўлибдур йиғламоқдин ашқи борингга,  
Тараҳхум айлабон фурқат аро афғону зорингга,  
Ажаб эрмас қуёш янглиғ етушса шоми торингга,  
Хароб ҳолингни, Девоний, раҳам то айла ёрингга,  
Жафоси не эса торшиб, уммид этгил вафосидин.*

Шоирнинг «вафодин этмиш умид»и сўниб, насибаси бу ёруғ дунёда тутаган кўринади, айрим шумоёқ ғаламислар ғийбатидан ҳибсга олинади ва «айб кўювчилар» Хоразмда бўлганлиги сабабли уни Урганч турмасига жўнатишади. У беайблигини далиллаган сари азоб турларини ишга солиб қийнайдилар. Шоир ўзидан ҳам кўра бошқа маҳбусларга нисбатан қилинган ваҳшийликларга, азоблашларига чидолмасдан, халқлар доҳийси Сталинга, турма жаллодларига қарши нафратини ёғдиради:

*Уринглар, ўлдиришлар бу пажмурда ишларни,  
Уриб нобуд қилди неча—неча йигитларни...*

— Дадангизни қачон ҳибсга олишган? — сўрайман Ҳамза акадан.  
— 1937 охирларида... Ина, 1937 йилнинг 25—Октябрида дадамдан олинган тилхат бор. Ҳамза ака «Тилхат»ни менга узатади. Ўқийман:

Тилхат

Берилди шу ҳақдаким, Исмоиловдан (Комил Девонийдан—К.А.) ёғочга ишлов берадиган 25 дона ҳар турли асбоб—ускуналар олинди. Йигирма беш. 25ФХ—37 й. омборчи имзо.

Демак, Тошкентдаги ҳунармандчилик корхонаси томонидан Комил Девонийга берилган ушбу ҳужжатга биноан, у 1937 йил охирларидаям ўзининг ўймакорлик ишлари билан машғул бўлган.

Ҳамза ака афсус билан эслайди:

— 1937 йили опам (аям) Йўлдош Охунбобоев қабулига боради, лекин у киши эрингизни хоразмликлар қаматган ёрдам беролмайман дейди.

Адолатсизлик қурбони Комил Девонийнинг саси келгандай бўлди:

*Қонга ботсин жисмим ишқ ўтига сўзон ўлмаса,*

*Кўр бўлсин кўз жамолига нигоҳбон ўлмаса,  
Тандин айрилсин бошим куйида қурбон ўлмаса,  
Барҳам ўлсин жоним ул ғам бирла тўфон ўлмаса,  
Ҳар бири тўфони ғами онда бу жон ўлмаса...*

Не хушҳолким, унинг ғазалларини тириклигида Хоразмнинг етук созандалари қандай муҳаббат билан айтган бўлсалар, бугун ҳам худди шундай – «Суворий»ю «Савти»ларда баравж куйланыпти.

Ўзининг истеъдоди, ҳунармандлиги билан аҳли зиёга маъқул бўлган Комил Девонийни шоирлар, созандалар, ҳунарманд усталар бирдай яхши кўрганларини хиваликлар то ҳануз ўзга бир меҳр билан айтиб юришади.

Фақат ҳозирги ҳофизларга андак хуш тилагимиз – ушбу мухаммаснинг юқоридаги биринчи банддаги «*Ҳар бири тўфони ғами онда бу жон ўлмаса*»мас, «*Ҳар бир ул тўфони ғам ҳам онда бу жон ўлмаса*» деб ҳамда охириги бандини бундай хатолиғ билан эмас:

*Шоми ҳижрон даштида табгири Девоний қилур,  
Ёр хатти холини тасвири Девоний қилур,  
Бевафолиғ шиквасин тақрири Девоний қилур,  
Ҳажр туммори бу нав тақрири Девоний қилур,  
Заъфарон ҳожат сиёи ранги сомон ўлмаса.*

Балки, Партавни шоир ўгли дафтарига ёзиб берган, мана бу тариқа тўғри ижро этсалар маъқул:

*Шоми ҳижрон даштида шабгир Девоний қилур,  
Бенаволиғ шиквасин тақрир Девоний қилур,  
Ёр хатту холини тасвир Девоний қилур,  
Ишқ тумморини хўш тақрир Девоний қилур,  
Заъфарон ҳожат сиёҳий ранги сомон ўлмаса.*

### **Бир ғазал шарофати**

XIX асрда адабиёт ва санъатга бўлган ихлос каттаю – кичикда бирдай юксак бўлганини, озми – кўпми гувоҳлигимизданми, инкор

этиб бўлмайди. Ва ажабким, адабиёт аҳлининг ҳам, санъат аҳлининг ҳам касбдошларига бўлган, айниқса устозларга бўлган эътиқоди ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Албатта, шахсга сиғиниш йиллари бундан мустасно, негаким, мафкуранинг ўзи барчани бир – бировга душман қилиб қўйган ҳамма замонадаям талантсизларнинг куни туғиши табиий. Барибир, гўзал шеърга, гўзал қўшиққа, бир сўз билан айтганда гўзал асарларга муҳаббатли одамлар ўта қалтис шароитларда ҳам эътиқодларига содиқ қоладилар. Шунданми, жонини хавф – хатарга қўйиб, «халқ душманлари» – нинг асарларини хонадонларида яшириб, эъзозлаб юрган одамлар номини эшитганда юракларимиз ғурурдан ҳалприқиб кетади, кўзларимизга ёш қалқийди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Отамахсум Партав 1951 йили устозининг «Қонға ботсин жисмим ишқ ўтига сўзон ўлмаса», дея бошланадиган мухаммасини унинг ўғли «Девонийча» тахаллуси билан шеърлар машқ этиб юрган Ҳамзанинг йўл – йўл чизиқли дафтарига ёддан ёзиб берган. Куни кеча бетлари саргайиб кетган ушбу дафтарда Партав домланинг элик тўрт йил муқаддам кириллда ёзган дастхатини кўриб қувониб кетдим. Ҳамза ака гапиряптилар, менинг кўз ўнгимда элик йил муқаддам кўрганим, Партав домланинг устоз мухаммасининг ҳар сатрини сиёҳли қаламда ёзаётганида нигоҳлари нурланиб, хушсуврат оқ юзларида ғазал завқи акс этади... Бундай қарасам, Ҳамза ака ёшланган кўзларини аста артаяптилар. Энди бирдан юрагим увишиб кетди. Магарам отаси Девоний отадан ўн уч ёшида етим қолган бўлса, Ҳамза беш ёшида отасидан айрилган. Кейин бир замон бир замонга ўхшамайди. Девоний амакиси қўлида очлик не, хўрлик не кўрмаган, Ҳамза эса пароканда бўлган оилада боқувчисиз она қўлида қолиши катта фожеа эди. «Халқ душмани»нинг ўғли бўлиб ўсиш, улғайишни кўз олдига келтирсангиз даҳшатдан этингиз жимирлаб кетади.

Комил Девонийнинг эгнига ташланган чакмон пўстиндан чиқиб турган ўнг қўлида папирос билан тушган сувратига қарайман. Унинг яқин дўсти Ўрта Осиёда кино санъатига асос солган, Хоразмнинг илкки фотографи Худойберган Девонов олган суврат. Комилжон аканинг бошида XIX асрда Хоразмда расм бўлган қора чўтирма, эгнида ўша давр зиёлилари киядиган камзул устидан,

қўзи терисидан ишланган чакмон пўстин ташланган. Ақлли кўзларида ўзига ишонч, дониш юзларида мулойимлик, суҳбатга мойиллик бирдан меҳрингизни кўзгайди, ажиб соғинч ҳиссиёти қалбингизни чулғайди. Худди ҳозиргина қай бир базмда ғазалхонликдан чиқиб, деяётгандай:

*Нағмасоз ўлғонда шўхангез Девоний сўзин,  
Аҳли мажлис тингласа, қайси ғазалхон тингламас.*

– Отам вазири Акбар Ислохўжа билан Москва, Петербургга борган сафарларининг бирида 1671 йилда ясалган скрипкани Хоразмга биринчи бўлиб олиб келади ва тиззасига қўйиб, миллий услубда чалишни жорий қилади.

Ҳамза аканинг бу ҳавасли сўзи мусиқамиз тарихига кирмиш ойдинлик эди. Биз камтарона ерга боқиб ўтирган солиҳ фарзандга меҳр билан боқдик.

Ёшлигидан машҳур бўлган ҳофиз Мадраҳим Шерозий Усмон Юсупов иштирок этган бир даврада «Салом, эй шамъи маҳфил матлаи анвор хуш келдинг», дея бошланувчи мухаммасни «Суворий»га солиб маромида ижро этгач, Усмон ака сўраган:

– Бу кимнинг сўзи?

– Шоир Отамахсум Партавники, – деб жавоб берган Усмон аканинг ашула сўзи билан қизиқиб қолганидан суюниб Шерозий.

– Истеъдоди балеанд шоир экан.

Усмон Юсуповнинг шу бир оғиз сўзида Партав тақдирига раҳнамолик истаги акс этган эди. Қарангки, кейинчалик қатагон қурбони бўлмиш Партавни юқоридаги ҳамда «Ётиб гори панода дийдаи элдин ниҳондурман», дея бошланувчи мухаммаси учун Усмон Юсупов уни ҳибсдан озод қилдириб, Янгийўл театрига адабий эмакдошлик вазифасига қўйдирган. Бу савоб ишда Ўзбекистоннинг машҳур ҳофизи Жўраҳон Султоновнинг ҳам хизматлари катта бўлган дейишади. Не бўлгандаям забардаст ҳофизлар суюкли шоирларини мавруди келди дегунча кўз – кўз қилишга, ён босишга рағбат сезганлар, бир – бирларига суянч бўлганларидан қувонганлар. Ўша куниям Усмон аканинг шеър устодига муҳаббати юксаклигидан руҳланган Шерозий «Савти суворий»га Девонийнинг ушбу матлаъ ила бошланувчи ғазалини



ўзга бир меҳр билан куйлайди:

*Чок этиб чиқдим сагаф кўксини, гавҳар бўлмадим,  
Ташналаб гарё аро кирдим, лаби тар бўлмадим...*

- Қўшиқ сеҳрига чўмиб кетган Усмон Юсуповнинг юзу – кўзларидаги ботиний зуҳурдан, ашуладан ажиб қониқиш олаётгани Шерозийни янада жўшиб ижро этишга илҳомлантиради. Қўшиқ тамом бўлгач, Усмон ака ҳофизни мақтаб, тагин сўз соҳибини сўрайди.

– Комилжон аканики, Комил Девонийники, – дейди Шерозий шошиб..

Шерозийнинг Комил эмас, Комилжон дея кўкси тўла меҳр билан айтиши Усмон ака қизиқишини янада баландлатди.

– Борми бу шоир?

– Йўқ, игво қурбони бўлди. «Дабсан»да («қатагон»да – ...деб айтибсан»да) кетди. 1938 йили Урганч турмасида вафот этган.

Ўртага ноқулай жимлик чўқди. Шерозий дуторини тиззасига қўйганча оғир хўрсинди.

– Кимлари бор? Ўғли борми? – дея сўрашда давом этди Усмон Юсупов жимликни бузиб..

– Ҳованг, бир ўғли бор, ўн ёшларида, оти Ҳамза. Ҳамза Ҳакимзода номига қўйилган. Девоний Ҳакимзода билан яхши эдилар. 1922 йилда Ҳакимзода Ҳивага келганида у кишининг боғчасида яшади. Ай, Девоний кўп шинаванда, дастурхонли, ўтиришмачи одам эди раҳматлик. Ёш кетди. Эликда эди. – Даврадагилар, айниқса Усмон ака иштиёқ билан қулоқ қўяётганидан Шерозий Девоний тўғрисида очилиброқ гурунг берди. – У киши фақат шоиргина эмас, амакиси Хударган муҳрқандан муҳр, нақш ўйиш, хаттотлик сирларини ҳамда Хоразм олти ярим мақомини тўлиқ ўрганган уста созада эди. Гижжакни сайратар эдилар. Танбур билан дуторни – ку сўзлатар эдилар, насини айтасиз.

– Шундай одамларни сақлай олмадик – да...

Усмон аканинг дил тубидан чиққан бу надомат даврнинг қабоҳатидан, маънавиятнинг залолатидан далолат эди. – Усмон ака Шерозийга қараб сўзида давом этган, – Девонийнинг шу ўғлини

Тошкентга, менинг ҳузуримга олиб боринг. Ўзимиз тарбия қиламз.

— Баракат топинг, илойим мингта киринг, мартабангиз бундан — да юқори бўлмай, — худди ўзига қилинаётган илтифотдан боши осмон бўлаётгандай Шерозий Усмон акага татъим қилганча кўп илтижо қилди ва каттанинг истагига яраша ашулани авжлантириб юбораверган...

Мен эшитганларимни хаёлимдан бир — бир ўтказиб, бетлари сарғайиб кетган дафтарини аста варақлаётган, суҳбатдошим Ҳамза акага қарайман.

— Яхшиям отамнинг шеърини Мадраҳим акам Шерозий Усмон Юсуповга айтиб берган экан, у кишининг меҳрлари тушиб, мени ўз тарбияларига олдилар. 1943 йилдан то 1956 йилгача Тошкентда, Усмон отамнинг дала ҳовлисида яшадим. — Ҳамза ака бирдан жонланиб кетди. — 1943 йили Шерозий ота мени олиб Тошкентга жўнадилар, ёнларида иккинчи ўғиллари Сайидназар ака ҳам бор эди. Амударёда пароход билан Чоржўйга бордик, кейин поездга миниб, аввал Янгийўлга, сўнг Тошкентга, Усмон отанинг Дўрмондаги дала ҳовлиларига бордик. Усмон ота бизни жуда яхши кутиб олдилар. Шерозий отам билан узоқ гурунглашиб ўтирдилар ва суҳбат охирида дача директори Мирзарайим Собировга бизни болалар русча ўқишади, сиз бу болани ўғил қилиб олинг дея мени унга топширдилар. Мирзарайим аканинг бир қизи, бир ўғли бор экан. Мен учинчи фарзанд бўлиб яшаб қолдим. Жуда бамаъни одамлар экан, бирор камчилик кўрмадим. Дўрмондаги Пушкин номли № 24 мактабни яхши баҳолар билан тамомладим. Тўқимачилик техникумининг қурилиш бўлимини тугаллаб, йўланма билан Қаршига бориб қурилишда ишладим. Опамни олдирдим, лекин опам хасталангач, 1958 йили Хивага келдик, уйландик. Ўлмасин олти ўғил, олти қизимиз бор. Мана сувратлари. Булар, — кўрсата бошлайди Ҳамза ака, — ўғиллар, булар келинлар. Мана булар қизларимиз кўёвлари билан. Худога шукур бари аҳил, иноқ яшашади.

Сал тин олгач, олти ўғил, олти қиз — ўн икки фарзандни дунёга келтирган аёлини Ҳамза ака ўзга бир меҳр билан ардоқлайди:

— Раънобиби Исфандиёр хоннинг 1916 йили туғилган Моҳпошшабика отлиғ қизидан бўлган, хоннинг невараси... — Ҳамза ака сал тин олиб, — аммам, Амина аммам, отам аҳволиётини, умуман оиламиз тарихини кўп билгувчи эдилар, раҳматлик, — дейдилар.

Сўнг, бирдан кўзлари нурланиб, – амакиларим ичида Юсуф амаким отамнинг содиқ шогирдлари бўлган, – дея уларни фахр ила тилга оладилар.

– Моҳпошшабика Исфандиёр хоннинг қайси хотинидан туғилган экан?

– Ўғилжонбика деган хотинидан.

– Моҳпошшабика қачон вафот этганлар?

– 1980 йили қайтиш бўдилар.

– Ўзингизни опангиз – чи?

– 1970 йили, етмиш ёшларида эдилар...

Гурунгни Усмон Юсупов шахсиятига бураман, негаким, санъатимиз энди ривожланиб келаётган вақтда мисли кўрилмаган қатагон миллатнинг асл фарзандларини йўқ қилди. Бу катта йўқотиш эди. Қатагон – давр ихтилофлари билан келган улкан офатни тўхтатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган. Ана шундай парокандаликни бошидан кечираётган ҳаётни яхшилаш, одамларни зарбдор меҳнат жабҳасига йўналтириш, омон қолган, қўлидан иш келадиган аҳли зиёни бошини силаш, маданиятни, маънавиятни юксалтириш энг долзарб вазифага айланган. Бу ишни удасидан чиққан раҳбар – Усмон Юсупов.

Республика раҳбарининг адабиёт, санъат учун бу қадар жон куйдириши, фидойилик билан зиё аҳлини қадрлаши, айниқса қатагон йилларининг очарчилик, усти юпунлик, хор – зорлик даврида кўз илғамас талотўмда омон қолган, нафақат маданият ривожига нафъи тегадиган каттаю – кичикнинг бошини силаши, балки Ҳамзага ўхшаган соҳиби талантларнинг етим қолган фарзандларини ҳам меҳрибонлик ила ғамхўрлик қилиши беқиёс улкан таҳсинга, алоҳида битикка лойиқ.

Билҳақ, наинки маданият ва маънавиятнинг, балки юксалишнинг бир соҳаси йўқки, Усмон Юсуповнинг номи билан боғлиқ бўлмаган. Ўша пайтда техникасиз, маблағсиз қирқ беш кунда Катта Фарғона канали қазувидан тортиб, Чоржўй – Қўнғирот темир йўлининг қурилишида уруш азобидан, айрилиқлардан толиқиб чиққан халқни зарбдор бунёдкорликка сафарбар қилиш, ёнма – ён туриб ишлаш ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди. Унинг учун эл манфаати, юрт равнақи ҳар недан улуғ бўлмоғи даркор.

Алишер Навоий номини улуғлаш, уни халққа яқинлаштириш учун Усмон отанинг қилган хизматлари беқиёсдир. Навоий таваллудининг 500 йиллигини Республикамизда кенг нишонлашга бутун мамлакат эътиборини қаратиши, шу муносабат билан дунё юзини кўрган Ойбекнинг «Навоий» романи, Уйғун билан Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасию яна қанча дostonу балладалар, қиссаю мақолалар, Москва ва Ленинграддан махсус олиму мутаржимларни таклиф этиб, рус тилига таржима қилинган шоҳ асарлар миллатимиз мулкига айланган. Фақат Иккинчи жаҳон урушининг бошланиб кетгани билан бу кенг кўламли иш кейинга сурилган.

Усмон Юсуповнинг ўзбек театри юксалишига бўлган муҳаббати алоҳида мавзу. Иккинчи жаҳон урушининг жаға – жағ вақтида Навоий номидаги серҳашам опера ва балет театри Тошкентнинг қоқ марказида (Дарвоқе, театрга кираверишдаги эшик нақшларини Комил Девонийнинг амакиси Худойберган муҳрканнинг ўғиллари Юсуф муҳркан, Хива залидаги ўймакорлик ишларини Собир Худайбергановлар ишлаган.) қурилиши, шунингдек, Бешоғоч майдонида Муқимий номидаги бетакрор ҳайбатли мусиқали драма театрининг барпо этилиши ҳам бу табаррук зот номи билан боғлиқ. У кишининг бу янглиғ қилган улкан ишларини, меҳрибонликларини, ғамхўрликларини ҳамиша ичкин бир ҳавас билан алқайдилар.

Биттагина мисол: Миллий театримиз забардаст актёри Шукур Бурҳоновга Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» драмасидаги Рустам монологини зални титратиб ижро этганида, унга «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилиши томошабинлар кўз ўнгида, Усмон аканинг саҳнага чиқиб, халқ олқишлари остида эълони билан берилганини театр мухлислари то ҳануз илиқ меҳр билан эслашади. Ҳали «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига эга бўлмаган ёшгина актёрни бу қадар юксакка кўтариш ўз самарасини берганига, Шукур Бурҳоновнинг номи дунёга ёйилганига тарих гувоҳ. Худди ёш шоир Иқбол Мирзонинг мустақиллигимиз байрами ўн уч йиллигида «Ўзбекистон халқ шоири» унвони билан мукофотланиши, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг узоқни кўзламиш шарофатига менгзайди. Шу

боисдан ҳам юртни, эли севадиган, Ватаннинг эртанги кунини нурафшон кўриш истагида қуйиб – ёниб яшайдиган шахсларгина бу янглиғ ботиний нурафшонликка – узоқни кўра билиш ҳислатига эга, абадийликка даҳлдордирлар...

– Мана, бутун 2005 йил, 4 декабр, Иноят ҳожи билан айттирган экансиз, хонадонингизда тузнамак бўлиш насиб этди, – дейман илиқ меҳр билан Ҳамза акага, – бирга келдик. Мана, Жуманазар ҳожи ота ҳам қўшилдилар. Раънобиби билан умрларинингиз узун бўлсин, қўша қаринглар, ўғил – қизларингизнинг, келин – кўёвларингизнинг, неvara – чевараларингизнинг бахту – тахтига суюниб яшаш сизларга ҳамиша муяссар бўлғай. Илоё, уйингиздан ҳечвақт бахт аримасин, омин.

Ушбу битикка шоирнинг тақдирида алоҳида ўрин тутган шарофатли ғазалига мухаммас боғлаш билан нуқта қўймоқни ният этдим. Фақат шоир девонида чоп этилган бу ғазалининг охириги байтидаги «Суд йўқ, Девонийё, гаҳ бўлдим, гаҳ бўлмадим» мисрасидаги «гаҳ» ё ноширлар, ё хаттотлар хатоси бўлса керак, тузатишга жазм этдим. «Суд йўқ, Девонийё, гар бўлдим гар бўлмадим», дейилса, тўғри бўлар, нега десангиз, мантиқан шоир «умр ўлди охир», энди мен бўлдим нимаю бўлмадим нима, фойда йўқ деяпти, қолаверса табиийки, ғазал қофияси шунини истаяпти.

## Девоний ғазалига мухаммас

*Гул бўлиб гулзор аро ўсдим муаттар бўлмадим,  
Оҳ уриб айтдим ғазал рифъати афсар бўлмадим,  
Неки корни хуш кўриб, устозга мангзар бўлмадим,  
Чок этиб чиқдим садаф кўксини, гавҳар бўлмадим.  
Ташналаб дарё аро кирдим лаби тар бўлмадим.*

*Ўтмайин деб шунчаки бечораи жон сонига,  
Оқил ул ҳар кимки бўлдим эртаю кеч ёнига,  
Бу умр мезони йўқми шарҳу Шарқ баёнига,  
Жаҳд этиб ғоятдин ортиққим талаб майдонига,  
Лашкари фикримга сар бердим сафдар бўлмадим.*

*Навжувонлиғда писангму айламахлик навҳасоз,  
Дил таманноси висол айшини сурмоқ сарфароз,  
Кўп навозиш хўрсатиб ёқди париваш сарвиноз,  
Нақди жоним шуълаи оташ аро қилди гудоз,  
Нухрай жонима заргар бўлдим зар бўлмадим.*

*Аҳли ишқ айтинг вафолиғму сабаб бўлмоққа шод,  
Унда не мен телбани қилмас севарим асло ёд,  
Ахтариб асрорини толмас кўнғил устаб нажот,  
Эл ҳама комига топди васлида айшу нишод,  
Манки, ғам захрин ичиб, сармаспти соғар бўлмадим.*

*Ишқига ёнди дилим, бўлдим фалак фасонаси,  
Не фалак фасонасиким, балки чарх афсонаси,  
Не дурур ор эл аро кулги, мазаҳ нишонаси,  
Неча йил бўлдим жунун гашти аро девонаси,  
Ҳамдами бир лаҳза ул шўхи ситамгар бўлмадим.*

*Дейдилар дийдор меҳр собитлиғига рустким,  
Мосуво бўлмай десанг, дўстдан ўтирма юзким,  
Тарки атвор қусридин йўқдир омонлиғ, баским,  
Орази оинасидин айрилиб афсуским,  
Тўтиш лол бўлдимү лекки суҳанвар бўлмадим.*

*Кони ғафлатда аёнмас хасталиғ, ё соғлиғим,  
Толеи йўлимни банд этмиш нагур суволиғим,  
Камчилиғимми ботинан сир, зоҳиран ясоғлиғим,  
Аҳли дониш мажлиси ичра кўрунғ расволиғим,  
Беҳунар бўлдим вале ҳаргиз ҳунарвар бўлмадим.*

*Толеим гун эрмаса, бўлғайми мавжи ишқ сароб,  
Неча қилдимким савол топмам бирига ваҳ, жавоб,  
Сели ғамдин кўзларимда оқди қонлар беҳисоб,  
Кишвари жонимниким Доро нафас этди хароб,  
Ман ани фатҳ айламакликда Скандар бўлмадим.*

*Ишқ орзусин этар гунё юзинда ҳар киши,  
Авжланар шайдолиғи кетса магар ақлу хуши,*

*Гаҳ лаванглиғ, гаҳ фириб этса кетар қўлдан иши,  
Ўйла саркашлиқ оён этди манга толе қуши,  
Бахт ила давлатга мансуру музаффар бўлмадим.*

*Субҳи содиқ кўнглима солганда хуш кайфу сафо,  
Дўст тутунганга илиндим, тутмайин ўзим ҳаво,  
Зарра янглиғ эътибор кўргизмади, ё раб, раво,  
Кимга—ким қилдим вафо, бас кўрдим андин минг жафо,  
Йўқ далилким чархи кажрудин муқаддар бўлмадим.*

*Англадим, Комил Аваз, бисёр экан дунёнда сир,  
Бўлма ҳайрон не ажаб олам ғаройиб кенг масир,  
Бари бўлди, ишқ аро дилда армон қолди бир,  
Бўлмайин дилдора улфат эмди умр ўлди охир,  
Суд йўқ, Девониё, гар бўлдимугар гар бўлмадим.*



## ҚАВИЙ ҚАЛБ ҚАЛОВИ

(Аваз Ўтар таваллудиянинг 120 йиллигига)

Устози Аҳмаджон Табибий хонадониди бўлиб ўтган Навоийхонлик Авазни ўзга бир тилсимли оламга олиб киргандай бўлди. Назарида у шу пайтгача қуюқ туман ичида юрган – у, чарақлаган бир нур туманни тарқатиб юборди. Энди унинг кўзига борлиқ ўзгача чиройда, тиниқ бир ҳолатда кўрингандай эди. У боғ оралаб борар экан устози Табибийнинг «Кимки ҳазрат Навоий асарларини тафсир ва таъвил қилсагина ўзини ижодкор дейиши мумкин» деганидаги ҳолати кўз олдига келди. Устознинг анчайин кўримсизроқ чеҳрасида ажиб бир нур порлаётгандай бўлади. Бу илм дунёсининг жилваси, шоир қалбининг жўшқин ҳисларидан пайдо бўлган ҳаётбахш тўлқини эди.

Устоз «Кўнгуллар ноласи зулфинг камандин ногаҳон кўргач, Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач» байтини шарҳлар экан, Авазнинг кўзи олдига дарахтга чирмашиб келаётган илон ва уни кўриб фарёд билан қичқираётган қушлар келди. Негадир қалби титраб кетди. Нега энди ҳазрат Навоий «зулфинг камандин ногаҳон кўргач,» чоғни кўрқинч бир ҳолат билан ифода қилади экан? Кейинги бир байтда ҳам «Кўнгуллар нақдини торож этарга ёлмоғинг бурқая, Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи карвон кўргач». Худди шундай. Лекин ҳеч ким бунинг сабабини устоздан сўрашга ботинмади. Аваз эса, байтларнинг бадитий юксак санъати жозибасига маҳлиё эди. Боғ оралаб юриб ўйлай бошлади. Демак, бу бир сирким, уни фақат таъвил қилиш билан аниқлаш мумкин.

Аваз шу ўйлар билан сарҳовуздан чиққан солма (арик) бўйига (лабига) келиб тўккалади. Енгларини чирмаб юз – қўлини ювди. Гир атрофини ҳайбатли гужумлар ўраб олгани боис юзига тангадай соя тушмайдиган сарҳовуз саҳнида енгил эпкиндан пайдо бўлган мавж диққатини тортди. Йўқ, мавжнинг пайдо бўлиши фақат эпкин туфайли эмас, ҳовузга оқиб тушаётган солма суви шиддати сабабли пайдо бўляпти. Ҳовуздан чиққан солма суви ҳам шу тезликда шиддираб оқмоқда. Назарида ҳовуз бир уммондай бўлиб кўринди. Агар сув кираётган солмани бекитиб қўйсалар, ҳовуз қуриб қолади. Ҳовуздан чиққан солмани бекитсалар, сув тошиб кетади. Шу оддийгина ҳолатда нақадар кенг маънолар бор – а.



Аваз Навоий газаллари мутолаасига шу даражада берилиб кетдики, ҳазрат ижодининг мезонини англай бошлади ва ўзи ҳам шу мезонга амал қиладиган бўлди. Лекин тақдир уни давр ва замон билан сийламаган эди. Атрофида бўлаётган воқеаларга гоҳида ақли чиқишмай қоларди. Олис Ҷрусидан келаётган хабарлар, Хивада сургунда юрган хорижликлар ва уларга ҳамфикр бўлган маҳаллий ёшлар, ҳатто Салим Охундек алломанинг фарзанди Бобо Охун, «Ёш хиваликлар» фирқасини тузган Полёз ҳожи, Шоликоров каби эл оғзига тушган кишиларнинг тарғиботлари уни чуқур ўйга толдирар, эзгу фикрларини тўзғитиб юборар эди. Шу аллозда «Хуррият», «Бечора халқ», «Фигонким», «Миллат», «Эйки, сизлар», «Миллатни айларсан хароб», «Йўқ бўлинг», «Мактаб» каби қатор шеърлар ёзди.

Аваз Хоразм инқилобидан бир аввал вафот этди. Аммо, Хоразм адабий муҳити ижодкорлари орасида Аваз ижоди инқилоб сиёсатининг гирдобиди қолди. Болшовойларнинг пешволари инқилоб аввалида «Биз ўзимизнинг инқилобни ривожлантириш билан эзилган оммага таъсир ўтказишга, эзилган омма ўртасида олиб бориладиган тарғиботни худди шундай ташкил қилмоқ керак», деган эдилар. Бу кўрсатманинг оқибати аён – тарғибот жараёнида ҳамма кучлар, барча услублар, ёлгон – ёшиқ тухматлар ҳам ишга солинди. Бу куч Аваз ижодининг бир томонини, исёнкорлик билан ёзилган шеърларини ўзига хос байроғи бўлиб қолди.

Шу маънода биз Аваз ижодини холислик билан ўрганишимиз зарур. Агар Аваз ижоди бўйича ўтказилган барча тадқиқотлар, асарлар, мақолаларни таҳлил қиладиган бўлсак, Аваз ғазалиёти бутунлай сояда қолиб кетганини, нохолис хулосалар, гоҳи зўрма – зўраки бўрттиришларни кўрамиз.

Оташнафас шоир, гўзал ғазаллар ижодкори Аваз Ўтар таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан ўртага ташланган фикр – мулоҳазалар анчайин тадқиқот ишларини олиб боришни тақоза этади. Шу боис бу ҳақдаги баъзи қарашларга муносабат билдиришни маъқул кўрдик.

Ҳасанмурод қори Лаффасий Аваз Ўтар тўғрисида «ҳар бир байти бир дарёи уммон бўлуб, илм ғаввослари ондин лаъл – жавоҳир, дурлар териб, ҳосил қилур эдилар», дейди. (Лаффасий «Тазкираи шуаро» 64 б.)

Айёмий – Юнус Юсупов «1908 йилдаёқ шоирнинг

(А.Ўтарнинг — К.А.) асарлари жамланиб, 2 та девон тартиб берилган», деб ёзади. (Аваз, Сайланма. Т. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 9 б.)

Билҳақ, ўзбек адабиётининг забардаст устунларидан бири бўлмиш Аваз Ўтар бор — йўғи ўттиз беш йил умр кўрди (1884 — 1919). Ана шу ўттиз беш ёшида ҳаёт завқини ҳам, беадад зулмини ҳам тортиди. Албатта, завқли кунлари ҳар газали дунё юзини кўрган, ёзганлари йигирма тўрт ёшида 2 девонда тартиб берилган унутилмас онларидир. Зулмли кунлари биринчи марта хон ҳукми ила 200 қамчи урилиб, «жинни»га чиқарилган ва ўлимидан икки йил аввал, иккинчи марта 150 қамчи еб, дунё кўзига тор кўринган вақтлари бўлди. Бу айтишга осон.

Лаффасий домла яна ёзадилар: «Дер эдики, (А.Ўтар) қай вақт бўлурки, Хоразм фуқаролари ушбу Хива хонлигининг зулм — ситамкор, жафокор, қонхўр вузаро — умароларининг темир чангалларидин халослиғ топиб, озодлик майдонида шодон яшаб юрарлар деб... Аммо бу воқеалар маҳфий агентлар орқали Феруз Муҳаммад Раҳимхонга эшитилиб, шул сабабли Авазни Феруз ҳузурига чақириб, икки юз қамчи урдургандин Аваз жинни бўлгандур деб, Авазнинг оёғига темир кишанлар солдириб, Хива диний машойихларининг ҳонақосига юбориладур.» (Лаффасий «Тазкираи шуаро» 64 б.)

Лаффасийнинг битигига қараганда, икки юз қамчи урилгандан кейин ҳонақоҳ «муддати қирқ кун бўлиб, қамчиликларнинг (қамчиларнинг демоқчи — К.А) заҳми баданларидин бир неча таъфинат топиб, кейин машойихнинг руҳсати билан Аваз қайтиб, Феруз Муҳаммад Раҳимхон хизматига келиб, аввалги мартабасида хизмат — да қилиб, Ферузнинг фармони билан Аваз таҳаллус қилиб, Ферузга қўшимча шеърлар машқ қилиб, турлик абёт — ҳажвлар ёзиб турадур.»

Айёмий домланинг Аваз сайланмасига ёзган сўзбошисида бу воқеа 1909 йилда деб кўрсатилади. Ажабланарлиси, бирови хон саройида «аввалги мартабасида хизматда», деса, иккинчиси: «Шоир хон зулмига қарши кайфиятдаги кишилар билан яқиндан алоқа қила бошлайди», деб ёзади. (Аваз, Сайланма. Т. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 7 б.) Бу янглиғ мубҳам қарашлар олимлар тадқиқотидан кейин ойдинлашса ажаб эмас.

Ушбу мақолада Аваз Ўтар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ

тафсилотларни ғалвирга солиб кўтармоқчи эмасмиз, фақат, айрим мулоҳазаларимизни сиз азиз ўқув—чилар билан фикрлашмоқчимиз. Ҳасанмурод қори Лаффасий тазкирасини 1946 йилларда ёзиб тугаллаган. У киши Аваз Ўтар билан замондош, боз устига адабиёт муҳиби сифатида кўрган — билганларини қорозга туширган бўлуви керак, бунга шубҳа қилиш балки ўринсиздир. Айёмий домлаям эскидан саводли, Хоразм адабий муҳити билимдони, Аваз Ўтар ҳаёти ижодини яхши ўрганган, у кишигаям эътирозимиз йўқ. Бироқ, Айёмий домла давр муҳитига мосланмаса, Ваҳоб Раҳмонов билан тайёрлаган шоир асарларининг сайланма нашри чоп этилмаслиги мумкин эди. Барибир домла сайланмага ёзган сўзбошисида шоирни анчайин демократлаштириб, унинг айнан эшону муллаларни, шайху уламоларни ҳажв этган шеърларини кўпроқ қаламга олади.

Хоразмда «читойи» деган гўзал ибора бор. Читойи дегани ўзига оро бериб юрадиган покраво, покдомон, озодаваш инсонларга нисбат бериб айтиладиган ўхшатма. Бундай одамлар кўнглига ўтирмаган, бефаросатроқ кимсалар билан бир тавоқда овқат ейишдан тортинадилар, биров билан саломлашгач, қўлларини қайта — дан ювмагунча нонга қўл узатмайдилар, тискинадилар. Бундай инсонлар устидан ошкора кулиш одобдан эмас. Шунинг учун ҳам ҳажвчилар ундайларнинг ҳамда айрим эшону муллаларнинг номини кўрсатмай, умумий тарзда шеърлар битадилар. Аваз Ўтар ҳам «Фалон» деган қатор шеърлар битган. Айёмий домла мазкур сайланма сўзбошисида унинг ушбу «Фалон»ини олади:

*Фалон аҳмоқки, бергуси ҳамиша ўзига оро,  
Ҳамоноким олиб олдиға бир кўзгу нисо осо.  
Ғубори йўлидин ўтар чоғиға гар тегса либосиға  
Ювар они зиёға бўлғуча собунни нархи то.  
Агар онинг ҳар асбобиға райрини қўли тегса,  
Ажабким, сўнгра они олмагуси илғиға асло.*

Ва домла изоҳлашда давом қиладилар: «Бу одам сарой созандаларидан Муҳаммад Ёқуб Позачидир. Шундай нақл қиладиларки, Муҳаммад Ёқубга тўсатдан жулдур кийимли бир одам йўлиқиб қолса, у дарҳол бу одамдан юз ўтириб турар ва у то

Ўтиб кетгунча қарамас экан. Шоир Матёқуб Позачи образи билан мешчан табақаларнинг мазлум халққа ҳақорат кўзи билан қараганликларини фош этади.» (Аваз сайланма.Т. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 14 б.)

Аввалам бор шоирнинг ушбу ҳажвиясида Матёқуб Позачи номига ишора йўқ, қолаверса, Аваз Ўтар саройдами, элатдами кимнидир такаббурлиги учун ёқтирмай қолган бўлиши мумкин, лекин читойи одамлар устидан бу қадар қаҳрли кулмаслиги ҳақ. Ундан кўра, Айёмий домла, нашрга тайёрлашда, сатрлардаги хаттотлар йўл қўйган хатоларга, ёхуд кириллга тўғри – нотўғри ўтирилганликка ўзлариям андак эътиборлироқ бўлмоқлари лозим эди. «Ғубори йўлигин ўтар чоғида гар тегса либосига Ювар они зиёда бўлғуча собунни нархи то» (?) Бу байтдан не илғаса бўлади? Ўша «аҳмоқ» чанглов йўлдан ўтганида либосига гард тегса, кўп ювиб, исроф қилавериб, совун танқислигини содир этганидан унинг нархи зиёда қимматлашига ишорами? Унда «Ғуборли йўлдан ўтар чоғида гард тегса либосига» бўлмоғи керак эмасми?

Қавий қалбнинг қалови – алангасида шоирнинг яна бир машҳур ғазали ҳақида сўз юритмоқ рағбати пайдо бўлди. Бу унинг «Тил» ғазалига мухаммас боғлаш асносида пайдо бўлди. Негадир андак юришмади ва ниҳоят, ғазалнинг мени қийнаётган ғализ байтини мозий адабиётимиз билимдони Абдулла Аҳмедовга кўрсатдим, эътирозимни айтдим.

*Ғайри тилини сайъ қилинг билгали ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар билонки ондин аёндур.*

Абдулла ака ўзига хос кулимсираб:

– Бу байтнинг иккинчи сатридаги сўзлар «билонки ондин» эмас, «паланги ондин» – плани, режаси ундан аён демоқчи шоир. Хоразмда мўлжалланган пахта режаси бажарилганда, пахта паланги бажарилди дейишади. Баъзи олимлар «паланг»ни – шер, йўлбарс деб изоҳламоқчи бўладилар. Ахир, бизда «п» билан «н» ҳарфи ўртасида «а» ишлатилади, – деди – да, сатрни тўғрилаб ўқиди, – «Ким илму ҳунарлар паланги ондин аёндур.» Сеҳрли овоз соҳиби, ҳофизимиз Комилжон Отаниёзов ушбу байтни тўғри тараннум этиб, қўшиқ яратган.

Бу мутлақо бошқа гап. Шундан кейин ушбу мухаммасни боғладим:

*Ваҳ–ваҳ бу замон тил билгана ганжифишондур,  
Саводи басар илми зиёсиз паришондур,  
Ҳар неки илм аввали илхосу ишондур,  
Ҳар тилни билув эмди бани огама жондур,  
Тил воситаи робитаи оламиёндур.*

*Кўрғайки неча ранжу хушолиғни бу бошлар,  
Фарзандки оқил ўзини юртига бағишлар,  
Боққай сиза ҳам зайли замон, эй, қалам қошлар,  
Ғайри тилни сайъ қилинг билгали ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар паланги ондин аёндур.*

*Йўқ малҳами дил тенгсиз сулув она тилидек,  
Бўлмаски сира дилроз қилув она тилидек,  
Олам аро йўқдур киши ўз тили якто, лек,  
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,  
Билмакни они ғайрат этинг фоида кондур.*

*Қилғай имтиҳон турфа замон ҳар бирингизни,  
Этай десангиз баҳри кушойиш дилингизни,  
Дастур этингиз Руму Фаранг, ё Англизни,  
Илму фан уйшга юборинглар болангизни,  
Онда ўқуғонлар бари яктойи замондур.*

*Комил Авазам кўп оқли тил билмай Аваздек,  
Тор ўлди илм сабоўи тил билмай Аваздек,  
Беҳаддурур иштибоҳи тил билмай Аваздек,  
Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,  
Тил билмаганидин они бағри тўла қон*



## БАҲРАМАНДИЛIF САОДАТИ

*(Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев  
таваллудининг юз йиллиги боис гулдан кечган ўйлар)*

Машҳур ҳофиз Ҳожихон ака Болтаев бир умр соз билан яшади. «Соз»нинг асл маъносини берадиган яхлит бир сўз топиш қийин. Балки, шу «Соз» сўзининг ўзи бутун бўйи — басти билан санъатга даҳлдор мутлоқ топилдиқдир. Дарҳақиқат, носозлик барча тириклик аъмолларини дарз кетишидан дарак беришининг ўзиёқ «соз»га қўйиладиган тошнинг оғроми нечоғ маҳобатли эканини кўрсатади.

Айтишларича, Жалолиддин Мангубердининг отаси давлат ишлари билан одамларни қабул қилишдан аввал соз чалиб, ўзини созлаб ва покланиб олар экан. Носозлик ила давлат ишига қўл уриш мумкин эмас деркан.

Соз — покланиш, соз — руҳият озуқаси. Созу сўзнинг бейик мартабаси, навонинг қалбларга нурдай оқиб кириши боис одамлар азалдан то абад мусиқага суяниб яшайдилар.

Не — не асрлар давомида яшаш тарзю тириклик ўлчовларининг пасту — баландликлари ўлароқ инсон юрагининг уриши ритмикаси асосида куйлар яралиб, оҳанглар ҳаволаниб, наволар жамландилар, абадият саҳнида мақом тутдилар — мақомлар яралди. Даврлар салосилида ушбул мақомлар одамларнинг кундалик эҳтиёжлари ила мукаммаллашиб, сайқаллашиб, миллат руҳини акс эттирувчи ажиб тилсимий қавийлик касб этди. Булар:

«РОСТ» — Ҳақ таолога ҳамд ,дуруд, наът, тавба; «БУЗРУК» — улуғлик, пайғомлик; «НАВО» — орзу, тилақлар, ошиқлик; «ДУҒОҲ» — шўхлик, тўй; «СЕҒОҲ» — ҳижрон, жудолик; «ИРОҚ» — алvido, тавба, тазарру; «ПАНЖҒОҲ» — илтижо;

Билҳақ, мақом ва макон тафаккури қадим — қадимдан олиму аҳли фузалони банд этиб келаётган сирли мўъжизадир. Бу тўғрида қанчадан — қанча китоблар, рисоалар битилганига тарих гувоҳ. Шунинг баробарида қай бир асрлар давомида мақомлар нечоғ ривожланиб, равнақ топиб, қай бир даврларда таназзулга юз тутганига ҳам тарих гувоҳ. Тарих яна бир нарсага гувоҳки, Хоразмга ҳукмронлик қилган хонларнинг аксарияти наинки созга муҳаббатли, балки моҳир созанда ҳам бўлганлар ва соз илми ривожига алоҳида эътибор берганлар. Хоразм олти ярим мақоми

Муҳаммад Раҳим I (1806–1825) замонидан кейинги етмиш–саксон йил давомида шеърят билан муштарак равишда юксалди. Бу вақтда машҳур танбурчи Ниёзжонхўжа, унинг шоғирлари Маҳдумжон қози, уста Муҳаммаджон сандиқчи, Абдусаттор маҳрам Хўжаш маҳрам ўғли, уста Худайберган этикчи, Паҳлавон Ниёз Мирзабоши – Комил Хоразмий ва бошқалар етишиб чиқдиким, уларнинг таъриф у тавсифи нафақат Хоразм, балки Турон заминига машҳур бўлади.

Академик Мамажон Раҳмонов ўзининг «Ўзбек театри тарихи» рисоласида ёзишича, «Қўқон хони Муҳаммад Умархон (1809–1822) сарой созандаларига мақом ўргатиш учун Хивадан Худойберган устодни олдирди. Кейинчалик хон бўлмиш Муҳаммад Алихон эса, Худойберди устоднинг маслаҳатига кўра Солиҳбек ва Мўминбекларни олдирди». М.Раҳманов «История узбекского театра», Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968 й., 44–45 бетлар.

Шунинг баробарида, юқорида қайд қилганимиздек, бу даврларда Хива хонларидан Оллоқулихон (1825–1842), Абдуллахон (1854) танбур ва гижжак чалишни, Сайид Муҳаммадхон (1855–1864) дутор ва гижжак чалишни билган, созандаю мусиқашунослар билан базму мажлислар қурган, Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз (1864–1910) дутор чалишда моҳир бўлган дейдилар. У саройга қирққа яқин шоир билан биргаликда ўн олти мақомчини йиғиб, мақомларга сайқал беришда, янги мусиқалар басталашда аҳли санъатга раҳнамолик қилади. Мусиқий меросимизни юксак даражада ижро қилиш билан авлодларга тўла – тўкис етказиб бериш учун унга мутасадди этиб белгиланган забардаст шоир, бастакор Комил Хоразмий бошчилигида «Хоразм танбур чизиги» нотаси яратилади.

Мусиқашунос Ботир Матёқубовнинг таъкидлашича, Ферузнинг Собир калот, Худак ота – Худойберган Қурбон ўғли, Бобо буломончи каби созандаларга берган сабоқлари, сарой созандаси Сайид Фазибой билан мақом чолғу йўли пардаси устида тортишиб, созандалар гувоҳлигида хон ҳақ бўлиб чиққанидан кейин Сайид Файзибойни Янгиариққа кўчириб юбориши ҳақидаги демишлар созандаларни тарбиялашда Муҳаммад Раҳимхон Соний ўта талабчан ҳамда мусиқа билимдони бўлганидан далолат беради. Ферузнинг мақомларга бўлган ихлосу эътиқоди ва куйинчалиги боис унинг тарихий Фармони дунёга келади: «Бизким, Хоразм

мамлакатининг олий ҳоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний қуйидаги Фармони Олийга имзо чеқдик. Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони Олийга шак келтирган ва мақомларни камситган ёинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!» *Муҳаммад Раҳимхон Соний, 1292 ҳижрий. Жумогул—аввал. (1882 й.)*

Алаҳбус, табаррук мақомларимиз ривожига кимлар ҳисса қўшмаган дейсиз. Мақомлар сони 12 та, шўъбаларининг сони 24 та бўлгани бутунги кунда олис хотиротдир. Муҳаммад Раҳимхон Соний ана шу 12 мақом қолдиқларидан олти ярим мақомни «Хоразм танбур чизифи»га муҳрлатгани, уни авайлаб асрашга нечоғ фидойилик ила бел боғламасин, ҳаёт пасти — балангликлари, замон зайли ўз ҳукмини ўтказиб бораверар экан. Бу Олий Фармондан 30—40 йил ўтиб—ўтмай, замон ўзгариши билан мақомларимиз унут бўла бошлаганига ҳам тарих гувоҳ.

Ушбу битигимиз инқилоб талотумида инқирозга юз тутган Хоразм олти ярим мақомига янгидан жон бахшида этган, умрининг охиригача эл ардоғида бўлган, мозий мусиқий маданиятимизни ҳозирги замон билан боғлашда беқиёс катта ҳисса қўшган, шу боисдан ҳам мустақиллигимизнинг 13 йиллиги муносабати билан ҳукуматимиз томонидан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган, бу йил таваллудининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган Ҳожихон Болтаевга бағишлангани сабаб, яқин тарих устида сўз юритамиз.

1925 йили Масковда Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ҳамда Муҳаммад Юсуф Девонзода (Чокар) томонидан «Хоразм мусиқий тарихчаси» чоп қилиниши мақомларимиз умрбоқийлигидан дарак эдиким, иккинчи жаҳон урушининг жаға—жағ вақтида Юнус Юсупов—Айёмий домланинг бу борадаги беқиёс сайъ—ҳаракатлари ҳар қандай таҳсинга лойиқ. 1943 йили вилоят эстрада театрининг директори бўлиб ишлаётган Айёмий домла театр ҳофизи Ҳожихон Болтаев орқали шу вақтда УПРАДИК (Амударё сув ҳавзаси) ишчиларига чой қайнатиб, кун кўриб юрган машҳур танбурчи Худойберган муҳрконнинг ўғли Матпано отани 1943 йили 14 феврал буйруғи билан театрга ишга олади, ҳар кунига 43 сўм маош белгиланади. Кунда концертда қатнашадиган артистларга 38 сўмдан маош тўланган бир вақтда Матпано отага кўрсатилган бу илтифот устозга бўлган, мақомларга бўлган улкан меҳрнинг инъикоси эди.



Урганчининг эски қалъасида жойлашган Маъсим эшон пирнинг мадрасасида истиқомат қилаётган Матпано отанинг мўъжаз ҳужрасидаги тинимсиз машқлар, ҳамкорликдаги ижодий изланишлар ўз самарасини берди. Халқ суйган Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Нурмамат Болтаев ва бошқа ёшу – катта созандаю гўяндалар, Аҳмадҷон Машариповга ўхшаган ёш санъат ихлосмандалари эрта – кеч устоз хизматида бўлдилар, камол топдилар, мақомлар ривожига кўп ҳисса қўшдилар.

Албатта, Ҳожихон ака бу даврда етилган, мақом созининг ўткир билимдони, машҳури замон ҳофиз – Полли дузчи билан у даврларнинг ашаддий қўшиқ мухлисларининг баҳсу мунозаралари сабаб 1925 йилларда Хивадаги Қаландархонада дийралишган, у кишининг оқ фотиҳасини олган, қирқ ёшлардаги забардаст ҳофиз бўлиши билан бирга Хоразм олти ярим мақомига қулоқ қонди бўлган устоз Матпано отанинг етакчилигида мозий мулкимизни тикланишида иштирок этиши катта бахт эди. Бирёнда Мадраҳим Шерозий, бирёнда Матёқуб доирачи, Жумак созчи, машҳур гижжакчи бўлиб етишган Олланазар Ҳасановнинг созга бахшида этмиш зийнатлари, Саъдулланинг чиройли усул беришлари ҳориб – чарчамасликка ундар, ширали овози билан ҳаммани ҳайратга солаётган Комилжон Отаниёзов, Назира Юсупова ва бошқа ёшларнинг мозий созига бўлган ихлосу эътиқоди, улар ижросидаги «Рост»у «Наво»лар, «Сегоҳ»у «Дугоҳ»лар, «Ироқ»у «Бузрук»лар миллатнинг ўлмас мулкига айланаётгани Ҳожихон акани беҳад севинтирар, ижодий парвозга илҳомлантирарди.

Ҳожихон ака ижросидаги «Сегоҳ суворийси» бошқа бир дунё эди. Унинг баравж фиғонида юраклар ёрилиб кетгудай дард, васлу восил ҳажридаги асирона соғинч, видоду вафога вобасталик уфуриб турадиким, одам боласи бу қадар волаи нола ила яшаб, яшнаб юрганига ақлинг бовар қилмай қолади. Ёпирай, ёпирай, «Она суворий»ни айтимидаги отларнинг дупуридан, олис, қадим қадриятлар қатламлари қаъридан сас берувчи аждодлар ҳазину гирёнидан нафасинг қайтиб кетади. Қўшиқ тамом бўлади. Денгиз юзи сокин тортиб, чархи дун тинчиб, масрур хаёллар оғушида бир лаҳза ором оласан. Мисралар қуйилиб келади:

*Ўйлар сархуш ҳаволанар оҳанглар тилсимиган,  
Бунча дилкаш оҳанг оқар совуқ торлар симиган.*

*Қандай чиқар бунча маҳзун нола оғам жисмидан,  
Бу қандайин ажаб созлар, бисёр сирли наволар,  
Ўзи дилга андуҳ солиб, ўзи яна даволар...*

Билҳақ, Хоразм мақомларидаги суворалардан ташқари халқ ўртасида машҳур бўлган «Она сувора», «Якпарда», «Хуш парда», «Чапандози», «Кажанг» суворалар, уларнинг савтилари Ҳожихон ака ижросида ўзга жило билан яшай бошлади ва шу боис янги «Сувора»чилар келди дунёга. Демак, Ҳожихон ака мактабининг қалдирғочлари – Қутлимурод Ҳажиев, Қувондиқ Искандаров, Сотим Авазов, Искандар Пирматов, Рўздат Жуманиёзов ва бошқалар шу боқий оҳанг туғини баланд кўтардилар, элга танилдилар, шогирдлар чиқардилар.

Ҳожихон аканинг қўшиқдан, создан, сўздан бошқа умри йўқ эди. Унинг борлиғи, вужуди саз эди. Саз билан саз яшади. Биз бир маҳаллада яшаганимиз, шеърга, сазга ихлосмандлигимиз, қолаверса эшон билан (биз Ҳожихон акани эшон дердик) падари бузрукворимизнинг дўстлиғи боис жуда тез – тез учрашиб тургувчи эдик. Ва ҳар сафар кейинги учрашув иштиёқида яшардик. Бунинг албатта, бош сабаби, ғазал тафсири, ҳикояту нақллар ширасининг бағоят ёқимли – лигидан эди. Даврамиз ҳам катта бўлмасди. Дадам, Ҳожихон ака, укалари Нурмамат ака, Сиддиқ маҳсум, Абдуқодир ака (Маҳбубий домла) ва камина. Адо бўлмас суҳбатларимиз силсиласида, бот – бот, юракни ҳаприқтирувчи, куй, қўшиқ янграб турарди. Айниқса қорли, совуқли қиш кунлари чалов еб дунёни бир бўйлар эдик. Сув солмай узоқ қайнаб дамланган паловга чалов дейилишини хоразмликлар яхши билишади. Сиддиқ маҳсум пиширган чаловни емабсиз, дунёга келмабсиз. Икки кило Зири шайтоннинг (Зирҳи шаҳидон қишлоғининг) куйруқи қайтган кичкина сершира гашири (сабзиси), беш кило Пишканикнинг (Хива яқинидаги қишлоқ) аноридай сувли пиёзи, ярим кило юлук (илик), бир чимдим сариеғ, икки кило «етмиш бешлик» юрт гуручи ва зираворлар солиб тўрт ўмча (тараша) ташлаб, паст оловда тўрт соат гашир – пиёзи билқиллайди, тўрт соат шу гашир – пиёзнинг сувида, қирқ қизил мурчининг сувида ювилган гуруч билқиллайди. Ундан кейин ярим соат дамга қўяди. Маҳсум ака қозоннинг дувоқини очганда ўтирган ҳужрамиз саккиз соатда хил – хил бўлиб кетган чаловнинг ҳидидан ажиб бир музайялик касб этади. Тавоқ

ўртага қўйилганда дадам ўзининг машҳур гапини айтадилар:

– Ҳар бурунч (гуруч) солмага (арикқа) қўядўғин пояпил, (пояпул – оёқ йўли) пояпил, лекин, поҳ – поҳ, Маҳсум эшон, баракат топинг.

Бу юқорида айтганимдай қишнинг якшанба кунлари бўладиган мақдури маҳфилимизда эртадан то қош қорайгунча суҳбату соз кўнгиллариимизни хушнуд қилади. Хон замонидаги қулоқ эпитмаган тарихлар, теша тегмаган ичак узди ҳангомалар, дилтортар гурунглар алмашиб туради. Кўпроқ Маҳсум ака гурунг бергувчи эдилар. Ҳожихон акаям ҳикоятга кўпроқ ихлосмандлигидан у кишининг гурунгларини хуш кўрардилар.

– Ҳикоя қилишларича, – деб бошладилар бир сафар Маҳсум ака, – Ажам шоҳларида шундай бир расм бўлган экан. Меҳржон, биласизлар, бу мева – мастон пишгандаги байрам ва Наврўз кунларида подшоҳ раиятни қабул қилар ва ҳеч ким уларга монетлик билдирмас экан. Подшоҳ жар солдириб фармон бераркан: «Кимда – ким ҳожатмандларнинг йўлини тўсса, подшоҳ унинг қонини тўкади!» Шундай қилиб, подшоҳ одамлар арзини эшитар, агарда бирор аризада подшоҳ устидан шикоят бўлса, у қозилар иштирокида тахтидан тушиб, тиз чўкиб деркан:

– Аввало, шу кишининг мен билан боғлиқ арзини ҳеч нарсага эътибор бермай, оғишмай ҳал эт. Оллоҳ таоло олдида подшоҳларнинг гуноҳларидан кўра каттароқ гуноҳ йўқ. Уларнинг ҳақ ишлари Яратганнинг неъматларини қадрлаб, раиятни адолат билан ҳимоя этиб, ситам қилувчилар қўлларини қисқартиришдан иборатдир. Агар подшоҳнинг ўзи ситамкор бўлса, Худони эсдан чиқарувчи, унинг неъматларига куфр етказувчи бўлади, қиёматда жавоби оғирдир. Эй Худо қозиси, менинг сўзларимга аҳамият қил, чунки Худои таоло мендан нимани сўраса, мен ҳам сендан шуни сўрайман ва бўйнингга қўяман. Шундан кейин қози жабрланувчи билан подшоҳ ўртасига тушиб, рақиб ҳақ бўлса, унинг жавобини бераркан, бирор киши подшоҳга ёлғон айб қўйган бўлсаю далили бўлмаса, қаттиқ жазолар экан. Шундан сўнг подшоҳ тахтига ўтириб, тожини бошига кийиб, арз тинглашни давом эттираркан ва барча аъёнларидан ҳам бирор кишига ситам етмаслигини, мабодо жабр етган бўлса, бориб хурсанд этишларини талаб қиларкан.

– Охиратини ўйлаган, Худодан кўрққан банда бировга жабр

қилишдан кўрқади. — дедилар дадам Маҳсум ака гурунгига фатво босгандай, сўнг ўзига хос мулоим қараш қилдилар ва сал қаддини тиклаб ўтирдилар — да, сокинлик ила давом этдилар. — Айтганингиздай подшоҳлар гуноҳи беҳад улкан, негаким улар Худонинг назари тушган, бутун бошли бир давлатни инон — ихтиёрига топшириб қўйган, ишонган одамларидир. Лекин уларга ҳамиша оқил, ҳалол, покдил вазир, донишманд маҳрам керак, акс ҳолда ишининг ривожи суст, халқнинг аҳволи ночор бўлғай. Шу маънода дейдиларки, бир подшо яқин маҳрамадан менга бир жўяли маслаҳат бер деб сўрайди. Ҳалиги маҳрам, майли, бир нарса сўрасам жавобини тўғри берасизми, дейди. Бераман, дейди подшо. Айтнинг — чи, сийму — зарни яхши кўрасизми ё рақибни? Сийму — зарни, дейди подшо. Унда буниси ничик бўлди, дейди маҳрам, сиз яхши кўрган нарсангизни бу ерда қолдириб, нариги дунёга ёмон кўрганларингизни олиб кетасизми? Подшо маҳрамага хушнудлик билан боқиб, менга жуда яхши панд — насиҳат бердинг, мени гафлат уйқусидан уйғотдинг, дейди.

— Шунинг учун ҳам ота — боболар шоҳга яқин доно доно эмас, донога яқин шоҳ шоҳдир, деб жуда топиб айтганлар...

Маҳбубий домла сўзларини тамом этиб — этмай, Ҳожихон ака ўзининг тийнатиغا зид, безътибор бир алфозда:

— Офият жонимга етти... — деди ва доимий одатига кўра бошини куйи осилтирди.

Нурмамат ака оғасига ялт этиб қаради, негаки оғасини дугорсиз, торсиз бирор ғазал сўзини овоз чиқариб, яна қандайдир бир ички хазинлик билан айтганини эшитган эмас. Унинг устига бу гурунгларга алоқаси йўқдай кўринди:

— Айтжаҳмисиз? — дея, дугорига имзанди Нурмамат ака.

— Новвини? — уйқудан уйғонгандай сергакланиб, уқасининг саволига савол билан жавоб берди Ҳожихон ака.

— Офият жонимга етти, дадингиз — қу.

— Ҳа — а, ҳовва... — деди чўзиб, кўшиққа рағбати йўқлигини ошкоралаб.

Нурмамат ака бир нарса тушундингизларми дегандай аввал Маҳсум акага, сўнг Маҳбубий домлага, дадамга ва менга ҳайратомуз қаради.

— Тўғри, — деди, Маҳбубий домла, ноқулай жимликни бузиб.

— Новвиси тўғри? — сўради, бошини анойи қийшатириб Маҳсум ака домладан.

– Офиятни жонга етиши.

Буларнинг сўз тагида сўз қўйиб қилаётган баҳсларидан баттар ҳайронлаган Нурмамат ака менга «Офият нима, нега у тўғри?», дегандай кулимсираб нигоҳ ташлади. Мен «Офият»нинг нималигини тушунсам ҳам, уларнинг ойдинлашуви мумкин бўлган мусохабасига ҳалақит бермадим, аксинча, андак анқовлангандай Маҳбубий домлага «тушунтирсангиз бўларди», деган маънода қуш қараш қилдим. Бу янглиғ қарашимда рағбатингиз бўлмаса, майли, жавоб бермасангиз ҳам ўзингиз биласиз деган маънони уқиш мумкин эди. Барибир, нечундир бу янглиғ пардали сўзлардан мен ҳам четда қолмай дедимми, балки суҳбатни янада чуқурлаштириш иштиёқи устун келди:

– Испан шоири Гарсия Лорка, – дедим – да, андак тин олдим. Биринчидан айтмоқчи бўлган гапим сал қалтис, иккинчидан, баҳсбоб. Шунинг учун нигоҳимни тинглаб, жавоб бермайдиган Ҳожихон акага қаратдим. – Испан шоири Гарсия Лорка, – дея такрор, мақсадини айтдим, – бир шеърда «Кўксимга тиг ур, нур кирсин», дейди.

– Поҳ, сўзлашиб ҳазатдик – дон, – деди Нурмамат ака баттар ҳайронланиб ва менга оғир ботмайдиган алфозда, – Нердаги теша тегмаган гапларни топасиз, – дея қўшиб қўйди.

– Зўр айтган экан, – кўзлари нурланиб кетди Маҳбубий домланинг, – ахир офиятнинг зиллигидан бунинг бариси, бедардлик касофатидан одам тўзади, инсонийлик қиёфасини йўқота бошлайди. – Ўртага хушмавзун сокинлик чўқди. Домла ҳа деганда сўзини давом эттиравермадилар. Бироқ бизда у кишини шошиштириш рағбати йўқ эди. Тизгинни бўш тутганимиз у кишининг фикрларини жамлашида эмас, балки бизни чуқурроқ ўйлашимизга имкон яратмоқда эдилар. Сўвиш, (севги) яхши кўриш – дард, лекин улкан дард эмас ҳали, негаким бу маҳаббат эмас. – Ажабким, бу давра «муҳаббат» демайди, ҳаминша «маҳаббат» дейди. Нурмамат акага юзланиб, хазин овозда давом этди домла, – Сўвиш, яхши кўриш, ёқтириш дарди бўлгани билан бир томонлама бўлаверади. Ман сўваман, лекин Худойим мани сўвмаслиги мумкин. Уни сўвдиришим учун риёзат чекишим, ёқишим керак! Сўвмаса, изтироб чекишим керак. Мен ўзимни сўвдирилсам ана унда бизнинг сўвгимиз Маҳаббатга айланади. Ана энди маҳаббат наалиннан (ниҳолидан) ишқ, вафо, садоқат, эътиқод, иймон

шоҳлари ўсиб чиқмақа қарийди, кўркем дарахтга айланади. Дарахт жонли мавжудот бўлганидан кейин, шамолу дуваланг, ёмғиру қор, айниқса мевага кирганидан кейин отилмиш тошлар дардига мубтало бўлиши табиий ва энди у курашмаса бўлмиydi, мен уни асрашим, эъзозлашим керак. У энди яшамоғи керакми? Керак. Энди уни лоқайдлик, бепарқлик нобуд қилади. Офият, осойишталик энди уни маҳв этади. Яшамоққа интилиш билан Маҳаббат ҳосили дилу жонни масрури маъво, кўнгулларни хушнуд қилади...

Ўртада пашша учса билинадиган ажиб бир хушқол жимликдан, роҳатбахш закий қавлдан ҳужра равшанлашиб кетгандай бўлди. Ҳожихон ака аста рубобини олиб созламакка қарайверди. Нурмамат ака ҳамишаги дилтортар табассуми билан дуторини олди. Ака – ука иккови салдом билан «Рок» ни бошладилар ва авжида «Офият»га алоҳида ургу бердилар:

*Офият жонимга етти, эй хушомуғким, мени  
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа...*

*Ва ажиб бир хушнаволиғ ила қўшиққа нуқта қўйдилар:*

*Даҳр шўҳига, Навоий, сайғ бўлма, нечаким  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.*

Ҳофизлар дастурларига зид, балки, суҳбат давомини кумсашдим, бошқа қўшиққа ўтмадилар.

– Поҳ, лекин, Навоий ҳам айтган экан – ов.

Дадамнинг бу янглиғ мадҳгустарлиғига Маҳбубий домла ўзга гапга ўрин қолдирмай:

– Навоийдек улуғ шоир унгача ҳам, ундан кейин ҳам бўлмаган ер юзинда деб, домулламиз айтар эдилар. Самандарбой, – дея, ичкин бир соғинч ила қўшиб қўйдилар. – Кўп саводли одам эдилар раҳматли.

– Мавлоно Давлатшоҳ ҳамманинг юрагидагини топиб айтганда бу тўғрида:

*Ломакондин то зуҳр ўлғунча ул зоти комил,  
Бас, замонлар айланиб, келгайдур ўзга замон.*

— Дуруст айтдингиз, Комилжон, — деди Нурмамат ака менга юзланиб, — яқинда бир ўтиришда эшитдим, қайси бир профессор ҳам Навоийнинг бир байтини беш дарсинда шарҳлаб, тамомлаган эмиш.

— Уни тамомлаб бўлмийди Нурмамат, — деди Маъсум ака куйинчаклик билан, — Навоийнинг ҳар бир сўзини ҳар ким ўзича талқин этаверади ва тўғриям бўлаверади. Ҳамма тилсим ана шунда.

Бундай баҳсу мунозараларда созу сўзнинг қадри нечоғлик улуғлигини неча бор туйганман ва бу улуғларнинг қувваи ҳофизаларига, бир — бировларига бўлган ихлосу эътиқодларига иймон келтирганман, мозий билан мени имкониятлари борича яқинлаштирганларидан бир умр тақдиримдан, дадамдан, уларнинг дўстларидан миннатдорман ва Ҳожихон, Нурмамат акалардай, Муҳаммаджон ака Боғибековдай сеҳрли, жозибали овоз соҳиблари чиқмиш Хонқанинг табаррук тупроғига менинг ҳам жиндай (она томон уруғимиз Хонқанинг Томадурғодик қишлоғидан) азиз эналарим, боболарим ўтган шу муқаддас заминга дахлдорлигимдан бу ўлмас гўяндаларга ҳамиша ўзимни яқин олдим, суҳбатларидан баҳраманд бўлдим.

Хонқада то бугун Ҳожихон акадай забардаст, ширали овозлар чиқаётгани (Жуманиёз Жуманиёзов, Комилжон Бобожонов ва бошқалар) баробарида, уни мириқиб, жон фидо қилиб эшитадиган, сўзу соз сеҳридан лаззат топадиган қўшиқ шайдолариям беҳисоб. Қайси бир тўйда Ҳожихон ака Амирий сўзи билан «Якларда сувора»ни ижро эта ётиб «На хушдур...», деб бошланувчи бешликни ташлаб, «Жафо расмини...», дея авжлантирмоқчи бўлганида, Хўжа дамирчи (темирчи) ўрнидан туриб:

— Тўхтанг, эшон! Нега «На хушдур»ни ташлаб кетдингиз, — деб иккала қўлини кўтарган.

Ҳожихон ака:

— Сиз айтинг деб ташлаб эдим, — дея, устага «Сувора» паузасини чалган.

Худди шундай бўлиши керакдай, уста баланд ширали овозида ушбу олти қаторни куйлаган:

*На хушдур васларо ком истасам ширин дудоғингдин,  
Лабингдин лаъл қиммат томдию гавҳар қулоғингдин,  
Ниёзу ноз аро фарқ ўлмади бошу аёғингдин,*

*Висолингни тилаб оворалар бўлдим сўроғингдин,  
Азизим, қиблагоҳим, хўблуқ мисрида султоним,  
Дилу жоним сенга қурбон—қурбону дилу жоним.*


Ана шундан кейин Ҳожихон аканинг ҳам муроди ҳосил бўлиб, бир мийиғида кулганча «Якпарда»ни авжлатиб юбораверган:

*Жафо расмини бунёд айлаган бераҳм ёримсан...*

Ана шундай. Қўшиқ тинглаш санъатидаги ўта нозикликданми, айтилаётган сўзнинг мағизини теран чақиб тинглашлиқданми, хуллас, хонқаликларнинг хонандага баҳо бериш мезони, айниқса Ҳожихон акага қиёслаб баҳо бериш ўлчами бошқа бир дунё. Балки, шу боис кўп бир таниқли санъаткорларни Хонқа тўйларига боролмай дунёдан ўтганларини ҳам эшитганмиз. Бу энди яқин тарих.

Шу куллардаям вилоят Ҳокими Ислоҳ Бобоҷоновнинг даъвати ила Ҳожихон ака номи билан аталувчи боғ, жаҳон андозаларига мос қурилаётган уй музейининг яратилиши, шу ерда 600 ўринли амфитеатр қурилиши, мақомчилар дастаси тузилиши тарих саҳифаларидан ўчмас воқеадир. Созу сўз мулкини улуғлаб наволиғ топган беназир ҳофиз овози уни умурзоқ этгувсидир то борким дунё. Шундай ўтлиғ нафас соҳиби наволаридан баҳрамандлиғ саодатидан табиийки, сатрлар қуйилиб келаверади:

*Ҳожихон бир мулким, олтин хазина,  
Хоразм созининг якпардаси у.  
Баҳри талҳин аро кўркам сафина,  
Басе, қўшиқ аҳли саркардаси у...*





## УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

Аллома шоир Омон Матжон тўғрисида дил сўзларимни битмоқ учун қўлимга қалам олдимۇ дафъатан Пушкиннинг дўстларига ёзган хатларини ва Пушкин ҳақида замондошларининг ёзишмаларини хаёлимдан ўтказдим. Негаким, Пушкин Дельвиг, Кюхельбекер, Вяземский, Вяземская, Жуковский, Чаадаев ва бошқа қатор дўстлари билан жуда тез – тез учрашиб тургани асносида, содда бўлиши билан бирга ўша замон адабий муҳитини, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий соҳаларини акс эттирувчи маънан кучли хатлар битган, худди шундай баҳувват хатлар олган. «Дельвиг, Дельвиг! Менга ҳам насрда, ҳам назмда ёз; ниҳоят сенда камчил бўлган тил аниқлигига етишдинг, маъқуллаيمان ва табриклайман...» Кюхельбекерга: «Ҳавлиқишни истамайди илҳом париси, гўзаллик ҳам маҳобатли бўлмоғи лозим, лек ёшликнинг маслаҳати айёрона, ва қувонтирар орзулар ҳам шовқинли...»

Илоҳий неъмат аталмиш шеърятга, дўстликка чанқоқ 20 – 21 ёшли йигит – қизларнинг бу қадар ўтлиғ сатрлар битиб, романтик хатлар ёзиши ҳар бир авлод учун ҳам ҳайратли, ҳам ибратли, негаким бадий баркамол ёзишмаларда улар ўзларининг борлиқ ботиний кечинмаларини эҳтирос ила баён қилишлари асносида ўрталаридаги самимий меҳру – муҳаббатни, озгина айрилиққа тушган онларидаги соғинчларини – да, ҳаётнинг майда – чуйда, икир – чикирларигача эътибордан қолдирмай, самимий изҳор этадилар. Худди, Алишер Навоийнинг «Юзида терни кўриб ўлсам эй, рафиқ мени, гулоб ила ювгилу гул баргидан кафан қилғил», деган машҳур байтларини уқиб олганларидай, хатлардаги жўшқин тезоблиғ туйғулар, бир – бирларига интилганларидан терлаб кетиш даражасида шошганликларини кўриш одамнинг янада ҳавасини келтиради.

Хатлардаги йўл – йўлакай ёзилгандай, лекин бадий юксак, пухта битилган шеърларни айтасизми, замону заминга бўлган юксак пафосли қанотли фикрларнинг не қадар беғуборлигини, бадийят хусусидаги қайғуришларни айтасизми, ўзларининг оташнафас туйғуларига ўша вақтдаги катта устозларни баҳсларига

тортишларини айтасизми, хуллас, адабиёт аталмиш беҳудуд уммонда катта – кичик кемаларда сузаётган биз эллик – олтимиш ёшлилар ҳайратини, ҳавасини уйғотадиган бу услуб негадир бизни четлаб ўтди. Нафақат Пушкин ёзишмалари, балки у ҳақдаги дўстларининг (Жуковский Пушкиннинг улуғлиги ҳақида Вяземскийга, Тургеневга дилидагиларини тўкиб ёзади ва бошқалар) бир минг беш юз саҳифага яқин хатлари катта икки жилдли тарих бугун.

Эҳтимол андак зиёдроқ ташвиш қилаётиргандирман, чунким, бизга бир умр армон бўлиб қоладиган бу услубга таскинимиз ҳам йўқ эмас. Устозлар томонидан IХасрнинг охирлари, XX асрнинг ўрталаригача битилган бебаҳо тазкираларда (Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш – шуаро», Жомийнинг «Нафаъхотул унс», Навоийнинг «Ҳолоти Сайид Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Муншаот»и, Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро» ва ҳоказолар баробарида қисман ҳозирларда битилаётган Саид Аҳмад аканинг устоз Ғафур Ғулом тўғрисидаги, Ойбек аканинг замондошлари хотиралари ва ҳоказолар) адабиётимиз тарихи, шоиру ёзувчиларимизнинг турмуш тарзи, ижоди, бир сўз билан айтганда нафаслари уфуриб туради.

Шу боисдан «Мен Омон Матжонни танийман», рисоласига мусаввада битаётиб, андак ўйга толдим, чунким Омонбой билан танишганимга не замонлар бўлибди – ю, лекин то шу кунга қадар (бир икки ёзишган хатларимизни эътиборга олмаганда) қарийб ҳеч нарса рақам этилмаган, фақат суҳбат, суҳбат, суҳбат...

Бу янглиғ фикрларимни ҳар гал Тошкентга борганимда Омонбойга, бошқа шоир, адабиётшунос дўстларимга айтаман. Улар ҳам худди мендай афсусланишади, барибир ёзишмайди. Иброҳим Ҳаққул Шукур Холмирзаев билан суҳбатларини магнит тасмасига муҳрлаб, ёзмоқчи (қани эди амалга оширса), бироқ уям фақат ёзмоқчи, аммо қачон? Насиб этса, ушбу ёзаётганим тилагимнинг дебочаси бўлмай, негаким мен Омон Матжон ҳаёти ва ижоди тўғрисида ёзсам, бир китобга сифмас.

Омонбой жаҳон адабиётини яхши биладиган жуда ақлли шоир, унинг ўйчан нигоҳларидан шеър ёғилиб туради. Қайси

мавзуда бўлмасин, теша тегмаган фикрлар айтади. Унинг баъзида кўриниши алдамчи, аслида ўзи серзавқ, эҳтироси баланд шоир. Сара суҳбатдош, лекин ҳаммавақт ҳам очилишиб сўзлашавермайди. Шунинг учун ҳам унинг «Гапиришадиган вақтлар»и бежиз дунёга келмаган. Дўсту ошнолик танлашда ҳар кимнинг ўз фикри бор. Омонбойнинг фикри файласуфона, дурбийин:

*Ҳар киши бир умрга етгулик гўст танласин,  
Бирга маҳшарга қадар кетгулик гўст танласин,  
Тангрисиз қолса таваф этгулик гўст танласин,  
Дўсти йўққа йўқ илинж яқин—йироқ ичинга,  
Мулки борлиқ бўлса ҳам гарчи қучоқ ичинга.*

У ўзининг «Очиқ деразалар»идан «Ёнаётган дарахтлар»да «Ярадор чақмоқ»ни кўради ва «Чарли Чаплинни эслаб», шеърда уҳ тортади:

*Дўстлар,  
Талаш—тортиш гунё бу гунё,  
Давра тарқашидир гулхан совуши.*

Унинг ҳамма битикларида, у ҳазилми, жиддийми, сиёсий шеърми, барибир ҳаётий ҳикмат ётади. Юқоридаги Чарли Чаплинни эслабгина унинг шляпаси кимгаю ҳассаси кимга тегаркан баҳонасида дунёнинг ишлари талашу—тортиш эканлигини шундоққина кўз оддингизга келтириб қўяди. Баъзи нарсалар бир қарашда оддий бўлиб кўринади—да, кейин улуғворлик касб этади. Бунда эса, оддийлик палахмондан отилган ўқдай.

Омон Матжон бу шеърини йигирма беш йиллар муқаддам ёзган. Бизни ундан ўн йиллар аввал:

*...Мен ҳам шошилялман сенга, шеърият!  
Унвон, йўлланмалар тегмаса ҳамки,*

*Сен сари кешгувчи улкан кемадан  
Фақат юкларимга жой топсам, майли, –*

дея у шеърятнинг катта йўлига чиққан даврида Хоразм телевидениеси раиси ўринбосари вазифасида ишлаётган, ажойиб болалар шоири, раҳматлик Дўстжон Матжон эфирдан сал бурун таништирган.

Дўстжон ака болалардай беғубор, кўнгилчан, инсон эдилар. У пайтлари телевидениеда кўрсатувлар ёзиб олинмай тўғридан – тўғри эфирга узатилар эди. У киши наинки умидли шоғирдларини, балки узоқ қариндошларини бир – бирови билан атайлаб таништираётгандай бизга қараб бирам қувонади, бирам қувонади. Омонбой армиядан янги келган, ҳали ҳарбий кийимларини ҳам ечмаган, солдатлик формасида келган эди студияга. Мен Тошкент тўқимачилик институтини тамомлаб, пахта тозалаш заводида смена мастери бўлиб ишлаётганимдан телевизорга чиқиб шеър ўқиш услубини яхши билмайман, ҳаяжонланаман. Дўстжон аканинг эса, парвойи фалак, гўё унинг энг катта вазифаси – бизларни таништириш. У кишининг кўзларидаги завқдан, қониқишдан телевизорга чиқишимиз ҳам осон кўчди, қандай ўқиб, қандай тутатганимизни ҳам сезмадим.

Устоз янглишмаган эканлар, мана Омонбой билан танишган кунимиздан бери бир – бировга садоқатли, меҳрибон дўстмиз. Ўтган аср олтмишинчи йилларининг охирларида Омонбойнинг Самарқандда талабалик йиллари иш баҳонасида ётоқхонасига кўп марта лаб борганман. Тонготар шеър ўқишлар, сирли гурунглар жарангги ҳозир ҳам қулоғимдан кетмайди.

Бир саҳар устоз Садриддин Айнийнинг уй – музейи эшигини тақиллатдик. Анча фурсатдан кейин ичкаридан уйқусираган товуш эшитилди:

– Ким?

Биз не деяримизни билмаймиз. Яна бир бора «ким?»дан сўнг Омон Матжон ўзи тугилиб ўсган, то ҳануз унга содиқ қолган Янгибозор лаҳжасида:

– Биз. Домланинг мухлислари... – Эшик зулфлари шақирлаб,

очилди. Мени ҳайратга солган нарса эшик очган одамнинг қоши чимрилиб, «на бунча тонг саҳарлаб?», демасдан мулойимгина «келинглар», дегани бўлди. — Мана, Хоразмдан меҳмон келган эди. Бир зиёрат қилиб кетмоқчи эдик...

— Жуда яхши — да, қани марҳамат, ҳозир мен чой қўяман.

Мана ўзбекона илтифот, мана домланинг руҳи рамонларини шод этмоқ боисидан келган ёшгина йигитларга кўрсатилаётган хушмуомала. Илтифот бўлса, шунча бўлади — да.

— Раҳмат, чойга овора бўлманг, домланинг пойи қадамлари муборак этган остонадан хатласак бас.

Менинг бу янглиғ беғубор илтижомдан мезбон фархунда бўлди ва ҳаракатлари жонланиб, электр лампочкаларини ёқиб юборди. То тонг отгунча у киши бизни домланинг ҳаётлари, ижодларига доир саволаримизга жавоб бердилар. Домланинг уй — музейдан чиқсак, қуёш Самарқанд узра энди тиг бераётган субҳи сабонинг фараҳбахш муждаларида устоз Садриддин Айнийнинг бизга бераётган дуолари қанот қоқаётгандай эди.

Омон Матжон ичкарида ҳам қарийб индамади, ташқарига чиққач ҳам жимгина кета берди. Унинг хаёлида балки ушбу сатрлар чарх ургандир:

*Илм устадим—етмиш нур бўлди шаҳдим оти,  
Ҳар бир юлдузда ёнги улуғларнинг нигоҳи,  
Ҳар шом уфқ гудоғидан ёққан шуларнинг оҳи,  
Жойлашмагай буюклик пилта чироғ ичинда,  
У кўкларда яшайдир яшин—яроғ ичинда...*

Омон Матжон ўз овозига, ўз созига эга ижодкор. Унинг шеърларидаги топил — диқларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Бу муболаға эмас, ҳақиқат. Бир сафар Тошкентда сафарим тутаб, Хоразмга қайтишим жудаям зарурлигига қарамай унинг раъйини қайтармай Ўзбекистон халқ артисти, дўстимиз Ортиқ Отажоновнинг уйига бордим. Ортиқнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига мушарраф бўлган кунлари эди. Учовимизни бошимиз бирикиб, гурунгни авжи табиийки, созу

сўз зеварлиги устида борди. Бир пайт Ортиқ ичкаридан тору дуторни кўтариб чиқди ва менга юзланиб:

– Қайсини чаласиз? – деди.

То шу дақиқагача мен Ортиқ билан жўрликда на тор, на дутор чалганман, лекин негадир:

– Менга барибир, – деб юборибман.

– Ундай бўлса, сиз тор чалақолинг, – дея Ортиқ менга торни узатди.

Мен ҳам худди олдиндан у билан машқ қилиб юргандай беписандлик билан торни олдим. Бироқ нима чаламиз, қандай чаламиз, бу ҳақда ўйлаб кўришга на фурсат бўлди, на ўй. Созларни сал созлаган бўлдиғу худди олдиндан келишилгандай, дабдурустан Хоразмда ҳаммалар «Хон чиқар», дегувчи «Сақили наво»ни салдом билан бошлаб юборавердик. Биз куйни баландлатган сайин Омонбойнинг боши қуйи осилиб бораверди. Куй тутади. Учовимиз ҳам жим қолдик. Хона ичида «Хон чиқар»нинг хушмавзун салобати сўзлашимизга изн бермасди. Бир вақт сархуш сокинликни Омонбойнинг ўзига хос хорфинроқдай туюлган, лекин ўктам ва шиддатли овози бўлди:

– Агар рози бўлсангизлар «Сақили наво»ни шеър қилсам. Бир дўстим дуторда, бир дўстим торда, деб.

– Жуда яхши – да, – деди кулиб Ортиқ ва сиз нима дейсиз дегандай менга нигоҳ ташлади.

Омонбой менинг розилигимниям кутмай, ўзига – ўзи гапиргандай сўзланди:

– Торнинг тигли симлари юрагимни тилса, ипак торлар тикади...

– Жуда маъқул, – дея ҳайратимни яширолмадим, – жуда зўр топибсиз.

Билҳақ, ушбу шеър унинг «Дарахтлар ва гиёҳлар китоби»га «Сақили наво» номида қисқача «Хоразмнинг машҳур «Сақили наво» куйини Ортиқ Отажонов дуторда, Комил Авазов торда ижро этганларида...», деган аннотация билан кирди:

*Бир дўстим дуторда, бир дўстим торда,  
«Сақили наво»ни чалган чоғинда*

*қалбим гоҳ нурларга ошуфта бўлди,  
гоҳ қолди қора бир ғамнинг доғинда...*

Шеър ҳам худди куйдай салдом билан маҳобатли авжланиб,  
шундай охирлайди:

*«Саҳили наво» бу!  
Бир ёқдан қалбни  
тиғларкан етти шог шамшири торнинг,  
малҳам қўймоқдодир бир ёқдан, йиғлаб,  
икки майин ипак қўли дуторнинг...*

Унутилмас лаҳзалар ҳосиласи бўлмиш бу шеърнинг умумбашарий фалсафаси бир дунё, дуторнинг икки ипак торларини торнинг сас берган етти симларигача оддийликдан сирли юксакликка кўтарилгани бошқа бир дунё.

Файласуф, донишманд шоир Омон Матжон билан ҳамнафас, ҳамдарду ҳамнишин бўлганимдан қувонаман ва айтар сўзларим ҳали бисёрлигидан шодланаман. Унинг муборак олтмиш ёши билан қутлаш менга насиб этди. Оллоҳга шукур.

01.09.02



## УЛУФ БИБИ

(Шоира Уллибиби Отаева ижодига бир назар)

Уллибиби Отаева ҳақида компьютер олдига ўтиргандан равон ёзиб кетолмадим, гарчи унинг ижоди билан яхши таниш бўлсам ҳам. Ҳатто нимадан бошлашним элини дарров келтиролмадим. У ўта камсуқум, ўта ҳаёли, ўта андишали инсон эди. Ана шу хислатларими, ё кам мулоқотда бўлганимизми, хуллас недир ёзишга изн беравермади. Уни бирор марта ҳавлиқиб гапирганини, бирор одамни гийбат қилганини, ҳаётидан қийналиб гапирганини эшитган эмасман. Қуёшга қараб ёмон фикр ўйлаб бўлмаганидек, Уллибибига қараб ҳам фақат яхши ният ўтар эди қалбингиздан.

Шундан кейин унинг руҳи покига тиловат қилдим — да, жимгина шеърларига қулоқ бердим — «Сен жимгина яшасанг, кимга нима? Лекин мен бу ҳолингга жим қараб турай нега?», дейди — да, шеърни мана бундай тугатади: «Сен ишқ созини сайрат — га, англат ҳаёт нелугин. Жимлик қолсин бир четга ўзи билан ўзи жим» Мана Уллиби! Мана мусаввирона чизғи, мана шоирона хассослик!

Уллибининг шеърларини қайта — қайта ўқий бошлайман.

*Юпун гарахтларнинг титроқларида,  
Бир либос тилаган сўроқларида,  
Ҳорғин булутнинг тунг сиёқларида,  
Кўхнинг хиралашган бўёқларида,  
Баҳор дийдорига интизорлик бор.*

*Қуёшнинг гоҳ кулиб қарашларида,  
Тиғин тоғ тошига қайрашларида,  
Урнинг яйраб ором олишларида,  
Олча гулидай оқ болишларида,  
Баҳор ташрифига умидворлик бор.*

Мана Уллиби! Мана мусаввирона чизғи, ҳаётга чанқоқлик, мана шоирона хассослик! Шу сатрларни ўқишданоқ шоирани



соғинасан, худди баҳорни қумсагандай «дийдорига интизорлик бор.»

*Қаҳратон неъматини—қор тиним билма оқ оқшом,  
Дунёни гард тегмаган қоғозга айлантир, ҳай.  
Қалбда кўҳна аламдан қолдирмагин зарра ҳам,  
Мен унга дилнинг тоза, эрка ҳисларини битай.  
Покиза ҳислар бўлиб, қуйил, қалбим ўхшасин  
Қор ёғиб ҳали қадам тегмаган соф заминга.*

Мана Уллиби! Мана мусаввирона чизғи, ҳаётга чанқоқлик, мана шоирона хассослик! Шоиранинг баҳор ва қор ҳақида бири — биридан — да гўзал ташбеҳлар билан йўғрилган қатор шеърлари бор. У оқликда губордан, гарддан тозарган замин бағридан униб чиқадиган турфа гуллардан қувонади, бевақт узилган, оёқлар остида эзгиланган япроқлардан қайғуради ва яна янгилиниш мавсумини интиқлик билан кутиб яшайди. У «Илк баҳорда» шеърида ажиб энтикиб айтади:

*Дарахтлардан барглари эмас,  
Кўк мактублар юлгинг келади.*

Уллибининг санъат оламига, театрга, рақсга, созга бўлган меҳри ўзгача эди. У саҳнанинг сирли оламига шўнғиб томоша қилувчи эди. «Монолог» шеърида хушовоз хонанда, забардаст актёр, Лайли Ширин, Шоҳсанаму Зухралардай қатор бош ролларни меъёрига етказиб ижро этган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ражаббиви Бойжонованинг камсуқумлигию камтаринлигини актриса тилидан шундай таъриф этганки, ўқигандан лоп этиб фақат шу онахонгагина хос сийрату суврат кўзингиз олдига келади.

*Мен—ку, саҳна тутул кўшни ҳовлига  
Чиқмоққа журъати йўқ бир қиз эдим.  
Онамнинг қўйнида, отам қўлида  
Бир сиқим, бир сиқим шўртанг туз эдим.*

Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девоновга бағишланган «Навқирон» шеъри ўзининг навқиронлиги, санъат янглиф боқийликка дахлдор асардир.

«Лазги»нинг моҳир ижрочиси – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Робия Отажоновага, шунингдек «Лазги»нинг ёш ижрочисига бағишланган шеърларида бу машҳури жаҳон куйнинг, рақснинг сеҳрига мафтун бўларкан: «Сочларингга «Лазги»ни ўраб», дея ҳайратланганча, унинг «*Мавжи шодлик, авжи гавғодир*» мисраси ила «Лазги»нинг ҳақиқий бўйи – бастию юракларга гулгула солувчи шиддатини чизиб беради.

Бир сафар «Хоразм ҳақиқати»га кирганимда Уллибиби иш устида ниманидир қоралаб ўтирган экан, бошини кўтариб ийманибгина салом берди. Анча жимликдан сўнг, Неъмат акани сўрадим ва нималар ёздингиз, нималар устида ишляпсиз дея сўрадим. Унинг ўзига хос камсуқумлик билан берган жавоби ҳануз эсимда.

– Неъмат ака билан сиздан ийманаман.

– Нега? – дедим тушунмай.

– Билмайман, салобатингизми...

Ўшанда унинг камтарлигига, одобига нечоғлик ҳурматим ошган бўлса, руҳониятидаги синиқликка мангзар кайфиятидан андак мутаассир бўлдим. Шундан сал сўнгроқ уни оғир хасталанганини эшитдим, кўп қайғурдим. Мана бутун шоира ҳақида, унинг инсонийлиги ҳақида икки оғиз сўз қораламоққа қалам ожизлик қияпти.

Уллибиби том маънода чин шоира эди. У Самарқандда Нуриддин Шукуров раҳбарлигидаги «Шалола» ижодий тўғарақда тобланганини, ёшлигидан улуғ Навоийни беҳад яхши кўрганини унинг билан узоқ вақт бирга ишлаган ёзувчи дўстимиз Неъмат ака ўзга бир меҳр билан айтиб юради. Дарҳақиқат, Уллибиби

саводли шоира эди, чунки кўп ўқирди. Буни у оддийгина, аммо чуқур фалсафона ташбеҳ ила ёзган:

*Мен китоб ўқийман унутиб оламни,  
Унутиб уйимни, боламни...*

Баъзан, шамолсиз кунлари денгиз юзи сокин, тиниқ бўлади. Унинг тубидаги ғалаёнларни қалбан англаш мумкин. Улибиби денгиздан ҳам фарқлироқ ҳамиша хотиржам, ўйчан кўзларида самимият, гўзал қарашларида ним табассум, сўхбатдошига ҳурмат ва эҳтиром балқиб турар эди.

Билҳақ, у тортиниб, қимтиниб яшади. Ойдан, Терақдан, ҳатто ўзиники бўлган тушидан ҳам уялади.

*Шу уятчан, беозор ойдан  
Тортинаман, ҳатто қўрқаман.  
Юзларига тик қаролмайман.*

*Гарчи тили йўқ шу теракнинг,  
Шивирига ҳеч ким тушунмас.  
Хавотирда яшайман ундан.*

Бу сатрлар унинг «Севгим гувоҳларига» шеърдан... Аммо, юрагидаги мавжни бир шукрона ила мухтасар этган онлари у ҳақиқий ошиғлик мартабасидан мамнун:

*Севгим... мени осмон қадар юксалдинг,  
Хок этдинг, пок этдинг тупроқдай, нурдай.  
Қуллуқ, қўллар етмас юксалганингга,  
Шукур, тупроқ қадар хок элганингга.*

XX аср охирида хассос шоира Хосият Бобомуродова бошлиқ бир гуруҳ адиблар Самарқанддан Хоразмга қилган ташрифини Улибиби Отаева хонадонидан бошлашганида Республиканинг таниқли ижодкорларига меҳримиз ошди, негаким, элнинг

забардаст шоираси хотирасига дуо қилиб, сўнг ижодий учрашувларга чиқиб кетган эдилар.

У ўзининг «Орзу» шеърисида олисларни кўзлаб, шундай деган эди:

*Шеърим, қутлуғ бўлсин олисларга сафаринг...*

Уллиббининг орзуси ушалмоқда. «Шукрона» деб аталмиш шеърини китобини турмуш ўртоғи Одилбек Ёқубов тўплаб. Тошкентда «Ёзувчи» нашриётида чоп эттирди. Минг раҳмат, суюкли бўлган рафиқаси руҳини шод этди.

Уллиббининг сафари ҳам шеърлари билан бирга олисларгани сари авлодларга яқинлашаверади. Аҳли ушшоқ дилида Уллибиби чинакам УЛУҒ БИБИ бўлиб яшайверади.

2005 й.



## БИР УМР–БИР ДУНЁ

Ҳар не саваш, каттами, кичикми, барибир, тугал маъноси билан Уруш. Ва ҳар сафар ана шу урушдан, ўлим майдонидан омон чиқмоқлик Яратганнинг бандасига кўрсатмиш бебаҳо инъомидир. Йигитларнинг оила бағрига эсон – омон қайтиши улкан байрам бўлган. Яхши хабарнинг қаноти бор деганларидай, муждаи масофатлар аскарлар уйига келмай эшик қоқарди.

Эда яхши ном қолдирган, дастурхонли, маишатчи, топган тутганини барчалар билан баҳам кўрадиган, харовотий Рейим ҳолмоснинг катта ўғли Хударганнинг урушдан соғ – омон келаётганини биров билса, биров билмади. Замон заҳм – ларининг оғриқлари боис бирдан каттайиб урушга кетган йигитнинг ярадор бўлиб қайтганини эшитган таниш – билишлар, Рейим ҳолмос билан Ширин момони яхши биладиган Боқча ҳовуз, унинг икки ён атрофидаги Алакчилик, Гўйинчилик ўрамлари донишмандлари буни албатта Ҳолмоснинг кўнгли бегуборлигига, Хударган урушга кетиб, билкулл етим қолган Олоберган, Султонбойларнинг ризқу насибасига йўришган, иймонлари бутун эканлигига яна бир бор амин бўлишган.

Ҳол бир маъноси билан аҳвол, дегани. Машойихлар кишидаги ички ҳолатни унинг афт – ангоридан, кўринишидан билиниб туришига забони ҳол демишлар. Хударган аканинг отаси Рейим отанинг руҳияти, ботиний хушқайфияти юз – кўзида, ўтириш – туришида, касб – кориди (у киши ёмоғдўз уста бўлган, нонвойлик ҳам қилган) зоҳир, ҳолига мос келганидан Ҳолмос лақабини берганлар.

Рейим ҳолмос отаси, онаси Дуржон момога тортдими, оқ юзли, қорин қўйган, барваста одам бўлган. Бироқ, унинг ҳам, Ширин момонинг ҳам умрларини узун этмаган экан дунёдан болаларини етим қилиб кетдилар. Рейим ота 1931, кенжа фарзандлари Давлатмурод туғилган йили оламдан кўз юмди. Ундан олдинги туғилган Султонбой исмли ўғиллари вафот этгани билан кенжаи давлат илинжида исмланган Давлатмуродни Султонбой дедилар. Ширин момо Рейим отадан кейин кўп яшамади, беш йилдан кейин дунёдан кўз юмди.

Офатдан кейин офат деганларидай, Рейим ҳолмос вафотидан оила бир тушкунликка гирифтор бўлган бўлса, Ширин момонинг ўлиmidан сўнг (1936 й.) батамом пароқаңдаликка юз тутди. Шундай

ҳам очарчилик йиллари етим қолган болалар бошига улкан кулфат тушди. Ўба – қўшнилари қайишдилар, лекин ёлпасига қатагонлик, «сен ундай дебсан, сен бундай дебсан», тарихга бир сўз – «дабсан» бўлиб кирган маъшум йиллари бир – бировни яқин – йироқ, ёру – биродар демай қатагон машинаси гилдираклари остига ташлаётган, тарих саҳифаларига ўчмас қора чапланган, ҳар кимнинг жони ўзига омонат бўлган даврлари етимларни алқамадилар, қайтанга оила гарданига тушган бари касофатни бу шўрпешона, бегуноҳ болаларнинг дураб (яшаб) қолганига йўйдилар, негаким, Рейим ота билан Ширин момодан туғилган болалар яшамаган, дунёга келгани билан вафот қилаверганлар. Билгичлар маслаҳати билан галдаги туғилган Хударганни узоқроқ қариндошлари Каримжоннинг онаси Ниёзжонга бериб эмизтирганларидан сўнг тўнғич бўлиб Хударган, кейин Оллаберган ва Султонбойлар уйни тўлдириб яшаб кетганлар. Хударган ака билан бир кўкрак эмиб ўсган Каримжон улғайиб, эл – юртга танилган, Ўзбекистон халқ артисти унвонига мушарраф бўлган Каримжон Раҳимов, (жойлари жаннатда бўлсин) 1991 йили оламдан ўтди, 74 йил яшади, умрининг охиригача Ҳолмослар сулоласига сидқидилдан қариндошлик қилди, санъатга фидокорона хизмат этди. Қабри Урганчада, Охунбобо қабристонига.

Турмушнинг яна оғир, маъшум йилларига қайтамыз. Фафур F уломнинг «Етимлик нимадир бизлардан сўра...», дея дилдан отилган нолаи нидоси, ҳали укаларига чин маънода бош – қош бўлишга қуввати, қурби етмайдиган, тириклик хўрликларидан эзилиб, суяги қотмаган Хударганнинг елкасига ҳаёт деб аталмиш мўъжиза хилқат оғир, чидам ва бардошлик юкини юклади. Отаси вафот этганида ўн икки ёшга тўлиб – тўлмаган норасида бола етти йиллик мактаб партасидан Хива педтехникумига ўқишга кириб, тўрт йилдан кейин, 1936 – йили 16 ёшида техникум йўлланмаси билан тўлиқсиз ўрта мактабда дарс бериш учун етимхонадаги Оллаберганни, Варағзандаги Султонбойни пешонасидан ўпиб, қайдасан Гурлан дея олис районга жўнайди ва икки йиллик меҳнат муҳлати тугагач, Хивага қайтиб, Оқёб қишлоғида ўқитувчилик қилади. Яхшиям дунёда яхшилар кўп, кичкина Султонбойни Ширин момонинг Варағзанлик тутинган чиқони, Бикажон бика олиб кетиб боқди, (жойи жаннатда бўлсин) умрининг охиригача иззат – ҳурматда бўлди. Ҳали бу кўп олисда эди.

Бўладиган бола бошдан деганларидай, Гурландаги икки йиллик ўқитувчилик фаолияти унинг шу район билан боғлиқ яна 13—14 йиллик улкан ишлар бошида туриб злу — юртга танилишига сабаб бўлди.

Хивага яқин Оқёб қишлоғидаги даври ҳар қалай укаларидан хабар олишга қурби етадиган, кучга тўлиб келаётган Хударган учун умр зинапояларидан дадил юришга ҳали камлик қилар эди.

Ўқишга, юрт саодати учун хизмат қилишга чанқоқлик, ўша давр чақириқларига ҳозиржавоблик ҳисси уни Россиянинг узоқ Славянск шаҳрига, ҳарбий командирлар тайёрлаш курсига етаклади.

Оллоҳнинг синови беҳисоб. Иккинчи жаҳон уруши бошланишига икки ойлар чамаси қолганда, борлиқ вужудидан куч ёғилиб турган Хударганни жон олиб, жон бериш бўсағасига, Ҳарбий фронтга, Украинанинг Сталинский областига, 1 — гвардия ўқчи дивизиясининг 4 — ўқчи полки взводига командир этиб жўнатишди. У урушнинг дастлабки зарбаларини мардонавор қабул қилди, 1941 йилнинг ноябр ойида Белгород яқинида оғир ярадор бўлди ва 1942 йилнинг мартигача Чкалов шаҳрида эвакуация даволаниш госпиталида (ЭГ №1056) ётиб, анчайин соғайгач, уни урушга яроқсиз топишиб, уйига қайтаришди.

Билҳақ, ота — она меҳридан эрта мосуво бўлган Хударганнинг елкасида ўзини ҳам укаларини ҳам тезроқ оёққа турғизиш, юпунлик дардидан халос этишдек улкан масъулият юки, шундаям очарчилигу уруш касофатидан мунғайиб қолган, қандайдир ўттиз — қирқ йил муқаддам Шарқда «Фирдавс — ул раббил оламин аст», дея улуғланган муаззам Хивада наинки ўйнаб — кулишига, балки эмин — орқайин нафас олишга ҳам изн бермас эди.

Вужудида ғайрат уфуриб турган Хударган умидли ишонч ила муқаддас заминга қадам қўйди. У Хива ҳамда Қўшқўпир ҳарбий комиссариатларига инструкторликка қабул қилинди, офицерлик кийимини алмаштирмасданоқ ишга шўнғиб кетди. Фронт ортиям жанглар жараёни, айрилиқ андуҳлари билан яшаётган, бир сўз билан ифодалаганда урушнинг жаға — жағ вақти Хударган кеча билан кундузни фарқлай олмай қолган вақтларидаям ишдан нолинмади, аксинча жанг майдонларида тобланиб, дийдаси қотиб қолган эмасми, ҳамкасбларини ғайратга солиб, жадаллик билан ишлайверди, янги аскарликка чақирилган болалар қалбига

йигитлик гурурини қалайверди, уларни соғ – омон, қаҳрамон бўлиб қайтишга ундайверди.

Унинг ишонч тўла қилган ғайратлари зое кетмади, хивалик уста Нурматнинг ўғли Сотимбой 1945 йилда кўкрагига Қаҳрамонлик юдузини тақиб қайтди урушдан. Яқингинада Сотимбойни Чалиш пристанида Шерозий, Ҳожихон, Комилжон Отаниёзовлар айтган қўшиқ ноалари остида қандай ишонч билан кузатган бўлса, бугун Нуруллабойга йиғилган бутун Хива, унинг ён – атрофидаги узоқ – яқин қишлоқлардан келган оломон билан шундай мағурурона кутиб олди.

Қаҳрамонни улкан шодияналиғ билан кутиб олишни ташкил қилишда бевосита қатнашган Хударган худди ўзи урушдан Қаҳрамон бўлиб қайтгандай кўзларида севинч ёшлари билан ҳамюртларига суқланиб қарайди, яқин ўн йиллар ичида харобага айланган қалъаю қишлоқлар энди қаддини кўтаришга шайланган бургутдай қанотларини ёзишига амин бўлди. Юзу – кўзларида бир олам қувонч нурлари акс этган оломон ичида забардаст йигитга айланган Оллаберганини, Варағзандан олдирган кичик укаси Султонбойни отадай бошини силашга етказган Яратганга шукроналар айтди. Худо хоҳласа энди буларнинг кўчасида ҳам байрам бўлажак.

Шодмонлик кунларга қувонч онлари уланиб кетди. Хивадаги тракторчилар курсини битириб, хати чиройлилиги боис ҳарбий комиссариатига яқинда ишга келган қоматдор, ҳусни хатидай ҳусндор Тожигул Хударганни ҳаловатини ўғирлади. Ҳарбий кийимда шиддатли қадамларини гурсиллатиб юрган Хударганнинг кўркамлиги олдида Тожигул ҳам ўзини ҳаяжонини яширолмади, ўғринча боқишлар интиҳоси никоҳ кўшанаясига (чимилдигига) олиб кирди.

Уруш йиллари тўйларини тасаввур қилиш қийинмас. Тўйга келганларга бир чимдим ош солишга тавоқ етишмасаям, меҳр деган мулкдан ҳеч ким мосуво эмас эди. Одамлардаги бир – бировга бўлган меҳр – муҳаббат ҳар қандай тўкин дастурхондан тўкинроқ эди. Барчалар сидқидилдан омин деган эканлар, Хударганнинг оиладаги омади юришиб кетди. Айниқса, буларнинг никоҳ тўйига бош – қош бўлган, Хивада кўп саховатли ишлари билан ном чиқарган Бекчон ака Иброҳимов, Хударганга божа бўлишидан ташқари, унинг тўғри йўл танлашида ҳам яхши маслаҳатчилик қилди.



Хударган аканинг пешонасига офтоб тега бошлаганини илк дараги, 1945 йили тўнғич фарзанднинг туғилиши бўлди. Унга ихлосу умид билан Шавкат деб исм қўйдилар.

Хударган ака аста – секин умрнинг нури пиллапояларидан юқорилаб бораверди. Уни ҳарбий комиссариатдан Хива райижроқўмига котиб этиб ўтказишди. Райижроқўмда бор – йўғи 3 – 4 ой ишлаб – ишламай уни Тошкентга, Ўзбекистон Марказқўми қошидаги икки йиллик партия мактабига йўллашди. Ўқишни муваффақиятли тугаллагач, яна Хива райижроқўмида 2 ойча котиблик вазифасида ишлади. Оиласининг тинч – тотув, ширинлигига ишора сифатида ўғилдан кейин туғилган қизларига онасининг исмини ёдгорлик қилиб, Ширин (1947 й.) деб исм қўйдилар.

Хударган ака энди икки фарзанднинг отаси, эл – юрт назарига туша бошлаган забардаст йигит, унинг юриш – туришида ўзига яраша салобат пайдо бўлди. Вилоят ёшулларари Республика катталари билан бамаслаҳат 1948 йилнинг ноябр ойида уни масъул ишга – Хазарасп район партия комитетининг 2 – секретарлигига тавсия этишди.

Хударган аканинг Хазораспга келиши умумхалқ ҳашари билан бунёд этилаётган Чоржўй – Қўнғирот темир йўли қурилишининг энг қизғин палласига кирган даври эди. Ўша йиллари (М.Матниёзов нашрга тайёрлаган «Хоразм тарих»нинг 2 – жилди, 167 б) умумхалқ ҳашарида етмиш мингга яқин колхозчилар, олти юздан зиёд тиббиёт, савдо, маданий – маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг вакиллари, қурилиш муҳандислари, олимлар, шоирлар, артистлар сафарбар қилинди. Генерал Фани Хўжаев бошлиқ этиб тайинланган бу улкан бунёдкорлик ҳукумат кутганидан ортиқроқ самара бердиким, хоразмликларнинг фидокорона меҳнати туфайли темир йўл асосига тупроқ уйиш ишлари қисқа муддатда – 55 кунда ниҳоясига етказилиб, Чоржўйдан Урганчгача бўлган тўрт юз километрлик масофада беш млн. кубометр тупроқ ётқизилди ва кунига 20 километрдан зиёд темир йўл излари ўрнатилиб, 1948 йили бошланган маҳобатли қурилиш ниҳоят 1952 йил 18 декабр куни ниҳоясига етди. Шу унутилмас тарихий кун. Биринчи поезд Урганчда тантанали равишда кутиб олинди. Биз ўқувчилар бу шодиёналикларга шерик бўлганмиз.

Ана шундай улкан қурилишнинг айнан қизиган палласида Хударган ака ҳам пўлат ўтда тоблангандай тобланди, раҳбарлик ҳадисини олди.

1950 йилнинг бошларигача Хазорасп район партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлади. Шу қарийб Хазораспда ишлаган икки йил даври Хударган ака учун катта ҳаётий мактаб бўлди. Қадимий Хазорасп қалъасида туғилгани боисми, учинчи фарзандини Шоҳсанам (1949 й.) деб атадилар.

Шоҳсанамнинг оёқ – юзи ярашиб, Хударган ака 1950 – йили ҳукуматнинг «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди, Гурлан райони партия комитетининг 1 – секретари этиб сайланди, Ўзбекистон Олий Советига депутат бўлди.

Хударган ака урушдан кейинги энг оғир даврларда катта районга дарғалик қилди, кундузни кечага улаб ишлади. Одамларнинг устлари юпун, йигитларнинг саралари урушдан қайтмаган, энг оғир юмуш хотин – халажнинг, ёш болаларнинг, кекса отахону – онахонларнинг зиммасида. Бир оғиз илиқ сўз нондай азий. Ернинг унумдорлиги паст, одамларнинг яшаш шароитлари ачинарли. Айниқса мактабларнинг аҳволи чатоқ. Район марказидан олис «Гулистон» колхозида жамоа кучи билан янги мактаб қурилгани чинакам байрам бўлгани, қишлоқ аҳлининг қувончидан Хударган аканинг боши осмонга етди. Ҳар қандай жамиятнинг ривожига кадрлар билан боғлиқлиги ҳаммага аён. Баҳорги экиш қирқ – қирқ беш кунга чўзилиб кетади. Экиш механизмлари кўпайтирилгани билан эҳтиёт қисмлар тақчил, ёқилги – мойлаш материалларнинг камчилиги устига малакали мутахассислар, айниқса механизаторларнинг етишмаслиги ердан унумли фойдаланишга, мўл ҳосил етиштиришга имкон бермас эди. Агар 1940 йилда пахтадан вилоят бўйича 10,6 ц. ҳосил олинган бўлса, 1950 йилга келиб бу кўрсаткич 6 – 7 ц. кўпайди холос. Колхозларни электрлаштирмагунча, газлаштирмагунча, иқтисодни кўтариб бўлмаслигини у қалби – қалбидан туяди, шу соҳаларни ривожлантиришга асосий кучини йўналтирдиям.

Осмон узок, ер қаттиқ. Ўттиз яшар йигитнинг зиммасида бир олам юк. Ҳар қандай раҳбарнинг обрўси, унинг ғайрати, етакчилик истеъдоди, эзгу сўзи, эзгу фикри, эзгу амали одамларни зул – юртга муҳаббатини ошириши билан юксалади. У машҳур ҳофиз Хожихон Болтаевнинг Партав муҳаммаси билан айтадиган «Савти» сини эшитиб чинакамига ғурурланарди:

*Эй севишли ҳур ўлкам, манзилим чароғоним,  
Эй азиз она юртим, яшнаган гулистоним,  
Хуш кечар кучоғингга рўзғору давроним,  
Жоним Ўзбекистоним, шавкатим, шараф—шоним,  
Шавкатим, шараф—шоним, жоним Ўзбекистоним.*

Хударган аканинг меҳнатлари бесамар кетмади, эда шуҳрат топди. Шу кунлар меваси бўлмиш дунёга келган фарзандига Шуҳрат (1951 й.) деб исм қўйди.

Хударган ака ҳаётида ҳар бир ўзгариш оилада бир қувонч билан муштарак содир бўлганини ўтган кунлар кўрсатиб турибди. Бунда ҳам ажиб бир ҳикмат бор, 1953 йили ўғил кўришди, отаси Рейим ҳолмосга ёдгорлик этиб Рейимбой (1953 й.) деб исм қўйдилар, ўзи Москвага Олий партия мактабига ўқишга қабул қилинди.

Шодлик келса, қўша—қўша деганлари шу—да, отасининг чироғини ёқиб ўғил—қизли бўлиб ўтирган укаси Оллаберган оиласи билан эски уйлари йиқилгани боис янги иморатга кўчиб ўтдилар, кенжа укаси Султонбой Тошкент медицина институтини тугатиб, оддий жарроҳликдан район шифохонасига бош врачлик вазифасига кўтарилган ҳамда бир вақтнинг ўзиде Хива тиббиёт техникумига директорлик қилаяпти. Хударган ака 1955 йили Москвадан ёзги таътилга келганида Султонбойни уйлантирди.

Кези келди, Хударган аканинг укаси Султонбой ака боис қариндошлик иплари бойланган яна бир хонадон хусусида сўз айтсак айни муддао бўлғай. Хива заминида яхшилик ила ном чиқариб яшаб келаётган ғалғаллар сулоласига илиқ меҳримиз нишонаси сифатида тарих қатламларини андак кўтаришга жазм этдик. Инқилобдан аввал, хон замонида Ёлмонбойнинг қарвонига эргашиб, Абдулла исмли қозоқ йигити Хивага келади. Абдулла Ёлмонбойга ёқиб қолади ва қизи Ражаббибини никоҳлаб беради. Абдулла миллати қозоқ бўлгани учун хоразмчани қозоқча билан аралаштириб, сал галдир—гулдир сўзлагани ва Хоразмда исмларни қисқартириб, эркалаб айтиш аввали бор гаплагидан Ёлмонбой куёвини Абил ғалғал дея алқаган. Шу—шу Ғалғаллар сулоласи пайдо бўлганким, улардан Ҳожар исмли қиз, Исмоил, Матчонбой, Жумоёз исмли ўғиллар дунёга келган ва замонанинг тақдири

насиби билан хонлар авлодига чатишиб кетганлар. Абдулла ғалғалнинг катта ўғли Исмоилни ўн етти ёшида тоғаси Саидназар томонидан қатл этилган Хива ҳукмдори Қутлимурод хоннинг невараси Бикажонбикага уйлантирдилар. Уларнинг фарзанди Ўткир ака ҳозир етмишдан ошиб, катта оиланинг бобосидир. Хударган ака укаси Султонбойни ана шу саховатпеша сулоланинг иккинчи фарзанди – Матчонбой ғалғалнинг қизи, Гулсарабийига уйлантирди.

Тиббиёт фанлари номзоди, қўли енгил жарроҳ, эл – юрт ҳурматига сазовор бўлган Султонбой ака ва Гулсарабийидан ажойиб ўғиллар – Равшан, Руслан, Жалолоддин, Алишер, (жойи жаннатда бўлсин), Мурод, қизлар – Дилором, Шаҳлолар дунёга келди, бутунги кунда ҳар қайси ўз ўрнида элга хизмат қилмоқда. Султонбой ака кўп эъзозда яшади ва 1994 йили, 63 ёшида дунёдан кўз юмди. Қабри Хивада, оғаси Оллаберган ака қабри ёнида, «Биродарлик» қабристонига.

1956 йили Хударган ака ўқишни тугатиб Москвадан Хивага қайтди ва ушбу йили район партия ташкилотига биринчи раҳбар этиб сайланди. Шу Хивадаги раҳбарлик йиллари (1958) яна бир ўғил кўрдилар, замонага мос ботир бўлсин деб, исмини Ботир қўйдилар.

Бу нурафшон кунларнинг шодмонлигида божаси Бекчон ака Иброҳимовнинг ҳиссаси кам бўлмади. Хударган ака боис ёзилган ушбу битик баҳона Бекчон ака оиласи тўғрисида икки оғиз илиқ гап айтиш ҳам қарз, ҳам фарз деб билдик, негаким ўша оғир даврларда ҳолмослару Сало бувалар сулоласига Тожигул опанинг катта опаси, Онабиби опанинг эри Бекчон ака Иброҳимов елкадошлик қилгани ҳақ. Оллаберганга Бикажонни олиб берган ҳам, Жумаёзнинг ўзини даволаши билан Уллибибини никоҳлаб, ўзига божа қилган ҳам шу киши.

Бекчон ака бўлдомли, сиёсатдон одам эди. Неча йиллар район соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи, каллар ҳамда кўзи ожизларни даволаш шифохонасининг бош врач сифатида Хивада уни танимаган, билмаган одам бўлмаса керак. Кимлар унинг саховатли дастурхонидан туз тотмаган дейсиз. Хударган акалар авлоди то ҳануз Бекчон аканинг қилган яхшиликларини ўзга бир меҳр билан эъзозлайдилар. Шу кишининг шарофати билан Жумёз ака билан Уллибиби опалар сулоласи дунёга келди.

Жумаёз ака биринчи кунданоқ Бекчон акага ўзининг ишбилармонлиги, камтарлиги, ёқимтойлиги билан ёқиб қолган. У даволаниши баробарида ҳам шифохонанинг, ҳам Бекчон ака хонадонининг қўл — оёғи чаққон, бари юмушда керакли аъзосига айланган. Аслида Жумаёзнинг ота — бобоси покрав инсонлар бўлган. Унинг Машариф бобоси Мунис ва Огаҳийлар мангу қарор топган Шайх Мавлон Бобо қабристони масжидининг имоми бўлганлигининг ўзи бу уруғнинг палаги тозалигидан нишонадур. Бекчон ака буни яхши билган ва Жумёзни ўзини ўғлидай тарбия қилган. Бу яхшиликлари самараси ўлароқ Жумаёз ака билан яқинда қайтиш бўлган раҳматлик Уллибиби опа серфарзанд оиланинг соҳиби бўлдилар. Янглишу, ростликларнинг паст — баландликларидан ўтиб, сабру қаноат ила умргузаронлик этдилар. Бири — биридан ширин фарзандлар — Шоназар, Саноат, Зулхумор, Зулфия, Нодирлар қанотлари остида суянчиқ бўлдилар.

Бекчон аканинг яна бир оилага асос солгани, уларни турмушнинг оғир йиллари ўкситмай қўллаб — кўрчиллагани алоҳида таҳсинга лойиқдир. Бу Хударган аканинг укаси Оллаберган ака оиласидир. Уни шифохонага ишга олиб, қўл остида ишлайдиган ёшгина Бикажонга никоҳлаши, Рейим ҳолмослар хонадонини, аниқроғи фарзандлар туғилиб ўсган уйнинг чироғини қайтадан ёқишдек, улкан савоб ишга бош — қош бўлди. Худди Бекчон ака ўйлаганидай «Боқча дарвоза» ўрамида меҳр чироғи ёнди, уйнинг совуб қолган мўрисидан тутун чиқди, Шокир, Баҳром, Замиралар дунёга келди.

Не — не оилаларни тўғри йўлга солган, не — не етимларни бошини силаган Бекчон ака билан Онабиби опа яхши яшадилар, Қувонч, Обод (жойи жаннатда бўлсин), Шаҳодат, Шомурод, Шихназар (жойи жаннатда бўлсин), Шарофат исмли ўғил — қизлари дунёга келди, бариси эл ҳурматида, қариндош — туққанлар эҳтиромида яшашади. Бекчон ака 1964 йили 59 ёшда, Онабиби опа 1996 йили 74 ёшда оламдан ўтди. Қабрлари Хивада, Шоҳимардон қабристонида.

Хударган ака ҳамиша Бекчон акани илиқ меҳр билан тилга олар эди. Унинг ҳамфикрлигидан баҳраманд бўлганликларини хушнудлик ила эсларди. Ҳаёт ўзининг қонун қоидалари билан инсониятни ўз измига солиб бораверади. Хоразмнинг таланти халфаси, шоира Ожиза халфа «Ҳар ерларни газдим Сангар

яхшидир», дея куйлаганидай, Хударган акалар оиласи кўп ерларни кезиб, қадимда «Хейканик», ҳозирларда «Полвонёб» деб аталмиш, Хивага кўрку баракот ато этмиш анҳор бўйидага сўлим уйларида – Сангарда яшай бошладилар. Бу файзли хонадонда Ўзбекистоннинг етук олимлари, шоирлари, артистлари туз тотганлар, адабиёт, санъат ва маданият ривожига борасида самимий суҳбатлар қурганлар. Отаҳий таваллудининг 150 йиллигини ўтказишга келган Гафур Ғулум бошлиқ олиму ёзувчилар дейсизми, йиллар давомида бот – бот ташриф буюрган ҳозирги Давлат Миллий театрининг етук актерлари, хусусан Олим Хўжаев билан академик Сирожиддинов билан дўстликларини айтасизми, ҳар қайси ўзи бир дунё... Сирожиддиновнинг ўғиллари Юсуфбек ҳозиргача Хударган аканинг ўғиллари билан борди – келди қилади.

Хударган ака меҳмондўст, ширинсухан, одамохун инсон эдиларким, санъатта қизиқиши боис, айниқса, иқтидорлиги сабаб эртароқдан шуҳратли унвонларга мушарраф бўлган кўкалдош оғаси, Ўзбекистон халқ артисити Каримжон ака ишлайдиган Отаҳий номли вилоят мусиқали драма театрининг санъаткорлари ўзларини жуда яқин олар эдилар ва албатта ижодий гастролга келган гуруҳ, ўттиз – қирқ кишилаб маснади балад бу хонадоннинг саховатли дастурхонидан баҳраманд бўлишар, тонготар кўшиқ айтиб, қизиқ – қизиқ ҳангомалар қилишар эди. «Боқча дарвоза» ўрамидаги кўшнилари Шерозий, Бола бахши, машҳур ҳофиз Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Ваҳобжон Фаёзов, Қалаңдар Бойжонов ва бошқа етук санъаткорларнинг доимий ташрифлари хонадонга янада хушлуқ ато этган. У киши бари қариндош – туққанларини, қудаларини бирдай эъзозда тутарлар, уларнинг ҳолидан хабардор эдилар.

Ҳаёт деб аталмиш бу фоний дунёнинг ғулу – ғашликларида умр ҳам оқар сувдай кўз илғамас тезобликда шовуллаб оқаверади. Хударган ака Хива район партия комитетининг 1 – секретари бўлиб ишлаган даврларида қишлоқ хўжалиги, саноат ривожига ҳукумат томонидан берилган жуда катта кўмагу талабларга ўз вақтида лаббай деб жавоб беролди, унга ишонган халқни орқасидан эргаштира билдилар.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари фаройиб ҳукму фармойишларга сероб бўлдимки, раҳбарларнинг аксарияти бу алғов – далғовлар силсиласида бир замон боши берк кўчага кириб қолдилар. Москванинг тушунишга улгурмай, янги тушуниксиз

қарорларни чиқариши мана ман деган сиёсатчию иқтисодчининг ҳам бошини гаранг қилди. Бу қишлоқ хўжалигидаги ишлаб – чиқариш бошқармаларининг тузилиши ва район партия комитетларининг 1 – секретарлари ана шу бошқармаларнинг парткоми этиб сайланиши билан боғлиқ, умри қисқа бўлсаям не – не кадрлар тақдирининг чаппасига кетишига зомин бўлган КПСС Марказкомининг қарори эди. Ушбу қарор боис Хударган ака Хива райони қишлоқ хўжалиги ишлаб – чиқариш бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланди. Ким – кимдан қандай иш талаб этишини билмай гаранглик мавсумидаям Хударган ака ўз эътиқодига содиқ қолди, фақат меҳнат қилаверди. Озгина муддат ўтиб – ўтмай, Хударган акани 1964 йилнинг бошида Хивадан Гурлан райониغا, қишлоқ хўжалиги ишлаб – чиқариш бошқармасига партком этиб ўтказишди.

Марказкомнинг мазкур қарори ҳаётда ўз мавқеъига эга бўлмай кўпгина чалкашликларга сабаб бўлгани боис Москва зудлик билан бу қарорини ўзгартиришга мажбур бўлди. Хударган ака шу йили иккинчи маротаба Гурлан район партия комитетининг 1 – секретари этиб сайланди ва бу юксак лавозимда роппа – роса 10 йил, аниқроғи 1974 йилнинг 14 январ ойигача сидқидилдан ишлади.

Одамзоднинг умрлик йўлдоши – содиқ хаёли ҳамиша муттакосидир. Бардаму бақувват, ғайратили юришида суянчигидир. Ушбу тазкирани битаётиб, хаёлим билан ҳаётимнинг қайси кўчаларида юрмадим, кимлар билан учрашганиму мулоқотларимни эсламадим дейсиз ва ҳар бир хаёлот замирида жонланган воқеалар ҳайратидан тўлқинланиб кетганларимни барини қоғозга туширишга, албатта, имкон йўқ.

Хударган ака билан илк танишганимни кўз олдимга келтираман. Ҳозиргидай эсимда, 1968 йилнинг бошлари, баҳор ҳам кечикиб, дилларни маҳзун этадиган бир кун кечқурун Гурлан район партия комитети таклифи бўйича кириб бордим. Йигирма олти яшар йигитнинг райком бюросига илк қадамини тасаввур қилиш қийин эмас, ҳаяжоним дуди фалақда. Кимдир қабулхона эшигини очиб, мени ичкарига таклиф қилди. Хударган ака бюро аъзоларига «Вилоят пахта тайёрлаш трести» мени Янгибозорда қурилаётган янги пахта заводи директорлигига тавсия қилинганини айтди ва уларнинг фикрини кутди. Ҳамма менга қизиқсиниб қараётганидан ўнғайсизландим. Хударган ака менинг бу ҳолатимни англадим,

тезда ўз фикрини айтди:

— Кеча «Маданият» колхозида бу йигит билан учрашдим, ёмон таассурот қолдирмади, қани ишлайверсин — чи, кўрамиз, нима дейсизлар? — Ўтирганлар нималардир дедилар, мен унчалик ангширмадим, фақат Хударган аканинг, — Яхши, сенга муваффақият тилаймиз, — деганидан кейин раҳмат айтиб қайтиб чиқдим.

Мен завод қурилиши ишлари билан машғул бўлиб, кунлар ботиб, тонглар отганини сезмай, бутун вужудим билан ишга шўнғиб кетдим. Хударган ака бот — бот қурилишга келиб, иш баробарида мени ҳам ўрганиб юрганини хаёлимга келтирган эмасман. Бу хусусда қуда бўлганимиздан кейин ҳам (укам Рустамбекни, у кишининг кичик қизлари Шоҳсанамга уйлантирганмиз) бирор марта гапирмаганлар, фақат мени пахта заводи қурилиб, ишга тушган йили ҳақиқий завод директорлигига тавсия этганларида бир чимдим гапириб тасдиқлаган эдилар.

1968 йилнинг охири наинки Гурлан райони, балки бутун вилоят учун ниҳоятда оғир келди. Шу йили фақат Гурлан райони пахта тайёрлаш режасини удалай олмади. Шунда Хударган ака кўп қайғурдилар. Октябрь ойи узлуксиз ёмғир ёғди, ҳали Янгибозор заводи қурилиши туталланмаган, тайёрлов пункти вазифасини адо этиб тургани пайти. Ҳар сафар келиб, «Эҳ, завод шу кунлар учун бениҳоя керак эди — да, қуритиш — тозалаш цехи ишлаб тургандами», дея қад кўтарётган заводнинг бош корпусига қараб, тезроқ ишга тушиб кетсайди, дегандай бошларини чайқаб турардилар. Худди борлиқ айб мендадай, бошимни ҳам қилибгина тураман, елкамга аста қўл ташлаб, сен яхши ишляяпсан, сенда айб йўқ, гайрат сол, мени қайғураётганим фақат вақт маъносида дегандай, меҳрибонона хайрлашиб, жўнаб қоладилар. Мен орқаларидан хомуш боқаман ва ишлар айтарлик тўхтаб қолган қурилиш майдончаси томон кетаман.

Ўша йилнинг 26 декабрдан 27 декабрга ўтар кечаси (ҳурматли қайнотам Иброҳим ака Отажонов шу кечаси вафот қилдилар) тутган қаҳратон совуқ, 1969 йилнинг апрел ойларигача ёздирмади ҳисоб. Муз устига жанубдан эриган сувлар келавериб Амударё тикилди ва икки қирғоғи ҳам хавф остида қолди. Туркистон ҳарбий округи томонидан самолётда ташланган бомбалар ҳам кор қилмай қолди. Хударган ака бошлиқ жанговар штаб кечаю — кундуз тинмай



ишлади, дамбаларни мустаҳкамлаш ишлари колхоз – совхозлар, идора – ташкилотларга бўлиб берилди. Иягида жони бор одам дарё бўйига чиқиб, Хоразмни сув босиш хавфидан сақлаш учун жонини жабборга бериб ишлади. Ва ниҳоят дали дарё Шаббоз (Қорақалпоғистоннинг Бериуний райони) тарафга уриб, кўп талофат етказди. Бу офатдан Тўрткул райони ҳам анчайин зарар кўрди. Лекин икки қирғоқ халқи фидокорона ишлаб, бу улкан талофатни мардонавор енгди, яна ҳаёт ўзининг осойишта измига тушиб кетди.

Ўтган йилги давлатга берилмаган режадаги икки минг тонна пахтани бу йилги ҳосил билан удалаш борасида Хударган ака бошлиқ район аҳли қаттиқ меҳнат қилди. Айрим кунлари уйқусизликдан Хударган аканинг қизариб кетган кўзларига қараб, юрагим орқамга тортиб кетар, ишимдаги беунумликдан ҳижолат чекар ва бирор дақиқаниям бекор ўтказмасликка ҳаракат қилар, бирор орқайин вақт бўлса, дилдан суҳбатлашсам, кўнгилларини кўтарсам дердим.

Ана шундай дилтангликлар чоғи бир сафар Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг машҳур – «Насиҳат ба подшоҳ ба он касми мусаллам астқи, на умиди зардорад, на бими сар» (Подшоҳга шундай одам насиҳат қилиши маъқулдирки, на подшоҳдан олтин умиди бўлсин, на боши кетишидан кўрқинчи) сўзини эслатганимда у киши:

– Жуда тўғри айтган Шерозий, донишманд гап, лекин, подшоларнинг аксарияти насиҳатни хуш кўрмайдилар. Биласанми навчун? – Жавобни ўзларидан эшитиш учун қизиқиш билан сукут сақладим. Хударган ака кўзларини ўзига хос пирпиратиб, – Чунки, мансаб курсиси ҳамма нарсани билагон, олимлардан олим, ақллилардан ақли қилиб кўяди. Лекин бир ўлмас ҳақиқат ҳам бор – туғма ақл эгалари ҳаммаша сирп бўладилар, улар мудомо салобатли, қаерда ишламасинлар доим ҳурматда бўладилар.

Хударган аканинг мушоҳада кўламининг кенглигига кўп маротаба иймон келтирганман. Баъзан гаплашиб ўтириб, қулфи диллари очилиб, хотиротларга берилаар, ўзлари сезмаган ҳолда янглишу алданишлари борасида гурунг этар эдилар. Ҳаёт сабоқларидан олган донишмандлиги олдида лол қолардик, бағри кенг, кечиримли инсонлигига ҳавас қилардик.

Хударган аканинг ҳаётида кечиримли воқеалар беҳисоб, бироқ ҳамишайам ҳилмик, мусулмончилик нуқтаи назаридан барчамизга

хос андишалик раҳбарлик тизигини бир меъёрада ушлаб туришга халақит беришини бошлиқ бўлган одам билади. Аравакаш ҳам жиловни йўлнинг пасти – баланди, гадир – будирига қараб гоҳ таранг, гоҳ бўшроқ кўяди. Кўп вақтлари Хударган аканинг зоҳиран асабийлашганини сезмасак ҳам, ботинан асаблари таранглашганини гувоҳи бўлганмиз.

Катта мажлисларда қайбир раҳбарларнинг беандишалик билан гап қайтарганларидаям, у киши вазминлик билан машваратни давом қилдираверардилар ва қизмалик билан қўлларини сариб, овозларини кўтариб, аҳли мажлис олдида гўё «қаҳрамонлик» қилгандай керилган ўша кимсалар йигин охирига бориб изза бўлишар, кўпчиликнинг қаҳрига учрарди.

Биз ёш шогирдлар бундай қаҳру – ғазабли бақириқ – чақириқли, аммо беҳудуд тўлқинли уммондаги катта кемани вазминлик ила бошқариш онларини кўриб ўзларимизга сабоқ олардик, ҳаётнинг кўз илғамас икир – чикирли қатламларига назар солишга интилардик. Дарвоқе, Хударган аканинг шогирдлари беҳисоб, унга тақлид қилишга, фикру мулоҳазада маҳобатли бўлишга интилувчилар оз эмасди. Шунинг баробарида Хударган ака ҳам шогирдларига меҳрибон бўлишликлари билан ўта талабчан ҳам эдилар. Шунданмикан, то ҳануз шогирдлар бири олиб – бири қўйиб Хударган аканинг очилмаган ибратли қирраларини айтиб навбат беришмайди. Бари шогирдларининг устозига бўлган эътиқоди баланд, у кишини холисанилло қилган яхшиликларини ўзга бир меҳр, ўзга бир муҳаббат билан эслашади. Машариф Раззоқов, Амин Вапоев, Маркс Жуманиёзов, Шариф Қурбонов, Рустам Султонов, Жумабой Утамов, Йўлдош Норметов, Йўлдош Худойберганов, Раъно Иброҳимова, барисини санаб чиқиш қийин...

Билҳақ, меҳр – муҳаббат хусусида Хударган аканинг мезони баланд эди. Бир куни газетада менинг тимсоҳни мисолга олиб сўққан ўртамиёна тўртлигим эълон қилингани боис Хударган ака сўхбатлашишга рағабатлари мойилроқмиканлар:

– Шеърингни ўқидим, яхши, маъқул, лекин тимсоҳни ваҳший дебсан, ахир унинг фойдасиям кам эмас, айниқса саноатда, жомадонлар, аёлларнинг бежирим, қимматбаҳо сумкачаларини кўрганмисан? – деб қолдилар.

Сўхбатимиз ўз – ўзидан ривожланиб, аста – секин Навоийга, Жомийга, уларнинг муҳаббат борасидаги ёзмишларига ўтиб кетди.

Ёқамни ушладим, доимо ишдан бошқа мавзуга ўрин бермайдиган одамнинг шеърият, адабиёт тўғрисида бу қадар сермулоҳазалигига ҳайрон қолдим. Мен ҳайронланганим сайин суҳбатни чуқурлаштириб боравердилар. Ҳеч эсимдан чиқмайди мен ҳам у кишини бир ҳайратга солдим. Жомийнинг бизга таниш манбаъларда эълон қилинмаган эронлик шоир Аҳмад Тобо Тободийдан эшитганини каминага бир олим айтиб берган бир ғазалини ўқиб, лўндагина таҳлил қилдим: «Бир сўзамол ваъзхон бир мажлисда ишқ дафтарининг латиф афсоналаридан ваъз айтиб турган экан, бир одам эшагимни йўқотдим, шу ердан эшагим ўтмадими деб сўрабди. Ваъзхон ваъзни тўхтатиб, аҳли мажлисга қараб балан овозда ҳозир, шу бугун ораларингда ишқ меҳнатини тортмаган, санамлар жавридан озорланмаган кимса борми?, деб сўрабди. Шунда бир одам ўрнидан туриб: «Эй, даврнинг илғор одами, мана мен ишқдан бенасиб, ундан ҳаргиз баҳра олмаган одам менман», дебди. Шунда ҳалиги ваъзхон эшагини йўқотган одамга ўрнидан туриб турган ишқдан бебаҳрани кўрсатиб: «Эй, эшагини йўқотган кимса, нўхтангни олиб кел, мана йўқотган эшагинг, олиб кетабер», дебди.

Хударган ака аввал ўзига хос кўзларини пирпиратиб, мийиғида жилмайдилар – да, сал туриб, хо – холаб кулиб юбордилар.

– Сен ҳам бало экансан – ку, доктор!

У киши мени ҳар доим муҳандислигим боис, Янгибозор пахта тозалаш заводи қурилишига ишга тайинланган кунимдан эътиборан «доктор», дея алқар эдилар. Ёшлари ўша пайтда эллиқда бўлсаям кеча – кундуз тиниб – тинчимас, неки юмуш бўлсаям ҳормас – толмасликлари, қаттиққўлиқлари баробарида одамлар меҳнатини қадрлар қариндош – уруғчиликка, қуда – андачиликка йўл қолдирмас, катта – катта мажлислардаям камчилигингни хаспўшламас, лекин беписандлик билан ҳақорат қилмас, сал нарсага қаҳрланиб, ишдан кетишининг тарафдори бўлган эмаслар.

У пайтлари пахта униб чиққанидан кейин ягоналаш, чопиқ, далаларни ўтдан тозалаш даврида идора раҳбарларидан гуруҳ тузиб, ўн – ўнбеш кун колхозма – колхоз, бригадама – бригада юриб тафтиш қилинар, амалий ёрдам берилар эди. Қайси бир сафар мен Хударган ака бошлиқ гуруҳга тушиб қолдим ва ҳар кун бир колхозда эрталаб соат бешдан кечки олти – еттигача ҳар ким бир

бригаданинг ишини ўрганиб, колхоз раиси ва бригадирлар иштирокида кечки машваратда ахборот бериши, таклиф, мулоҳазаларини айтиши керак эди. Яна кечда бошқа колхозга ўтиб, унинг меҳмонхонасида тунаб, эрталаб яна худди кечагидай иш амалга оширилади. Эрталаб Гурландаги илғор Навоий номи колхозда бари гуруҳ аъзоларини кечагидай бригадаларга бўлиб, Хударган аканинг иши кўпмикан шу куни негадир раис билан дала айлангани кетмай, раис Ўрозбой акани район қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Йўлдош Қўчқоров ихтиёрига топшириб жўнаб кетди.

Мен 4 – бригадага тушдим. Гуруҳимиз аъзолари бирин – кетин, аста – аста ўзлари бўлинган бригадаларга жўнай бошладилар ва қандайдир сониялар ичида район таълими бўлими бошлиғи раҳматлик Турсунбой ака, раис, Хударган аканинг топшириғи билан гуруҳ раҳбарига айланиб қолган бошқарма бошлиғи Йўлдош ака ва мен бўлинган жойда суҳбатлашиб, ушланиб қолдик.

Хуллас, бир пиёла чой ичиб, бригадаларимизга жўнайдиган бўлдик. Колхоз меҳмонхонаси олдидаги тўрт тарафидан соя солиб турган маҳобатли гужумли, сўлим ҳовуз лабига дастурхон ёзиди. У на дади, мен на дадим дегандай, гап қизиб, қаердандир келган икки шиша коньякни икки сафарда шимириб, кетишга аҳд қилган одамлар аста – секин ўтиришни қиздирганча, кетишга шошилиш уёқда турсин, умуман эсдан чиққанига нима дейсиз. У ҳам майлику – я, лекин чарчаб юрган эканманми, андак мизғиганимча кўзимни очсам, пастлаган қуёш нурлари энди устимга кела бошлаган, сал нарироқда эрталаб йиғин ўтказилган скамейкаларга бригадирлар, гуруҳимиз аъзолари бир – бир йиғилишаётган экан. Шундайгина тепамда Хударган ака, ҳамишагидай сал асабийлашса ўнг оёғини кўпроқ силташ одати билан жимгина ўтирибдилар. Мен индамай, хотиржамгина ўрнимдан туриб, ҳовузнинг муздаккина сувида юзимни чайдим ва бориб мажлисдан жой олдим. Хударган ака аста ўрнимдан туриб, мажлис ҳайъати курсисига келиб ўтирдилар – да:

– Хўш, бўлмаса, мажлисимизни бошлаймиз. Сўз, Янгибозор пахта заводи директори Комил Авазовга, – дедилар.

Худди куни бўйи 4 – бригада далаларида юриб келгандай хорғин ўрнимдан кўзгалдим – да, ҳайъат устари олдига бориб, маърузани бошлаб юборавердим.

– Дунёда тўрт маҳлуқ бор, – ҳамма сув сепгандай жимиб қолди. Сал пауза бериб, овозимни баландлаб, сўзимни такрорладим, – Дунёда тўрт маҳлуқ бор: йўқ ердан хавфсираб, ваҳима билан яшайдилар. Бири Читтак, осмон устимга тушиб кетади деб оёқларини осмонга қаратиб ётади, бири Такалик, икки оёғимни қўйсам, ер ўйилиб кетади деб ҳамиша бир оёқда туради, бири Чувалчанг, кўп еб қўйсам, лой тутайди деб оз ейди, яна бири Кўршапалак, кундузи учсам, кўз тегади деб, кечаси учади...

Хударган ака индамай мажлис аҳлига қараб ўтирибдилар. Одамлар нега мен бу тариқа жумбоқли ҳикоят айтганимдан ҳайрон. Лекин, раис, Йўлдош ака, Турсунбой акалар айтаётганим тўрт маҳлуқ кимлар эканини билиб, давоми не билан тугарган дея хавфсираганча ерга қараб ўтиришибди. Бу иродга изоҳни ортиқча билиб, сўзимни мухтасар қилдим, негаким кечаям, олдинги куниям кўрган колхозларимизда аҳвол бир – биридан кескин фарқ қилмайди, ҳозир далаларга кечаси босиб сув бериш лозим, кейин чеканка вақтини ўтказиб юборишлик кони зарар. Худди бригадага бориб, кўриб келгандай иккиланмасдан гапирдим. Ростини, виждонимга хилоф бўлсам алдадим. Ахир ҳозиргина бирин – кетин етиб келаётганлар мени ҳали замон қайтиб, бироз мизғиган бўлиши мумкин дея ўйлашлари табиий – ку. Шу сабабдан, бригадага бормадим дея тўғриси айтишга иймандим ва далерона сўзлаб нутқимни туталладим.

Хударган ака бир оғиз ҳам савол бермай:

– Ўтиринг, – дедилар ва навбатдаги маърузачини минбарга таклиф қилдилар.

Ажабким, ушбу кун тафсилотини на бирга маишат қилган амалдорлар, на Хударган ака ўша кунлариям, ундан кейин ҳам бирор марта менга эслатишгани йўқ, мен ҳам бу ҳолни Хударган аканинг бағри кенглигига йўйиб, нима бўлганини айтмадим. Ва кейинларда қайси бир машварат чоғи у кишининг шундай дея аҳли мажлисни ҳайратга солганлари эсимда.

– Қобусномада ёзилишича, халойиқ уч турли, нутқ эса тўрт хил бўлар экан. Халойиқнинг бири шуки, билади, билганини ҳам билади, бундай киши олимдир, унга тобе бўлиш лозим, яна бири шуки, билади, билганини билмайди, у уйқудадир, уни уйғотмоқ керак, яна бири шундайки, билмайди, билганини ҳам билмайди. У жоҳидир, ундан қочиш керак. Сўз тўрт хил дедик: биринчиси

билишга ва айтишга ҳожати йўқ сўзлар, иккинчиси — билишга ва айтишга зарур сўзлар, учинчиси — билишга зарурати йўқ, аммо айтса бўладиган сўзлар, тўртинчиси — билса бўладиган, бироқ айтишга ҳожати йўқ сўзлар.

Хударган ака ўшанда донолик билан гапиряптилару мен залда ўтириб у кишининг қайси тоифага мансублиги, нотикликдаги тўрт хусусиятнинг қай бирига амал қилиши борасида хаёл сураман ва амин бўламанки, у киши халойиқнинг биринчи турига, нутқ хилининг ҳамма турига риоя қиладиган сўзамол, доно одамдир. Билҳақ, ровийлар: «ҳар кишини турмуш устоди доно қилмаса, ҳеч бир доно унга сўз ўргатиб, оқил қилолмайди» демишлари, худди Хударган ака мисолида айтилгандай. Ўзининг меҳнатсеварлиги, элсеварлиги, одамохунлиги билан Гурлану янгибозорликларнинг яқин кишиси бўлиб қолган бу ҳиммати баян инсон қайси ишни бошламасин, ҳамиша уни барча қўллаб — қувватлар, унга фидокорона эргашир эдилар.

Янгибозор қишлоғи марказида Хударган аканинг бевосита раҳбарлигида қурилган пахта тозалаш заводи у ернинг иқтисодиёти мукамал туманга айланишига замин бўлдики, бу тарих саҳифаларида ўчмас воқеалиги баробарида у кишини ҳам абадийликка даҳлдор этди. Хударган аканинг қилган тинимсиз назорати боис завод икки йилга қолмай ишга туширилди ва ҳашар йўли билан Гурлан пахта тозалаш заводининг кекса, ишбилармон чилангирлари, пайвандчилари, колхоз — совхозларнинг қурувчилари ғайрати билан режада заводдан бир йил кейин қурилиши мўлжалланган қуриштиш — тозалаш цехи завод билан бир, 1970 йили ишга тушди. Сўнглик билан Янгибозор алоҳида район бўлди. Ҳозирда гуллаб — яшнаб бормоқда.

Хударган ака дўстликка эътиқодли одам эдилар. Мадрим Раҳмонов, Рўздат Жуманиёзов, Полвон Назаров, Юсуф Шержонов, Ибройим Полвон, Сотим Нурмат, Мадамин Маткаримов, Отаназар Мадраҳимов, Маҳмуд Нуниёзов, Отабой Йўлдошев, Хударган Отабоев, Хударган Саидов, Карим Бобожонов, Матёқуб Юсупов, Шариф Ҳамроев ва яна неча — неча тенгқур дўстлари билан умрининг охиригача, қайси вазифада ишлашларидан қатъий назар оилавий борди — келди қилдилар. Буям ҳаммаларга насиб этавермайдиган Оллоҳнинг бебаҳо неъматидир.

Бу фоний дунё ўзининг сирли айланма йўлларида собит давом этаверади, одамлар унга мослашиб тириклик қонун – қоидаларига бўйсуниб яшайверади ва одамзоднинг умри синовлар, сабру – бардошлар замирида кечаверади. Хударган ака билан Тожигул опа икковининг бир – бирларини қиё боққанда тушунишлари, уларнинг зиндалик зинапояларидан сирпанмай, бир маромда кўтарилиб боришларига бош сабаб бўлди. Оғир йилларнинг оғирлигини оғирлатмай кўтаришга ўз вақтида елка тутабилдилик, яхши, баҳамжиҳатликда яшашнинг бош мезони эканини бу икки дилкаш инсон тимсолида кўриш мумкин. Ва ажабким, тақдир деб аталмиш умр чорраҳаларида уларнинг йўллари ҳамиша очиқ бўлган, қариндошлик ипларининг чамбарчас боғланишига Яратганининг ўзи нусрат этган.

Тожигул опанинг отаси Олаберган аканинг укаси, ўзбек кино санъатига асос солган Хударган-Девонунинг эътиқодди шогирди Полвон киночининг маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси бениҳоя каттадир. Тақдир сўқмоқларининг туташган нурли боғламларида ажиб бир ҳикмат борким, унинг тилсими олдида лол қолмай иложинг йўқ. Полвон киночининг ўғли Отабойни Хўжайлида истиқомат қилувчи, асли хивалик Саъдулла сарт олиб тарбиялайди ва қизи Анорхоннинг тақдирини шу келишган, чиройли, ишчан йигит билан боғлайди.

Отабой ака камгап, диди баланд, жуда келишган, одамнинг ҳавасини келтириб, ниҳоятда бежирим, ораста кийинадиган, ўтириш – туришида ҳеч кимникига ўхшамаган, кўрганни мафтун қиладиган ботиний маданият бор эдиким, мен бунга кўп мароталаб амин бўлганман. Анорхон опа ҳам Отабой акага мос, бодомқовоқ, хушбичим, оқила аёл, юзу – кўзларидан нур ёғилиб туради. Уларнинг бири – биридан гўзал фарзандлари дунёга келди. Тамара билан Юлдуз қизлари Хударган акалар оиласига келин бўлиб, қариндошлик ипларини янада маҳкам боғланишига босабаб бўлдилар.

Вақтнинг тезоблиги бир зайил тез ва шиддатли. Бугунги меҳр – муруввати билан музайян, доруламон, хушбахт кунларда Рейимбой билан Тамарахоннинг, Ботирбой билан Юлдузхонларнинг ўғил – қизлари уйланиб, турмуш қуриб, уйли – жойли бўлаёпти.

Хударган ака, Шерозийнинг катта ўғиллари, профессор

Отаназар ака учовимиз Отабой аканинг Юлдуз қизининг қўлини сўрашга, Хўжайлига совчиликка борганимиз кечагидай кўз ўнгимда. Буни бошқа бир фазилатли томони борлиги боис бу воқеани эслаяпман. Бизни Хўжа элига хос меҳмондорчилик ила кутиб олишди. Қўйлар сўйилган, меҳмоннавозлик баланд, мезбонларнинг сертакаллуфлигига гап йўқ. Раҳматлик Саъдулла ака ўзига хос ним табассум билан келганимиз шарафига фотиҳа қилдию бизни яйраб ўлтиришимизга ундаб бир замон тарк этди. Ўша бир замон деганимиз, Отабой аканинг ака – укалари хонадонларига навбатма – навбат меҳмондорчиликка кириб – чиққанимиз билан ўлчасак, борганимизда қуёш ҳали тик келмаган эди, қайсидир уйдан чиқиб, хайрлашганимизда қош қорайган экан. Биз Отаназар ака икковимиз бир жойга келсак, балиқ сувга киргандай вақт – ни ўтганини билмас, адабиёт, санъат, мусиқа борасида суҳбатлашишдан чарчамас, аксинча руҳлангандан – руҳланиб, бизга қўшилиб ўтирган ҳар кимниям зериктирмай, маҳфили наволиғни баландлатиб бораверардик. Отаназар ака мени кичкина жўрам дер эди.

Хуллас, Отабой аканинг ўлтиришга файз берадиган мушфиқона муштақий мулозаматидан мумдай эриб кетган биз хужастаи фаржом ўлтиришда яхши сўз гадолари, Хударган аканинг йитти қарашлариниям писанда қилмас даражада ўзимиздан кета бошладик чоғи, қолаверса, иккинчи тарафдан маишатнинг зўрайишига сабабчи бўлган Отаназар акага Хударган ака доимгидай, уни ардоқлаб бир неча бор «Отто» дейишим фойда қилмагач, у киши ҳам аста – секин бизнинг хоразмчалаб айтганда қўйларни қумга юбориб, авж пардада ҳазатиб ўтиришимизга, ажаб бир хушқайфиятли маромга қўшилишга мажбур бўлдилар. Лекин, бари – бир, катталиқ андишаси, Хударган акани жловини бўшатмас, фақат бот – бот, менга: «Доктор, улли жўранга бера (бу ерга) нега галганимизни бир эслат», деса, Отаназар ака (раҳматлик қанча май нўш этсаям, мастга ўхшаб кўрингани билан бечакки қилиқ қилмас, беўрин сўзламас эди) мийиғида кулиб, Хударган ака билан тенгқур эмасми: «Хударганбой, ўтирибмиз – дон», дея падари бузруквори Мадраҳим Шерозий билан у кишининг машҳур чилдирмачиси Мулла отанинг ўтган асрдаги ўттизинчи, қимматчилик йиллари Чоржўйдаги ҳолатини айтиб беради.

– Акам (дадам) билан Мулла ота Чоржўйга бошлаб борган



кунларидаги завқ – шавқ, меҳмондорчиликлар аста – секин камайиб, Мулла ота зерика бошлаганидан кейин акамга Мадримбой, гетали, бўлар энди шунча юрганимиз, уйёна (уй томонга, яъни Хивага демоқчи – К.А.) гетали, даб гиддилай бошлабди. Акам, яхши, қани юринг бозор ёнларни бир айланиб галали, гетсак, гетармиз, дея у кишини кўчага бошлаб чиққан. Бозорга яқинлашсалар, дарвоза олдида ўша пайтда Чоржўйда милиса бошлиғи бўлиб ишлайдиган хонқалик, Сапо кўқай учраб қолади. «Йўл бўлсин, нера бораётирсизлар», деб уларни балиқхонага олиб кириб, бирга балиқхўрлик қилади ва бир шиша «оби замзам»ни ҳам ичиради. Балиққа ҳам тўйиб, ҳалигидан ҳам бир – икки коса ичиб, бироз кайф қилган Мулла ота акамга қараб, Мадримбой, юрибмиз – дон, анг, дермиш.

Даврадагилар Отаназар ака завқидан ҳуррам бўлишди. Отаназар ака кулги тўхтагач, Хударган акага эркалаб:

– Хударганбой, юрибмиз – дон, анг, нера қистанасиз, – дейди.

Яна кулги, яна жадаҳлар, жом сўзлар. Отаназар ака кичкина чинни ликопчани ўзига хос чиройли чертиб, Амирийнинг «Дилу жони санго қурбон»ини куйлайди. Қизиқ, куйлашдан олдин, анчайин шаробхўрликдан кўтарилмиш гала – говурни андак пасайтириш учун аввало акам, Амирийни яхши кўрарди, раҳматлик, дея жиндак изоҳ беради, сўнг бир дақиқа жим қолиб, худди отасидай ширали овозда салдом билан бошлайди:

*Нагур ҳолим сўроғга келсанг, эй сарви хироманим...*

Хулмас, Хўжайлига нима учун келганимиз хусусида гапиришга ҳеч ўрин бўлмади. Улар ҳам бизнинг келишимиз боисини билишгани билан биздан бу борада сўз чиқмаганига унчалик эътибор беришгани йўқ, ҳазлик дуди фалақда. Ҳар дам ишда таранг юрган асабларига эрк бердими, бизга қўшилиб анчайин яйраган Хударган ака мезбонлар билан хайрлашаётганимизда Саъдулла акага қараб вақти хуш, кулганча:

– Аммо лекин, совчиликка одамларни олиб келган эканмиз – ов, – деди.

Саъдулла ака ҳам кулганча, тушунарли дегандай бошини сарак – сарак этади.

Машинага ўтиргандан Отаназар ака икковимиз жўровозликда

қўшиқ бошладик. Сал жим ўтириб, яна авжда айта бошлаймиз. На «Сувора» қолди, на «Феруз». Хударган ака бир ухлаб ҳам турдилар – ов. Биз ҳам Урганчга яқин қолганда чарчаб, мизғибмиз чоғи, Хударган ака уйлари олдида машинадан тушаётиб, хушнудлигини бир оғиз лутфда изҳор этдилар:

– Поҳ, лекин, бир мисқол бўлдик, ўзларингиз ҳам димғина димиққан акансизлар, ҳисоб.

Совчиликка келганимизни айтмаганимиз билан шундай ҳам ҳаммаси аён, Ботир билан Юлдузларнинг тўйлари бўлди. Ҳозир ёйилиб – ёзилиб, ширингина турмуш қиляптилар.

Шу йиллар давомида мен фақат бир нарсага амин бўлдим. Табиатда ҳамма нарса ўз умрин яшаб қарийди, ва лекин, олам борки яхши қўшиқ қаримайди, одамзод умрига ҳамдарду ҳамнишин бўлиб яшайверади. Қачон, қаерда «Кел, эй маҳбуби матлубим», деб бошланувчи «Насруллои»ини эшитишимдан қатъий назар, янги 1970 йилнинг илк кунда Хударган акалар хонадонда, Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров билан бўлган анойи суҳбатимизни эслайман. Неча марта ижро этилса, шунча марта ёдимга келаберади...

## Суҳбат

Уша кунлари сочимни устарада қирдириб ташлаганим учунми, ё директор бўлиб ишлаётганим, Янгибозор пахта тозалаш заводини ишга тушириш билан боғлиқ беадад қийинчиликларданми, жуссам анча кичрайиб, ёшимдан ҳам кўра муштдаккина бўлиб қолган бўлсам керак, туман раҳбарининг уйига меҳмон бўлиб келган ҳофиз илк кўришганимизданоқ мени унчалик хушламаётганини сездим.

Ҳофиз билан Хива тумани раҳбари, мамлакат қаҳрамони Мадамин ака Маткаримов ҳам оиласи билан келгани учун ўзим ҳам бир – икки бор кетишга тараддудландим, оқсоқоллар рухсат этишмади. Қувондиқ ака эса, танимаганидан суҳбат орасида аста – секин мени узиб ола бошлади. Сўз замон созандачилигига, қўшиқчилик санъатидаги баъзи номутаносибликларга бориб тақалганида Қувондиқ ака мени кўрсатиб:

– Ина шу болалар классик қўшиқларни, мумтоз ашулаларни қаердан ҳам билади! Булар ҳозир «Бути – бути», «Рот – мот»ларга

илиқади, — деди.

Мен индамадим. Танимаганни сийламас деганларидай, беписандлик қилганига чидадим. Лекин у яна бошқа бир мавзудаям тагин менга ишора қилди:

—Энди кунимиз мана шу болаларга қолди, ҳайфгина...

Яна индамадим. Барчанинг эътиборини ўзимга қаратишдан негадир истиҳола қилдим. Чой олиб кириш баҳонасида аста туриб кетмоқчи эдим, уй эгаси, ҳам қудамиз, ҳам каттамит Хударган ака рухсат қилмадилар. Қувондиқ аканинг мени танимай жеркиётганидан Мадамин аканинг энсаси қотдими, ўзига хос ҳужм қилди:

—Қани, бир қўшиқ айтсанг — а!

Ҳофиз керак бўлмасаям қўлидаги торининг қулоқларини истар — истамай буради, ҳалиям мени даврадан чиқиб кетмаганимга ҳайронланиб бир ёвқараш қилди — да, «Насруллои»ни бошлади:

*Кел, эй маъбуби матлубим, санинг ёшинг ҳазор ўлсин...*

Мен маъюс ерга тикилганимча бир томондан, Навоийга нисбат бериб айтилаётган ғазалдаги ғализ мисралардан юракларим юм — юм йиғласа, иккинчи томондан, ўзи саводсиз бўлиши билан мени оёғи остига ташлаб беаёв эзгилаётган ҳофиздан ижирганиб ўтирдим. Худога шукрим, Қувондиқ ака ҳамма ашулачиларга хос уч — тўртта қўшиқни кетма — кет айтмай, удумга ҳилоф равишда битта қўшиқ айтиб тўхтади. Қўшиқни қойил қилдимми дегандай катталарга бир — бир суқланиб қаради ва менга теккизиб, ҳозиргина ижро этган ғазалнинг чиройли жойини ўзича ўқий бошлади:

*Аробий гуптаам зеҳқат, бафорси гуптаам хангат,  
Батурки сўзласам кулгинг бу олам мушкибор ўлсин...*

Байтни қироат билан ўқиб, вой — бўй, дея ҳайратланганча шу сўзларнинг маънисини мана шу болалар қайдан ҳам биладилар қабилида беписандлик билан менга кўз қирини ташлади.

Мен у кишининг яна ҳақоратини эшитишни истамадим ва паст овозда аста сўрадим:

– «Мушк» дегани нима дегани?

Қаттиқ ҳаяжонланганимдан овозимни ўзим ҳам эшитмадим чоғи, ҳатто шошганимдан «дегани»ни икки маротаба қайтарганимни айтмайсизми. Қувондиқ ака ялт этиб менга қаради.

– «Мушк»ми? – У торини қўлтиғига яқинроқ келтириб, озод бўлган қўлларини аввал олд томонини кўтариб, – «Мушк», – деди ва кеч кимдан садо чиқмагач, шуниям билмайсанми дегандай энди қўлларини пастга сармаб: – «Мушк» – да, – дея ҳаммага бир – бир истеҳзоли қаради.

– Ана, кўрдингизми, нима айтаётганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз! – Борлиқ вужудим титраётганидан овозим сал дўриллаб, қўполлашганини сездим – у, яна пастладим: – Бунга сиз айбдор эмассиз. Бу ғазални устозингиз Ҳожихон акаям хато ўқийдилар. Унинг устига, Навоий ғазали деб ўқийсизлар, аслида, у Навоийники эмас... «Мушк» – қора тусли хушбўй модда, у эркак кийикнинг киндигидан олинади. Дейдиларки, «мушк» олиш учун кийикларни Хўтан тоғига тирмаштириб зўриқтирарканлар. Уларнинг зўриқишдан тугилган киндиклари тушиб кетмасин деб қоринларига нофа – мушкдон боғлайдилар. Қони қотган киндикларга ишлов бериб, «мушк» тайёрлайдилар. Аёллар қошларига мушк қўядилар. Шунинг учун ҳам Огаҳий ҳазратлари, «Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина», дейдилар. Баъзи бирларингиз уни «Мушкул қошингни...», деб бузиб айтасизлар. Энди ҳалиги байтдаги «мушкибор»га келсак, мантиқ бузилади. Одам кулганида олам мушкибор эмас, балки жарангдор бўлар... Барибир ғазалнинг ўзи ғализ... «Аробий гуптам...» Тўғри, форслар «гуфтам», дейди, араблар – чи?...

Қувондиқ ака анграйиб қолди. Даврага оғир жимлик чўқди. Овоз чиқармайгина ним табассум этиб ўтирган аёллар ҳам сергакландилар. Мезбонлар андак безовталандилар. Тожигул опа қадимий қадрони Ёқутжон опага (Мадамин аканинг хотини) дастурхонга қараб ўтиринг ишорасини қилмоқчи эди, Мадамин ака ҳамишаги зийраклиги билан ўртадаги лаҳзалик нохушликни садпора қилди:

– Қувондиқ, сен келганимиздан бери Комилжонни шу ердан чиқаролмай ҳалаксан! – Мадамин ака нигоҳида ҳеч кимникига ўхшамайдиган ажиб бир нур бўлғувчи эди. Айниқса, бировга

дўстона танбеҳ берганида ана шу нур ёқтиганиб кетарди. Ҳозир ҳам у киши шунчалар беғараз қарашида мени улуғлаши баробарида қўшиқчини саводсизлиги учун ерга уриб юбормади, беғубор табассуми билан қўшиб қўйди: – Сен ёш бола деб менсимаётган бу йигит, санга ўхшаган ўнта ашуланига дарс беради, шунинг нонини еб юрибди. Қолаверса, пахта заводининг директори... Қўшигингни айтиб юрийварсанг бўлмидими?

Қувондиқ ака ўтирган жойида қотиб қолди. Гапга чечан, сиёсатдон Хударган ака Мадамин акага шўхшанг боқди:

– Ёшулли, индамасангиз – а, Комилжон Қувондиқни патини питта (бироз) юлсинла.

Қувондиқ ака торини қўлига маҳкам қисганча бирдан ўрнидан турди ва мен томонга ўтирилганча эгилди:

– Тасдиқ, таъзим, тасдиқ! – Бироз жим тургач, ҳақиқий тўпориларча бир нафасда шундай деди: – Қачон Хоразмга келсам, айрипортдан (аэропорт демоқчи – К.А.) сизга қўнғироқ қиламан, менга телефон рақамингизни берасиз. Сиздан рухсат олмагунимча шаҳарга кирмайман, уйимгаям бормайман. Телефонда тополмасам, ишхонангизга бораман, уйингизга бораман. Хуллас, аввал сизни тавоб қилиб, кейин уйимга кетаман. Бу маним ҳақиқий дилимдан айтаётган сўзим, ишонинг. Вой – бўй, ман сизни ўрисча ўқиб, ўзбекчани ҳам яхши билмайдиган тақир калла деб ўтирсам, хазина акансиз – у!

Бу «танишув»га нуқта қўйиш учунми, Мадамин ака яна ҳофизга юзланди:

– Биз борганимизча Комилжонни олдириб ўтиринг, бир суҳбатлашайлик деб Хударган акага телефон қилган эдим. Сен уни танирсан деб индамаган эдик. Сен бўлсанг...

– Қўйинг энди, ёшулли, уялтираварманг! Тошкентда яшаб, ҳозирги ёшларни танимаслигим табиий. Кечирим сўрадим – қу, яна нишатин?! – дея Қувондиқ ака ялтоқланди.

Ҳофизнинг тобеи мусаллам бўлганига қаноат ҳосил қилган Мадамин ака кулимсираб:

– Қани, аласа энди қўшиққа парда бос, – деди.

Қувондиқ акаям шуни кутиб турган экан устозларига ўхшатиб, салдом билан ширали овозда «Катта суворий»ни бошлади...

## *Жамолнинг шавқига ёқди фалакни ўтлуғ афғоним...*

Бутун умри давомида фидойилик ила элнинг хизматини қилган, фарзандлари — ю шоғирларига ҳалоллик ва ростликдан ҳаётий сабоқ берган, умргузаронликда андоза, ҳамиша юртга қайишганидан эл ҳурматига сазовор бўлган, «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» унвони соҳиби, «Ҳурмат белгиси», икки маротаба «Меҳнат Қизил Байроқ» орденлари ҳамда бир қанча медаллар билан тақдирланган Хударган аканинг босиб ўтган йўллари шавкатли, шуҳратли йўлдир.

У киши қаерда ишламасин (1974 — 1975 йй. «Вилоят қишлоқ хўжалиги» бошқармаси бошлиғи, 1975 — 1979 йй. «Урганч СМУ» — қурилиш — монтаж бошқармаси бошлиғи, 1979 — 1985 йй. «Вилоят автомобил йўллари» бошқармаси бошлиғи) ҳамиша ҳалол ва фидойилик билан ишлади.

Қизлари уйли — жойли, ўғиллари олим — Шавкат техника фанлари доктори, Рейимбой техника фанлари номзоди, автомобилчи, Шуҳрат авиасозликда кўп шуҳрат орттирган етуқ муҳандис, Ботир физика — математика фанлари номзоди, ота изидан бориб, бундан элик йиллар муқаддам падари бузруқвори райком секретари бўлиб ишлаган Хазорасп туманида тўрт — беш йил Ҳоким бўлди. Ҳозирда вилоят Ҳокимининг биринчи ўринбосари. Бариси ҳам барака топсинлар, оталари — оналарининг шаънига доғ туширмай, камарбасталик ила элу — юрт хизматини бажариб келмоқдалар.

Хударган ака 1988 йил 17 июнда, Тожигул опа бир ойдан кейин, 1988 йил 15 июлда, бу оламдан кўз юмдилар. Иккови ёнма — ён Урганчдаги Охунбобо қабристонига ётибди. Уларнинг вафотлари боис ушбу эпитафияни битиб эдим, қабр тошига ўйиб ёздилар:

*Бир жуфт кабутаргай кечириб умр,  
Изма — из кетдингиз бир ёз ичинда.  
Табаррух руҳингиз яшагусидир  
Ўғил — қизларингиз қорачиғинда.*

Ушбу битикка нуқта қўйишдан олдин Хударган ака била Тожигул опанинг қабрлари олдида тиловат қилдим ва ўқиган

дуоларимни уларнинг руҳи покларига бахшида қилдим, ўғил – қизларига аҳтиқ – чўвлиқларига, қариндош – уруғларига узоқ умр, кенг давлат, баланд мартаба, оилаларига қут – барака тиладим. Иншоолло, рамазон кунлари қилинган холис ниятларим Оллоҳ даргоҳида мустажоб бўлғай.

Хударған ака билан Тожиғул опанинг ўчмас сиймоси ўғил – қизларининг, аҳтиқ – чўвлиқларининг, биз қариндош – уруғлари, узоқ – яқин таниш – билишларнинг қалбида, ушбу битикларни ўқиган ҳар бир одамнинг хотирасида замон адоғигача яшаяжақдир.



## ҲАҚИҚАТБИН

Одамзоднинг энг катта суюнчиғи — ер. Ер билан ким тиллашса, уни севса, меҳрини берса, ердан меҳр топади, саховатидан баҳраманда бўлади.

Замонасининг етук одами, Бодил тахаллуси билан ғазаллар ёзган, қишлоқ хўжалиғи билимдонларидан бири, узоқ йиллар вилоятда раҳбар лавозимларда ишлаган Болта ота Давлатов ўсиб келаётган ёшларни ҳам момо ерга бўлган ихлосини оширмоқ ниятида яшади, уларни тўғри йўлга йўналтиришда яқиндан ёрдам берди. Болта ака кўзлаган бўлдомли ёшлардан бири вилоятда биринчи бўлиб рус мактабини олтин медал билан битказган Ғайрат Машариповдир.

Ёш Ғайратнинг ғайратига, шижоатига қараб Болта ака дўсти Назар акага:

— Ўғлингиз Ғайратжонни Москвага, Тимирязов номидаги Академияга ўқишга юборинг. Мен Солийни (Ўғлимни демоқчи — К.А.) юбордим, аммо унинг ихлоси кино, фотография. Худойберган Девоновдек киночи бўлмоқчи. Ғайрат эса, ердан барака топадиган, улкан одам бўладиган кўринади, — деди.

Шу маслаҳатданми, ўз кўнглида ҳам бўлғуси касбга иштиёқ етишиб улгурганми, Ғайрат Машарипов мазкур Академияга ўқишга кирди.

Эҳ, бу қачон бўлган эди? Москвада, Қизил майдонда кўкрак кериб юришлар...

Аслида Ғайратнинг болаликдан етук бўлиб шаклланиши ота томоннинг ҳам, она томоннинг ҳам меҳнатсеварлигидандир. Ширапаз Машариф ота авлод — аждоди Хазорасп қалъасининг Чорсу ўрамида ватан тутган кездан бошлаб ардоқли инсонлар ҳисобланишган. Машариф ота серғайрат, забардаст йигит бўлган. 1910 йили Чоржўйда Амударё устига қурилиб, ишга тушган маҳобатли кўприк қурилишида жонбозлик кўрсатиб ишлаган кезларда кўп ардоқланган. Атовда етиштирган ширин — шакар қовун — тарвузини таёқчага чизиқ тортиб одамларга насиёга бергани ҳам ҳақ. Суюкли невараси исмини ота ғайратига боғлаб Ғайрат деб аташгани ҳам айнан ҳақ. Она томони — Ҳайитжон момо Хазораспнинг Ичон қалъаси катхудоларидан, Қаландар оқсоқол авлодига бориб тақалади.

Ўша қизил инқилобдан илгари ўзларининг «Оталиқ»даги



ерларини одамларга ижарага беришгани, улар раъиятга қайишган кишилар бўлганидан дарак беради.

Машариф отанинг тўнғич фарзанди Назар ака ҳам ота изидан бориб, меҳнатга муҳаббат қўйди, ҳаёт аталмиш ҳилқатнинг пасту – баландини, аччиқ – чучугини ёшлигидан илғади, савдога ихлослигидан умрининг охиригача ўз касбига содиқ қолди, обрў топди. У давр билан ҳамнафас яшаганидан:

– Утук (дазвол) босишни, чўт қоқишни ўрисдан, татардан ўрганмоқ керак, – деб янгиликка рағбатлигидан, катта ўғли F айратни рус мактабига ўқишга хўрсаклантирди. Ўз замонасида бу жуда илғор фикр эди.

Алалхусус Файрат ўзининг ҳаётга қизиқувчанлиги, ўқишга бўлган масъуллиги натижасида Хазораспдаги «Пушкин» номли рус мактабини олтин медаль билан битказди.

Сўнги даврда вилоят маорифи тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган, Файрат ўқиган вақтда мактаб директори бўлиб ишлаган Рудольф Советников қай бир давраларда қаҳрамонимиз ҳақида гап кетганда: «Файратнинг мактабда ёзган иншолари теран фалсафий фикрлари, бадий хусусияти билан ҳаммамизни лол қолдирарди», дея фахр билан гапиргувчи эди.

– Албатта, бу бежиз эмас, – дерди у киши, – Файрат антик давр тарихига, адабиётига ҳам қизиқар, Плутарх, Юлий Цезарь ҳақидаги китобларни топиб ўқир, Наполеон тўғрисида, унинг ташқи ишлар вазири Талейран ҳақидаги китобни қарийб ёддан биларди. Пушкин, Лермонтов шеърларини ўзгача пафос билан ўқир, олган лаззатидан синфдошларини ҳам баҳраманда қиларди.

Бу устознинг шогирди тўғрисидаги фахри барчамизга ибрат бўлғувсидир. Демак, мактаб партасида закий ўқитувчилар берган сабоқлар бесамар кетмагани, унинг улғайиш даврига бениҳоя улкан, мустаҳкам зинапоя бўлгани бутун кундай равшандир.

Баъзан кимнингдир чўрткесарлиги, ёхуд ўзбошимчилиги тўғрисида гап кетса, «А, уми? У рус мактабида ўқиган, ундан бошқа ниманиям кутасан?», дейишади. Ахир Файрат нафақат рус мактабини, балки Москвадаги Академияни тамомлаб, томир – томиригача руслашиб кетиши керак бўлгани баробарида миллий таомилимиздан заррача ҳам оғгани йўқ.

...Узоқ йиллар – умримнинг аксар қисми пахта тозалаш саноати тизими билан бевосита боғлиқлиги боисдан Файрат Машариповнинг вилоят пахтачилик тармоғини ривожлантиришдаги беқиёс хизматларини бироз биламан. У

тажриба станциясида ишлаб юрган кезларида вилоят тупроғи, табиий муҳитига мос, касалликларга чидамли пахта навларини яратиб учун қанча ҳаракатлар бўлган. Ҳали ёш, илмий даражаси бўлмаган йигитнинг тажрибали олимларга бош бўлиб, илмий – амалий ишлар бошида туриши ҳайратланарли эди.

Далаларни дон ва дуккакли экинлар билан алмашлаб экиш тақдирини ҳам ўша вақтда айтиш даражада яхши эмасди. Раҳбарлар мажлисларда маъқуллашгани билан амалда пахта яккаҳоқимлиги устун келиб, бу борадаги режалар ўлда – жўлда бажариларди. Ғайрат ака бу долзарб масалани ижобий ҳал этиш учун жон куйдириб елиб – югурди, қай бир даражада муайян ютуқларга ҳам эришди.

У ҳам илмий, ҳам амалий ишида маккажўхори билан маҳаллий оқ жўхорини таққослаб, уларнинг ҳосилдорлиги қарийб бир хил эканини исботлади. Маккажўхори поясининг силоси ширали бўлгани билан оқ жўхори пояси силоси мол еми, сўтаси эса, ҳам ем, ҳам дон сифатида ейимлидир. Умуман, «сорго» деб аталмиш жўхорилар оиласи бўйича тадқиқотини илмий иш сифатида ёқлаб, фан номзоди ва кенг экин майдонларига пахта билан алмашлаб экишнинг улкан тарғиботчиси бўлди. Меҳнатлари зое кетмади, вилоят қишлоқ хўжалигининг бир қадар кўтарилишга имкон яради. Бу янглиғ илмий ва амалий аъмоллар Ғайрат аканинг ўсиб – улғайиш зинапоялари эди. Гурлан тумани қишлоқ хўжалигини кўтаришдаги хизматлари ВДНХнинг олтин медалига ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ғайрат аканинг умр бўйи қилган ишларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Райондами, вилоят раҳбариятида ишлаган чоғларидами, у ҳаминша кадрлар масаласига – агрономлар, механизаторлар, иқтисодчилар ўқишига, уларнинг бетиним малакасини оширишга алоҳида эътибор берар ва барча бўғиндаги раҳбарлардан шуни талаб қиларди. Ўзи ҳам шунга амал қилиб яшади.

...Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ўрталари. Вилоят туманларининг раҳбарлари Тошкентда малака оширишда эдилар. Бир куни «Ўзбекистон» меҳмонхонасига дўстларни кўриш учун бордим. Хонада Гурлан тумани раҳбари Ғайрат аканинг бир ўзлари экан. Маркс Жуманиёзов, Йўлдош Сатторов (жойи жаннатда бўлсин) ёки Матназар ака Жуманазаровдай Ғайрат ака билан ичкин яқинлигимиз бўлмаганиданми, суҳбатимиз анчайин қовушмайроқ, ҳол – аҳвол сўрашганимиздан кейин кетиш

тарадудига тушдим. Файрат ака адабли, синчков одам эмасми, мени анойи савол билан тўхтатди:

— Сиз унча — мунча шеър ёзиб юрасиз. Бир нарсага ҳамиша ажабланаман, нега Пушкин Павел 1 ни Калигулага ўхшатади? Фақат бўғиб ўлдирилгани учунмикан?

Ял этиб Файрат акага қарадим. Шу кунлари вақти мўлроқ бўлганидан китоб мутоаласига машғул бўлаётганмикан ё ўзи шунчалик зрудитми? Мен у киши билан кўп учрашганим билан шеър тўғрисида, сиёсат тўғрисида, умуман ҳаёт икир — чикирлари тўғрисида якка қолиб гапиришиб кўрмаганимдан бир лаҳза жим қолдим. Бу савол жавобини ўзи яхши билади — ю, лекин менинг дўстларни кутмай кетиб қолишимни балки истамаётгандир. Хуллас, Пушкин ижодини ёшлигимдан севишимга, унинг хатларини, кундалиklarини қўлимдан қўймай такрор — такрор ўқиганимгами, кўпам донолик қилмай, соддагина жавоб бердим:

— Сизнинг қадим юнон тарихидан, жаҳон адабиётидан яхшигина хабардор эканингизни кўп эшитганман, бироқ бу қадар таҳлил, синчковлик билан ёндошишингиз, рости ҳайрату ҳавасимни оширди. Калигула тахтга келганида анчайин хайрли ишларни бошлаб, одамлар кўнглига яқин ҳукмдор бўлганини, яхши биласиз, Пушкин эътироф этган. Лекин, кейинчалик Калигула ашаддий золимга айланган ва худди Александр 1 каби ўзидан олдинги император Тибирийни бўғиб ўлдирилишига кўмақдошлик қилган. Павел 1 ҳам Калигуладай яхшилиқ билан бошлаган ишларини зулмкорликка айлантиради ва халқни беҳад эза бошлайди. Бу билан Пушкин Павел 1 нинг 1801 йили шарф билан бўғиб ўлдирилишига бош қўшган ўғли Александр 1 га, Калигула аскарлар орасида ўсиб, лақабини ёшлигида кийган аскарлар оёқ кийимидан олган бўлса, Александр 1 нинг «барабан шовқини остида тарбия толган»ига шаъма қилади. Бир ўқ билан ота — ўғил подшоҳларнинг қабиҳ ишларини қоралайди.

— Пушкиннинг буюклиги шунда — да. Албатта, бундай битиклар Пушкин бошига кўп жафолар келтиргани ҳам маълум. Аммо тақдирнинг ажаб ўйинлари олдида лол қолмай иложинг йўқ. Келиб — келиб шоирнинг кичик қизи Наталидан туғилган невараси Софья Николай 1 нинг невараси, улуғ князь Михаил Михайловичга турмушга чиққан. Тўйлари Англияда бўлган экан.

— Дуруст дедингиз Файрат ака, — гапини маъқуллаб қўшиб қўйдим, — ўша никоҳдан Александр III гоят дарғазаб бўлган ва улуғ князнинг Россияга киришини ман қилган экан. Шу — шу

Пушкиннинг чевараси умрбод Англияда қолиб кетган...

– Ҳозирда Пушкиннинг авлодлари, – сўзимни илиб кетди Ғ айрат ака, – Англияда истиқомат қилмоқдалар. Улар Англиянинг юқори табақали оқсуяклари сирасига кирадилар.

– Дантеслар – чи?..

Сўзим оғзимда қолди, бирин – кетин дўстлар кира бошладилар. Суҳбатимиз чала қолаётганиданми, Ғайрат ака ички бир зориқиш баробарида қандайдир мамнунлик билан:

– Тасдиқ, Комилжон, кутганимдан ҳам зиёда суҳбат бўлди. Оллоҳ умр берса, юртга боргач, ёт – и – иб бир гурунглашамиз, – деди ўзига хос хуш табассум билан. У киши табассум қилганида, жилмайганида, кулганида юзлари ёришиб, кузлари нурланиб кетгувчи эди.

– Қизиқли гап бўлиб турганга ўхшайди, қани биз ҳам эшитайлик, – деди кулимсираб Шовот тумани раҳбари Рейимбой Тойиров.

– Э, йўқ, Рейимбой, сиз ўйлаган мавзу эмас бу, – дея Ғайрат ака унинг ҳазил – мутойибага мойиллигини маъқуллаган бўлди.

Минг афсуским, кейинлар ҳам Ғайрат ака билан кўп бора учрашган бўлсак – да, ўзи айтмоқчи «ёт – и – иб бир гурунглашиш» насиб этмади. Ғайрат ака қаерда ишламасин, барибир ўртамиздаги илиқлик, ҳурмат, эҳтиром бир бўлакча эди. У чин маънодаги ҳақиқатгўй, ҳақиқатбин – ҳақиқатга интилувчан, ҳақиқатни кўра билувчи инсон эди.

Вақти келиб бу ажойиб инсон шажарасига шажарамиз пайвандланди – иниси Шавкатжон билан қуда бўлдик, қариндош тутиндик.

Ғайрат аканинг фариштали сиймоси, ўйчан қарашлари ҳеч ёддан чиқадиған эмас...



## УМИДЛИ ДЎСТ ЭДИ

Умид Сапоев билан бундан эллик йиллар муқаддам, Тошкентда ўқиб юрган талабалик йилларимиз танишганмиз. У даврларда барча институтларда ўқийдиган хоразмликлар қарийиб бир – бирларини танир, аксарияти синфдош, вақт топилди дегунча бирор баҳона топиб, туғилган кунми, байрам муносабати биланми, йиғилишиб, дийдорлашардик. Ана шундай йиғинларнинг бирида Умид билан танишдим. Мен тўқимачилик, у қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтида ўқирдик. Курсларимиз тенг, ёшларимиз тенг, дунёқарашимиз бир, хуллас, муҳандисчасига айтганда, бари параметрлар тўғри келдими, у билан бирга ўқиётган синфдош дўстиларим Арслону Шокирлардан ҳам яқинроқ бўлиб қолдик.

Умид баланд бўйлик, истараси иссиқ, ўзига хос мулойимлиги баробарида шиддатли нигоҳларида садоқат, меҳр ёғилиб турар эди.

Унинг билан ҳеч гапимиз тутамас, шанба, якшанба кунлари ётоқхонамизга оқ куйлак, у пайтларда энди модага кираётган тор почали шимда шаҳд билан кириб келар ва ҳавлиқмай ҳол сўрар, ўрнашиб ўтирмасаям ҳаливери кетмаяжagini ботиний хис ила сезардик ва ажабким, дарс қилаётган бўлсак ҳам унинг бу янглиғ ташрифларидан безмасдик, аксинча, бирор шанбами, якшанбами келолмай қолса, ҳамхона дўстларим Маматхон ҳам, Муҳаммаджон акаям «нима бало бўлдийкин, Умидбой камнамо бўлиб қолди», дея менга юзланишар ва у келган заҳоти ташвишланганларини айтиб, унинг кўнглини кўтаришар эди.

Тарих Умиднинг жони эди. Бу ўлмас, чалкаш мавзуда тонглаб отгунча суҳбатлашганимиз куни кечагидай эсимда. Биз ўзбеклар, ўзига бекмиз, Хоразм, бу Хоразм – да! Қуёши кўплигидан одамлари фариштали, дея мағрурона боқиб қўйишлари ҳеч кимда гайрлик уйғотмас, аксинча унга ҳавас билан боқишарди. Умидни ўрнида балки бошқа одам шу фикрни бир – икки қайтарса, тингловчининг энсасини қотириши, э, бунча кекқаясан, дея жеркиб ташлаши мумкин эди. Аммо Умид худди энг муқаддас манбада шу янглиғ қайд қилингандай, ишонч билан айтардики, гап тополмасдик. У нима ҳақда гапирмасин мароқ билан тинглардик, билимдонлигига қойил қолардик.

Умиднинг санъатга қизиқишининг ўзи бир дунё. Комилжон Отаниёзов унинг учун улкан тоғ, бирор кимсани Комилжон ака тўғрисида ножуя гапиришини ёқтирмагани нимаси, ҳатто муштлашишгача жанжаллашар эди. Баъзан, била – кўра унинг жигига тегиш учун Комилжон аканинг қай бир «айб»ларини тўқиб ташлашар, Умиднинг жиги – бийрон бўлганини кўриб бир хумордан чиқишарди. Кейин, тавба қилдик, ёлғондан тўқидик, десалар ҳам қаҳри тарқамай, Комилжон акага тил теккизганларни жинидан ёмон кўриб юрарди. Ўз навбатида раҳматлик Комилжон акаям Умидни яхши кўрар эди. Свердлов номидаги залда бўладиган концертларига Умидни таклиф қилар, уни ложада ўтиргизиб, авж пардаларда унга қараб нола қилар, Умид эса, олиб келган катта гулдастасини саҳнага чиқиб устозга тақдим қилар. Қарсақлар баробарида Комилжон ака Умиддан отасини, Сапо оқсоқолни сўраб, унинг кўнглини тоғдай ўстирар эди. Ўша кунлари Умид ўз ётоқхонасига кетмай, биз билан қайтар, то ётоқхонамизга келгунчаям, келганимиздан кейин стаканларга оқ қанд солинган кўк чойга бўлка нонни ботириб ейишимиз чоғлариям, баъзан уйқутаям чек қўйиб, тонготар суҳбатларимиздаям гурунглримиз айланиб Комилжон акага, Хоразм қўшиқчилигига бориб тақалаверар, ўзбекчилигимиз гуруридан елкаларимиз кенгайиб, бошларимиз кўтарилиб, қадрларимиз расо бўлиб кетар эди.

Дўстимиз Ньютоннинг Тельман паркидаги уйланган тўйида Комилжон аканинг сал кечга қолиши Умид учун ўта нокуш воқеага айланган ва у такси олиб, яшин тезлигида устозни бошлаб келган эди. У олдинда, Комилжон ака доирачиси билан изинма – кейин кириб келишидаги виқорли ҳолатини кўрганлар, худди тўй Ньютонникимас, Умидникидай, беғараз дўстона кайфият барчани хушнуд этганини бутун ёр – биродарлар йиғилганда мамнуният билан эслаймиз, Ньютоннинг ҳам Умиднинг ҳам руҳи покларига дуои тиловат қиламиз. Уларнинг эртароқ кетганларидан қайғурамыз. Начора, Оллоҳнинг иродасига шак келтириб бўлмайди.

Умиднинг умидли, оқибатли дўстлигига барчамиз ҳавас қилар эдик. Айниқса, биз икковимизнинг ичкин яқинлигимиз бошқа бир дунё эди. Тошкентда қарийиб бирга бўлганимизга қарамай, ёзги таътил вақтидаям у Урганчга, бизникига қўп келар, икки – уч кунлаб ётиб қоларди. Бу кунлар, ҳозирги талабаларга эриш туюладими, йўқми, билмадим, биз Тошкентда ўқийдиганлар, ёзги

таътил давридаям бир – бировимиздан хабарлашган чоғларимиз уч – тўрт кунлаб борган жойимизда ётиб, обдан гурунглашиб қайтар эдик. Умид – ку бу одатни аъло даражада бажарарди. Бизнинг уйдагилар ҳам Умиднинг бу дўстона феълени маъқул кўришар, оғизларидан қўймай мақташарди. Баъзан Умид менга таҳлид қилиб:

– Агар бизникига бормасангиз энди келмайман, – дерди.

Нимаям бўлиб Хивага, уларникига боролмай, вақтни ўтказиб юборсам, ўзи келар, лекин бормаганимга қаттиқ ранжимасди. Худди бир аср кўришмагандай кучоқлашиб кўришар, келганини писанда қилмасди. Мени «сиз»лаб ҳурматлар, мен ҳам ўз навбатида унинг ҳурматини жойига қўярдим. Зеро Хоразмда «сен»лашиб сўзлашмоқ кўпроқ расм бўлиб келишига қарамай, бизнинг «сен»лашиб гапиришмаганимизга барча тенгдошларимиз ҳайрон қолишар, лекин биронтаси нега шундай қиласизлар деб юзимизга солишмаган. Гўё шундай бўлиши керакдай биз сиполик билан бир – биримизни олқар, меҳр ила ардоқлардик

Хивага, Умиднинг «Чилла авлиё» ўрамида макон тутган Киччи ёб бўйидаги уйларига илк бор борганим хотирамда бир умр муҳрланиб қолган. Ушбу битикни ёзиш чоғида кўнглим бир боргин, ёдиндан кўтарилган нуқталарни эсингга олгин деди – ю, кел, ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охиридаги воқеа кўз олдимда қандай намоен бўлган бўлса, шундай ёзай дедим.

Август ойининг охирлари, чинакам кузак олдининг мўътадил, ёқимли ҳавоси... Тўла лойқаланиб оқаётган Киччи ёб... Ҳали қуёш кўтарилмаган, кун чиқар томон осмонидаги тилларанг шафақдан ёришган Хивада тонгги шукуҳдан, бешабада сокинликнинг сирли маҳобатидан кўнглим ёришиб, шундай муқаддас заминда яшайпмана, деган ботиний гурурдан юрагим тўлиқиб кетганини то ҳануз ичкин бир қониқиш билан эслайман...

Эсимни таниганимдан бери эрта тонгдан туришим боис пашшахонадан чиқсам, биз ётган супа четида мўъжазгина хонтахта шундай ҳам дид билан безатилганки, балки, субҳи содиқнинг салобатиданми, дастурхоннинг мубаррои мунаққашлигаданми, кўзимга ўта муаззам кўринди. Билҳақ, оппоқ дастурхон устида шохали новват ёнида чиройли косачада қуйўқина қаймоқ, ўртада икки дона ширмой кулча, бир ликопчада зирали холва, бирида қўнғир ранг лавзина, кичикроқ нақшин косачада чайилган сариқ

ёғ, дастурхон четида устига қизғиш духобадан атайлаб тикилган бежиримгина дўлпичалар кийгизилиб, дам олиб турган иккита чойнак ёнида оғзи пастга тўнтарилган тўрт дона заррин пиёлалар бирам чиройли терилиб қўйилганки, нонушта учун бузишга кўзинг қиймайди.

Пашшахонада қаттиқ ухлаб ётган Умидга сас бердим — да, юз — қўлимни чайиш учун пастроққа, ёбнинг ўнғайлироқ жойига кетдим. Ювиниб, артиниб келдим ҳамки, на Умид уйғонган, на дастурхон атрофига биров келган. Яккаш ўзим нима қиларимни билмай, Калта минор томонга йўналмоққа интилган ҳам эдим, ичкаридан, пастак эшик очилиб, Умиднинг отаси Сапо ота чиқиб келди. Бу кишининг лақаби юқорида айтганимдек «оқсоққол», ҳамма Сапо оқсоққол, дейди.

Сапо ота, жуда чиройли, оппоқ соқоллари ўзига ярашган, юзидан нур ёгилиб турган фариштали одам эди, раҳматлик. Отанинг суҳбатини бир олган одам яна у кишини-кўришга муштоқ бўлмай иложи йўқ эди. Тонг чоғида бежиримгина хонтахта устига тартиб, иштиёқ, ихлос билан тайёрлаган дастурхони у кишининг не қадар юксак дидли, маданиятли, кўпни кўрганлигидан далолат берувчи, чойга ўтирмасданоқ ёш бўлишимизга қарамай, бизни, айниқса мен меҳмонни бу янглиғ илтифот ила меҳрибонлик кўргизиши битикка сиғмайди.

Умид ҳам туриб, қўл — юзларини ювгач, дастурхон атрофига ўтирдик. Мени ийманаётганимни сезган Сапо ота, юзига чиройли табассум югуртириб:

— Дадангиз, Самандарвойни ўзгинаси экансиз. У кишиям жуда фариштали, чиройли одам. Ҳозирда элнклара боргандир?

— Дик устиңда.

— Йили, вафодор экан — да?

«Топ ўзи», демоқчи эдим, лекин Сапо ота билан ҳали унчалик синашта бўлмай, тик гапиришга андиша қилдим ва «ҳа» маъносида бошимни ирғадим.

— Чаққонми?

— Бозора бирга борсак, изиннан еттирмийди.

Сапо отанинг саволларига ўзидай аниқ ва кулимсираб жавоб берганимданми, ё ўзининг кайфияти ҳазилга мойиллигиданми?

— Ҳовва, еттирмайжаги ҳақ, чаққон одам, баракат топсин, ундайлар энди кам келади дунёга.



Сапо отанинг бу орзумандлиғ лафзида ўзиниям четлаб ўтмаётгани аниқ, негаким, у кишининг инқилобдан олдинги хон замонларидаги кайфу – сафоларидан андак бохабар эдим. Чой усти суҳбатимиз мавзуини Умидга ёқадиган мавзу, яқин тарихга бурдим.

– Рейимбарган маҳрамни Исфандиёрхон тириклайин кўмдирган экан, а?

Сапо ота саволим тутаб – тутамай ялт этиб менга қаради.

– Ким айтди?

– Сиддиқ махсум.

– Ҳа – а... у билади... Рейимбарган маҳрам кўп чиройли, ўқимишли одам ади. У оқ отини миниб чиққанида Хивада наки хотин – халаж, балки эркаклар ҳам ишини кўйиб уни ҳуснини томоша қилишга кўчага чиқар адилар.

– Лопни ҳам йириб юборасиз – дон, – Умид шўхшанлик билан отасига қаради.

Сапо ота ўғлининг келишимлигини ҳам писанда қилмай олисларга кўз тикканча:

– Ҳозир ундин хушсуврат йигит йўқ Хивада, – деди. Орага хушмавзун сокинлик чўқди. Умид мени, мен Умидни мақтамоқчи эдик Сапо ота ўз ўйларига ўзи жавоб бераётгандай давом этди. – Рейимбарган маҳрам, ўрислар билан ҳам тил топишиб, ўсиб бораётган эди, хушрўйлиги панд берди. Хонни ҳарамхонасина паранжи ёпиниб кириб – чиқиб юрган дейдилар.

– Сизиниям айтадилар, – Умид энди отасига ҳам эркалик, ҳам тантилик юзасидан тегажоқлик қилди. Умид Сапо отанинг кичик хотинидан бўлган суюкли ўғли эканидан улар ўртасида тенгнамоликка ўхшаган яқинлик мавжуд эдиким, худди, мен билан раҳматлик дадам икковимиздай. Мен ҳам дадамга шу янглиғ беозор тегажоқлик қилар эдим. Унинг боиси дадамнинг менга бўлган ихлос, эътиқоди баландлигидан деб биламан. Демак, Умиддаям шундай ишонч бор экан.

Сапо ота Умиднинг тантилигини менинг борлигимга йўйдими, дадамниям четламай, бир кўзини хиёл ўйнатиб:

– Биз ҳам кўп гуноҳлардан четда эмасмиз... Лекин, – Сапо ота ўзига хос бўлмаган ўйчанлик билан андак тўхтаб, – Гуноҳдан ҳам кўра унинг узри кўп гуноҳроқ дейдилар, яна худо билади.

– Тавбани Худо жон даб қабул қилармиш – қу?

Умид у пайтлардаги худосизлик, атеистик нуқтаи назар билан

Ўзини сал билимдонроқ кўрсатгани отага ёқинқирамади.

– Худоимга шак келтирма! Қўрқоқни ботир бўладиган замони галди. Дабсан йиллари, ўттиз етти – ўттиз саккизларда қилган худосизлигимиз ҳам етар! Қўй чоширма!

Минг афсус, тарих қолиб, даврнинг ёмоқли кунларига ўрлаб кетганимиз чатоқ бўлди – да. Балки Умид шуни хоҳлагандир, балки отаси...

Бундан қарийиб олти юз йиллар муқаддам буюк элдошимиз Ҳожа Абдулвафойи Хоразмий айтиб кетган ушбу тўртлик мағзини кейинларда уқиб, мулоқимлик, усталик билан бизга ёмонлик борасида насиҳат этганини эслаб, Сапо отанинг руҳи покларига бутун элик йиллардан кейин, у киши айтган гапларини том мағзини энди тўла чақа бошлаганимдан алоҳида таъзим қиламан.

*Бағ каргаму эътизор бағтар зи гуноҳ,  
Зеро ки гар ин ҳаст се даъвин табаҳ.  
Даъвин вучуду даъвин қуввату ҳавл,  
Лоҳавла вало қуввата илло биллоҳ.*

Яъни, мен ёмонлик қилдим, узр айтиш гуноҳдан ёмонроқ, чунки бунда учта бузуқ даъво бор: борлик, куч ва қувват даъвоси, куч билан қувват эса, худодан бошқа ҳеч кимда йўқ. Вой – бўй!.. Ўша пайтда Сапо ота биз кўп ёмонлик қилдик, узримизни кечирмас – ов, деганида надомату афсуслар бисёрлигидан бошини қуйи эгиб, бир лаҳза ўйга чўмган экан – а...

Бутун Сапо отаям йўқ, Умид ҳам, лекин уларнинг чиройли сиймолари, донишлиғ сўзлари биз билан бирга. Умиднинг аҳли аёли, қобил фарзандлари – Вазира, Ёронбек, Гўзал, Райҳон, Феруза, Сапобеклар, гўзал жўжиқлари тирик, чирфги ёниқ, уйи нурафшон. Илойим, жойи ҳамиша шойистаи жаннат, гўри пурпур, иймони барсаломат бўлсин, фарзандларининг умри узоқ, иқболи сарбалаңд бўлғай, омин!



## ЭЪТИҚОД

*Эътиқоди ўлик кишиларгина ҳеч кимга  
ва ҳеч нимага сизинмайдилар.  
Муҳаммад Юсуф*

«Қўналға» романимни ёзаётиб, қадимий турк қавмлари, улар яшаб ўтган манзили маъволар, қадимий қалъалар, аждодларимиз тўғрисидаги номаи аъмоллар борасида узоқ ва тинимсиз изланишлар, ёшу—қари, аҳли донишманд ила танишув, мусоҳабалар чоғи Хоразмнинг Ўнгарки, ҳозирда Янгиариқ аталмиш туман марказининг шундайгина, Хива томон қаптолида жойлашган эшонлар элатига, қадим ғуллар авлодига мангзар лақабли қудамиз Баҳромбек ҳамда шу қавмнинг каттароқ авлоди Раззоқ оға билан бирга бордик.

Ғуллар билан ёндош эшонлар элатининг забардаст, билимдон вакили Қамариддин эшон бизни ҳамишаги очиқ юз билан кутиб олди. Бугунги турмуш тарзига кўрами, кимни йўқлаб борсанг, аввалгилардай қандай шамоллар учирди деб эмас, нима зарурат юзасидан келишди экан, дея андак ҳайратланганидан биррав сўз тополмай қоласан киши.

Биз Қамариддин эшон билан эски қадрдон бўлганимиз боис:

— Сизни бир зиёрат этиб кетайлик деб келдик, — дедим.

Қамариддин Эшон ишонқирамади, лекин ўта сертакаллуфлик ила:

— Жон устига, жон устига, — деди.

Унинг андишаларини кўпга чўзмай, ғуллар тўғрисида сўз очмадим—да, эшонлар ва мен мақсад этиб келган ўрамни бирлаштириб турган «Каттабоғ», ҳув кўриниб турган «Олма отишган», қалъа хусусида, унинг тарихи тўғрисида қизиқиб келганимизни айтдим.

Эшон хушҳол бўлди ва очиқ табассум ила:

— Дадамнинг содиқ шогирдлари Матёқуб эшон ҳазратлари бу масалани яхшироқ ечар, — деди.

Аслида бизнинг мақсадимиз ҳам Матёқуб эшоннинг суҳбатини олиш бўлганидан Қамариддин эшонга ташаккур билдирдик ва шундайгина уч—тўрт уй наридаги мўъжазгина ҳовлига қараб юрдик. Афсус, у киши уйларида йўқ эканлар, ихлосмандлари

келиб, Хивага олиб кетишибди. Эшоннинг аёлларига индинга эрталаб келишимизни тайинлаб, эшик олди саҳнидаги, қадимий устунлари сўлим ҳовузга қараган айвон ёқалаб йўл томон юра бошладик.

— Бу ҳовузнинг ёши нечада экан? — сўрадим Қамариддин эшондан.

Дадамларнинг айтишлари бўйича, уч юз йилдан ҳам кўпроқ вақт бўлган.

Худди яқин беш — ўн йил ичида қазилгандай туюлган ҳовузга қараб ҳайратимни яширолмадим.

— Ёпирай! Наҳотки?

— Мана бу дарахтни кўринг, — деди йўл ёқасидаги маҳобатли, гужумсимон дарахтга ишора қилиб Қамариддин эшон, — Бу дарахтнинг ёши ҳам шу ҳовуз билан тенг дейишади.

— Бу қандай дарахт, биринчи кўришим, — дедим, тилсимий бўлиб туюлган дарахтни сийпаб.

— Бу дарахтни Афғонистондан келтириб эккан эканлар, япроқлари қушнинг тилига ўхшашлиги учун «Лисон ут — тайр», дейдилар, — Қамариддин эшон бироз тин олгач, ота — боболаримиздан ёдгорлик, жойлари жаннатда бўлсин, — деди.

— Афғонистондан келтириб эккан бўлсалар, нега номи арабча, форсийда эмас? — ҳайратланиб сўрадим Қамариддин эшондан.

— Бунинг тарихини Матёқуб эшонимиз яхши биладилар, — деди — да, Қамариддин эшон ўтганлар руҳига тиловат қила бошлади. Эшон тиловат қиляпти — ю, кўнглимдан ажиб бир туйғу кечмоқда, яқин — яқинларгача Хоразмда не — не қувватли гужумларга қурт тушиб, қуриб кетди, бу дарахтнинг омон қолиб, савлат тўкиб туришидаги синоат не бўлди, яна ёлғизгина — я...

Айтган вақтимизда яна Саётга, эшонлар элатига келдик. Матёқуб эшоннинг аёллари бир иш билан ташқарига чиққанлар чоғи, отангиз ичкаридалар, дея Қамариддин эшонга юзланиб, ёз томон ичкарасига кириб кетдилар. Ичкарига қадам қўйишимиз билан бошида қора духоба дўппи, қўлида обдаста, эгнида сочиқ ёшгина бола бизни қарши олди. Худди эски замонлардагидай, кираверишдаги айвончаям кўзимга сирли кўриниб кетди. Индамайгина қўлларимизни чайиб, болакай ишора этган меҳмонхонага ўтдик. Баланд бўйли чиройли қиз дастурхон кўтариб кирди.

— Отам ҳозир чиқадилар, — деди.

Биз шундай бўлиши керакдай жимгина, дуззона ўтиришда эшонни кута бошладик. Эшон кўп куттириб қўймадилар, меҳмоннавозликка хос очиқ юз билан кириб келдилар. Оқ юзли, ўрта бўйлигина эшон Баҳромбек икковимизга танирмиқанман деган андишада сал синчковлик билан қарадилар.

— Яхши, яхши, кўп яхши, қадамларингизга ҳасанот. Аввалги кунни мен кетибман, сизлар келибсизлар. Мени Хивага, ҳаждан келган танишларимиз олиб кетишган эди. Ўзимнинг сал мазам қочиб, тобим бўлмаепти, шу куниям кўзим қиймай кетдим...

Эшон аста йўталиб, оқ қийиқча рўмоллари билан оғизларини артдилар. Қамариддин эшон табиатига мос шошилмасдан бизни Эшон бобога таништирди.

— Бу киши Комилжон ака, шоир, дўстимиз, — Матёқуб эшон маъқул деяёт — ганларидай менга йиттироқ қарадилар, юзларига табассум югургандай бўлди; — дадамни олдларига кўп келадиган шоир Эркин Самандарнинг укалари. — Қамариддин эшоннинг бу сўзларидан кейин оғам эсларига тушгандай, Матёқуб эшон бошларини сарак — сарак қилиб, хоотири хутурига келган қай бир воқеадан кўнгиллари тўлдими, менга иккинчи маротаба хушнудлик ила боқдилар, — Бу киши Баҳромбек, — таништиришда давом этди Қамариддин эшон, — Мўлтангда раис бўл — ган Жумёз аканинг ўғиллари, — Қамариддин эшон, яхши танийсиз дегандай, эшон бобога хушҳол жилмайиб қаради.

— Яхши, яхши, кўп яхши, қадамларингизга гул битсин. Мени сўраб келибсизлар, илойим мартабаларингиз ҳамиша бейик бўлғай. — Эшон бобо яна андак йўталиб, ҳеч қайсимизга миннат қилиш фикридан йироқлигини англаймоқ боисдан пастга қараганча, — бироз вақт бўлди тобим йўқ, — деб қўйдилар яна афсус ила ва иккита мўъжазгина идишда келтирилган қора тусли қиёмга ишора қилдилар, — Қани, гулқанддан олинглар.

Қамариддин эшон нонни ушатиб, гулқандга қўлини чўзаркан, Эшон бобога кўнгил берган бўлди. Биз ҳам у кишига тезда тузалиб кетишлари истагини билдириб, узоқ умр тиладим. иккинчи бор ундадилар.

Бир бўлак нон учига гулқанддан озгина илдириб оғзимга солдим у бундан қарийб йигирма беш — ўттиз йиллар муқаддам дадам тайёрлайдиган гулқанд эсимга келди ва хушнудлик билан

Эшон бободан сўрадим:

– Уйда тайёрланганми?

– Ҳовва, олинглар, енглар, бунинг шифоси беқиёс.

– Буни қандай тайёрлашади? Раҳматлик дадам ҳам тайёрлардилар.

Дадам гулқанд тайёрлаганларини кўрган бўлсам ҳам Эшон бобони гапга солиш учун сўрадим. Дадам гулқандни шиша идишда тайёрлар эдилар. Идишга бир қатор қизил гул япроғи устидан шакар сепиб, иккинчи қаторга яна гул япроғи ва шакар, токим идиш тўлгунча шу алфозда аралаштириб, кейин кун бўйи қуёш тушиб турадиган дераза тоқчасига кўярдилар. Бирор ойларда, қарабсизки, қуёшда қайнаб – қайнаб, гулқанд тайёр бўлар эди. Албатта мен бу ҳақда эшон бобога бирор нарса демадим. Эшон бобо кўзларини юмиб бир нафас тин олгач, гулқандни тайёрлаш борасида аста гурунғ этдигларидан ўзлариям анча бардамлаша бордилар.

## Гулқанд

– Гулқандни дадангиз қандай тайёрлаганларини билмадим, ҳар ерда ҳар хил қилинаверади. Биз ёш вақтларимизда исли қизил гуллар бўлар эди, ҳозирдаям у навадан озроқ сақланиб қолган, ана шу гулларнинг япроғлари йиғиб олинарди, тарозида тортиб икки – уч кило бўлгач, ҳозирда йўқ, қадимда бўлар эди: оқ калла қанд, худди минорага ўхшарди, бўйи бир қаричдан баландроқ, – Эшон бобо қўллари билан оқ қанднинг шакли – шамойилни кўрсатиб, гўё гулқанд тайёрлаётганларидай тушунтира бошладилар, – чинни идишдаги гул япроғларини ана шу минорадай қанд майдаланганича эзгилардилар, сўнгра сиз айтгандай, қуёшга кўяр эдилар...

– Шу исли, юрт қизил гулларидан борми?

– Ҳовва, озроқ бор. Ана шуларнинг ҳосилидан қишга икки – уч банка тайёрлайди болалар.

Гулқанд боис суҳбатимиз аста – секин маромига тушиб, кечаги келганимизда Қамариддин эшон таъриф этган мўъжаз дарахтга, эътиқод илмига бориб тақалди.

– Ҳа, бу кишиларга кеча дишондаги «Бинавуш» дарахти, унинг барглари қушнинг тилига ўхшашлиги учун «Лисон ут – тайр»,

дея бирозгина сўзлаб берган эдим, — деди Қамариддин эшон домласига ҳисоб бераётган илми толибдай.

Эшон бобо устози ўглининг сўзини яхши эшитмадларми, ё сен хато айтибсан дегилари келмадим, овозини сал баладлатиб:

— Бу дарахтнинг номини «Лисон ус — савил» — «Сеча тили», дейдилар. Япроқлари сечанинг (чумчуқнинг) тилига ўхшайди.

Ўртага тушган ҳузурбахш сокинликдан мамнун бўлдилар чоғи, ўмгакларини сал юқорироқ кўтариб, бизга бир — бир қараганча, ўктамлик билан ҳикоят этдилар.

### Ҳикоят

— Қадимда ислом нуруни тарқатмоқ учун Хоразмга кўп авлиё одамлар келган. Эскиларнинг гапи бор: Хоразм — маъдани авлиё, Макка — маъдани анбиё. Бизларнинг боболаримиз ҳам уч оғайни — Пирёрвали, Дурёрвали, Эрёрвалилар шу замонларда келганлар. Пирёрвали Полвон пирнинг оталари. Бизлар ота томондан Пирёр буваимизнинг укалари Дурёрвалига бориб тақаламиз.

Пирёрвали бобомизнинг фарзандлари бўлмаганидан у кишилар шайх Нажмиддин Куброни ўзларига ўғил тутганлар. Бир куни палов пишириб Нажмиддин Кубро келса бирга еймиз деб кутадилар, лекин у кишидан дарак бўлавермагач, хотинларига дейдилар:

— Икковимиз есак, таом томоғимиздан нечук ўтгай.

Аёллари ҳайрон бўлиб сўрайдилар:

— Келмасалар нима қиламиз?

— Қозонни кўтариб, у кишининг ёнларига борамиз.

Эр — хотин икков намозшомда паловли қозонни бир таёққа осилтириб, кўтариб бораверадилар. Нажмиддин кўрсаки, қозон осифлик таёқнинг бир учи Пирёрвалининг елкаларида, иккинчи учи аёллариникида. У киши ҳайрат ила ўринларидан туриб, уларнинг истиқболларига юрадилар.

— Нимага овора бўлиб юрибсизлар, — дея, Нажмиддин Кубро ҳазратлари уларни қайғуради.

Шунда Пирёрвали:

— Сизсиз томоғимиздан таом ўтмади, бирга тановул қилали деб келдик, — дейдилар.

Шу чоқ Нажмиддин Кубро хушҳол бўлиб, дуо қиладиларким,

бу хоксор бандаларингта бир ўғил ато қил, эй Парвардигори Эгам...

Нажмиддин Кубронинг илтижолари Оллои таоло даргоҳида мустажоб бўлиб, Полвон пиримиз дунёга келадилар. Пиримизнинг оналари ҳомиладорлигида оталари Пирёрвали бобомиз мўғуллар босқинидан узоқроққа, Хивага кўчадилар. Бироқ ой – куни яқинлашаган аёллари Хива яқинига, Қиётга келганларида тўлғоқи тутиб, Зойир хўжа деганнинг чертагида кўзлари ёрийди. Полвондай ўғил туғилади, отини Маҳмуд қўядилар.

Ҳикоят шу ерга етганида Эшон бобо бир нафас тин олдилар. Шу фурсатдан фойдаланиб, мақсадимиз Эшон бобони имтиҳон қилишдан йироқлигини англатмоқ мазмунида у кишининг ҳикоятларидан – да олисроқ тарих борасида сўз юритиш учун аста дедим:

– Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари амаки бобонгиз эканлар – да!

– Шундай...

– Машойихлар Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом замонида Хива кема шаклида қурилган, Полвон пиримиз уни чайқалиб туришдан сақлаши учун лангар этиб яратилган дейишади...

Менинг бу сўзларимдан Эшон бобо ранжимадилар, лекин тушундиларки, Нажмиддин Кубро мўғуллар билан жанг майдонида 1220 – йилларда ҳалок бўлганлар. Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари эса, 1247 – йилда таваллуд топганлар. Энг ажабланарлиси, Эшон бобо шак келтирманг – да, дейишга ўхшаган гап қилмай, меням кўнглимни оғритмасдан:

– Дуруст, – дедилар, – каромат ҳад ва вақт ўлчовини билмайди, Яратганнинг ўзи биледи. Бировлар бирор каромат юзасинда гап кетганда, қай бирлари ою – йилларига тўғри келмайди, деб ишонқирамайдилар. Олло таолонинг бандасига кўрсатмиш мўъжизаси беҳад бисёрдир. Яратгандан айланин, баъзи авлиёлар бондодни Хивада, пешин намозини Каъбада ўқишган...

– Сўзингизнинг тасдиғи, Хонқадаги қудамиз Исмоил эшоннинг катта боболари, Хивада, Оллоқулихон қурдирган Тошҳовлидан (1832 йиллари) париларни чиқарган Оллоқули эшон ҳазратлари Худонинг ҳудрати ила кўп вақтлари пешин намозини Каъбада ўқиб қайтар эканлар.

Эшон бобонинг фикрини қайтарганим ўрнига тушмади чоғи, Қамаридин эшон сал чўзиброқ:



— Ҳов — ва, — деб қўйди.

Эшон бобонинг диққатларини бўлмаслик учун яна суҳбатга тортаман:

— Эътиқод илми хусусида бирор оғиз десангиз...

Сўровим беозор бўлгани билан дабдурустан эътиқод, меҳр — мурувват илмидан сўз очишим балки жўнроқ туюлганиданми, ё фикрларини жамлаш учунми, Эшон бобо анча сукут қилдилар, сўнгра бирдан менга ялт этиб қарадилар — да:

— Эътиқод — ишонмоқ, кўнгида тасдиқламоқ. — Негадир Эшон бобо бир лаҳза сукутта кетдилар ва хиёл бошларини кўтариб ажиб бир қониқиш ила давом қилдилар. — Эътиқод — иймондир, кўнгида ишониш баробарида тилда тасдиқлашдир. Валекин иймон — эътиқод бошқа, амал бошқа. Шунинг учун ҳам куфр гуноҳдир, гуноҳ эса, куфр эмас, негаким эътиқоду — иймон қалб тасдиғи, тил иқрори дедик, бас, амал жисмимиздаги аъзоларимиз билан қилинадиган ҳаракатлардир — намоз ўқиш, рўза туттиш; ҳаж сафари ва бошқалар вақт билан боғлиқ, яъни беш вақт намоз, жуда кўп ошириб ўқисангиз бир кеча — кундузда беш соат ўқирсиз, иймон — чи? Ҳамиша сиз билан... — Эшон бобо мийғида жилмайиб, меҳр — мурувват ҳақида сўзлашдан олдинми, биз томонга анойи қараб, — Ризқ нима? — дея сўраб қолдилар.

Негадир бу саволга жавоб беришни менга ҳавола этгандай Қамариддин эшон Баҳромбекни устидан ошириб, менга юзланди.

— Ризқ... Олло берган неъмат, — дедим астагина.

— Баракалло, — дедилар Эшон бобо очилишиб, — Баракалло, ризқ одамнинг томоғидан ўтган нарса, демак тўпланган мол — дунё ризққа доҳил эмас. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам жаноблари тиланиб юрган бир одамга болта, арқон бериб, тоғдан ўтин кесиб келишни тавсия этганлар. Шу одам тез орада бойиб кетган дейдилар. Бироқ пул топниш йўлида баъзи одамлар бутунги кунда қилаётганларидек, ҳаром нарсаларни сотмоқ, ёлғон сўзламоқ, қасам ичмоқ, ҳатто кишилар соғлиғига путур етсаям худодан кўрқмай вақти ўтган дориларни пулламоқ, бузилган — айниган моларни сотмоқ, алдамоқ, қимор ўйнаб пул топмоқ, олган қарзини бермаслик, ҳали пишиб етилмаган меваларни, ҳосилларни хомлайин сотмоқ замирида меҳр деган, мурувват деган илоҳий мулкка путур етказишларидан кўрқмайдилар, айтаверсак адо бўлмас... Солиҳ одамнинг бир қаноти меҳр, бир қаноти мурувват.

Эшон бобо худди кўзгута қараб, барча ғайри аъмолни рўйи –  
рост айтаяптилару менинг бошимда ҳали қогозга тушмаган ушбу  
тўртлик чарх ура бошлади:

*Туз берсанг нўшханг бўл, ҳам рози бўл,  
Туз есанг ҳалол е, эл эъзози бўл.  
Бетаъма бўл бу беш кунлик гунёда,  
Асилларнинг сарвари бўл, мумтози бўл...*

– Эшонбува, Комиалжон акам айтмоқчи эътиқоднинг ҳикмати беқиёс улуғдир, – анчадан бери суҳбатта қулоқ тутиб, жимгина ўтирган Қамариддин эшон барчамизга бир – бир қараб, сўзида давом этади, – Эътиқодсиз одам ҳеч қандай гуноҳ қилишдан қайтмайди, Худодан кўрқмайди. Худодан кўрқмаган, охиратини ўйламаган банда безътиқод кимсадир. Унда на меҳр, на мурувват бор. Худо асрасин. Менинг тушунишимча эътиқод адаб ва икром ила гўзал, хушмавзундир. Адаб борасида шундай нақл қиладилар.

### Нақл

Қадим бир одамнинг уйига меҳмон отда келган. Меҳмоннинг суҳбати ҳозиргидай имиж, мазали бўлганми, ишқилиб ўлтиришлари чўзилиб кетганидан уй соҳибининг аёли ўғлига меҳмоннинг оти учун томбошга чиқиб, беда ташлашни буюради. Ўғил «ҳа», деганда онасининг айтганини бажаравермайди. Шунда онаси нега айтганимни бажармайсан, нега меҳмоннинг отига ўт солишни пайсалга соляпсан, бунча дангаса бўлмасанг, дея ўғлини койиса, ўғли, йўқ онажон, томга чиқишнинг ҳеч оғир томони йўқ, лекин томга қандай чиқаман, пастда, уй ичида отам ўтирибдилар – ку, деган...

– Баракалло, – дедилар Эшон бобо Қамариддин эшоннинг ибратли нақлларини яхши билсалар ҳам ҳозир кўтаринки руҳда шогирдини рағбатлантириш мақсадида кўшиб кўйдилар, – Ина эътиқод, ина ҳурмат, вай – бўй...

Ажабтовур ширин мусоҳабамизга янада нурафшонлик бахшида этиш мақсадида бир оғиз калима лутф этдим:

– Эшон бобо, бетакрор ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон ака Болтаев «Катта суворий»ни куйлаганларида ушбу мисрани

зўр ихлос билан айтардилар — а:

*Бу маҳфил ичра равшанлик на шамъи, на лагангангур,*

— Вой — бўй, — деб юборди Қамариддин эшон завқ билан.

— Яъниким, — дея Қамариддин эшон сўзимни бўлмаган ҳисоблаб, баҳоли қудрат, сал ийманиброқ юқоридаги мисранинг шарҳини баён қилдим, — бу мажлисдаги ёқтилик, шамдан ҳам, уни равшанроқ қиладиган остидаги лагандан ҳам эмас, сенинг борлигинг учун эй дўст, рафиқ, маҳбуб, Худо...

— Баракалло, — дейишди изинма — кейин эшонзодалар.

Баҳромбек жилмайибгина ўтиришидан завқини илғаш қийин эмас.

— Бугун, Эшон бобо, сизнинг ҳузурингизга келиб, кўп нарсадан бохабар бўлдик, ўргандик, ота — боболар экиб кетган «Лисонус — савил» дарахтига эътиқоди замирида аждодлар руҳига зиёда ҳурматни, эъзозни кўрдик. Тавба — тазарруъ борасида ҳикматли гурунглаarning гувоҳи бўлдик. Билдақ, эътиқоднинг катта амалларидан бири тазарруъ дедингиз. Ўтган улуғларнинг тазарруъларида улкан ҳикмат туяман, — дедим ўрни келгани боис, — Қай бирини айтасиз, Огаҳий ҳазратларининг Оллои таолога қилмиш илтижоларида ботиний эътиқод гул гунчасидек оламга тароват, гулқанддек хушбўйлиғ таратиб туради:

*Илоҳи, қилмасанг гардимға гармон,  
Басе, мушкулдурур топмоқ даво ман.*

*Илоҳи, мустажоб этким туну кун,  
Тазарруълар била қилгум дуо ман.*

Ва яна Қамариддин эшон айтган нақл замирида беқийёс ҳурмат, покиза юкиниш мужассамдир. Шу ўринда эслаш жоизким, Жалолиддин Румий ҳазратлари одамлар бир — бирларининг дилига сифинсин, деганларида улкан ҳикмат бор, чунким инсон қалби муқаддас маъво, табаррук манзил.

Сухбатимиз ош устидаям тўхтамади, дунёни у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқдик — ов. На «Каттабоғ» қишлоғи, на «Гулланбоғ», на «Олма отишган» қалъалар... Энди бу бошқа мавзу. Хуллас,

эшон бобонинг илиқ меҳридан баҳраманд бўлдик, кўнглимиз тоғдай ўсди, вақтимиз хуш бўлди.

— Яқинда бир тўртлик ёздим, — дедим суҳбатимиз охирлаб боришини кўзлаб.

*Бу дунё бир ҳикмат олти тарафли,  
Вале ҳар йўлидан юрмоқ шарафли.  
Иймон, эътиқодинг пок бўлса магар,  
Қай тараф бош урсанг бўлмағай хавфли...*

Суҳбатимиз сўнггида Эшон бобонинг кўзлари ажиб нувланиб кетди:

— Ажаб бир яхши гап айтдингиз. Бугун сизларнинг келишингиз менга андак малолан эдиким, бетоблигимдан қандай қарши оларканман, Худойим ўзинг куч — қувват бер, деб ётган эдим, енглайдим, шукур, минг шукур, қадамларингизга гул битсин...

2002 й.



## ТАНИШУВ

Тасодиф илк қараганда жўн ва оддий ҳодисадай туюлади. Бироқ, ҳеч бир тасодифий ҳол шунчаки бесабаб ва бемақсад содир бўлмайди. Шу боис баъзи тасодифлар умрнинг бурилиш нуқталарида кутиб турадилар.

Шу йил (2006) айни Наврўз кунлари Семашко номидаги соғломлаштириш ва даволаш санаторийсида ажойиб инсон, адабиёт муҳиби Азамат ака Бекмирзаев билан тасодифий учрашувимиз маҳсулдорлигига Абдукарим Усмонхўжаевнинг «Руҳиятни соғломлаштириш усуллари» (ҳаммуаллифликда) китоби сабаб бўлди.

Неча йилдан бери амалга ошмай келаётган армонимга Оллоҳ йўл берди. «Қўналға» романимда ажиб бир меҳр билан қаламга олганим, ардоғли муаллимим (Тошкент тўқимачилик институтида машина механизмлари назариясидан таълим берганлар) Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаевнинг укалари Абдукарим ака билан танишувга муваффақ бўлдим. Энди бу танишув бошқа бир олам.

Азамат ака билан Қатортолдаги «Янги аср авлоди» нашриёт – матбаа марказининг тўртинчи қаватига кўтариламиз. «Ҳамшира» журнали директори зшигини очамиз. Танишувга ҳожат йўқ. Ёпирай, Ҳалим аканинг хушҳол лутфга чоғланган янглиғ нигоҳ, чиройли юзларидаги хушнуд табассум. Азамат ака ўзларига ҳос ним жилмайиш ила бир мента, бир қадрдон дўстига қарайди. Албатта, Азамат ака сим орқали ташрифимиз ҳақида дўстига айтганлари ҳақ. Барибир, Абдукарим акадаги самимият мени ширин суҳбатга ошно этажагини дилимдан ҳис этдим. Айниқса, хонадаги деворга суянганча чолғуга шай дуторнинг бизга интиқ таллинишида чексиз меҳр тўйдим. Бирор сўз ортиқча гўё. Олам ва одам таври мавзуидаги суҳбатимиз бир лаҳза тингандай, бирон бир ўнғайсизлик сезилмайди. Қай бир сониялар ичида одамларнинг умр ҳикматларини, ижлос – эътиқодларини, ҳис – туйғуларини ўз шеъриятида гавдалантириб, инсон руҳини, унинг камолот сари интилишидаги улуғворлигини ажойиб бир шукуҳ билан ифодалаб берган Жалолиддин Румий ҳазратларининг ушбу беқайтариқ байтларини миямдан ўткардим:

*Аё сиз, жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий—сиз, илоҳий—сиз.*

Бу гузал ташбеҳда реал моҳият мукошиф этилган эрса — да, Абдукарим ака вужудида ҳам ботинаи, ҳам зоҳиран завқ барқ уриб турган эрса — да, синашта бўлмаган даврада, унинг устига ҳали яхши танимаган соҳиби хона шаънига дарров мақтов айтиш эришдек туюлди. Сухбатимиз шундан бошланса ҳам ёмон бўлмас экан: Абдукарим ака кутганимдан — да зиёда — ҳам табиб, ҳам адиб бўлиб чиқдилар. Бу кейинроқдаги хулосам.

Билҳақ, одам кўзгуга қарамай ўз чеҳрасини кўролмайди. Лекин бировга қараб, асосан ўзлигини ўзгалар воситасида англайди, ўзгалар воситасида шоён этади. Мен ҳам Абдукарим акага қараб ички муравватларимни созлай бошладим. Ва лекин Абдукарим аканинг илк саволи мени анча доводиратиб қўйди:

— Сиз, кимсиз?

Шундай ажойиб сийратли одамнинг оғзидан бу қадар қўпол саволнинг чиқишига ақл бовар қилмайди. Бир хаёлим саволига жавоб бермай, «Қўналға»ни бериб, мана китобнинг фалончи бетида акангиз тўғрисида баҳоли қудрат битигим бор, шуни сизга айтиб, китобимни бериб кетмоқчи эдим, дея ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Бироқ, ҳар бир сўздан, ҳар бир ишорадан яхшилик кутишга одатланганимданми, боз устига Абдукарим ака ўзига ром этувчи хуш табассуми ила сўраганлариданми, лўндагина:

— Комилман, — дедим.

Орага бир лаҳза оғир жимлик чўқди. Азамат ака сал безовталандилар:

— Кеча телефонда айтганим, Комил Аваз, шу киши. Акангиз тўғрисида китобларига ёзган эканлар...

— Билдим, — дедилар Абдукарим ака танишувимиз пойдеворига етаётган путурни тузатиш учун қувноқ ҳолатда.

Китобимни ийманибгина узатдим. Менда энди аввалги руҳ йўқ эди. Абдукарим ака китобга ўйчан тикилдилар — да:

— Қўналға... — дедилар чўзиб ва ҳам сўроқ, ҳам таъкид ўрнида, давом этдилар — қўниб ўтиш...

Китобдан кўзларини олиб, «тўғрими?» дегандай менга маъноли тикилдилар. Мен сал тўхтаб:

– Бу дунё, вақтинча бекат...

– Мана бу бошқа гап. – сўзимни қувватлаб давом қилдилар  
Абдукарим ака. – Ҳа, вақтинча бекат... қалб, дил, юрак!

Биринчи мартаба нотаниш одам қўлига китобимни олиб «қўналға» дегани нима у, деб сўрамаганларидан яна меҳрим товланди. Юзларимга хушхоллик ийндимикан, Абдукарим ака ўзга бир меҳр билан китобни варақлай бошладилар. Сўхбатимиз уланиб кетгач, Азамат ака дуторни қўлтиқлаб, шогирдлари олдига чиқишини айтдилар. Дарвоқе, ҳар жума нашриёт ходимлари дутордан сабоқ оладилар. Абдукарим акаям ўрганадилар. Буям Абдукарим ака томонидан кексайиб бораётган Азамат акага кўрсатмиш саҳои садоқатларининг рамзидир. Дутор илимининг устаси Азамат аканиям кўнглига хуш иш топилганидан бошлари осмонда.

Абдукарим ака билан илк танишувимиз сабаб сўхбатимиз беҳудуд уммондай мавжланиб бора берди...

*Сўхбат, сўхбат... тарих, тил, тиббиёт,*

*На мозий, на яқин қолди орага.*

*На илми нужуму на илми абёт,*

*Дил бўлди гаҳ соким, гаҳи арбага...*

Сўхбатимиз тасаввуфга бурилади. Абдукарим ака дин илмида ҳам бағоят дониш эканлар. Буни ҳам тиббиётга буриб, вужуд онг, юрак, дил, кўнгул билан боғлаб, ажаб бир гап айтдилар:

– Баъзи одамларда ўзини огоҳлантирувчи, ҳимоя этувчи тилсимий куч бор. Фақат англашга, илмий англашга ҳозирча ожизмиз.

– Дўстим, файласуф олим Иброҳим Ҳаққулнинг яқинда «Ким нимага суянади?» деган китоби нашрдан чиқди. – дедим Абдукарим аканинг сўзини қувватлаб, – шу китобда шундай хислат Бобурда бор дейди. «Бу нарса «Бобурнома»ни ўқиганда ҳам, шеърларини мутолаа қилганда ҳам сезилиб туради. Ўзига ишонмаслиқдан, ўзини ўзи хору хароб айлашдан ва ҳар турли аҳмоқлардан ҳимоя этади. Бобурга руҳан ва маънан яқин боришга уринсангиз дастлаб:

*Шаҳвату нафс қавий гушмандир, –*

деган гапга унча аҳамият бермаслик мумкин. Аммо бир пайт ва маънавий фурсат етадики, беихтиёр чин иқроп билан:

*Умр рафлат билан ўткармишмен,  
Нафс буйруғи билан бормишмен,—*

дейсиз ва бошқача яшаб, бошқача кўриниб юришингиздан, ўзгача сўзлаб, ўзгача бир ишнинг кетидан қувишингиздан ҳам уяласиз, албатта», деб ёзади.

— Вожабо, буни қаранг, ҳис — туйғу билан ҳисоблашмаслик ва у юрак билан боғлиқлигини эътироф этмаслик бутунги илмнинг юксак камолида аниқ кўриниб қолди. — дейди Абдукарим ака суҳбат жилловини бўшаштирмаслик учун ва юқорида айтган фикрларини илмий изоҳламоқчи бўлдилар. — Бернер 1967 йилда олтмиш бир яшар хаста юракли стоматолог Блаенбергта автоҳалокатда ўлган йигирма тўрт яшар негр йигитнинг юрагини кўчиради. Бу фанда илк улкан кашфиёт эди. Блаенберг операциядан бир йилу етти ойдан кейин вафот қилади. Машҳур олим Томпсон Блаенберг ўлгач, унинг аввалги юрагини ҳам, кейинги кўчирилган юракниям кесиб олиб, формалинга солиб қўяди. Нима деб ўйлайсиз? Кўрсаки, йигирма тўрт яшар негрнинг юраги Блаенбергнинг юрагидан қари экан. Олим бу ҳодисани қувурлари занглаган насос моторига қиёслайди. Қувурлар моғоридан тақирлаб ишлаб турган моторга нисбатан янги мотор яроқсиз экан. Янги мотор тез куяди деб ёзади.

Мен Абдукарим аканинг сўзлаш, ҳар бир сўзнинг оғромини англаб урғу беришига ҳайратланаман. Уларнинг ҳаяжонли ҳикоятига, куюнчақлигига ҳавас билан қулоқ кўяман.

— Ҳар бир юракнинг ички қабатлари, — давом этадилар Абдукарим ака, — эндотелий ҳужайраларига кодлашар экан. Қирқ икки яшар флегматик, ҳаракатлари сокин аёлга ўн саккиз яшар сангвиник, завқи ҳаёт кечираётган қизнинг (автоҳалокатда ўлган) юраги кўчирилганда, қирқ икки яшар аёлда ўн саккиз яшар қизнинг ҳатти — ҳаракатлари, қилиқлари пайдо бўлган. Бунга нима дейсиз?

Нимаям дердим, бу фаройиб ҳодисотлардан ҳайратланганимни яширолмайман:

— «Дорисиз қалб давоси» китобингизни ўқиб, нечоғ қувонганимни сўз билан ифода этолмайман. Ахир мен ҳам дорисиз



даволаш услубингиздан фойдаланиш тарафдориман. Айниқса, мусиқа билан даволаш услубига кўпроқ эътибор беришларини истар эдим. Мусиқа билан даволаш аввал замонларда кенг йўлга қўйилган экан. Мен бу ҳақда «Олис оҳанглар» китобимда анчайин батафсилроқ ёзишга ҳаракат қилганман. Ал – Хоразмий Бағдодга келгач, шаҳарнинг таниқли олиму фузалоси уни имтиҳон этибдилар: «Тиббиётда даволашнинг уч тури бордур, сизга аларнинг қай бири кўпрак ҳуш келади?» – деб сўрашганида, Ал – Хоразмий: «Бизда даволашнинг уч эмас, тўрт тури бордур –

*Бири сўз, гору бири, кескир пичоқдур биттаси,  
Дағи Хива мулкида машҳур эрур сознинг саси, –*

Менга ана шу тўртинчиси, яъниким соз билан даволаш усули кўпрак ҳуш ёқаду», деб жавоб берган экан... Ва ажабким, миллатимиз гурури бўлмиш мақомлар даврлар салосилида одамларнинг кундалик эҳтиёжлари ила мукаммаллашиб, сайқаллашиб, миллат руҳини акс эттирувчи ажиб тилсимий қавийлик касб этди.

– Дуруст дедингиз, Комилжон, ширали, ёқимли овозлар инсон қалбига сирли ҳаяжон солади, унинг руҳиятини тетик қилади.

– Саъдий Шерозий куй ва қўшиқни «Рух озукаси» деб бежиз айтмаган. Киши яхши куй тинглаганида жаҳолатдан йироқлашади. Муҳаббат, садоқат, гўзаллик ҳис этади. Айтишларича, Жалолиддин Мангубердиннинг отаси давлат ишлари билан одамларни қабул хилишдан аввал соз чалиб, ўзини созлаб олар экан. Носозлик ила давлат ишига қўл уриш мумкин эмас деркан.

Сўхбатимиз асносида Абдукарим ака келгуси режалари, кўнглига туғиб қўйган ишлари борасида мени неча мартаба ҳайратга солиб гапирдилар Етмиш олти ёшга кирган бу жисми навқирон одамга ҳавасим келди. Бунча билим, бунча амалиёт маҳсуллари баробарида камтарин, хушфеъл бўлишлари ҳар кимнинг ҳам ҳавасини келтиради. Шамсиддин Табризий билан Жалолиддин Румий ҳазратлари илк бор учрашганларида улар ўртасида бўлиб ўтган бир мўъжизий савол – жавоб ярқ этиб миямдан ўтди –

Шамсиддин Табризий:

– Эй, у дунёю бу дунё маънию моҳиятларининг саррофи!

Айтгил, ким устун – Муҳаммад пайғамбарми ёки Боязид Бистомий?

Жалололдин Румий:

– Бу не сафсата? Албатта Муҳаммад устун!

– Дуруст, – деди Шамсиддин Табризий, – нега унда Муҳаммад: «Юрагимни занг босиб, эгамнинг олдиди ҳар куни етмиш карра тавба қиламан» – дейдию Боязид: «Мен ўзимдаги ҳар нечук қусурлардан халос топдим. Жисмимда Худодан бўлак ҳеч нарса қолмади. Улуғмен, улуғмен, шон – шарафга тўлиқмен!» – деб бонг уради?

– Муҳаммад ҳар куни етмиш мақомни босиб ўтади, – жавоб беради Жалололдин Румий. – Ва ҳар гал янги пояга етиб, аввалги пояда эришган билимларининг қусурлари учун тавба – тазарру этади. Боязид эса, ёлғиз биргина пояга етиб, шунинг мартабасидан боши айланиб, жазава ичинда ўшандоқ сўзларни айтмиш...

Румий ҳазратларининг жавобини эшитган Шамсиддин оҳ чеқдию ҳушидан кетиб, ерга йиқилди дейдилар.

Шулар хаёлимдан ўтиб, тиббиётда беморларнинг қон босимларини зўрға ўлчайдиган баъзи чала табибларнинг калон димоғию эрта – кеч илм билан машғул бу тиниб – тинчимас инсоннинг янги – янги поялар сари завқ ила камтарона одим отишига иймон келтирдим.

Суҳбатимиз охири кўринмас. Аста Азамат ака дутор дарсидан машғулот ўтказаетган дуторчилар хонасига ўтдик. Қизлар гурр этиб ўринларидан турдилар. Азамат ака мени таништириб, дуторни кўлимга берарканлар:

– Хоразмда ҳамма чолғучи дейдилар. Марҳамат қилиб, бир нима қилинг. Негадир мен ҳам беилтифот кўлимга дуторни олиб, унинг қирқ йилда дунёга келиши борасида гурунг қилдим. Машҳур ҳофиз Ҳожихон Болтаев услубида «Лазги»дан бир шингил чертган бўлдим. Қайтиб яна Абдукарим ака билан хоналарига келдик.

Яна суҳбатимиз давом этади. Абдукарим ака оиласи, ўғил – қизлари, келин – куёвлари, қуда – андалари, ёру – биродарлари ҳақида меҳр – муҳаббат билан берилиб гапирадилар. Айниқса, қудалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология илмий – текшириш институти директори, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошидаги пульмонология ва клиник аллергология кафедраси

мудири, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош пульмонологи, Европа «Респиратор жамияти» аъзоси, Халқаро сил ва ўпка касалликларига қарши кураш иттифоқи аъзоси, «Интер астма МДХ жамияти» бошқарув аъзоси, Марказий Осиёда пульмонологлар Ассоциацияси вице – президенти, «Вестник Ассоциации пульмологов Центральной Азии» илмий – амалий йиллик журнаlining бош муҳаррири, Марказий Осиёда машҳур интернист олим, Республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаевнинг етмиш ёшга тўлиши муносабати билан у кишининг ҳаёти ва илмий – амалий фаолиятдан лавҳалар битилган «Эзгуликка интилиб» китобининг ёзилиши борасида ажаб ҳикоят этдилар:

– Китобни ёза бошлагач, қудамдан ўғлингиз, яъни менинг куёвим ҳақидаям рақам қилайми? – деб сўрадим.

– Йўқ, керак эмас. Бу китобда у нима қилади, – дедилар.

Лекин, мен барибир куёвим ҳақида ёздим ва китоб қораламасини Абдулла акага олиб бордим.

– Чоп қилишдан аввал бир ўқиб, фатво беринг, – дедим.

Қудам бир бошдан аста ўқий бошладилар. Ўғиллари тўғрисида ўқиётганларида кўзларига ёш олиб, йиғладилар. Дедиларки, Абдулла Қодирийнинг ўғиллари Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» деган китобини менга берганларида, отам китоб қаҳрамони Кумушбиби ўлиб қолди дея йиғлаган эканлар деганида, и – е, китоб ёзиб, ўқиб йиғлаб бўларканми деган ўйга борган эдим. Китоб ўқиб йиғлашга энди ишондим, дедилар.

Бу ҳаётини лавҳаларга жим қулоқ қўяман. Абдукарим ака СССР Ҳарбий медицина академиясининг маслаҳатчиси бўлиб Афғонистонда ишлаган йилларидаги (1976 – 1979) саргузаштлар, чинчечакни йўқотиш бўйича олиб борилган ишлар, Афғонистоннинг ўша даврдаги алғов – далғов сиёсий ҳаёти, Довуд, Тараки, Бабракларнинг муносабатлари, уларнинг матбуотда ёритилмаган ички курашлари, 1977 Апрель инқилоб талатўми борасида куюниб гапирадилар.

Сўхбатимиз табиийки, яна руҳ, руҳият оламига кўчади.

– Руҳнинг баданга алоқаси шуки, – дейдилар Абдукарим ака менга маъноли қараб, завқ билан, – тан чироқининг ёғи ва унинг пилтаси руҳ эса, пилтадаги шуълага ўхшайди. Бу чироқлар тайёр

бўлгач, абадий ҳаёт қуёшидан бир шуъла сачраб, пилтага тушади ва қалб чирогини ёндиради.

— Ҳа, сиз «Дорисиз қалб давоси» китобингизда бу хусусда батафсил битгансиз. Одам умрини ёниб турувчи пиликли чироққа қийёслаб ажойиб топилдиқ қилгансиз. Умр ўта беради, чироқдаги ёғ камаё боради, ёғ тутайди, пилик ҳам адо бўлади ва ниҳоят чироқ ўчади, одам вафот этади. Ана шу ёғ идиш—юракка ёғ қуйиб, кунидан бурун қаритмаслик ҳар кимнинг ўз қўлида эканлигини кўрсатиб берганингиз беқиёс улкан иш. Умрни узайтиришга, узайтиргандаям завқли, эҳтиросли ҳаёт кечиришга амалий йўл—йўриқ кўрсатгансиз. Румий ҳазратлари: «Кимки комил, бўлмағай гафлат анга», деганлар. Илойим, жонингиз соғ, умрингиз узун, мартабангиз ҳамиша сарбаланд бўлғай. Келинойимиз Шоҳидахон ая билан қўша қаринглар. Ҳўлаган режаларингиз, армонларингиз ушалсин. Ниятингизга етинг, уйингиздан бахт аримасин. Омин.

2006 й.



## МАҚОЛАЛАР, СУҲБАТЛАР

### ХОРАЗМ АДАБИЁТИ

(ЎзЭ га)

Хоразм ўзининг юксак маданияти, илм-фани, адабиёти, санъати билан жаҳон цивилизациясига баракали улуш қўшган қадимий ўлка. Хоразм адабиёти замонлар силсиласида еврилиб, йўқотилиб, қайта шаклланди ва ривожланди. Араблар Хоразмда ўзларига қараганда жуда ҳам юқори маданиятга дуч келдилар. Ал-Хоразмий (783-850), ал-Беруний (973-1048), аз-Замахшарий (1074-1144) каби олимлар Хоразм фани ва маданиятини бутун оламга танитдилар. 8-а.га келиб Хоразм тилининг батамом йўқотилиши билан 8-а.дан тоқим XII-XIII-а.га қадар форс ҳамда араб ва XII-а.дан бошлаб туркий-ўзбек тилларида ижод қилинди. Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл-ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») тазкирасида X-XI а.да Хоразмда яшаб, араб тилида ижод этган Абу Бақр Хоразмий, Абу Саид Аҳмад ибн Шабиб аш-Шабибий, Абу-л-Ҳасан Маъмун ибн Муҳаммад ибн Маъмун, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тоҷир ал-Вазир, Абу Муҳаммад ибн Иброҳим ар-Рақкаший, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамид, Абу-л-Қосим Аҳмад ибн Абу Зирғом сингари етук арабнавислар ҳақида кенг маълумот беради. Қарийиб беш аср давомида (VIII-XII) араб тилида ижод қилган кўпгина Хоразм шоирлари ўзларининг етук фаолиятлари билан Хуросону Мовароуннаҳрда шуҳратли бўлганлар. X-а.да Хоразмда илк бор ташкил этилган «Маъмун Академияси»да жаҳон фани равнақиға муносиб улуш қўшган Беруний раислигида Ибн Сино, Абу Наср Ироқ каби йирик фан ва маданият намояндлари ижод қилдилар. X-XII-а.ларда Хоразмда давлат тили форс тили бўлганлиги боис кўп шоирлар асарларини ушбу тилда яратдилар. Асли Балхлик, Хоразмда турғун яшаб Хоразмшоҳ Отсиз ҳукмронлиги даврида (1127-1156) юқори мартабага эга бўлган Рашидиддин Вотвот шеърятда мурассаъ, тарсеъ, тажнис ва бошқа усулларни қўллашда форсий тилда ёзадиган пешқадам шоирлардан бири ҳисобланади. Аҳмад Яссавийнинг шоғирди

Сулаймон Боқиргоний XI а.даёқ турк тилида ижод қилиб адабиёт ривожига муносиб ҳисса қўшган. Бу даврларда уч – араб, форс ва турк тилларида бараварига ижод қилингани Хоразм адабий муҳитининг неқадар ранг – баранглигини кўрсатади. Хоразмда адабий жараён Чингиз истилоси арафаси ва ундан кейинги даврда анча мураккаб кечган бўлса – да, тўхтаб қолмади. Кубравия тариқатининг асосчиси, «Шайхи валитарош» – авлиёлар етиштирувчи шайх номи билан бутун шарққа машҳур бўлган оташнафас шоир Нажмиддин Кубро (1145 – 1221 й.), «Муҳаббатнома» муаллифи Хоразмий (XIV – а.), Насриддин Бурхониддин Рабғузий (XIII а. охири XIV а. бошлари), Паҳлавонлиги билан Хоразм доврўғини оламга танитган буюк донишманд Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий (1247 – 1327 й.), Ҳайдар Хоразмий, Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи (XIV – а.) каби буюк сиймолар ижод этган. Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асари ўзбек насрининг мукамал намунаси бўлиши билан эътиборга молик. Жаҳон маърифати тараққиётига Хоразм илму – урфони, адабий муҳитининг таъсири эътирофга лойиқ. Аз – Замаҳшарий араб дунёсини кезиб, илм тарқатган бўлса, 1414 йилларда Шерозга келган Абдурраҳим Ҳофиз Хоразмий туркийда битган ғазаллари билан шуҳрат топган. «Шайбонийнома» асари билан ўзбек адабиётда тарихий дostonчилик жанрига асос солган Муҳаммад Солиҳ (1455 – 1535 й.) Самарқанд адабий муҳитида етакчи шоир бўлган.

Арабу ажам оламининг Хоразм фани, маданияти, адабиётига бўлган ихлоси беқиёс балад. Алишер Навоий «Мажолис – ун нафоис» асарида Хожа Абдулвафойи Хоразмий ва Мавлоно Жалолиддин Румий маснавийсига шарҳ битган Мавлоно Ҳусайн Хоразмийлар ҳақида бениҳоя улкан меҳр билан зикр этади. Шунинг баробарида Навоий ижодидан баҳраманд бўлмаган хоразмлик шоир топиламас. Биргина Оғаҳий устознинг 30 дан зиёд ғазалларига мухаммас боғлаганлигининг ўзи Хоразм шоирларининг Навоийга бўлган ихлосу эътиқодларининг нечоғли юксаклигидан далолат беради. Замона зайли билан XV – XVI а.ларда адабий жараён бирмунча пасайган бўлса ҳам XVII – XVIII а.га келиб яна аста – секин ривожлана борди, адабиёт намояндалари етишиб чиқа бошлади. Равнақ (1725 – 1805 й.), Роқим (1742 – 1825 й.), Киромий, Роғиб, Нишотий, Насимий ғазалларини

арабийдан ўзбек тилига ағдарган улкан шоир Андалиб (1710–1770 й.), Восифийнинг «Бадоеъул вақоеъ» асарини форсийдан таржима қилган, ўзбек, форс тилларида баравар ижод қилган етук шоир Диловархўжа (XIII–а.), Навоийнинг «Хамса»сидаги поэмаларни насрий вариантларини яратган Умар Боқий (XIII–а.), тарихнавис олим, моҳир таржимон, мусиқа билимдонлари, мутафаккир шоири замонлар Мунис (1778–1829 й.), Огаҳий (1809–1874 й.), Комил Хоразмий (1825–1899 й.), Баёнийлар (1840–1923).


Хоразм тахтига 47 йилдан зиёдроқ давр ҳукмронлик қилган, Саййид Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз (1844–1910 й.) замонида Хоразм адабий муҳити юқори поғонага кўтарилди. Унинг фармони билан Табибий «Мажмуаи 30 шуаро шоҳи пайрави Феруз»ни тузади ва Ферузнинг 101 газалига ёзган 30 шоирнинг пайравини киритади. Замонасининг етук ижодкори Лаффасий тузган «Тазкираи шуаро»да (1945 й.) 51 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар битилган. Мунисдан Лаффасийгача, яъни Огаҳий, Ҳисравий, Рожий, Равнақ, Хожаий, Нишотий, Ҳозий, Зийракий, Холис, Комил Хоразмий, Феруз, Муродий, Комёб, Фарруҳ, Султоний, Содиқ, Саъдий, Оқил, Баёний, Саид Асадтўра, Физий, Мирзо, Нозирий, Шиносий, Фуломий, Камолий, Пур Комил, Табибий, Аваз Ўтар, Девоний, Умидий, Ҳаёлий, Иноятулла, Ходимий, Надимий, Чокар, Мутриб, Баҳодирий, Ожизий, Дойй, Ҳақирий, Юсуфий, Хокий, Ниёзий, Ҳабибий, Роғиб, Қонё, Музнийб, Фақирийдир. Ўзбек адабиёти ривожига буларнинг ҳиссалари каттадир.

20–а.нинг 1–ярмида ижод этган Партав, С.Муғанний, Суханвар, У. Қурбоний, Қ.Қурбоний, М.Абдуллаев, Э.Раҳим, А.Бобожон, Айёмий, Р.Бекниёз, Д.Матжон ва б.нинг назму насрий асарларида миллий истиқлол, маънавий баркамоллик, маърифатпарварлик ғоялари ўз аксини топган. 20–а.нинг 2–ярми Хоразм адабий жараёнида юксалиш йиллари бўлди. Ф.Зоҳид, Р.Отаев, Э.Самандар, Р.Собиров, О.Матжон, Қ.Матризо, Н.Солаев, Э.Мадраҳимов (Ошиқ Эркин), Комил Аваз, М.Абдулҳаким, Б.Отаева, У.Отаева, Б.Рўзимухаммад, Қ.Давлат, А.Сафоев, М.Ражаб, Д.Ражаб, Н.Юсупова, У.Худойберганова ва б.лар бадиий ижодлари билан адабиётимиз хазинасини бойитишга хизмат қилдилар. О.Матжон, Б.Рўзимухаммаднинг фалсафий шеърляти, Э.Самандарнинг

«Дарёсини йўқотган қирғоқ», «Тангри қудуғи», К.Авазининг «Қўналға» романлари, М.Абдулҳақимнинг Н.Кубро, М.Бедил, П.Маҳмуд рубоиёти ва ғазалларининг ўзбек тилига таржималари ўзбек адабиётида алоҳида ўрин тутди. Бу даврда адабиётшунослиқдаям катта сижишлар бўлди. Проф.лардан Ҳ.Абдуллаев, С.Рўзимбоев, Н.Қобулов, Ж.Юсулов, араб ва форс тили билимдони А.Аҳмедов ва б.ларнинг асарлари адабиёт камолига катта ёрдам қилди. Ҳ.Абдуллаевнинг Абу Бакр Хоразмийдан то шу бугунгача бўлган 1000 йилликда яшаб ижод этган аҳли адабнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи тазкираси, Н.Қобуловнинг 2 жилдли «Хоразм адабий муҳити» асари маориф аҳлига дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳ.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, журналистлар, рассомлар ва б.лар) вилоят шўъбалари фаолият кўрсатмоқда.

2004 й.





## ҲАҚИҚАТ ВА РҶЁ

(Огаҳий ҳаёти ва ижоди борасида  
ривоятлар ва ҳақиқат)

Халқнинг маданияти, маънавияти ҳамиша унинг илдизи, ўтмиши билан боғлиқ ва шундан, албатта, бировнинг насл – насабини суриштирганда, унинг ота – бобоси кимлиги сўралиши бежиз эмас. Шу сабабдан ҳам нафсиламрини айтганда, биз ўтмиш аجدодларимиз сиймои сийратларини баҳоли қудрат тўғри ёритолсак, авлодлар олдида юзимиз ёруғ, иймонимиз бутун бўлғусидир.

Афсус, устоз Огаҳий ҳаёти ва ижоди борасида сўз юритаётган баъзи санъаткорлар айрим кўшиқларга изоҳ беришлари асносида, айниқса «Феруз 1» ва «Феруз 2» ашуалари, уларнинг рақамланиши хусусида узун қулоқдан эшитган ёлгон – яшиқ гапларини янада беэаб, зийнатлаб айтмоқдаларки, охир – оқибат, бора – бора ўзлариям бунга чиппа – чин ишониб, шубҳага ўрин қолдирмаяптилар.

Билҳақ, яқинда яна такроран эшитиб қолдик, эмишки Огаҳий одан йиқилиб, майиб бўлиб ётиб қолгач, Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз у кишидан хабар олмаганларидан кейин Огаҳий хоннинг созандаси бўлмиш Матёқуб позачини чақириб, газалларини берибди ва унга «Феруз»ни ўргатиб хон олдига жўнатган. Шундай қилиб машҳур «Феруз»лар яралганмиш. Бу янглиф ишонарли ҳукми айтишдан аввал андак андиша этилса яхши, чунким у ҳақиқатга яқин бўлмоғи лозим.

Ўтган аср охирларида 100 ёшни қоралаган машҳур санъаткор Бола бахшидан эшитганимиз: «Хоразмда «Феруз 1», «Феруз 2» ашуалари мақомларга кирмасалар ҳам, ўзларининг тик авжлари, қочиримлари билан машҳурдирлар. Айтишларига қараганда Муҳаммад Раҳимхон 1 (1804 – 1825) ҳамда Оллоқулихон (1825 – 1842) замонларида «Феруз» ашуласи халқ оғзига тушиб, зиёфатларнинг кўркига айланиб кетган. Оллоқулихоннинг ўғли Мадаминхон кўнглида тоза бир «Феруз» пайдо этиш иштиёқи тугилади ва бу иш Хоразмнинг энг забардаст санъаткорларига топширилади. Бастакору ҳофизлар жам бўлиб шундай тоза «Феруз» яратишибдики, аввалгиси «тилло узук» бўлса, кейингиси унга «гавҳар тош»дек ярашиб тушибди. Шундай қилиб, бир –

биридан гўзал «Феруз»лар дунёга келибди. Устозларимиз Мадаминхондан, Оллоҳ раҳмат қилсин, авлодларга тенгсиз Кўк калта минор ва бир «Феруз» қолди, деб айтар эдилар». Бу ҳақда мусиқашунос О.Матёқубов «Мақомот» китобида ҳам эслаб ўтади. (О.Матёқубов «Мақомот», 68 б. Т. 2004 й.)

Мана бу мантиқан анчайин ҳақиқатга яқин гап, негаким, юқорида эслатганимиз, Матёқуб позачи ҳақида Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода замониغا мансуб, 1925 йилда Москвада чоп этилган «Хоразм мусиқий тарихчаси»да шундай ёзадилар: «Матёқуб фозачи (позачи) 1919 йилнинг охирида Хоразм инқилобининг бошланғич замонасида тахминан 50 ёшларида ҳиққилдовуқ (ҳиққичоқ) касалидан ўз жойида вафот қилди». («Хоразм мусиқа тарихчаси» 36 – 37 бет, Т. 1998 й.) Демак, Матёқуб позачи 1870 йилларда туғилган бўлади. Огаҳий вафот этганида (1874) у киши 4 ёшларида бўлган бўлса, қандай қилиб устоз билан учрашган экан? Қолаверса, Огаҳий 1846 йилда отдан йиқилади, бу пайтда Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз (1844 йилда таваллуд топган), 2 ёшида бўлади.

Улуғ рус ёзувчиси Достоевский: «Бировлар эшитган гапини мендан бошқа билмайди деб айтишга шошилади», дейди. Топиб айтган. Худди шундай гаплар «Феруз 1», «Феруз 2»ларнинг рақамланишидаям содир бўляпти. Ўрни алмашиб тушган деган гап – сўзлар бот – бот қулоққа чалиняпти. Тўғри, устоз Ҳожихон ака Болтаев Огаҳийнинг «қошу кўзинг» радифли ғазалини «Феруз 1» га ва «устина» радифли ғазалини «Феруз 2» га қўйиб айтгани бор ва хониш аввалида «Феруз 2», кейинидан «Феруз 1» айтганиям бор. Хонанда хоҳлаган шоирнинг хоҳлаган ғазалини «Феруз 1» ва «Феруз 2» куйларига қўйиб, ўринларини алмаштириб куйлаганлар. Бу билан ҳеч нима ўзгармайди, на қўшиқнинг бир – бировига улаиб кетишида, на ижро услубида. Фақат хонанда овозини қиздириши учун ашуласини «Феруз 2» билан бошласа, баланд авжли «Феруз 1»ни ижро қилишда кўп ҳам қийналмайди. Лекин бу янглиғ мусоҳабаю муноқашалар «Феруз»ларнинг яралиши тарихига жиддий қарамоқликни талаб этади ва мутахассислар ўз фикрларини айтсалар айни мудао бўлаур эди, деган ўй билан кўпгина созандаю қўшиқчилар билан суҳбатлашдим.

Ашулачи Озод Иброҳимов: «Феруз 1»нинг бошланиши ҳозиргидай бўлмаган. Ўтган асрнинг 40 – йилларидан олдинги

устозлар томонидан ижро этилган тарзи «Сегоҳ»нинг «тани мақоми»га чалим беради, юрагим дупурлаб уриб кетди, эшитинг – а! «Холу хатинг хаёлидин...» (шу оҳангда «Мушкин қошининг ҳайъати..» мисрасини тўлиқ айтиб, ғазалнинг иккинчи сатрини худди ҳозирги ижродагидай «Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина», дея ўтган асрнинг 40 – йилларидан олдинги устозлар томонидан ижро этилган тарзи баландлатиб кета берди.) Энди, «Феруз 2»га келамиз. – давм этади Озод ака, – Муҳаммад Раҳимхоннинг невараси, Оллоқулихоннинг ўғли Мадаминхоннинг (1846 – 1855) кўнглига бобоси замонида яралган «Феруз»дек янги бир, ундан қолишмайдиган, иккинчи «Феруз» ижод қилиниши тушади. Унинг ўзиям яхши гижжакчи, созанда бўлган дейишади. Хўш, энди бу қайси манбаъдан олинган экан деган савол бутун хаёлимни банд этди. Яна излана бошладим ва узоқ куймаланишимдан сўнг тагин «Сегоҳ» мақомида тўхтадим. «Сегоҳ нақши»нинг тўртинчи хомаси – эшитинг – а, (чалиб берди) худди «Феруз 2»нинг ўзгинаси!

– Бу қўшиқларни «Феруз» деб аталишига сабаб не экан? – сўрайман Озод акадан

– Бу ашулаларнинг номланиши хон Феруз билан боғлиқ бўлмаган. Ферузнинг бир маъноси – кўкимтир рангли тош, иккинчи маъноси – бахтли, толеъли, голиб. Балки, Муҳаммад Раҳимхон 1, ферузнинг кўкимтир тош бўлгани баробаридаги голиблик маъносига ишора сифатида, ўзининг голиблиklarини назарда тутган бўлишлиги ҳам мумкин. Ахир у киши Хоразм тахтини кенгайтириб, мустаҳкамлабгина қолмай, кўпгина ислохотлар қилган, Хоразмнинг илк пулини зарб эттирган хондир. У кишини мусиқа ихлосманди бўлган дейишади. Ахир бутун сулоласига мусиқага муҳаббат, созандачилик шу кишидан ўтган бўлса не ажаб. Ана энди иккинчи «Феруз» яралганидан кейин аввалги «Феруз» ўз – ўзидан «Феруз 1» номини олади.

Бу масалага бироз аниқлик киргандай бўлди. Энди «Феруз 1» «Феруз 2» ашулаларига Огаҳий ғазаларини қўйиб айтиш борасида ғаройиб бир топидиққа дуч келдик.

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина.

Биринчи байтдаги «мушк» борасида сиз юритамиз. «Феруз I»ни Огаҳий ғазаллари билан маромига етказиб ижро эта ётган Ўзбекистон, Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев билан бўлган мулоқотларим хаёлимдан ўтади. Жўрабек:

— «Мушк» — қора тусли ва хуш ҳидли модда. Уни қошга суртса, қора, ўскин, маҳобатли кўринади.

— «Мушк»ни қаердан олинисини эшитганмисиз?

— Уни кийикни киндигидан оладилар деб эшитганман.

— Дуруст дедингиз, «ноф», «нофа» — чи?

— «Ноф» — форсийда киндик дегани. «Нофа» — киндикдон.

— Ғазалга «ноф»нинг қандай алоқаси бор экан деб ҳайратланманг. «Нофа» луғатларда «мушк», «мушкдон» маъноларида ҳам ишлатилади. Мени эшитганим, мушк олиш учун кийикларни Хўтан тоғига тирмаштириб, киндиклари зўриқишидан тушиб кетмаслиги учун ноф, нофа боғлар эканлар. Ана шу нофаларга тушган кийик киндикларидан мушк тайёрланар экан.

«Нофа» сўзини, албатта «мушк»ни олиш учун ишлатишдан мақсад иккинчи байтдаги «нун»га ва «сод»га алоқадорлиги эди. Негаким, байтнинг биринчи мисрасидаги «жаллод» билан иккинчи мисрадаги «сод»нинг радифлиги баробарида бир — бирига боғлиқлигини, байтни тўлиқ шарҳламагунча англаш бироз оғир. Мумтоз адабиётимиз билимдони, дўстимиз Иброҳим Ҳаққул айтмоқчи, қайсики муслим «сод»нинг маънисини билса, бу дунёда гуноҳ қилмаган бўлар эди, чунким, «сод» дўзах маъносини англатар экан. Нажмидин Кубро ҳам «ҳамма ёмон кўзлардан кўрқса, мен яхши кўзлардан кўрқаман», деб бежиз айтмаган экан. Хўш, «нас» — «нун» ва «сод» билан келса, ҳукм маъносини беради. Ана эди, «сод» қаерда, «нун» қаерда? Устоз нима демоқчилигини бир англайлик. Демак, «жаллод» дея «сод»га этмиш ишоралари билан шоир гўзалнинг кўзини тасвирлайди. «Нун» эса, «мушк» олинадиган киндик бўлса, «нун»ни «сод»нинг устига элтсангиз, ушбу ҳолатни олади — Устоз Огаҳий шундан бошқа ҳеч ким қатлим учун ҳукм қилолмайди демоқчи. Неқадар гўзал ташбиҳ.

Энди, ғазалнинг иккинчи байтига қаранг:

Қилғил томошо қомати зебоси бирла оразин,

Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшол устина.

Кўзингиз олдига ярқ этиб шамшод дарахтига пайванд қилинган гул келади. Дейдиларки, гул парваришига ўч, гул шайдоси Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз Хива яқинидаги Пишканик қишлоғида бир гул муҳибига буюриб, гужумга гул пайванд қилдирган экан. Балки устози Огаҳий ғазалидан илҳомланиб ушбу ишни амалга оширдими ё ғазал хон шарафига бахшида ўрнида «Феруз»га қўйиб ўқилдими? Бундай таъмаи таъмиқ устознинг «тош устина» радифли ғазали сабаб ўйимга келди.:

*Қилма ҳавас, эй Огаҳий, эмги йигитлик айшини,*

*Ким етти умрнинг муддати элик етти ёш устина.*

Устоз 1866 йилда 57 ёшида бўлган. Шоирлар бирор – бир қофия, ёхуд радиф билан ғазал битаётганида, яна бошқа бир ғазал ҳам туғилиб кетавериши табиий. Шу боисдан ҳам «...ул чашми жаллод устина» шунга яқинроқ даврда битилган бўлиши ҳам мумкин – ку. Феруз хоннинг шоирлигига, соз илмининг устаси бўлганидан унга замондош созандалар, «Феруз 1» ва «Феруз 2»га Огаҳий ғазалларини қўйиб, ҳукмдорга бағишлаган бўлсалар ажабмас. Мана ҳозир «Нақши рост»ни «Феруз 3» деяптилар – ку.

Барча хонадаларимизга ҳамма замонларда ҳам «Феруз»ларни балад овозда ижро этиш насиб қилаверсин.

2005 й.



## ОҒАҲИЙНИНГ НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА БОҒЛАГАН УШБУ МУҲАММАСИ БОРМИ?

Огаҳий ҳазратларининг ўн беш тўртликдан иборат машҳур мураббаъси бор. У мана шундай бошланади:

*Жамолинг шавқига ёқди фалакни ўтлуғ афғоним,  
Бори ер юзини тўфонга берди чашми гирёним,  
Эшит доғимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамаат тахтида султоним.*

Ушбу мураббаъга Амирийнинг «Надур ҳолим сўрорға келсанг, эй сарви хиромоним», деб бошланувчи мусаддасидан «Дилу жоним санго қурбону, қурбонинг дилу жоним» сатрини мазмунан бузиб – «Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним» тарзида қўшганлар – да, мухаммасга айлантириб берганлар ва уни ҳофизлар тубандагича «Катта суворий»га солиб куйлаганлар:

*Жамолинг шавқига ёқди фалакни ўтлуғ афғоним,  
Бори ер юзини тўфонга берди чашми гирёним,  
Эшит доғимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамаат тахтида султоним.  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

Шогирдлар ҳам шу тақовул ўрганиб бугунги кунда радио, телевидение орқали авж билан баралла айтмоқдалар. Ҳа, энди, яхши мураббаъга ҳофизларнинг ишқи тушиб, мухаммас ҳолида куйлашмоқчи бўлибди, балки мухаммас этиб берган саводхон муллами, шоирми, тўғри ёзиб бергандир, негаким Огаҳий ҳазратларининг фалсафона битган мураббаъсини бу янглиғ бузиб мухаммасга айлантирилиши шоир руҳига хилоф бўлар эди. Фақат ҳофизлар овозгами, услугами мослаб бузган бўлишлари ҳам мумкин.

Биз бу машҳур мураббаъни ким мухаммасга айлантиргани билан қизиқиб кўрдик. Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон ака Болтаевни кинога тушириб юрган шоир дўстимиз Неъмат Солаев билан ҳофизимизни олиб, Сиддиқ Маҳзум деган қўшиқ муҳиби, ҳамсуҳбат танишимиз олдиға бордик. У киши Ҳожихон акага қараб:

– Бу сатрни хонқалик мулла Уммат қўшган деб эдингиз – ку, – деди.

Ҳожихон ака Сиддиқ Маҳзумга ожизона тикилади – да, ўзига хос фаромушлик ила бизга қараб «Ҳа, шундай бўлган эди – ёв», дегандай биррав кўз қирини ташлади.

Кейинроқ ундан – да ажаброқ воқеа содир бўлди. Хоразм мақом ва «Суворийлар»и жамланган «Дилу жоним санго қурбон» телефильмини тайёрлаш жарёнида Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарҳод Давлетов Огаҳийнинг алоҳида мухаммасга айланган мураббаъсини «Катта суворий»га қўйиб айтдиган бўлди. Мухаммасни тинглаб Фарҳодга:

– Огаҳийнинг бундай мухаммаси йўқ, – дедим.

Фарҳод андак ранжиди:

– Тавба, устозлар айтса бор – у, мен айтсам йўқ экан – да.

– Мен бундай мухаммасни учратмадим, – дедим яна қатъи.

– Унда буни Рўздат уста нердан олган экан? – норизолик билан сўради Фарҳод.

– Тўғри, – дедим Фарҳоднинг эътирозини қабул қилиб, – лекин, Рўздат акагаям бундай мухаммас йўқ деганмаж. Устамдан ўрганганман деди.

Мана Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўздат Жуманиёзов куйлаган ўша мухаммас ғазали:

*Халос бўлсам балое фурқатингдин йўқдур армоним,  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

*Висолинг роҳатин ман нотавон маҳзунга лозим бил,  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

*Нигоҳинг марҳамат қил бу шикаста ошиғинг сори,  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

*На важдин билмадим ман хастани ғайрича кўрмассан,  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

*Тағофул касратидин раҳм қилмассан манго ҳаргиз,  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

*Карам авбобини очиб, фурқатинг ранжини барбод эт,  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

*Бу гулшанда Навоийдек асири бедилинггурман,  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

Фарҳод хафа бўлганидан ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилдим:

– Борингки, Фарҳоджон, сиз айтгандай, Навоийда ушбу ғазал бўлсин ҳам дейлик. Наҳотки, «Бу гулшанда Навоийдек асири бедилингдурман»га Огаҳийдек забардаст шоир «Огаҳингдурман», дея қофия қилса? Хўш, агар Огаҳий мураббаъсининг ҳар уч қаторига Навоий номидан ғазал тиркалган бўлса, «раҳингдурман», «даргаҳингдурман», «Огаҳингдурман»га мос қофия топишгандай, балки бунчалик эътибор бўлмаган бўлармиди. Демак, ҳар икки ҳолатдаям бу Огаҳийнинг Навоий ғазалига мухаммаси эмас. Бунга яна бир мисол, эсласангиз, Ҳожихон ака шу мухаммаснинг бир жойини мана бундай айтарди:

*Вафо сангин тилаб, кўйинг аро бисёр йиғларман,  
Фигоним тийғудин бағрим қилиб афғор йиғларман,  
Қўюб юз остонанг туфроғига зор йиғларман,  
Менинг арзим эшит, эй воҳидул қаҳҳор йиғларман,  
Дилу жоним санго қурбон, қурбону дилу жоним.*

Ахир бу бешликдаги «Менинг арзим эшит, эй воҳидул қаҳҳор йиғларман» мисраси Машрабнинг «Қилди – ю, кетди» мухаммасидан олинган – ку! Хўш, қурбону дилу жоним» нени англатади? Фақат такрорланади. Амирий: «Дилу жоним санго қурбону, қурбонинг дилу жоним», деб бежиз битмаган. Ахир, Шамсиддин Табризий Қуръон оятларини назарда тутиб: «Дунёда жамики нарса инсонга қурбон, фақат инсон ўз – ўзига қурбон» деганида нечоғлик ҳақ эди. Шу сабабдан ҳам ғазал матнидаги мантиқни бузиб айтавериш дуруст эмас.

Фарҳод билан бу дилўртар сўхбатдан кейин кўнглимдаги хазин мубҳамликдан халос бўлиш учун яна бир нечанчи бор ҳазрат Навоийнинг «Ҳазойинул – маоний» тўрт жилдидан ҳам юқоридаги ғазални собитлик ила изладим, тополмагач, устозни билгичлардан сўраб – суриштирдим. Ижобий натижа бермади. Ниҳоят, Фарҳод Давлетов Огаҳий мураббаъсига кўшилган «Дилу жоним санго қурбону, қурбонинг дилу жоним», дея тўғри ўқиди ва «Катта суворий» дийралишмаси қадимги услубда видеотасвирга муҳрланди.



Ушбу мақола баҳона яна бир – икки ғазал устида тўхталишни маъқул кўрдик, негаким, улардаям чалкашлик борга ўхшайди.

Ҳазрат Навоийнинг «Мени ман истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас», дея бошланувчи машҳур ғазалининг иккинчи байтини, яъни:

*Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,  
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мени ҳам баҳраманд этмас,—*

*дебон куйлашади, Навоийга эса, байтнинг иккинчи мисраси:*

*Чу улким, баҳраи ондин тилармен, баҳраманд этмас.*

Лекин, устоз Огаҳийнинг «Таъвизул ошиқин» куллиётида ҳофизлар куйламиш – «Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мени ҳам баҳраманд этмас», деб ёзилган. Балки хаттотлар ушбу мисрани ўзларича хуш кўриб ўзгартиргандирлар. Бунда ҳофизларни айблаб бўлмайди. Зеро, Огаҳий мураббаъсини қай бир ҳофизнинг истаги билан мухаммас қилинганини инкор этмасак — да, ашулачилар билан замондош шоиру уламанинг мумтоз ғазаллар матнига беўрин аралашувини маъқул кўрмаймиз.

Худди шундай, Алишер Навоийга нисбат бериб айтиладиган «Насруллои» қўшиғи борасида ҳам эътирозимиз оз эмас. Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров билан ҳам бу борадаги суҳбат – мунозарамизни «Қўналға» романида батафсил ёзган эдим. У воқеага ҳам мана ўттиз беш йил бўлибди, лекин ўзгартиш йўқ, шу боисдан сиз ҳам ўз баҳонингизни берарсиз деган умидда ғазал қандай куйланаётган бўлса, шундайлигича беришни лозим кўрдик, негаким, юқорида қайд этилганидек, бу хусусда қарийб қирқ йилдан бери турли давраларда, матбуотда гурунғ бўлади, танқид қилинади, лекин радио, телевизор орқали тўхтовсиз берилаверади. Хуллас, биз айтиб чарчамаяпмиз, ҳофизлар қасдма – қасдига куйлаб чарчашмаяпти.

*Кел эй, маҳбуби матлубим сани ёшинг хазор ўлсин,  
Ниқоб очгил кўрай юзинг жамолинг барқарор ўлсин.*

*Чи гуфта пати (фати) бозори кеча кундуз сани ёдинг, (?)  
Ки жаннат ҳурлари доим қошингда шармисор ўлсин:*

*Аробий гуфтаам арар, ба форсий гуфтаам қаддат,  
Ба туркий сўзласам бўйинг, чаманга сабззор ўлсин. (?)*

*Аробий гуфтаам ҳожиб, ба форсий гуфтаам абрў,  
Ба туркий сўзласам қошинг камони халқадор ўлсин. (?)*

*Аробий гуфтаам айнат, ба форсий гуфтаам чашмат,  
Ба туркий сўзласам кўзинг саҳарларда ҳумор ўлсин.*

*Аробий гуфтаам зеҳнат, ба форсий гуфтаам хангат,  
Ба туркий сўзласам кулгинг бу олам мушкибор ўлсин. (?)*

*Аробий гуфтаам важҳат, ба форсий гуфтаам рўят,  
Ба туркий сўзласам юзинг халойиқ интизор ўлсин.*

*Аробий гуфтаам садрат, ба форсий гуфтаам сийнат,  
Ба туркий сўзласам кўксинг қизил олма—анор ўлсин.*

*Аробий гуфтаам рижлат, ба форсий гуфтаам поят,  
Ба туркий сўзласам бутинг, Навоий беқарор ўлсин. (?)*

Мана сизга Навоийнинг бирор асарида учрамайдиган, лекин ҳофизлар суюб куйлайдиган ғазалнинг айтувчилар оғзидан ёзиб олинган матни! Бирор билимдон ҳофиз, ёхуд бирор адабиётшунос олим балки, бу ғазалда биз англамаган фикрлар, яширин маънолар бордир, шарҳлаб берар, бироқ бизнинг назаримизда уч тилда зўрама – зўраки қофиялашга уринилган (ғазалнинг ҳар байтига савол аломати қўйиш мумкин) ғализ баёндан бошқа нарса эмас, яна Оллоҳ билади.

Яқинда Республика радиосидан Ўзбекистон халқ ҳофизи Ориф Хотамов ижросида Навоийнинг яна бир ғалат ғазалини эшитиб, ҳофизнинг тиниқ, ширали овозидан баҳраманда бўлиш билан бирга сўзларни аниқ – тиниқ айтиви боис бир эшитганда анча – мунча байтини ёзиб олдим. Кўнглим тўлмади. Сўнгра Тошкентга, Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расуловга қўнғироқ қилдим. У киши:

– Бу ғазал Навоийнинг «Ҳазойинул – маоний» китобининг қайси ҳам бир жилдида бор, даҳшат! Маҳмуджондан ҳам бир сўранг, – деди ҳофиз кўтаринки руҳ билан.

Начора, яна излай бошладим. Тополмадим. Ундан кейин Тошкентга, Ўзбекистон халқ ҳофизи, ушбу ғазални маромига етказиб ижро этиб юрган дўстим Маҳмуджон Тожибоевга кўнгироқ қилдим.

– Комилжон ака, ҳозир соқолимни олаётган эдим, кейинроқ телефонлашсак бўладими? – деди одоб билан.

– Мен Тошкентга боряпман. Бугун қай пайтда Консерваторияда бўласиз? – деб сўрадим ўзи дарс берадиган манзилни кўзлаб.

– Соати бирларда, – деди.

Тошкент аэропортидан тўғри Консерваторияга бордим. Соат роппа – роса бирда Маҳмуджон билан учрашдик.

– Машинада айтиб турсам, ёзиб олсангиз бўладими? – дея сўради Маҳмуджон шошиб турганини сездирмаган ҳолда ва яна йўл – йўлакай кўшиб кўйди, – Бу ғазал Навоийники эмас

Биз Маҳмуджоннинг ГАЗ – 24 «Волга»сига ўтирдик. Машина ичида мумтоз мусиқа шинавандаси, унинг овчи дўсти Зокиржон ҳамда иқтидорли дуторчи шогирди Дилноз бор эканлар. Улар ғазални ёзиб олишим асносида ҳофиз билан бўлган фаройиб суҳбатимизга, баъзи байтлар борасидаги таҳлилимизга эътиқод билан қулоқ кўйишди. Мана, ушбу ғазал:

*Йигитликда кангул узмадим ман дилраболардин,  
Қариганда начук кангул узай мужгон асолардин.*

*Агар меҳробдек бўлса, қаддим маснади борман,  
Зиҳи бешаърмлиг суша шутсам қоши ёлардин.*

*Қуёшни субҳисиз оламда кўрган бормикан ҳаргиз,  
Бу равшан нур илан қочдинг не деб ул кун бақолардин.*

*Йигитликда кўзумдин оқди ёш атфолу ишқингдин,  
Қутилмасман қаригон чорда ҳам ул маҳлиқолардин.*

*Оқарсин кўзларим наргис каби кўнглумни ҳам бермам,  
Қорайсин рўзгорим гар узай кўзим қаролардин.*

*Узарман юзларим тирноқ била бир келса деб кутдим,  
Келиб кўнглимни сўрмас мен киби ношнолардин.*

*Мани ўлдурди ғам қатил оёқ босмас бошим узра,*

*Шаҳид қонимни ранги йўқмуди босган хинолардин.*

*Навосоз айлагил рамзи одоб бирла толиб вақтинг,  
Навову сўз эшит эмди Адо бенаволардин.*

Охирги байт Ориф Хотамов ижросида қулоғимга бундай чалинган эди:

*Навосоз айлагил рамзи одоб бирла толиб вақтинг,  
Навовий сўз эшит эмди асру бенаволардин.*

Ушбу ғазал ҳам Навоийнинг бирор асарида учрамайди. Лекин «Хазойинул – маоний»нинг тўртинчи жилдида: «Биравдурур манга матлуб дилраболардин, Ки они жонима танлабмен ул балолардин», дея бошланувчи ғазал бор. Демак, Адо деган шоир Навоийга назира этган экан – да, деган хулосага келиш мумкин. Фақат Адони кичик ҳарф билан ижроси боис, ҳофизлар Навоий деб қуйлашётганида хаттотлар айби бўлса ажаб эмас.

Билҳақ, адабиётда Навоийлар кўп деб эшитамиз, вале баъзи ғалат ғазалларни Навоий номи ила қуйлаб юрган ҳофизларни радиода, экранда намойиш этаётган, эшиттираётган мутасаддиларга не деймиз? (Андак номаъқбулчилик Навоий дея имзо ила ғазал битадиган номаълум муаллифларнинг виждонига ҳавола.)

Сиз ҳам бир нима денг, азиз ўқувчилар? Алишер Навоийдек беҳиёс тафаккур соҳиби, даҳо шоир-шаънига номуносиб эмасми бу?

2005 й.



## «СУВОРА»ми, «СУВОРИ»ми, «СУВОРИЙ»ми?

Миллатимиз мулки миллий қўшиқчилигимиз мамлакатимизда юксак даражада ижро қилинади ва юксак даражада эъзозланади. Шу боисдан ҳам ҳар бир қўшиқ – чининг юксалиш зинапойлари ана шу қадим меросмизни қай тақовул ижро этишига кўп боғлиқдир.

Хоразм қўшиқчилиқ санъатига келсак, бу ерда «Феруз»у «Суворий»ларни авж билан ижро этолмаган ашулачи ўз мавқе маснадини таъминламоғи душвор. Бугунги кунда эстрада қўшиқларини моҳирлик билан ижро этаётган, халқимиз олқишига сазовор бўлаётган иқтидорли ёшлар юқоридаги сўзлардан ранжимасинлар, аксинча матбуот, радио, телевидение орқали ўз фикр – мулоҳазаларини баён этсинлар, негаким санъат майдони ҳар қанча ижодий ҳамкорликка, рақобатга кенгдир.

Энди «Феруз» ва «Суворий»га келсак, турли давралару тўйларда шуни айтиб беринг, дея ашулачиларга мурожаат этилмаган вақти бўлмаса керак. Бунини ёшу – қари, қарийб ҳамма ашулачилар яхши биладилар. Шундай экан бу хусусда рўйи – рост сўз юритмоғимиз даркорга ўхшайди. Чунки юқорида номлари зикр этилган қўшиқлар авжлилиги билангина эмас, балки Хоразмнинг миллий колоритини ўзида мужассамлаштиргани учун ҳам элда ардоғли. Зеро, ҳар қўшиқ ҳар бир миллатнинг бўйи – бастини, урф – одатларини, бир сўз билан айтганда, миллатнинг гурурини ўзида акс эттиради. Гуржиларнинг баланд тоғлар руҳини акс эттирувчи қўшиқлари кўп овозларда ижро қилинишини, русларнинг ўйчан романсларини, Озарбайжонларнинг муғомларини эсланг, не қадар улуғвор. Худди шундай бизнинг мақомлар ҳам асрлар давомида ўзбек деган миллатнинг номини улуғлаб келмоқда.

Бугунги «Суво­ра», «Сувори» ёхуд «Суворий» хусусидаги гурун­гимиз алоҳида мавзу. Бунинг тарихи ҳам, бугуни ҳам, эртаси ҳам қалбимиз ардоғидадир. Хоразмда, ҳа, фақат Хоразмда қўшиқчилиқнинг бу тури алоҳида ўрин тутайди. Лекин, «Суво­ра», «Сувори» ёхуд «Суворий», деб аталадиган қўшиқлар мақомларда ҳам мавжуд. Уларнинг ижро услублари бўлак. Забардаст шоир Комил Хоразмий бир ғазалини аксари мақомларга бағишлаган. Унда шундай байт бор:

*«Сувори» бирла «Нақши наср» фарёд айла «Талқин»лар,  
Ўқуб ҳар дам мақом оҳангига анжом оғоз эт.*

Бироқ, «Суво­ра»ми, «Сувори»ми ёхуд «Суворий»ми? дейилишга

келганда, хоҳ мақомларда бўлсин, хоҳ бўлмасин савол мазмуни ўзгармайди. Ҳазилда «Сувори» ёзилиши борасида эса, асосий матнини кўрмагунча бир нарса дейиш қийин.

Устоз санъаткорлар – Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Нурмамат Болтаев, Мамматжон Боғибековлар «Суворий», деб айтар эдилар. Шу бутунги кунда ҳам Шерозийнинг ўғиллари, филология фанлари доктори, профессор Отаназар ака Мадраҳимов ҳам «Суворий», дегувчи эдилар. Бошқа баъзи хонандалар «Сувора», баъзилари «Сувори», дейишади.

Хўш, нега «Сувора», «Сувори» ёхуд «Суворий», дейдилар? Бир созанда биз устозлардан бу тўғрида эшитмаганмиз, дейди, баъзи бировлари ўзларича мушоҳада юритиб, мангикан усулини отнинг юришига менгзаб, «Отлиқ – Суворий», деса, баъзи бировлар, ашулаларнинг «Отлиси – Сувора», дейди.

Иқтидорли бастакор, изланувчан созанда Озод Бобоназаров ўзининг мушоҳадасини шундай тушунтиради: «Узоқ сафарга эшақда бориш оғир, табиийки, отда боришга тўғри келади. Демак, узоқ йўл, отнинг устида ўтирган одамнинг бирор оҳангни сингсиши турган гап. У отнинг устида ўтириб, бирор кўшиқни текис, равон сингсий олмаслиги ҳам табиий. Масалан, Огаҳийнинг «Не бўла олдим гами уқбо саранжоми била», деб бошлануви ғазалини «Хушпарда Суворий»га қўйиб айтишади. Бироқ, от устида сингсисангиз «Не бўла ол – дим га – ми уқ – бо саран – жо – ми би – ла», тарзида бўлади. Усул саноғига эътибор қилинг, 1,2,3,4,5,6... Ана шу от устидаги одам орқайинроқ ўтириб айтса, равон куйга тушади. Демак, отлиғ – Суворий. Энг қизиги шу «Суворий» усулида «Феруз» ҳам ижро қилиниши мумкин», дея у бармоғининг учи билан столга чертиб «Феруз»ни ижро қила бошлайди.

Бу хусусда мана – ман деган ашулачига айтсангиз ҳам бирравига ҳеч мумкинмас деган фикр ўтади миясидан, кейин қани ижро қилиб кўринг, десангиз, ҳиргойи қилииб, туради – да, э, бўлар экан – ку, дейди. Бу ҳам ўзига яраша топилдиқ, албатта.

Аслида мен ҳам «Суворий», деган бўлардим, хўш сиз – чи, сиз нима деймиз, «Сувора»ми, «Сувори»ми, «Суворий»ми?



## САҲНА САРВАРИ

**[Ўзбекистон санъат арбоби Ибодулла Нисёматовнинг хотирлаб]**

Саҳна билан томоша зали ўртасидаги тирик мулоқот актёр учун ҳам томошабин учун ҳам бирдай ҳаяжонли бўлади, қачонки, актёр образи руҳига кириши орқали, қаршисидаги томошабин руҳига киролса (бу эса, айтарчалик осон иш эмас, узоқ изланишлар, ижодий бедорликлар маҳсули) руҳий мулоқот ўз аксини топади. Акс ҳолда актернинг барча меҳнатлари зое кетади. Шу боисдан ҳам баъзан актёр кулади, томошабин кулмайди, баъзан актёр йиғлайди, томошабин йиғламайди.

Театр саҳнаси, ҳаёт саҳнасидай гап. Бола бешиқдан тушиб, онасига, отасига, деворга, отақ (учта ёғоч гилдиракли) аравачасига суяниб камолат сари одим ташлаёе, актёр аввалам бор режиссерга, қолаверса ҳамкасбларига суяниб буюклик сари одим ташлайди. Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова, Ваҳобжон Фаёзов, Комилжон Отаниёзов, Султонпошша Раҳимова, Ўрозгул Ғоибова... ва яна қанча – қанчалар... Саҳнада камол топган барча буюкларнинг суянчиги, ҳам отаси, ҳам онаси – режиссер.

*Режиссер саҳнанинг маснад садри, сарвари,  
Наинки сарвари, балки пурнур анвари.  
Унинг нотинч оқшомлари беҳисобдан – беҳисоб,  
Ўчмас ёғдули шамлари беҳисобдан – беҳисоб...*

Наинки нотинч оқшомларию топилдиқ орзули шамлари беҳисобдан – беҳисоб, балки тадқиқоти, иқтибоси беҳисобдан – беҳисобдур. Саҳна билан яшайман, саҳна билан умргузаронлик қиламан, театрнинг ўти билан кириб, кули билан чиқаман дейдиган режиссернинг умри абадийликка даҳлдордир. Хоразм театрнинг ўти билан кириб, кули билан чиқиб юрган, саҳнада буюк инсонларни юксаклик пиллапоялари сари етаклаган мураббий инсон, Ўзбекистон санъат арбоби, Огаҳий мукофоти совриндори, салкам 35 йиллик ижодий умрини саҳнага бахшида этган,

мамлакатимизнинг етук режиссерларидан бири Ибодулла Ниёзматовдир.

Актерлар ўзлари яратган образлари руҳияти билан яшаса, режиссер ўзи ярат – ган спектаклдаги барча образлар, у каттами, кичикми, фарқсиз, барисининг руҳонияти билан яшайди. Шулардан вақт орттириб, ҳаёт аталмиш хилқатнинг пасту – баландликлари, умр муаммолари, оила, бола – чақа ташвишлари билан андармон бўлади. Ва яна ўзи ҳам бор. Қаранг, бир одам зиммасида нечоғлик юк, нечоғлик масъуллик.

У яратган спектакллар беҳад ранг – баранг. Театр солномасига тарих бўлиб ёзилган бири – биридан мураккаб, бири – биридан гўзал спектаклларнинг қай бирини олсангиз ҳам унинг меҳнатлари эвазига элга танилган санъаткорлар сиймолари кўз ўнгингизда гавдаланаверади. Уйғуннинг «Беруний» спектаклида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўрозгул Ғойибова – Она, Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонов – Беруний, Полвон образини қойилмақом қилиб яратган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рўзмат Худоёров, Ибн Ироқ ролида чиққан ажойиб санъаткор Саттор Исмоилов, Эркин Самандарнинг «Жалолиддин Мангуберди» асарида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оразқилич Тоғанов – Жалоладдин Мангуберди, бетакрор санъаткор Раҳматулла Матқурбонov – Тўли, Роблеснинг «Ўлимдан кучли» пьесасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожи Ортиқов – Монсерро, Мирцинкавичуснинг «Миндаугас»ида Ўзбекистон халқ артисти Мадрим Бобожонов – Миндаугас, Ўзбекистон халқ артисти Гулора Раҳимова – Марта, театр ташкил бўлганлигига 80 йил тўлиши муносабати билан саҳналаштирилган Эркин Самандарнинг «Араб Муҳаммад Баҳодирхон» асарида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отамурод Бекчанов, уни 2002 йилнинг «Энг яхши режиссери» шарафига сазовор этган Комил Авазнинг «Авесто – меҳр фарзанди» асарида қатнашган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Оразқилич Тоғанов, Ширин Рамазонова, Одамбой Бобожонов, Жумабой Нурлаев, иқтидорли актерлар Собир Жуманиёзов, Раҳимбой Қўчқоров, Жуманазар Шомуротов, Комилжон Тожибоев, Алишер Йўлдошев, Шоҳсанам Қурёзова, вилоят мақомчилар конкурсининг ғолиби,



хушовоз хонанда Зулфия Йўлдошева ва барча театрнинг актерларию, созандалари, хонандаю раққосалар, бошқа не – не драмаю комедияларда яратилган не – не беқайтариқ образлар... Санаб адоғига етиш қийин.

Ҳамиша эл ардоғида, юрт ҳурматида яшаган Ибодулла Ниёзматов умр йўлдоши Шаҳзодахон билан бахтли ҳаёт кечирди. Уларнинг иккита ўғли, битта қизлари, гулдай неваралари бор, умрлари узок, толеълари сарбаланд бўлғай.

Олтмишдан зиёд спектакллари саҳналаштирган, қадрли дўстимиз, саҳна сарвари Ибодулла Ниёзматов театр мухлислари, касбдош дўстлари дилида абадий яшаб қолғусидир.

2005 й.



## НАВОСОЗ ДИА НАВОСИ

(иқтидорли актер Комилжон Тожибоев  
ижодига бир назар)

Муסיқа инсон юрагини турфа кўйларга солувчи мўъжиза. Не — не асрлар давомида яшаш тарзию тириклик ўлчовларининг пасту — баландликлари ўлароқ инсон юрагининг уруши ритмикаси асосида куйлар яралиб, оҳанглар ҳаволаниб, наволар жамландилар, жилоланди мақомлар. Оҳангларда мужассамдур изтироблар, нолалару қувончлар. Оҳангларда боқий яшар умр мезони. Ана шу диал тубига ҳаёт ишқин солувчи оҳангларни куйловчи инсонлар ҳам Оллоҳ яратмиш мўъжизанинг биридир.

Бир актёр ижодига чизғиларни нечун бу янглиғ узоқдан бошлаганимга битик оқимининг оҳангги сабаб бўлса не ажаб. Баъзан қаламни бошқариб бўлмай қолади. Бу балки ёзилмиш битикнинг юракка яқинлигидандир.

Отаҳий номидаги Хоразм вилояти муסיқали драма театрининг етук актёри Комилжон Тожибоев ҳақида кўпдан бирор бир мақолами, ижодий портретига чизғиларми ёзиш кўнглимдан кечиб юрарди. Ўзбекистон халқ артисти Бикажон Рахимова таваллудининг 70 йиллигида Комилжоннинг яна бир қирраси очилди — ю, томошабинларни лол қолдирди. У Э.Самандарнинг «Олма пишганда галинг» комедиясида Бикажон опа қойилмақом қилиб яратган Бикажон бика ролида бошига дастурхон кўйиб зал тўридан, одамлар орасидан кириб келишдаёқ, устоз онахон оёққа қалқиб, ҳайратини яширолмай, ёш боладай қувнаб қарсақ чалиб тургани, кўзларидаги севинч ёшлари ила шогирдига баркамоллик тилаётгандай мамнун боқаётгани бутун ҳам кўз ўнгимизда. Комилжон Бикажон опа кийимида, бошида ходим энанинг дастурхони билан саҳнага кўтарилаёпти — ю, менинг дилимда у ижодий юксакликка кўтарилиб келаётгандай эди. Шу оқшом Комилжон тўғрисида бошқача ўйлай бошладим. Шундан сал кейин менинг театр артистларига бағишлаб ёзган «Ташкилдаги ҳангома» комедиямда у яна ўзининг Нурим нўс образи ичида атлас кўйлак кийиб, нозанин аёл образини бағоят яхши ижро этдиким, наинки томошабинлар, балки ёнма — ён ўйнаётган ҳамкасблар ҳам чин дилларидан олқишладилар. Яна анча вақтлар ўтди ва ниҳоят бутун кўлимга қалам олдим. Балки, ёзиш мавруди энди пишиб етилгандир.

Комилжон ижодини бир мухлис сифатида кузатиб келаман ва саҳнага, умуман санъат оламига бежиз кириб келмаганига, йилдан – йилга очилиб, саҳнада ўзини топаётганидан қувонаман. Қўшиқ куйлаганида овозидаги сеҳрли мунгдан, айтилаётган ашула матнига мос ижрочилик ҳолатидан таъсирланаман. Раҳматлик отаси, «Шоликор»нинг олд чўпони, «Гулистон» жамоасининг беш юздан ортиқ қўйини боққан Қурбонбой чўпон ўғлининг мурғак қалбига қўшиқ сеҳрини бежиз солмаган экан, дея ўйлайман. У киши бу хатдан саводли бўлмасалар – да, Навоий, Огаҳий. Маҳтумқули ғазаларини ширали овози билан ёддан ўқиб берад, атоғи боргунча эшакка мингашиб ўтирган Комилжон отасининг мароқли суҳбатларидан баҳраманда бўлар, қани бу лаззат ҳеч адо бўлмаса дея ўйларди. Ўғлига 13 ёшида рубоб олиб, патефонда ўрганган Комилжон Отаниёзовнинг «Душимда бир булбул гўрдим, ҳуркиб ғалмиш гулзориннан» ашуласини сингсиб берганида отасини кўкси тоғдай ўсган, ўғлига Комилжон исмини қўйиб янглишмаганига, уни келажакда хушовоз хонанда бўлишини юрак – юрагидан истаган бўлса не тонг.

Комилжон отасининг орзусини амалга ошириш учун устозлар этагидан ушлади, ўқиди, ўрганди. Театр санъати институтига қабул чоғида раҳматлик Омон ака Абдуразақов, Изо опа Исеевалар катта ишонч билдирдилар. Устозлар каромат қилганларидай, Комилжон «драма ва кино актёр» мутахассислиги бўйича ўқиди. Талабалик йиллари Макаёнокнинг «Трибунал»ида Пан комендант, Ч.Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим» драмасида Бойтемир ролларини маромига етказиб ўйнаган.

Дейдиларки, бир одам боласини урибди. Ундан, нега болангизни урасиз, деб сўрашса, ҳамма ишни бажаради, аммо ўздан ҳеч нарса қўшмайди, дея жавоб қилган экан. Режиссер чизиқидан чиқмай бари мизансценаларни тўла – тўкис бажарган актёрлар ҳам бинойидек ишлаб юришаверади, бироқ, режиссер кўрсатмаларига ижодий ёндашиб, унинг билан мунозарага, муноқашага, мужодилага кириб, энгиб – энгилиб яшаган актергина саҳна сарварига, ижодий юксакликка эришиб бораверади. Комилжон ана шундай изланувчан, ўйчан актёрлар сирасига киради. И. Ниёзматов саҳналаштирган камина қаламига мансуб «Жобби жужакнинг ҳийласи»да Зариб зуваланг, айниқса Одамбой Абдуллаев саҳналаштирган «Жавлон журра» спектаклини яралишида актёрнинг изланишига, янги топилдиқлар топиб образнинг янги қирраларини очишига яна бир карра иймон

келтирдим. Шу боисдан ҳам Комилжон Жавлон журра образи учун 2000 йили Республикада «Йилнинг энг яхши эркак роли» номинациясига тақдим қилинди. М. Курёзов яқинда саҳналаштирган Ф. Охундовнинг «Кимёгар ҳийласи» асариди у Иброҳим Халил образини ўзига хос топилдиқлар ила музайян қилди. Унинг актёрлиги бир дунё, навосоз дил навосининг хонишинлиги бир дунё. «Лазги»га ўйнаганиди у бошқа оламга киргандай бўлади...

Ва яна шу нарса эътирофликим, мусиқали драма актёрининг образ яратмиш дунёсиди ўзга машаққат бор. Билҳақ, образ яратишлик ҳамма актёрлар учун ҳам бирдай машаққатли, оғир жараён, лекин мусиқали драмада қаҳрамон кўшиқ айтиб образ яратади. Бунинг эса, ўзига яраша қийинчилиги шундаки, кўпчилик актёрлар мусиқий драмада ария айтганда, хонандага, диалогга кирганда, яна хонандадан аввалги ҳолатга қайтиб ижро этадилар. Бу, албатта, образнинг ривожига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу сабабдан ҳам мусиқали драма актёрига, мусиқийлик нуқтаи назаридан, талаб тоши оғирроқ қўйилади.

Комилжоннинг театрга келганига ҳам чорак аср бўлиб қолибди. У шу давр ичиди эликдан зиёд ранг – баранг роллар яратиб, мухлислар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Немирович – Данченко: «Театр бу ҳашаматли бино дегани эмас, бу саҳнага иккита артист чиқиб, гиламини ёйиб, талантини кўрсатса, ана шу театр», деган экан. Ҳам зоҳиран, ҳам ботинан кўркамлик, албатта, илоҳий неъмат. Оғаҳий номидаги театр ҳам маҳобатли, ҳам ижод қайнаб турган муқаддас маскан. Театр яқинда 85 йиллигини кенг нишонлади. Бу табаррук саҳнада Шерозийлар, Ҳожихон акалар, Комилжон Отаниёзовлар, Ваҳобжон Фаёзову Матёқуб Раҳимовлар, Султонпошша Раҳимоваю Назира Юсуповалар, Қаландар Бойжонлар... санайверсак адо бўлмас машҳур кишилар ижод қилган, халққа хизмат қилганлар. Бутунги кунда буюклар изини Комилжон Тожибоевга ўхшаган ёшлар ихлос билан давом қилдираётирларким, уларнинг камолини кўриб кўнглинг тоғдай ўсади...



## ҚУРОМБОЙНИНГ БОҒИ

Давлатимиз мулкдорлар сафини кенгайтириш, уларни ҳам моддий, ҳам маънан қўллаб қувватлаш борасида неки имтиёз бўлса, барини беряпти. Ер ўз эгаларини топсагина диддаги ҳосилни беражагини бутунги кунда ёшу – қари барча билади. Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар Шовот туманидаги Беруний ширкатига қарашли Қуромбой номи фермер хўжалигида бўлдик. Нафсиламрини айтганда, яхши маънода ҳайратимизни яширолмай қолдик. Мен бу ерларни аввал ҳам кўрганман, ташландиқ бўлмасаям, гуллаган боғдан хийла олис, кўк экин ерлари эди. Буни қишлоқдагилар яхши билишади, айниқса, Кўрақлар элати бунга аниқ гувоҳ.

1999 йилда хўжалиқда пахтачилик бригадири бўлиб ишлаётган Қуромбой Матниёзов, биз зикр этаётган 1,0 г. ерни ижарага олиб, оиласи билан иш бошлайди. Унинг бу ерни олишига бош сабаб, бунда бобоси Мулла Ғойиб қори қавмгоҳи қарор топган. XIX асрнинг 80 – йилларида Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз амри ила гишти Хивадан келтирилиб, бобоси вафотидан қарийб қирқ йил аввал қурилган маҳобатли гумбаз – мақбара нақшлари даврлар ўтиши билан емрилиб, нураб бораётган эди.

Замонасининг етук алломаси Мулла Ғойиб қори тахминан 1815 йили биз тасвирлаётган ҳозирги Кўрақлар авомида туғилган. У шу ерда чиқарган илк саводини мукаммалаш орзусида Хивага йўл олади ва илмга чанқоқлиги, иқтидори бейиклигидан тез орада устодлар меҳрини қозонишга мушарраф бўлади. Қарангки, Хивага илм олиб қайтишга борган ўспирин йигит Мулла Ғойиб қори номи билан машҳур бўлади, хонларнинг назарига тушади ва етмиш йиллар чамаси Мадаминхон мадрасасида фаолият қилиб, элнинг эъзозиде бўлади. Мулла Ғойиб қори умрининг охирларида ўзи туғилиб ўсган ерга келиб, тахминан 1920 йили 105 ёшида вафот этади. Албатта, бу табаррук инсон тўғрисида алоҳида битик рақам қилармиз, бугун сўзни у зотнинг ишбилармон деҳқон чўвлиқи(чевараси) – Қуромбой Матниёзов ҳақида юритмоқчимиз.

Қуромбой илк фермерлик фаолиятини айнан бобосининг нураб бораётган мақбарасини таъмирлашдан бошлади. Бобонинг яна бир чўвлиқи Матқурбон ўзи бошқараётган заводдан гишт берди, уста берди. Аста – секин гумбаз атрофи обод бўла бошлади.

Қуромбой мўъжазгина ҳовуз қазиб сув келтирди ва 2002 йилда ширкат хўжалиги раҳбарларига шу ерда боғ яратиш ниятини кўрсатиб ариза берди. Хўжалик мутасаддилари Қуромбойнинг ишчанлиги, ернинг тилини яхши билиши боис, талабини қондириб, тегишли қарор чиқариб берадилар. Қуромбой сабри собитлик билан боғни парвариш қила бошлайди. Уч йилда бу ер кўркам боққа айланди.

– Бобонгиз руҳи қўллаб тургани ажаб эмас, – деди Ааматжон Рўзметов, дид билан экилган дарахтларга, серҳосил меваларга ҳавас билан қараб.

Қуромбой миннатдорлик билан Хоразм вилояти ҳокимлигида ишлайдиган Ааматжон ҳожига, сўнг мақбарага қиёланди.

– Бу йил қанча даромад олдингиз? – сўрайман Қуромбойдан. У жилмаяди.

– Бу йил боғ энди ҳосилга кирди, – Қуромбойнинг жавобдан кўнгли тўлмади чоғи, назаримизни тахминан эни 1 метр, узун 20 метр чамаси жойга экилган арча кўчатларига қаратди, – Мана шу арчалар экилганига 4 йил бўлди – 4000 туп жами.

– Ҳар донасини неча сўмдан оладилар?

– Олиб кетишларини ўрта ҳисобдан 1000 сўмдан қўяверинг. Бозорга олиб бориб 3–4 минг сўмдан пуллашаётганмиш.

Минг сўмдан бўлгандаям 4 милён сўм бўлади – йилига 1 милён сўм даромад. Мана сизга режали меҳнат, режали иқтисодий ҳисоб – китобнинг самараси. –

Бу йил мевага кирган турли навдаги олмалар – 300 туп, 20 туп нок, 50 туп ўрик, 20 туп олхўри, 100 туп узум, кўз тегмасин ҳосилини кўтаролмай эгилиб туришибди. Янгидан экилган 5000 туп олма, 2000 туп арча, 1000 туп беҳи 1000 туп ўрик кўчатлари ўз харидорларини кутиб ўсяпти.

Биз бир ўғли, икки қизи ҳамда захматкаш аёли Ҳоважон билан бетиним меҳнат қилаётган Қуромбойга буңдан – да сероб мўл – кўлчилик тилаб хайрлашмоқчи бўлдик.

– Кетманглар, бир ғаройиб гул ўстирганман, – Қуромбой бир зум жим қолди – да, ёнимизда ҳавас билан кулиб турган Одамбой Абдуллаевга (Огаҳий номидаги вилоят мусиқий драма театри директори) ишора қилиб, – тухумини (уругини) ина Ҳоважоннинг

оғаси, қайининим олиб келган... Кун ботганда очилади, қараб тўймайсиз, ажойиб, — деди.

Қуромбойнинг самимиятига гап йўқ, ўзининг хурсандчилигига шерик қилмоқчи. Кетмадик. Айтганидай ғаройиб гулларнинг изинма — кетин очилишини кўриб шодлигимизни яширолмадик, Неъмат ака гўзал ном қўйди — «Тун шайдоси».

Боғ тўридаги осмонга бўй чўзаётган тераклар учи уфқ шафақидан қизғишланди. Кечки емишга чиққан балиқлар рақси тўлиб оқаётган ҳовуз суви юзини жимирлатиб юборди. Ҳовуз бўйидаги бўйдор гули равзалар акси сув тубида ажиб рангинлик ила киши ихтиёрини тортади. Боғ ичкарасида қўйларнинг маъраши, эшакнинг ҳанграши қишлоққа ўзига хос ҳаётбахшлик берди. Кўтарилиб келётган тўлин Ой нурида бир хил бўйда қатор ўсаётган, гужумларнинг бир ён томони оқара бошлади. Боғ аста — секин кумуш рангга беанди.

Қуромбойнинг боғини Эрам боғига мангзадиму бу ҳақдаги ривоятни эсладим: Ҳавоий ҳолларда ғурури такаббурликка етган подшоҳ Шаддоод бора — бора Худоликни даъво қила бошлайди. Худойимнинг жаннатлари бор, сизда лоақал кичик бир боғ ҳам йўқ, деб унга таъна қиладилар. Шаддоод мен ерда жаннат яратаман деб шаҳд этади. Охири шундай бир боғ яратадики, уни халқ тан олиб, саккизинчи жаннат деб атайди. Бу афсона. Лекин, афсонанинг чиройли бир мантиғи бор. Демак, шаҳд этса, инсон ҳам жаннат яратолади. Шу ҳикматга суяниб Қуромбой яратган боғни Эрам боғи дейишга журъат этдик. Мисралар қуйилиб келди:

*Боғ саҳнида қарайман ён — теграмга,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга.  
Ҳавас билан қарайман гул еримга,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру — бор Этамга.*

*Бу боғ васфин, таърифин гар сўйласам,  
Жаннатгами мангзар қараб ўйласам,  
Хайронламанг сарбаландлаб бўйласам,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру — бор Этамга.*

*Шовот йўлдан ичкарилаб борасиз,  
Чангловлиқдан аста бора—бора сиз,  
Тасдиқ дейсиз ҳайрона минг бора сиз  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру—бор Эгамга.*

*Ҳў эмас бу, азизларим, Ҳў десам,  
Ишонмасиз бисёр товуқ, қўй десам,  
Олмаю ноқлари сарвбўй десам,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру—бор Эгамга.*

*Бир хил бўйда қатор—қатор гужумлар,  
Ақлинг олар пардозланган узумлар,  
Меваларга боқиб тўймас кўзимлар,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру—бор Эгамга.*

*Уч танобдир гулу гулзор, кўчатлар,  
Жой—жойига экилган ҳам кўхатлар,  
Тўлиб—тўлиб нафас олар кўкраклар,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру—бор Эгамга.*

*Тонг саҳарда мушки ислар сочилмиш,  
Тутқич бермай кўздан уйқу қочирмиш,  
Кунботарда турфа гуллар очилмиш,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамду—сано айтиб қодир Эгамга.*

*Уз жойига муносибдур сарҳовуз,  
Балиқлари ўйнар чалиб чилқовуз,  
Журъат етмас сўз айтмоқда бир овуз,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру—бор Эгамга.*



*Боқар ёндан вазмин гумбаз—маҳбара,  
Деётгандай бобо солиб азбара<sup>1</sup>—  
Бетиним заҳматга икхос—ла қара,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру—бор Эгамга.*

*Қуромбойнинг боғидур бу қуркам боғ,  
Ховажоннинг тоғидур бу бекам боғ,  
Ўғил—қизлар суюб дерлар—эркам боғ,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамду—сано айтиб қодир Эгамга.*

*Боғи Эрам дедик Қуромбой боғин,  
Татиб кўринг мевасидан бой боғин,  
Тавсифин кам айтдик—ов чирой боғин,  
Кириб қолдимми деб боғи Эрамга,  
Ҳамд айтаман сен биру—бор Эгамга.*

*Шовот тумани, Беруний ш.х.  
2005 й*



---

<sup>1</sup>Азбара—ёғра

## ФИКРИНГ ПОК БЎЛСИН

(«Ўз уйингни ўзинг сақла», шioriда ўтган вилоят  
фаолларининг йиғилишида айтилган сўз)

Азиз дўстлар!

Турфа айёреки дин нақдин олурда турраси,  
Ўрганурлар андин ўғурлиқ ишин таррорлар, —

деб ёзганида Мунис Хоразмий, таррорлар маъносини балки ўша замон нуқтаи назаридан ёндошиб эл орасида учраб турадиган ўғри, киссавур маъноларида ишлатганида ҳам жамият таррорлардан нафратланган. Бугунги кунда таррорлик жаҳон миқёсида милёнлаб одамлар нафратини кўзгайдиган, борлиқ олам вужудига қутқу соладиган улкан фожеадир. Унинг чуқурлашиб бораётган негизида аламзадалиқ, қонхўрлик, бемеҳрлик, элу юрту, давлатлар ривожига раҳна соладиган, узоқни кўзлаган жинойи режаларни амалга ошириш ва бу йўлда тинч аҳоли орасида ҳар қандай қурбонлардан, қотилликлардан қайтмаслик маъшумлиғи мавжуд.

Москва марказидаги Маданият уйида содир этилган террорчилик тузоғида юздан зиёд бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмди. Халқаро террорчиликнинг ҳаракатининг фаоллашганидан далолат берувчи бу қабих уринишлар жаҳон аҳлини дарғазаб қилди. Бутун дунё халқлари, барча давлатларнинг раҳбарлари Москвага ҳамдардлиқ билдирди. Бу эса, ҳар қандай кўринишдаги террорчилик ҳаракатига, унинг иддизига болта уриладиган катта зарба эди. Бу эса, марказлашган террорчилик ҳаракатини бошқариб турган кимсаларнинг маъшум режалари барбод қилди. Президентимиз Ислон Абдуъаниевич Каримов айтганларидек, халқни тиз чўктириб бўлмайди.

Дарҳақиқат, халқ улкан уммон, улкан қудрат. У ҳамиша голибу музаффардир.

Вилоятимизнинг барча зиё аҳли, аҳли санъат террорчилик ҳаракатининг бари кўринишларини қаттиқ қоралайди ва элимизни, юртимизни тинч, осуда ҳаёт кечириши учун ҳаммаларни ҳамишаги огоҳликка дэъват қилади.

Огоҳий ҳазратлари ўзининг нафис, гўзал ғазалларида огоҳликка даъват мавзуини алоҳида урғу билан битади:

*Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар,  
Икки олам обрўйини ҳосил эткай шоҳлар.*

Огоҳликка эътиқод замирида яна бошқа бир ибратли ҳикмат ҳам йўқ эмас. Ҳеч қачон қўшнининг нотинчлигидан, улар бошига тушган фалокатдан, қайғу — аламдан қувонмаслик керак, аксинча, уларнинг дардига шерик бўлишга интилоқ лозим. Шу боисдан ҳам куни кеча муҳтарам Юртбошимиз оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюларида, мен бир нарсага алоҳида эътиборни қаратмоқчи эдим, дедилар, баъзан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ана қаранг, қўшниларимизни аҳволини кўринг, у ерларда одамлар тинч эмас, уруш бўлаяпти, деб гапиришади, бу жудаям тўғри эмас, қўшнилардаги парокандалик, қўшнилардаги нотинчлик, бизнинг ҳам нотинчлигимиздир, уларнинг қайғуси бизнинг ҳам қайғумиз, деганларида улкан ҳикмат, улкан пурмаъно бор, ота — боболаримиз: «Қўшнингни хирмонига чумчуқ қўнса ҳайда, хирмонинг омон бўлади», деб бежиз айтмаганлар.

Биз ҳаминиша ўзимизнинг муқаддас ҳудудимизни, муборак она заминимизни кўз қорачиғдай асрашимиз, тинчлигимизга огоҳ бўлишимиз баробарида, ён — веримиздаги, қўни — қўшниларимиздаги, ўзга мамлакатлардаги осойишталикдан огоҳ бўлишимиз лозим. Уларнинг тинчу осудалигига Олоҳдан имдод тилаб, ҳар қандай кўринишдаги террорчилик ҳаракатини кескин қоралаймиз ва барчани яна такрор ва такрор огоҳликка чақирамиз.

Асрлар силсиласининг бош мавзуи бўлиб келиши яхшилиқка эътиқод, ёмонликка нафрат ҳикмати замирида элни севмоқ, юртни севмоқ фалсафаси бош мезондур. Одамларга яхшилиқ тиланг, уйларига бахту саодат тиланг, уйингиз саодатли бўлади. Юртларга омонлик тиланг, юртимиз омон бўлади.

*Покиза тонг янглиғ фикринг пок бўлсин,  
Эл—юртга муҳаббат—зикринг пок бўлсин.  
Тонгдайин ардоқли бўлмоқ истасанг,  
Эй, азиз юртдошим, шукринг пок бўлсин!*

## ИСТАСАМ

(Ғазални қайта ёзишим борасида)

Бундан роппа – роса ўттиз йил муқаддам беш байтли «Истасам» деган ғазал ёзган эдим. Мени ғазал ёзишимга ҳамиша даъват қилиб юрадиган ҳофиз дўстим Жумабой Тожимов яқинда:

– «Истасам»ни «Қорадали» куйига қўйиб айтмоқчи эдим, жуда мос келар экан, бир – икки байт қўшиб берсангиз, камлик қиляпти, – деб қолди.

Уша кунлари укам Рустамбойнинг кенжаси, суюкли Шаҳноза қизимизни кўёвга узатишимиз тўйига Озарбайжонлик машҳур табиб биродаримиз Аспанд доктор Хоразмга ташриф буюрди. У кишининг ғайритабиий даволаш, Қуръони Карим оятларини биз кўпам воқиф бўлмаган шарҳлаш услублари тўғрисида анчайин хабардорлигимиздан ҳайрату ҳавас билан кутиб олдик. Аспанд доктор кўпроқ тинглаб, оз гапириши унинг наинки камтарлигидан, балки кўпроқ ўрганишга мойиллиги боисидан кўзимиз ўнгида янада сирлироқлик касб эта бошлади. Ниҳоят, тўй охирлаб, меҳмонлар тарқагач, биз укам, Аспанд доктор учовимиз қолдик. Бизнинг Хоразм шевамиз Озарбайжон тилига яқинлигиданми аста – секин суҳбатимиз ўтланиб бораверди. Аспанд докторнинг адабиётга, шеъриятга бўлган ихлосини англамоқ сабабли Фузулийдан гап очдим:

– Кўпгина шеъру ғазаллар гарчи туркийда ёзилган бўлса – да, шарҳ талабдир. Тоқим у ёки бу сўз қай бир воқеага, ёхуд илму ҳаводиси афлок – замон ҳодисаларига боғлаб битилганини ечмагунча, мағзини чақиш анчайин қийин. Мана, улуғ шоиримиз Фузулийнинг машҳур байти:

*Мани ғамларим вордур байирни устига қўйсанг,  
Кофир чиқар жаҳаннамдин, аҳли азоб чеккан ўйнар.*

Хўш, бунда тушунуксиз бирор сўз йўқ, аммо Фузулий ҳазратлари нима демоқчи? Ҳурматли шоир акаemiz Эркин Воҳидов бундан қарийб ўттиз йиллар муқаддам Хоразмда меҳмон бўлганларида устоз Ҳабибий домлалар даврасида ушбу байт шарҳланганини бизга сўзлаб берган эдилар. Мукаррам ҳадисларда

қайд қилинишича, кофир жаҳаннамга тушгувсидир ва ҳеч қачон чиқолмайди, магарам туя нинанинг тешигидан ўтса, чиқади. Мана, дарров байт тушунукли бўлди: Шоир мани ғамларим шу қадар кўпки, туянинг устига қўйсанг, туя ипдай ингичкалашиб, нинанинг тешигидан ўтоладиган бўлади, кофир жаҳаннамдан чиқади, азоб чекканлар ўйнар, демоқчи. Демак, бу янглиғ пурмаъноли байтларни тушунмоқ учун Қуръони Каримни, муборак ҳадиси каломни билмоқ зурур бўлар экан.

Аспанд докторнинг кўзлари анойи нурланиб кетди. Гапирмоқчи эмас. Эндиги сўзни Алишер Навоий ҳазратларига бурдим ва аҳли илми ҳайратга солувчи байтини айтдим:

*Не турфа ишки, бирав чун ториқти умридун,  
Деса узун яша, қарғишдир бу алқиш.*

Аспанд доктор энди ҳаяжонланиб тинглай бошлади. Юқоридаги байт борасида «Қўналға» романимда бироз тўхталганимни айтиб, китобни кўрсатдим. У ҳавас билан романни варақлади — да, давом этаверинг дегандай менга юзланди. Ва ўзим янги маънийлар изловчи байтни ўқидим:

*Юз улки, қирқдин элликка қўйди юз, қилса  
Минг ишидин бирига яхшилиқ маҳол эмиш...*

«Юз улки, қирқдан элликка қўйди юз...» — дедим — да, тин олганимча, унга қарадим.

— Бу абжад ҳисоби билан ойдинлашажакдир. Қоғоз, қалам vormи? — дея сўради у. Қоғозу қаламни олди — да, араб алифбосида чиройли қилиб ёза бошлади:

— Бисмиллоҳи Раҳмон Раҳим —

— Мана, — «ҳмон» — «» — (ҳайю — ҳутта — 8), «» — (40), «» — (умр бағишлаб тургувчи Оллоҳ — «алиф» асосан ўқилмайди), «» — (50) ва «Бисмиллоҳ»дан «» — (2) ни оламиз. Буларни қўшсак, 8Қ40Қ50Қ2 қ100 рақами ҳосил бўлади.

Аспанд доктор биродаримизнинг бу янглиғ «Бисмиллоҳи Раҳмони Раҳим»га боғлаб этмиш шарҳи, албатта мени ҳайратга солди. Ярқ этиб ҳаётнинг чуқур фалсафаси келади фикрга — одамзод қирқ ёшдан эллик ёшга қадам қўйганда, 100 ёшга қадам

қўйганчалик умр кўрар экан. Ахир, шундай ҳам эмасми ўзи? Не иш қилсанг эликкача қилмоқ даркор, йўқса, «Минг ишидин бирига яхшилиқ маҳол эмиш...»

Билҳақ, қирқ, элик ёшдан кейинги ғайрат суи ва унинг устига кўпинча умридан толиққан одамнинг ҳаёти дард билан кечмоғини назарга олсак, улуг шоиримизнинг умр, яхшилиқлар борасидаги мантиқи жудаям маънилидир. Албатта, бу айтилганидай, «бирав чун ториқти умридин»га таалуқли. 70, 80 ва ундан зиёд ёшлардаям умрдан толиқмайдиган, завқли одамга узоқ умр тилашлик биссавабдир.

Шундан кейин Аспанд докторнинг даволаш усуллари борасидаги сир — синоатга ёндошмоқ илинжида суҳбатимизни табиблик, ҳозирги ва аввалги муолажа услубларига бурдим:

— Зайнидин Восифий ўзининг «Бадоеъул вақоеъ» (Нодир воқеалар) асарида жарроҳлик бўйича ажиб бир даволаш усулини ёзади. — Аспанд яхшироқ илғасин учун сал узоқроқдан бошладим, — Дейдики, Хуросон муфрадларининг талабхашаи ва лангардори Дарвеш Аҳмад саллакаш Ҳижоз сафаридан қайтганда у билан Бағдоддан Муфрад номли бир қаландар ҳам келади. Муфрадининг луғавий маъноси «тоқ», «якка», «битта» демақдир. Муфрадининг қўлидаги ичига кумуш қуйилган таёғи шарият мани ўлчовида уч ман келарди. Ҳозирги ҳисобда тахминан тўққиз кило, янглишсам Оллоҳ авф этсин. Муфрад Ҳирот хиёбони бошига келиб овоз қилди: «Ҳиротнинг беш дарвозаси ва тўққиз булутининг паҳлавонлари, ятиму наҳангларини чорлайман! Шу чўбга ким келса, агари Рустами Достон, Соми Наримон ва Исфандиёри Рўйитан бўлса ҳам у билан жанг қиламан!»

Хуросоннинг бевошлари ўртасида шов — шув бошланади ва Аламдорнинг забардаст ўғлини Муфрад билан жанг қилмоқ учун гиж — гижлайдилар. Бу гапни Султон Ҳусайн Мирзога бориб айтадилар. Жангда Муфрад енгади. Хуросон паҳлавонларининг номусини тиклаш учун Ҳайдар Тийргар деган паҳлавонни чиқарадилар. Бу жанглар худди қадим Римдаги гладиаторлар олишувига ўхшайди. Жанг пайтида Муфрад ўз калтагини Ҳайдар кифтига туширганда омад Ҳайдар қўлидан кетади, уни таёқ отишга мажולי қолмайди. Муфрад Ҳайдарнинг бели ва кифтига тўрт марта калтак туширади. Ҳайдар чинордай тебраниб туради. Олтинчи таёқни уриш чоғида подшо: «Ҳой, Муфрад! Шу чўбни

урма», дейди. Муфрад подшонинг бу садосини эшитгач, чўбини бир чинор дарахтига қараб отади. Чўб ярмигача унинг танасига ботади.

Алҳисса, Ҳирот кўфасида бари паҳлавонлар таслим бўлиб юрган Амир Халил деган амирзода Муфрад билан чўб жанги қилмоқчи бўлади. Лекин Амир Халилнинг саййид авлодидан эканини эшитган Муфрад рози бўлмайди. У баҳона топма дейди, бу чарчаганингизча бошиму кўзимга уринг, кейин мен жанг бошлайман дейди. Хуллас иккови подшо ҳузурда келишолмай Боғи Зоғондан чиқишлари билан Амир Халил ва унинг ятимлари Муфрадни ўртага олиб, ўн саккиз жойига пичоқ ва ханжар урадилар. Ҳусайн Бойқаро бундан хабар топиб Халилни қаерда бўлсаям топиб ўлдиринг деб ҳукм қилади. Халилни яширадилар.

Жарроҳлар Муфрадининг жароҳатларини текшириб, «Иложи бор, аммо ичаги кесилибдур уни тикиб бўлмайдур», дейишади. Мирзо устод Шайх Ҳусайн жарроҳни топиб келишни буюради. Хаста ётган устодни тахтиравонда олиб келишибди. У суварак мўрчасиданки, мўрчаи сулаймоний (от қоринжаси) ҳам дейдилар, бир қанчасини топиб келишни сўраган экан муҳайё қилибдилар. Устод кесилган ичакнинг икки учини бир – бирига ёпиштириб, бир мўрча оғзини ичаклар ёпиштирилган жойга тутган, мўрча ярага ниш уриб, тишлаган заҳоти унинг бошини кесганлар. Бошқасини унинг ёнидан шундай қўйиб, қалласидан жудо қилаверганлар. Шу йўл билан кесилган ичак атрофини тикиб чиққанлар – да, қорнига жойлаб, сўнг қорнини тикканлар ва қирқ кун даволаганларидан кейин Муфрад соғайиб, оёққа турган.

– Валлоҳ! – деб юборди Аспанд доктор.

– Муфрад тўшақдан туриши билан подшодан Амир Халилнинг гуноҳидан ўтишини сўрайди. – дея сўзимни давом эттирдим, – Подшо Амир Халилни кечиради ва олий остонага чақиртиради. «Сени Муфрад билан яраштирайми?» дейди подшо. Халил: «Муфрад билан ўртамизда жанг бўлмагунча, бизнинг ярашганимизнинг қарори ва эътибори бўлмайди» дейди. Муфрадан сўраганларида у:

*Таҳаммул гарчи маҳмуд асту нафои бекарон дораг,  
Начандони таҳаммул кун, ки мардиро зиён дораг,–*

деб жавоб беради. Яъни, сабр яхши нарса, у гарчи чексиз фойда келтирса ҳам, ортиқча сабру тоқат одамга зиёндуру) Адаб сақладик, бўлмади, розиман, деди.

Ва ниҳоят уларнинг жанг соати белгиланади ва замонасида бетакрор шов – шувга эга бўлган олишув Боғи Шамол чорбоғида ўтади. Айтишларича, Амир Халил жанг бошланиши билан беҳудона Муфраднинг бошини кўзлаб ўн марта чўб уради. Ҳар гал Муфрад зарбани рад этган. Муфрад ҳам ўз калтагини Халилнинг бошига ҳавола қилган. Уям зарбаларни ўз чўби билан қайтарган. Муфрад унинг таёғига чап бериб, оёғни мўлжалга олган. Халилнинг оёқ суюклари майдаланиб кетган. Йиғилган одамларнинг нафаси ичига тушиб кетган. Ҳусайн Бойқаро Устод Зайнобиддинни олдирган. У шундайин уста табиб бўлганки, подшо ҳарами аҳлидан бир хотиннинг сурун суюги чиққанида, жойига солиш учун унга қўл теккиза олмаслиги сабабли бир тадбир қўллаган экан. Бир ҳўкизни сув бермасдан ивигилган нон билан уч кун боқтирган. Уч кундан кейин ҳўкиз белига ёстиқ қўйиб ўша хотинни миндирганлар ва оёқларининг ики учини ҳўкизнинг қорни остидан бир – бирига тортиб боғлаганлар. Кейин катта тоғорада сув тўлдириб, ҳўкизнинг олдига қўйдирган. Ҳўкиз ичган сари қорни кўтарила бошлайди ва «қарс» этиб, аёлнинг сурун суюги ўз ўрнига тушган.

– Валлоҳ! – деб юборди яна Аспанд доктор.

– Халилнинг синган оёғини жойига солишни ана шундай Устодга топширилган. Табиб ердан тизза бўйича чуқурча қаздириб, Халилнинг синган оёғини чуқурга қўйиб, қўли билан суюк майдаларини ён – веридан айлантириб тартибга солган – да, ганчни сувда қориб, синган қисмининг икки бўғунча келадиган жойига қадар ганч лойидан тўқади. Қирқ кун даволагач, Халилнинг соғайган оёғини ганчдан бўшатган.

– Гипсга солган – да, – укам Рустамбек қўшилади гапга.

– Тўғри, гипсга солгани рост, лекин суюкларни жой – жойига қўйиш...

– Бу энди, Оллоҳнинг иноятидур. – Аспанднинг дил сўзи эди бу.

Доктор билан бўлган ажиб суҳбатимни эртасига ҳофиз Жумабой Тожимов ҳамда «Хоразм танбур чиги» устида мана неча йиллардан бери тинимсиз изланишлар олиб бораётган бастакор дўстим Озод Бобоназаровга гапириб бердим.



– «Истасам»нинг байтлари тайёр бўлибди – ку! – суюниб хитоб қилди Озод.

– Қандай қилиб? – тушунмадим дегандай Озодбойга қарадим.

– Мўр истасам, мўр истасам. Қофияси ҳам тайёр. Олти байт жуфт бўлмасин десангиз, Озарбайжон доктор билан суҳбат қилганингизга жавобан, уларда бир мақом бор – «Шур» деб аталади.

– «Шур» истасам, «шур» истасам, – Жумабой жилмайганча қўшиб қўйди.

Шу ондаёқ ушбу икки байт қораланди.

*Ишқи тиғин яросин тиккали мўр сўрди табиб,  
Фасли хазонму экан, мўр истасам, мўр истасам.*

*Бир муқим жойда мақом топмас ажаб гоҳ ложарам,  
Кўнглум зори мақом—шур истасам, шур истасам.*

Озодбой хурсандлигидан кулиб юборди:

– Мўр ҳам ҳамма фасларда топилавермайди, ажойиб топилдиқ этдингиз!

– «Шур»ни яхши айтдингиз лекин Озодбой, – бошини сарак – сарак эттириб, Жумабой «Қорадали» куйига қўйиб сингсиди, – жуда яхши тушди!

Ва яна икки байт қўшиб ғазални ҳофиз дўстимизга бердим. Яхшидан шарофат деб шуни айтадилар – да. Аспанд доктор биродаримизнинг тўйга ташрифи билан ўттиз йилдан кейин ғазални қайта битдим.

*Не қилай нур ичра мен нур истасам, нур истасм,  
Қалбига—уммонда мен дур истасам, дур истасам.*

*Кулгичи кулган сари қоши қанотлар қоқибон,  
Ҳурлиқолар ичра ҳур—ҳур истасм, ҳур истасам.*

*Чеҳраси гулгун ёниб, бергай камалакдех жило,  
Ранг ёнур сур ичра мен сур истасам, сур истасам.*

*Кўп кезиб шайдолиғ этдим шу ниҳон оламдаким,*

*Воажаб сир ичра мен сир истасам, сир истасам.*

*Ҳажрида қон бўлди гул, чиққум ишқ майдониға,  
Борми монанди жунбуша—қур истасам, қур истасам.*

*Ишқи тиғин яросин тиккали мўр сўрди табиб,  
Фасли хазонму экан, мўр истасам, мўр истасам.*

*Эҳтиёж негур тирикликка висолингдин йироқ,  
Урайин бош қай тараф тийр истасам, тийр истасам?*

*Бир муқим жойда мақом топмас ажаб гоҳ ложарам,  
Кўнглум Озари мақом—«шур» истасам, «шур» истасам.*

*Ўқми гар мужгонлари, ул қарочиғларда ёй—  
Ичра мен Комил Аваз умр истасам, умр истасам.*

2005 й.



## ЎЧМАС ЗИЁ

Театр саҳнасида яралган спектакллари халқ ҳукмига топшириш жараёнида, бир — бир ярим соатлик вақт ичида, ўша пьесани саҳналаштирган режиссер парда орқасида неча бор ўлиб, неча бор тирилади, актерларни — ку, қўяверайлик.

Санъат — садоқат мулки, у фидойиликни севади. Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрининг олтмишинчи йиллардаги доврўғига бениҳоя катта ҳисса қўшган, бутун умрини санъатга бахшида этган устоз режиссер Хошим Исломов (жойлари жаннатда бўлсин) қисқа умри ичида 100 га яқин спектакл саҳналаштирган.

Хошим ака тўғрисида, аниқроғи унинг портретига чизгилар қилиш ўйида бундан қирқ — қирқ беш йиллар муқаддам саҳналаштирилган, саҳифалари сарғайиб, қай бир варақларининг четларини сичқон кемиргандай, беўхшов бўлиб кетган пьесаларни варақлайман. «Қайнона» — Шамхалов асари, Охундов мусиқаси, Самандар Сараймонов таржимаси, 1958 — 59 йиллар... Унинг ҳар бир саҳифасида, машинкаланган мисралар орасида Хошим аканинг режиссерлик дастхатлари... Кўк, қизғиш рангли қаламларда худди кеча ёзилгандай. Баъзи варақларнинг орқа бетларига янгидан қўшилган диологлар...

АЁЗ: Йўқ Илғор, мани бадбинлантирган онамдир, онам!

Хошим ака ушбу гапдаги «бадбинлантиган» деган сўзни аниқ маъно касб этувчи ҳам айтишга осон «таъбимни хира қилган» сўзи билан алмаштирган. Бундай мантиқий ёндошишлар деярли ҳар бир саҳифада бор.

1960 йил. «Равшан ва Зулҳумор» — Комил Яшин асари, Тўхтасин Жалилов мусиқаси. Хошим аканинг уйқусиз тунлари хаёлимдан ўтади. Ролларни тақсимлаш. Пьесанинг титулида РАВШАН — М.Раҳ (Матёқуб Раҳимов, кейинчалик Ўзбекистон халқ артисти), ЗУЛҲУМОР — Ш.Рамаз. (Ширин Рамазонова, сўнглик билан Ўзбекистон халқ артисти) М.Раҳимов Ўзбекистон халқ артисти Ваҳобжон Фаёзовга, Ширин эса, Ўзбекистон халқ артисти Султонпошша Раҳимовага дублёр. Ширин ҳали мактабнинг 10 — синфида ўқиб, репетицияларга дарсдан кейин қатнашиб юрган.

Эл таниган забардаст овозли актёр, театрда қатор бош ролларни ижро этиб, суяги қотган Матёқуб ака билан ёнма – ён, боз устига, Республикада донгдор Муқимий номидаги театр саҳнасида катта шов – шувга сабаб бўлган «Равшан ва Зулҳумор» мусиқий драмада илк, бош ролни ўйнашлик, мактаб партасида ўтирган ёшгина қиз учун ҳам, саҳналаштирувчи режиссер учун ҳам улкан жасорат эди.

Шунигдек, Оққиз ролига (таниқли актриса Бибижон Искандаровага дублер қилиб) театр саҳнасига эндигина қадамларини қўйган ўқувчи қизлар – Онабиби Матёқубова ҳамда Раъно Анназароваларнинг тайинланиши ҳам саҳна тарихида, айниқса Хоразм театрининг довуғи мутахассислар ва томошабинлар томонидан Республика миқёсида юксак баҳоланиб турган бир пайтда, ўзига хос мардлик эди. Албатта, бу янглиғ жасорат ва мардликни жамоа ҳурматига сазовор бўлган Хошим акадай инсонгина бажара оларди. Театр жамоаси жонқяр, адолатли режиссерига қаттиқ ишонар, чунки у киши театрининг чироғи билан кўзлари нурланган ижод соҳиби эди.

Хошим ака 1928 йил, 9 – Май куни Тошкент шаҳрининг Хастимом маҳалласида, савдогар оиласида дунёга келган. Унинг ўқувчилиқ, талабалиқ йиллари Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик театрининг эски биноси саҳнасида ўйналаётган спектакллари кўриш билан ўтган. Ўша даврлардаёқ афсонавий қаҳрамонларга айланган Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурхоновларнинг мухлисига, кейинчалик ҳамкасбига айланган. Маннон Уйғурдек улкан ижодкор суҳбатига мушарраф бўлган Хошим Исломов, Тошкент театр ва рассомчилик институтининг режиссерлик факультетини битирган илк қадирғочлардан биридир.

Хошим ака институт йўлланмаси билан 1956 йилда Хива шаҳридаги Қурбон ота Исмоилов номидаги колхоз – савхоз театрига келиб қўнди ва буткул хоразмлик бўлиб қолди.

Хошим ака қалби кенг, таъмадан йироқ, дили тоза, қўли покиза, театр равнақи учун бор кучини аямаган, касбига садоқатли, эътиқодли инсон эди. У киши етакчи, иқтидорли актерлар учун алоҳида спектакллари танлаб саҳнага қўярди. Ёшгина Раъно Анназарова Роҳила ролини ижро этишлиги учун «Биринчи муҳаббат»ни, Ганжа Ёқубов Нуриддин образини яратиши учун

«Шикоятга ўрин йўқ» пьесасини, Бикажон Раҳимова учун «Қайнона»ни, Шухрат Девонов учун «Икки ўт ўртасида» пьесасини, Отамурод Бекжонов учун «Маҳтумқули» спектаклларини саҳнага қўйган, орзусига зришган, чунки ўзи кашф қилган актерлар саҳнада у кутгандек муваффақиятларга зришганлар.

Хоразм театри саҳнасида ўйналадиган спектаклларнинг ўзига хос қийинчиликларидан бири, актерларнинг Хоразм шеvasига кетиб қолиши бўлган. У вақтларда бу ҳол қаттиқ қораланар ва адабий тилга риоя қилмаган актерлар қаттиқ жазоланарди. Хошим ака бундай муаммоларни жуда усталик билан ечар, актерларнинг кўнглини оғритмай масалани силлиқина ҳал қилар эди. Режиссерлик бениҳоя оғир касб. Бир репетиция давомида айрим актерлар билан баъзан юз кўришмас даражада уришиб кетишлар, ёқалашлар бўлар, бироқ Хошим ака нечоғлик қаттиқ уришмасин беш – ўн дақиқадан кейин яна опоқ – чапоқ бўлиб кета берарди. Кек сақлаш, ёки қачонлардир аразлашганини кимнингдир юзига солиш одати у кишидан анчагина йироқ эди.


Хошим аканинг кўпгина режиссерларга насиб қилмайдиган яна бир ажойиб одати бор эди. У киши чироқ ўчиб қолганидан репетиция қилолмадик, ё фалонкас ишга келмай қолгани учун репетиция чала бўлди деб ҳеч қачон нолимаган. Мен неча йил бирга ишлаган бўлсам, шунча йил кузатганман – репетицияга икки киши келса, шуларга тааллуқли жойларини ишлаб, руҳияти баланд ҳолда уйига кетаберарди. Унинг яна бир бетакрор хислати, спектаклга келмай қолган актер ўрнига ўзи чиқиб ўйнар. ва спектаклни қолдиришга йўл қўймас эди.

Бу деган сўздан, Хошим ака қаттиққўл эмас эди, деган фикр чиқмайди. У театрда бош режиссер бўлган йиллари ҳам, навбатчи режиссер даврларида ҳам бирдай талабчан, қаттиққўл, айниқса, сиёсий ўқишларни ўтказган чоғларида кимдир қатнамаса, қаттиқ ранжир, жаҳли чиқар, келмаганларни ниҳоят даражада эзиб уришар, койир, тартибсизликда айблашдан чарчамас, шунинг билан бирга, юқорида айтганимдек, бағри кенг, кечиримли, ноёб одам эди.

Юқорида биз Хошим акани буткул хоразмлик бўлиб қолди дедик. Дарҳақиқат, у ўзининг суюкли шогирди Ширин Рамазоновага уйланди. Театрда баракали ижод қилишлари баробарида ширин турмуш лаззатларини, турмушнинг пасту –

баладликларини бирга баҳам кўрдилар. Учта ўғил, иккита қизни дунёга келтирдилар. Шаҳноза фортопиано клаассини битказди, Феруз дадалари тугаллаган Тошкент санъат институтини битказиб, музейлар буйича реставратор, қўли гул рассом, шу институтда дарс беради. Шероз кларнетчи, моҳир созоанда. Элбек, бобоси касбини эгаллаган, савдогар, тужжор. Чарос Тошкент санъат институтининг журналистика факультетини тугалади. Хуллас, Хошим ака билан Ширинларнинг меҳнатлари зое кетмади – у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ширин эса, Ўзбекистон халқ артисти унвонларига мушарраф бўлдилар. Фарзандлари ҳам ота – оналари изидан бориб барака топаяптилар, эл ҳурматига сазовор бўляптилар.

Хошим ака 1998 йили оламдан ўтдилар, қабрлари Урганч шаҳридаги Охунбобо қабристонида. У киши бундан саксон йиллар муқаддам Хоразм театри чироғини ёққан Самандар Сараймонов, Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, иккинчи жаҳон уруши йиллари театр доврўғини кўтарган Комилжон Отаниёзов, Ваҳобжон Фаёзов ва бошқалар билан ёнма – ён, елкама – елка ижод қилда, театрнинг юксалишига бениҳоя катта ҳиса қўшди. Улар ёққан ўчмас зиё театр саҳнасида ижод қилаётган бутунги авлод йўлини нурафшон, мухлислар қалбини ёқти, шодумон қилиши баробарида келажакка йўғрилган боқий жилодир.



## «СУВОРА»

*У муграб ётганларни уйғотаги, дейди Отаҳий  
номидаги Хоразм вилоят театрининг раҳбари,  
шоир ва драматург Комил Аваз*

— Комил оға, аввало театр ҳақида гаплашсак. Томошабин масаласи. Шаҳарни қўятурайлик. Қишлоқдан келиб бирор саҳна асарини томоша қиламан дейдиган одамлар саноқли. Ўзимдан мисол. Турмуш икир — чикирлари шу қадар кўп ва тифизки, сўнгги марта қачон театрга тушганим, кино кўрганимни эслай олмайман.

— «Театр» сўзининг мазмуниниёқ, юнон тилидан ўтирганимизда «томошахона» демакдир. Лекин унинг моҳияти шунчаки томоша кўрсатиладиган маскандан анча кенгроқ. Санъат — халқнинг ўткир кўзи, зийрак фикри, эътиқодли қалбини ўзида мужассамлаштирган бир мўъжизадир. Зеро, театр-жамият кўзгуси сифатида фақат унинг кечаги кунни, бугуни, эртасини ўзида акс эттирибгина қолмайди, айна пайтда жуда катта ижтимоий заруриятниям ўзида мужассамлаштиради. Юрт камол топишида, инсонни маънавий тарбиялашда театр жуда катта ижобий таъсир воситасини ўтайди. Бунинг учун эса унинг халқ билан мулоқоти яқин, чамбарчас бўлмоғи керак. Худди шундан театр ва томошабин масаласи келиб чиқади. Бу масала эса ўз навбатида намоён қилинаётган ёки қилинажак асарнинг бадиий жиҳатдан мукамаллиги, халқчиллиги ва санъаткорларнинг ижро маҳоратига бориб тақалади. Лекин, шу ўринда мен бошқа бир эътирозни ўртага ташламоқчи эдим. Мана сиз, зиёли одам, «турмуш икир — чикирлари шу қадар кўп ва вақт тифизки, сўнгги марта қачон театрга тушганимни эслай олмайман» деярсиз. Мен бундай «икир — чикирлар» баҳонасига мутлақо қаршиман. Агарда театрни билсангиз (севсангиз демай турайлик), йилнинг Худо берган 365 кунда ақалли икки соат вақт топган ва бир марта саҳнада рўй бераётган томошанинг гувоҳи бўлардингиз. Афсуски, сиз ва сизга ўхшаган зиёлилар театрдан узоқлашиб бораётирлар. Бундай пайтда дала кишиси ёки чорвадор ҳақида гапириб ўтириш ортиқча.

— Мен ҳам оддий бир томошабинман. Раҳматлик Шукур Бурхон ижросидаги «Шоҳ Эдип»ни ойнаи жаҳонда ҳар гал намоён қилганларида кўзларимга ёш қуйилиб келарди... Демокчиманки, ҳозир одамлар санъатнинг бу туридан совишдими ёки театр

раҳбарлари янги ва қизиқарли мавзуларни кўтара олмаяптими?

— Совиш, совимаслик тушунчасига аниқлик киритиш учун юқорида айтмоқчи бўлган эътирозимни давом эттираман. Меҳр кўзда, деб бежиз айтишмаган. Яқин қариндошингизни тез — тез кўриб турмасангиз ётлашиб кетасиз. Дўстлик ҳам шундай. Умуман узоқлашиш, энг яқин одамни ҳам ёт қилади, театр ҳам шундай. Узоқлашишнинг ўзи ҳар эзгу истакни сўндирувчи даҳшатли ҳодиса. Лекин, кимлардир театр томошасига кириб, ярмидан ё салдан кейин ташлаб кетиша бошласа, бу театр учун фожеали ҳол бўлур эди. Бироқ, бундай воқеа гувоҳи бўлмаганман, аксинча одамларнинг театр томошасини охиригача кўриб, бой таассурот билан, илиқ гапларни айтиб чиққанларини эшитганим учун ҳам бу масалада қатъиятлик билан «узоқлашиш» тушунчасига урғу бериб гапираяпман. Агар санъаткорлар янги ва қизиқарли мавзуларни кўтармаганларида, ҳали айтганимдай, одамлар томошани қониқиш билан кўришмас эди. Лекин, гап уларни жалб этишда, узоқлаштирмасликда.

Ҳар бир театрда янги саҳналаштирилган спектакл аввало жамоатчилик кўригидан ўтказилади, кейин халққа тақдим этилади. Ана шу жамоатчилик кўригига олимлар, театршунослар, шоирлар, ёзувчилар, журналистлар таклиф этилади. Хуллас, биз 150—60 одамга таклифнома ёзамиз. Шулардан 15—20 нафарига таклифнома оддингизми, вақт топиб келинг, деб кўнғироқ ҳам қиламиз. Уларнинг кўпчилиги иши борлигини ва ж килиб келолмаслигини айтишади. Хуллас, янги спектакль кўригига 10—15 одам келади, холос. 10 фоизгина одам. Улар ҳам бўлим бошлиқларининг зуғуми билан келса ажабмас. Ахир олимларнинг, зиёлиларнинг театрдан узоқлашиб бораётгани уларнинг маънавий қашшоқлигидан далолат бермайдими? Тилга алоқадор спектаклга тилшунослар келмаса — я?! Яна ажабланарлиси шундаки, театр спектакллари, томошабинлар ҳақида «қитмир» фикрда бўлувчиларнинг аксарияти яқин 4—5 йилда бирор спектаклга қадам ранжида қилмаган шахслардир. Ахир ўтган йили «Лайли ва Мажнун» бир ҳафта узлуксиз намоиш қилинди, «Жобби жўжакнинг ҳийласи» — чи? Зал тўла одам. «Лайли ва Мажнун», «Жаҳаннам» спектакллари Тошкент телестудияси томонидан суратта олиниб, намоиш этилиши Огаҳий театри артистларининг юксак маҳоратларининг натижаси эмасми? «Марварид таққан аёл», «Тилим асалим», «Ғаройиб можаролар» спектакллари,



қўғирчоқ театрининг ташкил этилиши — чи? Муҳсин Халининг «Сусамбил» эртагини театримиз ёшлари нақадар маҳорат ила ижро этишди. Репертуаримиз ранг — барангдир, ундан воқиф бўлиш учун эса, театрга келиб кўриш керак. Ё нотугрими? Бозор иқтисодиёти, кечқурун театрдан қайтишдаги беҳаловатлик, автобусларнинг кечга бориб камқатновиллиги театр мухлислари учун баҳона бўлолмайди. Ҳаёт оқими ҳеч қачон бир зайда оқмайди ва у ё бу нарсага муносабат ҳам шу оқим таъсирида ўзгариб туриши табиий. Бироқ, тўғриси ҳам айтмоқ керак, шу кун талаби даражасидаги драма асарлариям жуда кам. Шу йил вазирлик тавсия этган 60—70 та сахна асарини ўқиб чиқдим, минг афсуски, бирортаям пьеса тополмадим. Драматургларга мурожаат этдик. Шоир ва драматург Омон Мухтор «Иккинчи ҳаёт» деб аталадиган асарини тақдим этмоқчи. Бронислав Нушичнинг «Ғамгин қариндошлар» сатирик комедиясини сахналаштирмоқчимиз. Театрнинг бош режиссери И.Ниёзматов билан маслаҳатлашиб янги пьеса сахналаштиришга четдан режиссерлар чақириш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

— Умуман «чеккадаги театр» — вилоят театрининг аҳволи қандай?

— Театрни марказда эмас, чеккада бўлишлиги уни бирон бир масъуллиқдан мосуво этолмайди. Театр ҳамма ердаям театр. Лекин, чеккадаги театрга марказ эътибори, марказий матбуот, радио ва телевидениенинг эътибори албатта кам бўлади. Шу боис, томошабинлар доираси вилоят доирасидан чиқолмай, ўз қобилигида ўралашиб қолиш хавфи бор, бу эса театрининг ижодий баркамоллигини анча сусайтиради. Энг ёмони марказдаги мунаққидларнинг театрларни «марказий» ва «чекка» тушунчаларига бўлишидир. Спектакл сал суст бўлса, «ҳа, энди, вилоят театри — да», ёки сал муваффақиятли чиқса, «ҳа, энди, вилоят театри — да, ҳаракат бўлса шунча бўлади — да» дея ҳар қандай ҳолатда ҳам вилоят театрига ачиниш билан қарайдилар. Бу эса, камбағалга ғариблигини тинмай эслатиб тургандай гап.

— Сизнинг театрга директор бўлиб келишингизни тасодифга йўйиш керакми ёки соҳага бўлган иштиёқ, уни жонлантириш истагини?

— Умуман, театр нафақат марказнинг, балки вилоят раҳбариятининг ҳам эътиборига муҳтож бир ташкилот. Мен ҳаминша театр фаолиятини катта қизиқиш билан кузатиб келганман.. Бизнинг эски уйимиз театрининг шундай ёнгигинасида

жойлашгани учунми, санъатга бўлган қизиқишимми (муסיқа мактабида ҳам ўқиганман) театрға ҳар куни кирардим. Маҳалламизда энг етакчи актёрлар, созандалар яшашарди ва кундузи ҳам, кечқурун ҳам маҳаллада театр ҳақида гурунг бўларди. 1951 – 52 йилларда аншлаг билан қўйилган «Алпомиш»га, «Фарҳод ва Ширин»га ёзи билан ҳар кеч кирардим. Алпомиш ролида яғриндор, бақувват М.Раҳимов чиқардилар. Ҳозир у киши Ўзбекистон халқ артисти. Қўлидаги ўқ – ёйни шундай зарб билан тортиб отардики, ёнида турганлар қўллари пешонасига тутиб: «Ўққа қаранг, ҳали тушмади, ҳали тушмади» деб «оҳ – уҳ» қилишганларидан «олисга учгун» ўқни эртасига театр ёнидаги катта истироҳат боғидан излардим. Ёзги театр биноти менга жуда тилсимли кўринарди. Ана шу болаликдаги сирли таассурот ҳозиргача тарк этгани йўқ. «Жаҳаннам» деган пьеса ёздим – у, театрға боғлиб қолдим ва мени театрға адабий змакдошликка таклиф этишди. Театр фаолияти (ҳозирда директори сифатида) ривожлантириш учун турли хил услубу мавзуларға қўл уряпмиз. Услуб деганим – турли ташкилоту муассасалар билан яқиндан алоқа қилиш, ҳомийлик тушунчасига кенгроқ маъно беришдек саъй – ҳаракатлар, мавзу деганда фожеа, комедия спектаклларидан ташқари, кўғирчоғу, масхарабозлик удумларини тиклаш. Тарихий мавзуга қайтишимиз эса юрт тарихини ёритиш билан бирга, ватанпарварлик туйғуларини тараннум этиш ҳамдир. «Жалолиддин Мангуберди» спектаклининг янгидан саҳналаштирилиши бунга яқол мисолдир.

– Шу ўринда тарихий мавзуга тегиб кетдингиз. Мустақиллик шарофатидан биз ўз тарихимизни қайта мушоҳада қилишга, уни сохтагарчиликлардан тозалашга киришдик. Аммо, негадир Хоразм тарихи ва ундаги чалкаш нуқталар, миллий – озошлик ҳаракатлари – «босмачилик» деб аталган даврларни одилона ёритиб берган саҳна асарлари кўринмаяпти.

– Тарихий мавзунинг чалкашлиги хусусида яхши айтдингиз. Бизниям ташвишга соладиган нарса шу чалкашлик. Назаримда тарихий асарларға, хусусан араб алифбосининг арабча, форсча матнига тиш ўтмаслиги бир ёну, шу асарларнинг камлиги бир ён. Бу кўпроқ инқилобгача бўлган даврга тааллуқли. Аслида, ҳақиқий босмачиларнинг илк ташрифлари Феруз замонасига бориб тақалади. Инқилобдан кейинги юрт учун, миллат учун курашган, қирғинбарот бўлган «босмачилар» тўғрисида эса ҳали ҳақиқий

асарлар ёзилгани йўқ. Лекин уларнинг орасида ҳам оғмачилар, кимнинг тарозиси оғир келса, шу томонга ўтувчилар кўп бўлган. Шу боис ҳам ҳақиқий оқни оқ, қорани қора дейдиган, одилона асарлар яратилмоғи керак.

– Ўзингиз шу мавзуда бирор пьесаами, фожеами ёзмақчи эмасмисиз?

– Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз хонлигининг икки даврига оид воқеаларни ўз ичига олган «Сақили наво» деган драматик дoston ёзган эдим. Бу дoston чоп этилди. Ушбу дoston асосида беш кўринишли мусиқий драма ёздим. Келаси йил Наврўз айёмида Феруз таваллудига 150 йил тўлади. Ушбу сана муносабати билан бу асар саҳна юзини кўрса ажаб эмас.

– Тўғри, мусиқамизни «қайта жонлантириш» ҳаракати Хоразмда сезиларли. Масалан, вилоят ойнаи жаҳони орқали намойиш қилинаётган «Сувора» туркумидан кўрсатувлар. Сиз ана шу кўрсатув ижодкори сифатида майдонга чиқдингиз. Сизни бу ишга ундаган туйғу мусиқага қизиқишингизми ёки ижодкор тимсолида бошқа «мудраб» ётганларни уйғотиш истагимиз?

– «Сувора»лар асосан Хоразмда куйланади ва дарё қуйи оқимининг икки тарафида машҳурдир. Ана шу машҳур «Сувора»лар кейинги йилларда бироз қадрсизланиб, инқирозга юз тута бошлади. Бунга уларнинг ижрочилари ҳам қисман сабабчидирлар. Негаки, «Сувора» айтиш ижрочидан кўп меҳнат, кўп иқтидорни талаб этади. «Сувора»ларнинг авжи баланд, қочиримлари сержилло, бу эса кўпгина енгил – елпи қўшиқ айтиб, яхшигина кун кўраётган ҳозирги «гўянда»ларга оғирлик қиляпти шекилли, улар «яллабозлик»ни хуш кўриб қолдилар ва натижада ҳозирги ёшлар, устозлар Шерозий ота, Ҳожихон ака, Комилжон акалар ижро этган услубдаги «сувора»лар, «савти»лар завқидан маҳрум бўлиб бормоқдалар. Шулар боис, театр, Хоразм телевидениеси билан ҳамкорликда «Сувора оқшоми» рукнини ташкил этиб, ҳар бир «Сувора»га бағишлаб алоҳида бир кўрсатув бериб бораёпти. Ушбу кўрсатувларимиз акс – садоси одамларга сезиларли даражада таъсир этаяпти дея оламан.

– Муштарийлар эътиборига бирорта янгилик – тарихимиз борасида «теша тегмаган» гап айтсангиз...

– Бу борада яна Ферузга мурожаат этамиз. У киши мақомлар

хусусида шундай Фармони Олий берган эканлар: «Бизким Хоразм мамлакатининг олий ҳоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний қуйидаги Фармони Олийга имзо чеқдик. Хоразм мақомлари халқнинг даҳлсиз мулки деб эълон қилинсин, ушбу Фармоний Олийга шак келтирган ва мақомларни камситган ёйинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин», деб.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

*Рўзимбой Ҳасан суҳбатлашди.  
«Туркистон» газетаси, 24.07.93й.*

## **ШОИР ВА ДРАМАТУРГ КОМИЛ АВАЗ ҲУЗУРИДА**

(Наср ва назмдаги кўпгина асарларнинг муаллифи Комил Авазнинг «Феруз» спектакли 6 апрель куни (1994) илк бор саҳна юзини кўрди. Драма намоиши икки соату ўн беш дақиқа, жамоатчилик муҳокамаси эса бир ярим соатча давом этди. Муаллиф, режиссер ва ижрочи санъаткорлар ана шу фикрлар асосида асарни қарийб бир ой вақт мобайнида қайта ишлаб, элга манзур ҳолга келтирдилар. Ана шу янги саҳна асари хусусида яқинда муаллиф билан мулоқот қилдик.)

— «Феруз» спектакли муваффақиятли намоиш қилинаётгани билан сизни ва ижодий жамоани муштарийлар номидан табриклаймиз.

— Катта раҳмат.

— Драмани ёзиш арафаси ва жараёнида Феруз ҳақидаги қандай манбалар ҳамда асарларни ўқидингиз?

— Умуман Муҳаммад Раҳимхон ҳаёти ва ижоди ҳақидаги манбалар бизда етарли. Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» тазкирасини, Ҳасанмурод Қори Лаффасийнинг «Тазкираи шуаро»сини, Огаҳийнинг олти жилдлик асарларини, Феруз газалларини мутолаа қилдим. Матмурод девонбегининг невараси, Феруз чеваралари, Ферузни биладиган мўйсафидлар, созандалар, гўяндалар, тарих юзасидан қалам тебратаётган олиму, фузало билан суҳбат қурдим.

Булардан ташқари Хива истилосининг 25 йиллигига бағишлаб Санкт—Петербургда чоп этилган Лобасевичнинг «Хоразмга юриш» китобини, Халфиннинг Бухоро ва Хива тўғрисидаги

маълумотларини, Вамберининг эсдаликларини, рус тарихчи ва сайёҳларининг ёзма манбаларини озми – кўпми ўргандим ва улардан фойдаландим.

– Шу жараёнда Феруз ҳақидаги қандай чалкашликларга рўбарў келдингиз. Умуман, Кубро, Огаҳий ёки Паҳлавон Маҳмуд эмас, нега Феруз ҳақида ёздингиз?

– Чалкашликлар ҳад – беҳад. Умуман, кўп ёзма манбаларда мутаносиблик йўқлигидан бўлак улар бири иккинчисини тўлдирадиган даражада эмас. Бир мисол. Энг иқтидорли тарихчилар ҳам Комил Хоразмийни Мадрохимхон – I нинг рус хотинидан бўлган ўғил деб юрадилар. Аслида Матнийёз девонбеги бошқа шахс, Ниёзмат (Ниёзмуҳаммад – Комил Хоразмий) бошқа шахс. Бу ҳақда «Хива» журналида батафсил ҳикоя қилинган мақолам чоп этилди.

Бир мулла Ферузни 10 ёшида, иккинчиси 17 ёшида хон бўлган дейди. Ферузни биров 46 йил, иккинчи биров 47 йил тахтда ўтирган дейди. Нуфузли бир одам Сайид Муҳаммаднинг икки ўғли хонлик қила олмагани учун онаси Ферузни хон этиб сайлаган, дейди. Ва ҳоказо.

Ферузни билганларнинг кўпчилиги ҳали тирик. Бу шоҳ ва шоир тарихига бўлган муносабатни ойдиналаштиришга имкон беради. Аёнки, Феруз хон бўлган йиллар мураккаб давр эди. Руслар истилоси... халқларни осойишта сақлаш, тахтни, тилни асраб қолиш, маданият ва маърифатни тараққий эттириш... Фақат Феруздай катта бир шахс бунинг урдасидан чиқа оларди. Ҳа, у ўзидан катта мерос қолдирди. Ўрта Осиё маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган Ферузни хоразмликлар ардоқлайдилар.

Хивада тошбосманинг ташкил этилиши инқилобий бурилиш бўлди. Хоразм олти ярим мақомини тўлдириб, уни «Хоразм танбур чизифи»га муҳраб ноталаштиришнинг ўзи Ферузга ҳайкал кўйишга арзийди.

Кино ва сураткашлик санъати, маданият ва маърифат камолига Ферузчалик катта эътиқод билан ёндошган шоҳлар ва амирлар камдан кам учрайди. У даврдаги мадрасаю, илм масканларида фаннинг ҳамма соҳалари бўйича таълим берилган. Мунис катта улуш қўшган Хоразм адабий муҳитида қарийб юз йил давомида (то 1910 йилгача) эллиқдан зиёд шоирнинг девонлари дунёга келиши адабиёт пойдевори мустаҳкамлиги нишонасидир. Шоирларга биринчи бўлиб шеърининг ҳар сатри учун бир ярим

тийиндан қалам ҳақи тўлашни Феруздек бағри кенг, мушоҳадали ва узоқни кўзлай биладиган ҳукмдоргина амалга ошира оларди. Айни чоқда Феруз сермазмун,, сержило лирик ғазаллар устаси,, Унинг шеърояти ўзига хос жаранга эга. Ғоятда оҳангдор, ўйноқи, дилбар мисралар гўзал тўғуларни, покиза, соф тасаввур оламини ўзига хос салоҳият билан тараннум этади. Чунончи, бир ғазалда шоир: «Тиларман кўзунг фитнасининг мудом омону омону омон, эрур қошларинг ишқ эли қатлиға камону камону камон», деб ёзади.

Ҳар ҳафта икки кун шоир – у, фузало, созанда – ю, гўяндаларни йиғиб, мушоира – ю, муноқашалар ўтказилиши, гўяндаларнинг иқтидорига қараб 1,2,3 – даражали шаҳодатномалар берилиши унинг созга, назмга муҳаббати нақадар юксаклигидан дарак беради. Бу мураккаб шахс ҳақида ёзилганлар, биз ўйлаймизки, дебочадир. Унинг 47 йилдан зиёдроқ давр давомида юргизган сиёсатини ўрганиш ва тарихга битиш илм аҳлига ҳаволадир.

– Албатта салкам ярим аср салтанатни бошқариш камчиликларсиз кечмаган бўлса керак. Сизнингча Ферузни ортиқча мақтаётганимиз, шахсини улуғлаётганимиз йўқми?

– Аксинча, биз кўп андиша билан унинг шахсига ёндошиб, хизматларига юзакироқ қарадик. Аслида Ферузнинг келажак авлод олдида қилган хизматлари юқорида айтганимдай, кўп қиррали ва беқиёс. Уни қанчалик кўп ўргансак, меҳримиз шунча теран бўлади.

– Комилжон, тўғри ҳар ёзувчининг ўз услуби бўлади. Малол келмаса, драмани хийла мураккаб тил билан ёзганлигини боисини муштарийларга изоҳлаб берсангиз.

– Томошабин каби актёрлар ҳам жўн сўзларни ёқтиришади. Чунки ҳеч кимнинг бош қотиргиси келмайди. Лекин Феруз ҳақидаги асарни ўша давр руҳидан ажратиб бўлмайди. Улар ёзган ғазаллар мураккаб, форсий, арабий сўзлар тўла бўлса – ю, сўзлашганларида оддийлашса қовушмайди – да.

– Феруз мавзусини яна давом қилдириш ниятингиз борми?

– Бор. Бу мавзу энди бошланди, деб ўйлайман. Шоҳ ва шоир ҳақида ҳужжатли, бадиий фильмлар яратиш, каттароқ асарлар ёзиш ниятим ҳам йўқ эмас.

– Иншоолло, бу ниятларингизга муяссар бўлгайсиз.

*Сўхбатдош А. Отажонов,  
«Хоразм ҳақиқати» газетаси, 11.05.94й.*

## ХАТЛААР

Комил Авазга

«Қўналға»нинг биринчи китобини ўқиганман. Шукрким, жуда оз муддатга (бунинг учун афсус) қўлимда. Бугун китобга эргашиб келдим.

Шеърый асарми ёки насрий асарми ўқиётганимда шоир ёки ёзувчининг суратига (шу имконият яратилган бўлса) бот – бот қараб қўйиш одатим бор (ғалати – а?) Таржимаи ҳолингиздаги қора кунлардан хабарим бор эди. Мисрама – мисра суратингизга қараб қўйганман (одобсизликка йўйманг) Шоирга ёруғ кунлар тилаганим рост.

Ҳар бир оқибатни рўёбга келтирувчи сабаб бўлади. Ҳозир хотирам панд бермаётган бўлса, 72 – сура эди, шекилли. Билсангиз керак, «Сураи Фалақ». Беш оятдан иборат. Нозил бўлишидан олдин ҳазрат пайгамбаримиз жангда оғир талафот кўрадилар. Ҳасталик даражаларини ҳам оғир сўзи билан ифодаладим. Ана шундай уқубатли бир аҳволда йўли боғланганларнинг йўлини, бахти боғланганларнинг бахтини... очувчи «Сураи Фалақ» нозил бўлади.

«Қўналға»нинг иккинчи китобини ўқиётиб, унинг мумтоз бир оқибат эканига ишондим. «Қўналға», шубҳасиз, кўп авлодларнинг кўзини очувчидир.

*«Оллоҳ ҳар нарсаи билгувчидир»  
Дуолар билан Дурпошша, китобхон.  
10.01.02.*

## КОМИЛ АВАЗГА

Комил ака! Эркин акам (Эркин Аъзам) бекорга ҳаяжонланмаган экан – «Қўналға» пухта қурилган. Агар бу нарса икки дарё оралиғида қолиб кетса, тарихий адолатсизлик бўлади. Насиб этса, сиз «Қўналға»нгиз билан нафақат Туркистонни, балки энг камиди ярим дунёни забт этасиз (ўшанда амир Темурга «товоқ қайтди» бўлади).

Ҳазрат бир ғазалида «бир – бир не дейин, бошдин – аёғинг яхши» деган эдилар. Мен ҳам «Қўналға»нинг яхши томонларини

бир – бир айтиб ўтирсам, вақтингизни бекорга исроф қилган бўлардим. Яхшилари – ўзингизники, айрим мулоҳазалар – меники бўла қолсин.

1. Иккинчи китобнинг биринчи бўлимини ўқиганимдан сўнг («Ёзувчи»нинг апрель сони) хаёлимда «Адашган ит каби Фурқат» жумласи айлана бошлади. Ваҳоланки, «Қўналға»да Фурқат ҳақида гап йўқ эди, бу жумла қаёқдан хаёлимга келиб қолди, ҳайронман. Воқеаларни яқин олган бўлсам керак. Аниқроғи, кўрпанинг бир учини устимга – Фарғонага тортмоқчи бўлдим, шекилли. «Қўналға» линияси билан Фурқатнинг ҳаёти ўртасида ички параллел чизиқ борга ўхшайди. Адашмоқ банданинг бошида бор бўлса, у шахсий фожиа бўлмайди, балки ижтимоий фожиа бўлади. Китобингизнинг вақтли матбуотда эълон қилинган вариантыдан ҳам шундай маъно келиб чиқаяпти. Боз устига, азбаройи жаҳонгирликка даъвагор бўлиб турган асар ҳурмати учун ҳам жўғрофияни Ёркент қадар, замонни XIX асрнинг 90 – йиллари қадар кенгайтирсангиз зиён қилмасди. Замон шундоқ ҳам Феруз даврига бориб уланиб, уланган жойидан учқун чиқиб турибди.

Сарлавҳа қолса ҳам ички қисинишни кенгайтириш керакка ўхшайди. Бунга ҳам потенциал имконият бор – Маматхон бор. Фақат биография географияга, география замонга томон силжиши лозим. Яъни, Баҳоуддин пиримга жой бўшатган Тантиқ бойвачча каби ўрин алмашмоғи керак. Зеро, ўрин алмашсада қиймат ўзгармасди.

2. «Бобурнома»да ҳам ўз жонига қасд қилмоқ ҳолати бор (1502 – 3 й.?) Шу ҳолатни «едириб» юбориш мумкин.

3. Лев Толстойнинг фалсафаси – чучмал фалсафа, ҳатто «Исповедь» ҳам менга ёқмайди. Оқсоқол йўқ жойдан гап топиб, жанжал чиқармоқчи бўлади (Шекспир тўғрисидаги тадқиқотида ҳам шундай қилади). Бироқ, Толстойнинг ҳаёти чучмал эмас, ҳақиқий ФАЛСАФА. Масалан, чамаси, 70 – йилларнинг охирида Ясная Полянага И.С.Тургенев уни зиёрат қилгани атайлаб Париждан келади. Аср чоғи биргаликда овга чиқишади. Толстойнинг ити бор, у итига ишонади. Тургенев битта лойхўрак отади, лекин овчи ит ўша лойхўракни тополмайди. «Тегмаган бўлса керак, сиз овчи эмассиз, милтиқ отишни билмайсиз», дейди Толстой. Тургенев: «Отдим, осмондан тошдай тушаётганини кўрдим», дейди.



Хуллас, иккови аразлашиб уйга қайтишади. Эрта тонгда Тургенев ов қилган жойларига боради. Бута шохига осилиб қолган лойхўракни топиб келади ва воқеани Толстойга айтади. «Агар лойхўрак ерга тушганда ит уни албатта топиб келарди, бутага осилиб қолган қушни нетиб топади», деб итини мақтайди Толстой, шунда ҳам ён бергиси келмайди... Ана шу эпизод Толстойнинг «кундалиги»да ҳам, хотини С.А. Толстаянинг «Хотиралари»да ҳам қайд қилинган. Боз устига, япон ёзувчиси Акутагава «Лойхўрак» номли ҳикоя ҳам ёзган.

Менимча, Раҳим Бекниёзнинг Музахон ити аралашган жойга Толстойнинг ити ҳам сигади. Айтмоқчи, Тургенев ўлими арафасида Толстойга мурожаат этиб мактуб йўллайди: «Рус тупроғининг буюк ёзувчиси, илтимосимга қулоқ солинг, адабиётга қайтинг...», деб ялиниб – ёлборади.

Толстойнинг итига боғлиқ воқеадан овда итнинг вазифаси нимадан иборат эканини қисман англаганман. Лекин, Музахоннинг вазифасини англомай хуноб бўлдим: у фақат салом – алик қиладими?

4. Бутирка турмасига кенгроқ тўхталиш керак, шекилли. Айбнома нимадан иборат? Тергов тафсилотлари – чи? Сўроқ қандай бўлган?.. Гдлян, биздаги анъана бўйича, фақат қораланади. Бу ҳолат ёв қочса, ботир кўпаяр, мақолини эслатади. Аслида қўшиб ёзиш деган гап бўлган – ку. Бу ҳақда 60 – йилларда Абдулла Қаҳҳор «Ҳуснбузар» мақоласини ёзган эди... Балки, Гдлян ўз ваколатини суистеъмом қилгандир? Балки, ҳўлу қуруқ баробар ёнгандир?.. Гдлянга объективроқ ёндошмоқ лозим. Айни чоғда шахсий кечинмалар ҳам объектив бўлса, таъсирироқ бўларди.

Эҳтимол, китобнинг тўлиқ нусхасида бу гаплар бордир, лекин газета нусхасида етишмай турибди.

5. Қум асиригидан халос бўлиш осон кечган. Қутулиш шунчалик осон бўлса, кишининг ўлим билан юзма – юз келиши шартмиди? Менимча, қутулиш билан боғлиқ деталлар қуюқроқ бўлиши керак. Уша ҳолатга яна қайтсангиз, яхши бўларди.

6. «Кўналға» роман – эсседан кўра, роман – тадқиқотга кўпроқ тортаяпти. Ёки роман – репортаж. Майли, буниси муҳим эмас. Ахир, «Ўлик жонлар» дoston – ку!.. «Роман» деб қўйиш керак, вассалом. Майли, одамлар ҳаётидан олинган бўлаверсин.

Давомида Томас Вульфнинг «Домой возврата нет» романида ҳикоя қилинган воқеаларга ўхшаш муносабат содир бўлиши кутиляпти. Яъни, «Қўналға» ҳам ўзбекнинг номидан ЖАҲОНГИРЛИКка интиляпти... Сезиб турибман. Иншооллоҳ, «Қўналға»нинг сафари бехатар бўлмай!

Комил ака, сиз қора меҳнатдан қочмас экансиз, пичоқни аввал ўзингизга уришдан ҳам қўрқмас экансиз. Менимча, Хемингуэй: «Ёзувчи ҳалол бўлиши керак!» деганда Сизни назарда тутган бўлса не тонг!

Соғ бўлинг!

*Ҳурмат билан, муҳлисингиз Набижон Боқий.  
2002 й. 24 июнь Дўрмон.*

## НАБИЖОН БОҚИЙГА

Набижон! Узр, хатингизга кечикиб жавоб қайтаряпман, нега десангиз, икки варақли битикингизнинг ўзи бир мўъжазгина асар бўлибди. Ўқиб, бағоят маъмулу маъмун бўлдим. «Қўналға»да сидқидилдан меҳмон бўлибсиз, ташаккур! Асарни жаҳонгирликка даъвогар дея билдирган фикр – мулоҳазаларингиз бошим устига. Кўрпанинг бир учини устингизга – Фарғонага тортмоқчи бўлганингиз мени хурсанд қилди. Билҳақ, «Адашган ит каби Фурқат»нинг фожеи қисмати ўрис босқинчилари «туҳфа» қилган ҳийла қурбони, мажбурий ватанжудоликда, яъниким, сиз айтмоқчи ижтимоий фожеадир. Демак, замон тақозаси ила адданмоқ ва адашмоқ фожеи ҳудуди кенгайтирилса, асар баҳона Ёркентни ҳам зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлар эканмиз, раҳмат.

Бу биринчидан, сиз ёзган мулоҳазаларнинг иккинчиси Бобурнинг йигирма ёшлар чамаси ўз жонига қасд қилишини «едириб» юбориш. Бунга кўп ўйладим. Бобур: «Киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак. (Агар сад сол мони вар яке рўз, бибояд рафт азин қоҳи дилафрўз) Ўзумни ўлумга қарор бердим», дея жонига қасд қилиш учун боғ гўшасига боради, оқиб турган сувда вузу (юз – қўлини ювиб) таҳорат олади – да, икки ракат намоз ўқийди, сўнгра бошини муножотга қўйиб, тилак тилаган чоғи кўзи уйқуга кетади ва нурафшон туш кўриб, хушҳоллик ила уйғонади. Дарҳақиқат, менинг жонимга қасд қилиш

ҳолатим билан Бобурнинг жонига қасд қилиш нияти ҳибс билан, асирлик билан боғлиқлигида қандайдир ажиб бир тилсимий муштараклик борга ўхшайди.

Учинчидан, асосан хатимни кечикиб ёзилишига бош сабаб, жаҳон адабиётидан неқадар билимдонлигингиз боис қаламга олганингиз Акутагаванинг «Лойхўрак» ҳикоясини ва шахсий кутубхонамдан тополмай, Томас Вульфнинг «Домой возврата нет» романини ўзингиздан олиб қайта бошдан ўқиб чиққаним бир тараф бўлса, Гоголнинг «Ўлик жонлар»ини дostonлигини тилга олганингиздан, ҳозирда унча эсга олинавермайдиган ХҲ аср испан адабиётида пайдо бўлган «плутовской роман»ларни яна бир бор ўқиганим бўлди, негаким, у романлар таҳлилида ҳам «Ўлик жонлар» шу жанр билан қайд этиб ўтилади.

Тўртинчидан, Гдляну, ўша давр муҳити, албатта, «Ёзувчи»да тўлиқ берилмаганини ҳисобга олганингиз тўғри бўлган, чунким, газитда, ҳали туталланмагани устига қисман қисқартирилиб босилгани ҳақ. Энди, ҳибс, турма азоблари, жаҳаннам даҳшати ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан. «Пахта иши» биз учун кўп қийин бўлди. Некрасов деярли айтганидек: «Ёмон даврлар бўлган, лекин бу қадар қабих бўлмаган.» Шуларни барисини сиз айтмоқчи, объективроқ ёритишга интилдим.

Бешинчидан, «Қум асирлигидан халос бўлиш осон кўчган», деб ёзибсиз. Шу ўринда бир ривоят эсимга келади. Дунёда шундай нарсалар борки, олсанг ҳам хафа бўласан, олмасанг ҳам. Ровийлар ривоят қиладиларким, қайси бир мамлакатнинг подшоси алмашиб, янги ҳукмдорнинг зулмига чидамаган бир тўба одамлар бошқа мамлакатга бош олиб кетишга шайланибдилар. Улар танлаган мамлакат эса, тоғнинг нариги томонида экан ва билагон бир йўл бошловчи билан тоғнинг зимақон ғоридан ўн кунда ўтса бўлар экан. Бошловчи уларни раъидан қайтариш учун, йўл азобларию йўлда учрайдиган илон – чаёнларнинг даҳшатигача тушунтирса ҳам одамлар ўз аҳдларидан қайтмабдилар ва кўп илтижолар эвазига розилик берган бошловчи билан йўлга тушибдилар. Йўл бошловчи тушунтирганидан ҳам ўн чандон азобларга дучор бўлиб бора ётсалар, юришнинг тўққизланчи куни уларнинг оёқлари остида майда тошлар пайдо бўлиб, товуларини шила бошлабди. Бу янглиг бешафқат азобга чидамаган одамлар яланг оёқлари остидаги тошларни қаттиқ қарғаб, сўка бошлабдилар. Шунда йўл

бошловчи: «Сиз бу тошларни сўкманг, ундан олсангиз ҳам хафа бўласиз, олмасангиз ҳам», дебди. Одам табиати қизиқ – да, бари – бир, сўкиб бораётган тошлардан кимлардир базўр энгашиб, бир – иккитани олиб киссаларига солибди, кимлардир сўкишда давом этиб, қарғаб бораверибдилар. Йўл бошловчи айтганидай сафарнинг ўнлаанчи куни одамлар ўлар ҳолатда ғордан чиқишибди. Куёш чарақлаб, диларга хушлуқ бахшида этувчи субҳи сабонинг соф эпкини эсиб турган тоғ этагида йўл азобидан афтода бўлган беҳол одамлар Оллоҳга минг қатлаъ шукрларлар айтиб, чўзилиб қолишибди. Ажабким, инсоннинг барча азоб – уқубатларини унутиши учун бир лаҳзалик ором бўлса, бас. Кенглигу ҳузурбахш куёш нурларидан баҳраманда бўлиб, йўл қийинчиликларини унутаетган одамлар ўзларига келиб, бир – бирларини қутлашиб турганларида, товонларини шилган, дунё қарғишларига гирифтор этилган тошлардан бир – иккитасини олганлар киссаларини кавлаб, чиқарсалар, не кўз билан кўрсинларки, кафтларида гавҳар тошлар куёш нурларида ялт – ялт жиллол бериб турибди. Шунда йўл бошловчи айтгандай, олмаганлар, оқ уришган олмадик деб, олганлар, оқ уришган нега оз олдик деб... Адашиш фожеаси даҳшатидан бирдан қутулишим, пешонамга теккан куёшнинг халослик нурлари боис ўлим билан юзма – юз келишдек улкан бахтсизликни чиппакка чиқарган бўлса не ажаб. Лекин, барибир, ўша ҳолатга яна бир бор қайтсам ёмон бўлмас.

Набижон, яхши одамларнинг суҳбати – ю, фикр алмашувлари ҳам худди гавҳар тошга ўхшайди – суҳбатлашмасанг нега суҳбатлашмадим деб, қанча суҳбатлашасанг ҳам нега оз суҳбатлашдим деб хафа бўласан. Сизнинг хатингиз ҳам менинг дил мулкимга айланди. Балки, хабарингиз йўқдир, «Қўналға»нинг 1,2 – Китоблари «Хоразм Маъмун Академияси» нашриётида чоп қилинган. Яхшидан шарофат деб шунга айтадилар – да, ҳали буткул тугалланмаган битигимга шунчалар ихлос ила ёндошиб мени деярли охирлаб борган 3 – Китобни битказишдан, тўхтатдингиз, албатта, бу яхши маънода. Айтганингиздай, «Қўналға»ни яхлит бир китоб қилсам, жуда яхши бўлжак. Қарийб тайёр бўлган учта китобни яхлит бир роман қилиш эса, ўзингиз яхши биласиз, айтишга осон, валекин баҳоли қудрат уриниб кўраман.

Набижон, ҳар китобни бир тун деб олсам. Аввалги бир адашганимни, унда бир оқшом тунаб, эртасигаёқ майдалаб ёққан

ёмғирдан рутубатли осмон андак очилиб, йўлимни тезда топиб, қумдан чиққан им воқеасини, яъни 2 – Китобда тасвирлаганимни «Биринчи» тунга сиғдирсам, ахир андишали бўлганим билан, худди маст одам мен маст эмасман дея даъво қилганидай, мен адашишим мумкин эмас деганим билан, қум, сахро, овчилик жарёнида ҳар қандай феъл – атвор ҳам табиат қонунлари билан уйғунлашиб кетиши табиий. Иккинчи тун – 3 – Китоб ва Учтинчи тун – 1 – Китобнинг асосий воқеаларини ўз ичига олади.

Бу фикр, албатта, хатингизни ўқиганим заҳоти келгани йўқ. Кўп ўйладим. Шунинг учун Сизга дарҳол жавоб ёзолмадим. Шу ўтган ойларда борлиқ воқеаларни бир неча бор хотири хутуригда жонлантирдим ва юқоридаги қарорга келдим. Балки, ёзиш жарёнида яна ўзгарар. Роман яхлит ҳолда тайёр бўлгач, мусаввадасини Сизга, дўстларга ўқитаман, яна фикрларингизни оламан, нашр қилишга қолса, кейин бир гап бўлар.

*Сизга чуқур эҳтиром ила Комил Аваз  
10.10.02. Хоразм.*

## ТҲЙХАТ

### Муҳтарам Эркин Комилов!

Сиз билан танишлигимизга бундай йил қарийб қирқ йил бўлади. Худди кечагидай. Ундаям ҳозиргидай айни ёз, фақат Амударё бугунгидай сокинмас, пишқириб оқиб ётган эди. Балки, ёшлигимиз, мамлакатимизнинг машҳур одамлари билан учрашувимиз боис, ён атрофимизда бари нарса тароватли, жўшқин бўлгандир. Эсингиздами, яқшанба эди. Саъдихон ака Табибуллаев, Қудрат ака Хўжаев, Хожиакбар Нурматов ва Сизни ҳозирда Ўзбекистон халқ артисти Мадраҳим Бобожонов бошлаб келган.

Мен Янгбизор пахта тозалаш заводида директор бўлиб ишлаётганимдан сизларни шу ерда кутиб олдим. Эрталабдан кайфиятимиз баланд, худди минг йиллик танишлардай сўрашиб, Амударё соҳилига жўнадик. Биласиз, хоразмликлар меҳмонни қишда қум, ёзда Амударё сайрига олиб чиқади.

Сайр ҳам, саёҳат бир саргардонлик. Аммо сайрдан сайрнинг, саргардонликдан саргардонликнинг фарқи бор. Қуёшнинг

эрталабки забтидан куннинг иссиқ бўлиши, нафас олиш андак мушкулдай эди. Юқорида айтганимдай, илк кўришишимизда артистона хушлуқ ила сайрга отланган бўлсангизлар ҳам, барибир, дарё соҳилига етганимизча, қалин тўқайзордан ўтиб боришимизда нафасни қайтарувчи Тўрангил ҳиди аралаш иссиқ ҳаводан бир – бирларингиз «бу не сайр? Азобнинг ўзи – ку!» дегандай, менга сездирмаганча, сизларни бошлаб келган Мадраҳимга норози боққанларингиз мени ташвишга солмагани ҳақ, чунки бу йўллар диққинафасининг вақтинчалигини менгина биламан, холос. Тўқайдан чиқишимиз билан бизни пишқириб оқаётган қадимий Жайхун ва дарё четида эгарланган отдай, ёзиғли дастурхон билан мўжазгина соябонли пароход кутиб турарди. Ушандаги завқу – шавқни сўз билан тушунтириб бўлмас.

Биз Амударё оқими бўйлаб қуйига, Орол денгизи тарафга сузиб кетдик. Худди шундай пароходда Гурлан томондан, туман раҳбари Хударган ака Раҳимовнинг меҳмонлари – Олим ака Хўжаев бошлиқ театрингиз ходимлари сузиб келаётган эканлар.

– И – е, – ўзимизникилар – ку!, – дея Қудрат ака қувнаб кетдилар.

Узоқ вақт кўришмаган одамлардай қўл силкишиш билан саломлашиб, ўтиб кетдик.

Эркинжон, биринчи танишувимизни бу янглиғ майда – чўйда тафсилотлари билан эслаётганим сабаби, шу дарё сайрида мен Сизни, санъатимизнинг келажакдаги бўлғувси улкан намояндасини кашф этдим. Бу баландпарвоз гапмас.

Кечагидай эсимда, аввалига, суҳбатимиз унчалик қовушинқирамади. Анча жойгача жим кетдик. Дарёнинг икки соҳилидиги қалин тўқайзордан турфа сайроқи қушларнинг маст қилувчи нолалари, ҳавонинг бу қадар мулојимлашиб қолгани баробарида ширин суҳбатга интиқдай, дарёнинг анчайин сокинлашгани бизни хаёл дарёсига тортди чоғи, ўртада ажиб, маҳобатли жимлик суҳбатга изн бермас, ўзгача тароват, ўзгача шукуҳ ҳукмрон эди.

Ва ниҳоят Қудрат ака жимликни сал силкитдилар:

– Бедил: «Оламеро улфати жисм аз адам дилгир кард, Бар қафас парварда беруни қафас танги кунад». Қарангки, одамнинг жисми йўқликдан оламга келиб, унга улфат бўлишдан хафа, қафасда парвариш топган одамни қафасдан ташқарида яшаши танг қилади. Демак, вақтинчалик дунёга кўнгил қўйиб яшаган

одамнинг бу оламдан кеттиси келмайди ва ҳар қандай забунликка, нотавонликка ҳам чидаб яшайди.

Қудрат ака «бу гапларга ҳали сизларнинг тишингиз ўтмайди», дегандай негадир менга қарадилар. Балки, менга шундай туюлгандир. Чунки, боқишларида нозик мубҳамлик бордай туюлди. Суҳбатнинг бундай тус олиши, сайр кўтаринкилигини андак сўндириши табиий. Мен мезбонман. Суҳбат мавзуини буриш лозим. Бироқ, у кишининг суҳбатини давом қилдирмаслик одобдан ҳам эмас. Қаердан ҳам журъат келди:

— Огаҳий ҳазратлари:

*Чу бағринг умрлар қон айлабон лаъл айлагинг ҳосил,  
Жафо метин кўксинг қилса чок инжилмоғил, э жон—*

демиш байтларида ажиб бир ҳикмат бор, — дедим. Қудрат ака бирдан сергакланиб, менга юзландилар. Мен кўзимни қирп эттирмай, дарё оқимидай сал шаштли, сал сокин тақовулда давом қилдим. — Метин — тош йўнадиган теша. Умр мобайнида бағрингни қон қилиб лаъл йиғдинг, қонга айланган кўксингни жафо тешаси чок этса, (ёрса, яраласа) инжилма. Метин зарбасига чидамоқ даркор. Кўксинг — қондан лаъл чиққани учун фахрлан.

Ривоят қилишларича, лаъл тоғда кўп йиллар мобайнида сизиб чиққан қизил қонга ўхшаш ширадан ҳосил бўлар экан. Бу борада Хўжа ҳофиз Шерозий яхши айтганлар:

*Гўянг санг лаъл шавад гар мақоми сабр,  
Оре, шавад, валекин ба хуни жигар шавад—*

яғни, дерларки, тош лаъл бўлади сабр мақомида. Тўғри, тош лаъл бўлади, валекин жигар қони билан, кўп риёзат ва машаққатлар билан бўлади. Оламнинг бору йўғи, кўксиде лаъл ҳосил қилган одам олдада яксон бўлади, осойишу коми — мақсади ушалади. Комил инсоннинг насибаси — орзу ва ниятига етгандир.

Ана шундан кейинги бир нафас жимлик шуқуҳини то ҳануз илиқ меҳр билан эслайман. Кейин суҳбатимиз, базмимиз шундай ҳам қиздики, буни фақат сизу биз ўзга бир ардоғ ила эслаб келамиз. Шу суҳбат боис, бетакрор санъат пешвоси Қудрат ака билан дўст бўлиб қолдик. Бирга Семашко номидаги

соғломлаштириш санаторийсида даволандик. У киши ёзган пиесаларни ўқидим. Борди — келдимиз баравж бўлди.

Эркинжон, ўша танишув байроғини икковимиз то бутунгача меҳр — муҳаббат ила баланд кўтариб келяпмиз. Ёшимиз қарийб тенг бўлишига қарамай менинг исмимдан келиб чиқиб, сиз мени ота дейсиз, мен эса, сизга жавобан, ўғлим дейман. Ёзилишиб кулишамиз. Бу кулгимиз замирида самимий бир содиқлик бор. Негаким, мен нима ёзсам, диққат билан ўқиганингизни айтасиз, мен сизнинг ролма — рол юксалиб келишингиздан қувонаман. Ўшанда кўнглимга туйганимдек, улкан санъаткор бўлиб етишдингиз. «Гирдоб»ни кўрган кунларимдаги қониқишларим, «Келинлар қўзғолони»даги радио мухбири бўлиб ишлатган топилдиғингиздан суюнганларим ўзи бир дунё.

Миллий театримиз саҳнасида, кино ва телевидениеда ўйнаган ролларингиз, радиода чиқишларингиз, дубляжларда овоз беришларингиз тафсилотларини-бир — бир битсам катта дoston бўлади. Балки, бунга ҳожат ҳам йўқдир. Сиз Ўзбекистон халқ артисти — халқнинг ҳақиқий артистисиз. Шунинг ўзи борлиқ бўй — бастингизни намоён этади.

Лекин, Сиз билан бўлган кўп суҳбатларимдая фақат биттасини келтирмоқчиман. Бу суҳбат баҳона Сиз бу юксак унвонга, халқ олқишига бежиз мушарраф бўлмаганингиз ярқ этиб очилади, деб ўйлайман. «Бой ила хизматчи»ни тайёрлаш борасидаги суҳбат. Эсладингизми? Баракалло! Мана сиз нима деган эдингиз:

— Шукур акам, Шукур Бурҳон, (устозингиз овозида) «Сен F офурни ўйнасан. Анову холли қиз (Гулчехра Жамилова) Жамилани ўйнайди. Мен Бойни ўйнайман», дедилар. Хуллас, репетициялар бошланди ва Шукур акам хасталаниб қолдилар. У кишининг даъвати билан репетициялар уйларида бўладиган бўлди. Бир репетициямиз вақтида, мен — Фофур Жамилага уйлангач, бой — Шукур акам мени ҳузурларига чақирадилар. (Ўрнингиздан туриб, ҳаракт билан кўрсата бошлайсиз) Устоз диванда ёнбошлаб ётганларича мени чақирадилар. Кираман, қарасам қўллари пешоналарида. Менга қарамай: «Қайт, қайтадан киргин!», дедилар. Ҳеч нарсага тушунмай қайта кирдим. Яна шу гап: «Қайт, қайтадан киргин!» Олти маротаба бу гап қайтарилди. Еттинчи марта киришимда, ташқарида турган Гулчехра: «Нима гап, нима бўлди? Сабабини сўранг, нега ҳар сафар қайтариб чиқараяптилар?», деди.



Устоз яна қайт деган эдилар, қимтинибгина: «Ахир устоз, менга қарамай қайт дейсиз» деганимни биламан, ўзларининг қаҳрли, аммо мулойим оҳангларида: «оёғингда ҳолат йўқ», дедилар. Ана холос. Қотиб қолдим. Оёқда қандай ҳолат бўларкан деб ўйлашимга ҳам фурсат бермай: «Бундоғ ўтир. Сен менинг хонадонимга келганигда саккиз ёшда эдинг. Ҳозир ўттиз саккиз ёшдасан. Ўттиз йил бўлибдики, шу хонадондан туз ейсан. Отанг қилмаган яхшилиқ қилдим. Тўй қилиб, чиройли, оппоқ бир қизни кўйнингга солиб кўйдим. Сен бугун менинг олдимга тўйдан кейин раҳмат айтишга кираяпсан... Хўш, қандай кириб келишинг керак? Сезяпсанми? Сен инқилобий қадам ташлаб кираяпсан! Бунга сен қандай журъат қиласан? Бундай киришинг мумкин эмас! Аста киргин, қадаминг саси эшитилмасин! Уқдингни? Кейин мен розимисан деб сўраганимда, тиз ташлаб шундай ташаккур изҳор қилки, кўзларинг ёшлансин», дедилар Сунг устоз айтганларидай, оёғим учида аста юриб кирдим ва бой отага раҳмат айтар чоғим шундай йиғладимки, ҳеч ўзимни тўхтатолмайман, десангиз. Шукур акам ўринларидан туриб, бу бошқа гап деганларидай қониқиб, бошларимни силадилар.

Сиз шу воқеани биз дўстларингизга айтаётиб ҳам йиғладингиз. Менинг этларим жимирлаб кетди ва санъат оламининг машаққатли, бироқ ардоғли меҳнатига иймон келтирдим.

Бугун олтамиш ёшга тўлаётган кунингиз Сизга ва оилангизга бахт тилайман. Илоийм умрингиз узун, соғлигингиз мустаҳкам, ижодий парвозингиз бундан – да сарбаланд бўлғай! Қимин. \_

**Комил Аваз**

## МУНДАРИЖА

### ҲИКОЯЛАР

Тонг эпкини .....	3
Ёзғит .....	10
Суҳбатдош .....	21
Киракаш .....	29
Қоракўз .....	37
Тобут устида мушук .....	43
Кўзёриш .....	52
Ибриқ .....	62
Икки кўша рўмол .....	71
Бир нафас ҳузур .....	76
Ит .....	92
Нарвон .....	99
Чидам .....	107
Ҳордиқ .....	112

### ЭССЕЛАР

Комил Девоний .....	116
Қавий қалб қалови .....	152
Баҳрамандалиғ саодати .....	158
Унутилмас лаҳзалар .....	169
Улуғ биби .....	176
Бир умр – бир дунё .....	181
Ҳақиқатбин .....	208
Умидли дўст эди .....	213
Эътиқод .....	219
Танишув .....	229

## МАҚОЛАЛАР, СУҲБАТЛАР

Хоразм адабиёти .....	237
Ҳақиқат ва рӯё .....	241
Огаҳийнинг Навоийга мухаммасми борми? .....	246
«Суворий»ми .....	253
Саҳна сарвари .....	255
Навосоз дил навоси .....	258
Қуромбойнинг боғи .....	261
Фикринг пок бўлсин .....	266
Истасам .....	268
Ўчмас зиё .....	275
«Сувора» .....	279
Комил Аваз ҳузурида .....	284

## ХАТЛАР

Комил Авазга .....	287
Набижон Боқийга .....	290
Тўйхат .....	293

**Комил Аваз**

**ТОНГ ЭПКИНИ**

**(Ҳикоялар, эсселар, мақолалар,  
суҳбатлар, хатлар)**

**Муҳаррир Неъмат СОЛАЕВ**

**Мусаҳҳиҳ Феруза ҚУВОНОВА**

**Бадий муҳаррир Гулшан ЭРКАЕВА**

**Саҳифаловчи Евгений ЦОЙ**

Босишга рухсат этилди 17.06.2006 й. Босмахонага топширилди 19.06.2006 й.  
Бичими 60x84 1/16. Офсет босма. BaltikaUzbek гарнитураси.  
Босма тобоғи: 18.75 Адади 1000: Буюртма № 26.  
Баҳоси шартнома асосида.

**•МАКТУБОТ-PRESS• МЧЖда тайёрланди.**  
Тошкент, 700113, Қатортол кўчаси, 60.